

ВЛАДИМИР САНГИ

# КЕВОНГЛАР УЙЛАНИШИ

Роман

---



ТОШКЕНТ

---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1982

Редколлегия

С. О. АЗИМОВ, Б. БОЙҚОВИЛОВ, И. ҒАФУРОВ, ҲАМИД ҒУЛОМ, З. И. ЕСЕНБОЕВ, В. Й. ЗОҲИДОВ, ЗУЛФИЯ, М. ҚУШЖОНОВ, МИРМУҲСИН, Н. САФАРОВ, Р. А. САФАРОВ, Р. ФАЙЗИЙ, П. ШЕРМУҲАМЕДОВ, О. ЁҚУБОВ, К. ЯШИН (Редколлегия раҳбари).

СОАТ МУСАЕВ, ЭРКИН АЗИМОВ  
таржимаси

**Санги, Владимир.**

Кевонглар уйланиши: Роман /Редкол.: С. О. Азимов ва [бошқ.]; С. Мусаев, Э. Азимов тарж.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.— 192 б.— (Дўстлик кутубхонаси. СССР халқлари прозаси.)

Таниқли нивх ёзувчиси Владимир Сангининг ушбу романида революциядан олдинги Узоқ Шимолда яшаган элатларнинг фоживий ҳаёти, капиталистик муносабатлар таъсирида кўплаб уруғ, қабилалар йўқ бўлиб кетиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Санги, Владимир. Жениъба Кевонгов. Роман.

С(Сиб)

С  $\frac{70303-192}{M 352 (04)-82}$  112-82 4702450000

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й.  
(Таржима.)

*Уғлим Позвейнга, Москвада туғилган биринчи нивхга бағишланади.*  
Автор

## I боб

Муз кўчган кунлари манзилгоҳда иккита болта бор эди. Агар Наукуннинг ҳозирги ношудлиги бўлмаса... Кевонглар уруғининг оқсоқоли, сочлари сийраклашиб қолган кекса Касказик ўғилларига ходалар тайёрлашни буюрди. Сулаймон балиқларнинг уруғ ташлаш учун юқорига ўриш кезлари яқинлашаётган бўлиб, унгача ходалар офтобда селгиб, шираси қуриб тургани маъқул эди. Ака-ука Наукун билан Икилак манзилгоҳ орқасидаги жарлик этагига йўл олишди. Бу ердаги дарахтзор ўртасида хушбўй багульник ва мўрт голубицалар узра ям-яшил тилоғоч нав-ниҳоллар қад кўтарганди. Дарахтлар ингичка, сарв, баланд-баланд. Ака-укалар шошилмай хушқад, баланд дарахтларни саралаб кесишга киришишди.

Икилак дарахтларни кесиб, пўстини шилиб бўлаёзган ҳам эдики, қулоғига кескин жаранг-журинг овоз чалинди. Кетма-кет надоматли қичқариқ ҳам эшитилди. Икилак бирор кор-қол бўлганини сезиб, акаси ҳузурига чопиб борди. Наукун болта дамани кўздан кечираётганди. Оталари бу кескир болтани ўтган йили иккита қимматбаҳо тулки терисига айрибош қилиб олганди. Мана энди ўша болтанинг нақ ярми синиб тушди.

Кечқурун ака-укалар уйга қайтишгач, Наукун ака сифатида қилинган ишни отасига айтди.

— Йигирмата бўлди,— деди у бошини қуйи солиб. Наукун бармоқлари билан кафтига ёпишган ширани думалоқлаб ишқалар эди.

— Бўпти, етади, дарё оролчасида ўтган йилгидан қолган саксонта хода бор. Бу ерда ҳам аввалги олтмиштасига йигирмата янгиси қўшилипти. Бас.

Ака-укалар бошларини эгиб тўришарди. Чол сергакланди. Ҳамма нарса жойида шекилли. Қаттиқ ишлашибди. Хўш, нима гап ўзи? Шу пайт чол дами чўрт синиб тушган болтани кўриб қолди.

— Хаҳ! — чол шартта ёнида турган йўғон таёқни олиб, Наукуннинг елкасига туширди. Наукун ёгилган калтакка чап бериб, орқасини ўгирди. Бироқ ота яна бир калтак урди холос.

Чол болтани дарёга улоқтириш ниятида Наукуннинг қўлидан тортиб олди, аммо кейин фикридан қайтиб, болта дамани диққат билан кўздан кечира бошлади. Синган жойда қумоқ-қумоқ зарралар ялтираб кўриняпти. Сирти силлиқ металлнинг ичи майда зарралардан прессланганга ўхшайди. Бундан ҳайрон бўлган Касказик болтани қўлтиғига қистириб, то-раф<sup>1</sup>га йўналди.

Эрталаб чой ичиб ўтиришганда ота:

— Энди уйқунгларда ором бўлмайди, — деди.

Сўнгра у қирғоққа бориб, чўк тушди-да, ағдариб кесилган терак бўлаклари қанчалик қуриганини синчиблаб кўздан кечирди. Утган ёз ўғиллари баҳайбат дарахтни кесиб, иккига бўлишган, бир бўлаги етти қулоч, иккинчиси беш ярим қулоч келарди.

Охота денгизи соҳилларида яшовчилар катта қайиқни яхши кўришади. Уларнинг ўз чамалари бор. «Ў-ў, яхши қайиқ экан, — дейишади улар ва мўлжаллаб кўришади — учта катта тюлень ва яна иккита нерп<sup>2</sup> сизгаркан». Касказик бўлса биронта ҳам ёриқ жойи йўқ яна иккита яп-янги қайиқ олиб келгани бўлсин. Денгиз ёқасидаги нивхлар Касказик ясаган қайиқни кўришмаганига анча бўлди. Бироқ одамлар унинг қайиқларида музликлар орасига борганларини ҳалигача эслаб юришади: энгил, учлари қайрилган, нишаб ёнбоши паст қайиқлар тўлқинга бемалол бардош берар, қаттиқ шамол вақтида ҳам оғмай, тўлқинларни кесиб, эшкак эшувчининг измига бўйсунгучиди.

Ҳадемай балиқ ови мавсуми тугаши билан Касказик туманли денгиз соҳилига иккита янги қайиқни олиб келади. Денгиз бўйидаги кексаю ёш ҳамма Тимидан келган нивхларни кўриш, уларнинг қайиқларига ҳавас билан боқиш учун югуриб келишади. Йўқ, Кас-

<sup>1</sup> Т о р а ф — нивхларнинг қишқи, асосий турар-жойлари.

<sup>2</sup> Н е р п — денгизда яшовчи тюленсимон ҳайвон.

казик соҳилда тўхтаб қолмайди, дарров оқсоқолнинг ке-раф'ига киради.

Ўғиллар бир ойча дарахт бутаб чопишди. Бу орада уларнинг онаси Талгук қичитқи ўтдан ёйма тўр ясаб қўйди. Ўтган ёзда у қичитқи ўтларни ўриб, боғ-боғ шамолга осиб қўйган эди. Боғламлар анчагина бўлгани учун улар тўртта ходани эгаллади. Қишда кун доимо қисқа бўлади. Талгук юмушлари кўп бўлишига қарамай, вақт топиб тўзган тўқималардан ип пишитарди. Талгук узоқ ўтириб, қоронғи тушганда ҳам ипнинг йўғонлигини сезгирлик билан аниқлаб пишитар эди.

Ота эса янги хаслар — ютола учун каркасли илгалар ясар ёки бўрон шикастлантирган эскиларини тузатарди. Дами синиқ болта қаттиқ қийнаб қўйди уни. Касказик дарё шағаллари орасидан танлаб олган бир нечта йирик тошдан қайроқ ясовди. Болтанинг синган дами қайралмайдигандай туюларди. Аммо миришкор чол барибир қайради. Нимжон брусника бутаси мўъжаз, думалоқ-думалоқ, ним қизил гул чиқарган куни чол қўлида ўша болтани тантанавор тутиб турарди. Болтанинг дами хиёл ихчамлашганди холос. Дарёнинг саёз жойларида дастлабки оқиш сулаймонбалиқлар пайдо бўлган кезлар чол ўғиллариға баҳайбат ёғоч тоғораларни дарё суви билан тўлдиришни буюрди. Чунки шундай қилинса, тоғоралар шишиб, ёриқлари бекиларди.

Бир неча кундан кейин Кевонглар узун ёғоч тоғоралардаги сувни тўкиб ташлаб, олдиндан ҳозирлаб қўйилган қуруқ тахтакачларни ҳафсала билан бир текис қоқа-қоқа қайиқ ясашади. Хонаки қайиқлар ёзнинг охиригача офтобда селгийди, шундан кейингина чол ўткир болта билан қайиқнинг четлари ва ичини тарашлайди, қуйруқ томони ва тумшуғи расмана кўриниш олади.

Ака-укалар ишни тамомлаб, қаварган қафтлариға юмшоқ отқулоқ барги босишди-да, пўстлоқ билан боғлаб қўйишди.

## II боб

Куз келгач, Касказик бурчакдан латтаға ўроғлиқ ўша дами анча қийин қайралган болтани олди. Ўғиллариға балиқ тутишни буюриб, ўзи қайиқларға унналди.

<sup>1</sup> К е - р а ф — ёзлик уй.

Наукун ва Икилак янги тўрни эски хонаки қайиққа солиб, Тими дарёсининг саёз ерига йўл олишди. Кево манзилгоҳидаги одамлар теварак-атрофни беш бармоқдай билишарди; дарёнинг ҳар бир бурилиш жойини ва ҳатто қирғоқлардаги буталар, сайёзликдаги тошларни ҳам кўз юмиб айтиб беришарди.

Икилак қайиқнинг тумшиғида туриб, ходани силтар, қайиқни тез оқар сувда эпчил бошқарарди. Дарё қийиқни ўз гирдобига тортмоқчи бўлар, лекин йигитча хушёрлик қиларди.

Хола қадоқ қафтларга оғритиб ботарди. Қайилиш жойларда Наукун ҳам ходани ишга сола бошлади. Икки қайилишдан кейин, Комр-ах бурнидан ўтгач, узун тилга ўхшаш дарё кўздан йўқолди, сув тошлар остига кириб кетиб, дарё анча саёзлашди. Саёз жойдан нарида ўзан чуқур, сув бир текис оқарди.

Ака-укалар саёз жойдан сал юқорида қумлоқ соҳил ёнига келиб дарёни кузата бошлашди. Анчадан буён ёмғир ёғмай, сув кам бўлгани учун бурун дарёнинг ўртасигача чўзилиб кирган эди.

Бир неча лаҳза ўтгач, Наукун:

— Ана! Ана! Ана! — дея хитоб қилди.

Икилак акаси ишора қилаётган томонга қаради. Тошлар оралиғида, сув оқими йўқолиб, пастга тушиб кетган жойда нимадир шиддат билан ўбуралди. Бу катта ва кучли сўлаймонбалиқ бўлиши мумкин. Наукун атрофига ғолибона қараб қўйди, чунки у сулаймонбалиқ денгиздан келганлигини биринчи бўлиб пайқаган эди. Гоҳ у, гоҳ бу ерда кўзга ташланаётган иона нусха тўлқинлар балиқлар йўналишини билдирарди.

Ака-укалар қувончдан ҳайратга тушиб, индамай туришар, Тими соҳили аҳолиси учун яхши палла — сулаймонбалиқ овлаш вақти келган эди.

Ёйма тўр ташлаш мумкин. Бироқ таваккал иш тутиб бўлмайти: тошлар орасидаги балиқлар саёз жойга келиб тўхтаган тўдаданми ёки уруғ ташлаш жойига ошиқаётган олдинги балиқларми, билиб бўлмасди. Кечки қуёш акси дарёда жилваланар, ёрқин шуъласи билан кўзни қамаштирарди. Ака-укалар бир оз иккиланиб туришди. Албатта, тўр ташлаш, ташланганда ҳам бир нечасини ташлаш мумкин, ўшанда балиқ тутилади. Бироқ тўр янги, ҳали ишлатилмаган эди.

Биринчи ташланган тўрга қанча кўп балиқ илинса, шунчалик ов бароридан келади.

Икилакнинг хаёлига бир фикр келди-да, у қирғоқ-да баланд теракни кўриб, унинг устига чиқиб олди. Юқоридан дарё суви яққол кўзга ташланар, бироқ Икилакка дарё туби одатдагидай кўкиш кўринмасди. Сувнинг таги негадир қора эди. Икилак бир оз вақт дарё туби нега қорайдийкин, деб ўйлаб қолди. Шу пайт тим қора нарса орасидан қандайдир узунчоқ, оқ нарса ўтаётганини пайқаб қолди. Тикилиб туриб кўзи тиниб кетди: балиқлар шундай зич туришардики, орқадагилар лоқал сал олдинга ўтиш учун ҳам олдиндагиларни куч билан нари суришга мажбур эди. Олдиндагилар эса ўткир тишли оғизларини очиб, осонликча жой бўшатмасликларини билдиришарди.

Икилак апил-тапил дарахтдан тушаётиб қўлини шилиб олгани учун қон оқаётган бармоғини оғзига солди, қонни сўриб, сўнг бақирди:

— Балиқ келибди, каттаси!

Ака-укалар ларга<sup>1</sup> тери ёзги камзулларини ечиб, шим почаларини шимариб олишди. Сўнгра эҳтиётлик билан қайиқнинг четидан ушлаб, саёз жойдан нари олиб ўтишди. Наукун арқоннинг учини ушлаб, қайиқни итарди. Арқон анчагина узун, йигирма қулоч келарди. Тўр қалта бўлгани билан арқон узун, тўр ташланганда дарёнинг балиқ кўп жойига бориб тушсин учун шундай қилинарди.

Балиқ эса аксари дарё ўртасидаги чуқур жойда бўлгучийди. Икилак ходани сув тубигача тиқиб суян-гач, ўзини ўнглаб олди. Қайиқ ёнидаги сув қаттиқ чайқалди. Чўчиб кетган балиқлар дув ҳар томонга тирқиради.

Тезроқ тўрни ёйиш керак эди. Бир неча қаттиқ силтовдан сўнг қайиқ қирғоққа бурилди. Тўр орқада қолди, тебранаётган пўкакларгина тўрнинг қаердалигини кўрсатиб турарди.

Ака-укалар тўрни амаллаб ёйишди, бироқ уни чўктира олишмади, чунки балиқ жудаям кўп эди. Дарҳол бирор чора кўриш керак, йўқса, кучли балиқлар тўрни узиб кетиши ҳеч гап эмас.

Икилак акасининг ёнига югуриб бориб, ҳўл, силлиқ арқоннинг учини берди:

---

<sup>1</sup> Л а р г а — нерпанинг катта хили. Тюленга ўхшаш.

— Ушла!

Ўзи эса кийимини ечиб, сувдаги тўрга тушиб олди. Балиқлар қутургандек уни думлари билан урарди. Икилак чуқур томонга қараб борар, қийналиб, ўзини ҳарён ураётган тўдага йўл очиб берарди.

Наукун укаси нима қилаётганига тушунмай, пича анграйиб турди. Кейин гап нимадалигини англагач, бақирди:

— Жинни бўлдингми? Илинган нарсани нега чиқариб юборяпсан?

Аммо Икилак эшитмасди. Эшитганда ҳам барибир ўз билганини қиларди. Агар тўр бут сақлаб қолинса, унда яна кўп балиқ тутишлари мумкин. Шунинг учун Икилак тўрни учидан ушлаб, юқорига тортди.

Тўрда бўғилаёзган балиқлар эркинлик сезиб, ўзларини дуч келган томонга ура бошлади. Бир лаҳза ўтмаёқ балиқлар чуқур сув тубида ғойиб бўлди. Тўр чеккаси тошлар остига бостириб қўйилган жой бир оз кўтарилгани учун балиқлар у ердан чиқиб кетишга интилар эди. Тўрнинг орқасида сув тўлқинланиб кетди, тутқунликдан қутулган балиқлар шартта кенг сув бағрига шўнғирди.

— Етар! Етар! — қичқирди Наукун. Бироқ Икилак қўлларида юқорига кўтариб олган тўрни бир чеккасини ушлаганича турарди. У шу туришида яна қанча балиқни қўйиб юбориш мумкинлигини чамаларди.

Қаёқдандир орқадан катта кумушсимон урғочи балиқ кўринди: боши отнинг калласидек, семиз ва йўғон, тумшуғи қайрилган эди. У йўлида учраган балиқларни четга сура-сура келиб, ўзини зарб билан Икилакка урди. Йигитча чайқалиб, қўллари мадорсиэланди. Урғочи балиқ шалоп этиб очиқ дарёга тушди-ю, нари сузиб кетди.

Наукун ҳаммасини кўриб турарди. У укасини калака қилиб кулди, Икилак бўлса ўзини-ўзи койирди: «Айб ўзимда, вақтида сезмай қолдим, билганимда тўрни ташлардим-да, қўлларим билан қаттиқ чангаллаб, бошидан тишлаган бўлардим. Қанча кемирчаклари, ёғи бор эди-я, эҳ аттанг! Зарбидан баданим зирқираб кетди. Мана буни балиқ деса бўлади; оз бўлмаса ўлдириб қўяй, деди-я», — хайратланарди Икилак.

Укаси фурсатни бой берганлигини кўрган Наукун арқоннинг иккала учини ўзига тортди. Икилак сирған-



чиқ балиқларни боса-боса зўрға қирғоққа чиқарио олди. Наукун укасининг омади келмаганидан куларди.

Тўрни-кў, тортишга тортишди. Аммо у атиги уч-тўрт қулочгина тортилди холос. Яна тўр балиқларга ҳарлик қилиб қолди. Икилак тагин, бу сафар тиззасига гача сувга тушди. У йирик балиқларни думидан ушлаб, қия қум соҳилга отарди. Баъзан шундай катталари қўлга тушиб қолардики, уларни думидан ушлашнинг ўзи машаққат эди.

Қоронғи тушганда ака-укалар овланган балиқларни ҳозирча бўш илгаклар ёнига ташлаб келишди. Бу илгакларга эртага яхшилаб кесилган қизил балиқлар осилади.

Талгук бугун оловни ҳовлида эмас, уйдаги ўчоқда ёқди — кечалари салқин бўлиб қолди, шунинг учун то-раф ичи аста исигани яхши. У эрини овқатлантириб бўлди, ўғилларидан эса ҳамон дарак йўқ эди.

— Ҳатто овқатларини ҳам ола кетишмабди, — деди у секин.

Касказик пинагини бузмас, чол нима ҳақда ўйлаётганини Талгук билмасди. Хийла жимликдан сўнг чол сўради:

— Пичоқларинг қаёқда? Заңглаб кетгандир ҳойнаҳой?

Сўнгги таймень овидан бери ўтган икки ойдан ортиқроқ вақтдан буён пичоқлар латтада ўроғлиқ ётарди. Талгук тугунни тоқчадан олиб ечди.

Касказик пичоққа қўл узатганди, кампирнинг эсхонаси чиқиб кетди. Уруғ оқсоқоли қачондан бери аёллар пичоғини чархлаб бачканалашадиган бўлиб қолган?! У эркакларга хос синган болтани тузатиши мумкин. Аммо хотинларнинг пичоғи билан шуғулланиш...

Касказик узун, камбар, учи қайрилган бу пичоқларни самурай қиличидан ясаган эди. Пўлатни лаққа оқ қайин чўғида узоқ тутиб турган эди. Қип-қизариб, юмшаган пўлатни қайтадан болғалаб чўзган ва уни узун ингичка тасма каби бир қарич-бир қарич бўлақларга бўлган эди. Бўлақлар бир-бири билан барбар эмасди. Битта ўртанчасидан ўзига ов пичоғи ясаб олганди. Энг калтасидан чорак доирасимон, балиқ тангаси шилувчи пичоқ ҳосил бўлганди. Дами ўтмаслашмаслиги учун уни оловда товлаб, кейин совуқ сувга тиқиб олганди. Қолган икки бўлагидан энсиз бўлса

ҳам узун пичоқ чиқди. Бу пичоқлар энг катта балиқларни ҳам ёришга қулай эди. Касказик бу пичоқларни оловда тобламаган, чунки юмшоқ пўлат балиқни яхши кесар, паррак-паррак бўлиб ташларди. Чархлаш ҳам осон. Бунинг устига, тобланган пўлат пичоқ дами тошга тегиши билан синиб кетаверади. Ҳайрон бўлиб турган Талгукнинг кўзи олдида Касказик кат тагидаги тахта қутичани олиб, ундаги ясси қайроқ тошни пайпаслаб топди. Пичоқларнинг дамини қайраш қийин иш эмас. Касказик ўчоқ ёруғида ишга ўтирди, бунақа ишни илгарилари Талгукнинг ўзи балиқни майдалашдан олдин қиларди.

Эрталаб чол болтани қўлга олмади. Ов фасли келган эди. Бундай пайтлар нивхлар бамисоли жазавада бўлишади. Бошқа иштиёқлардан ўзгача бу жазава овчиларгагина хосдир. У чолларнинг сўнган нигоҳларини қайта ёлқинлантиради. Ов фасли ҳатто беморларни ўрнидан турғизади, худди сеҳрлагандай, уларни илҳомлантириб юборади.

Ота-оналари келишганда ака-укалар эрталабки тўр ташлашдан сўнг олов ёнида исиниб ўтиришарди. Чол-кампир билан ит ҳам эргашиб келганди. Касказик икки уйим балиқни кўргач, индамайгина олов ёнига келиб ўтирди-да, ҳеч кимга эътибор бермай ўзича деди:

— Балиқлар уруғ ташлай бошлабди.

Талгук бўлса ўғилларининг ўлжасига ажабланиб қараб, тутилган балиқларни думига қараб санарди. Чол кифт қисиб, хотинининг қимирламай ўтирганидан норозилигини билдирганда кампир ҳисобни юздан ошириб қўйганди. Талгук эри нимани талаб қилаётганини биларди. У ясси заранг товоқ билан пичоқ олиб, йирик урғочи балиқларни ажрата бошлади. Чархланган пичоқ шир-шир кесар, Талгук кетма-кет балиқларнинг бошини оларди. Ҳали пастда балиқлар кўп, икки юзтага борарди. Бошқа уюмдагиси ундан ҳам кўп эди. Талгук ўзича кулиб қўйди, аммо бирдан худди сири фош бўлгандай анграиб қолди. «Вой, ўлмасам, ўзинг кечир, парвардигор. Биламан, хасис бўлиш керак эмас, инъомларингни санаш гуноҳ; инъомларинг озми-кўпми, қанча бўлсаям, барибир сендан доим миннатдормиз. Ўзинг кечир, карамингни дариг тутма».

Талгук балиқларнинг катта-катта бошини муздек сувга ташлар, қалин шилимшиқларни чаққон ювиб,

кесишга тушарди. Ойқулоқ пўстлари, оғиз суяклари ва йирик қайрилган тишларни пичоқда чаққон олиб ташларди. Жағларни ажратарди.

Чой ҳозирча исиб тураверсин. Касказик юпқа, кемирчакли юмшоқ жағ гўшти бўлакларини оғзига солди. Сўнг шишган лунжларини қимирлатиб чайнади, кетидан иккига бўлинган катта кўзларни еди. Чол балиқнинг энг мазали жойи — катта бурун кемирчакларини чайнаётганда чой қайнади.

Ака-укалар ҳам семиз балиқ каллаларини ейишарди. Аммо тезроқ тўйиб олиш учун фақат кемирчакли бурунларни кесишар, оғизларини тўлдириб катта-катта чайнашарди.

Саранжом-саришта Талгук латтада бир чимдим чой ўраб олганди.

Эркаклар тўйишди, кейин ифорли чой ичишди, ўлжаларидан хурсанд бўлишаркан, улар келгусидаги катта ташвишларини лоақал бугунчалик унутишга ҳаракат қилишарди. Бу қувончларнинг устига гулхан томонда тилимланган қизил балиқ пишаётганди. Қизил балиқ оловда яна ҳам қипқизариб, иштаҳали ҳид таратар, селавали ёғи чак-чак томиб турарди.

Талгук қилтаноқ ва қолдиқ бош кемирчакларини йиғиб итга ташлади-да, хаёлан маъбуд Курнга мурожат этди. «Кўряпсанми, нима қилияпмиз. Сенинг инъомингдан биронта қилтаноқ ҳам увол кетмади. Ҳеч қачон карамингдан дариг тутма!»

Талгук овқатланиш тугагини кутиб ўтирмай, балиқ кесишга тушди. Чол чойни бир ўзи ичиб тамомлади, ўғиллар ҳўл тўр билан овора эди. Тўрни йўсинлардан тозалаб, селгиши учун тўсинларга илиш керак. Қичитқи ўт толаси намни ёқтирмайди, тўр ташлангандан кейин ҳўллигича қолдирилса, тез ишдан чиқади.

Ўғиллар дарё бурнида ўн кунгача бўлишади. Сўнгра балиқ юқорига ўриб, уруғ ташланадиган жойга боришдан олдин Пила-Тайхур — Катта Чуқурда туриб қолади: уруғ етилгунча кутади. Она ҳам ўғиллари билан шу кунларни бурунда ўтказади. Унинг ишлари жуда кўп, биронта балиқ исроф бўлмаслиги керак. Саёз жойда тутилган балиқларнинг ҳаммаси ёғлиқ, улардан кўп гўшт чиқади. Ҳар бир биқинни икки, уч бўлак қилиб кесиш мумкин. Юпқа бўлаклар қуёшда тезроқ селгийди, шамол ҳам тезроқ қуритади. Тўғри, Тими водийсида денгиз соҳилларидагига қараганда ёмғир кам

ёгади, бироқ бу ерда ҳам баъзан кўп ёмғир ёриши мумкин, айниқса куз охирларида шундай бўлади. Нам ҳавода балиқ бузилади, яхши қуримасдан, моғорлаб қолади. Буни нивхларнинг ҳаммаси билишади, шунинг учун балиқ қуришти вақтида ҳар бир нивх худодан қуёшли кун илтижо қилади. Тими водийсида ҳар доим қуёш чиқиб тургани учун бу ерларда қуририлган балиқ мазали бўлади.

Қасказикнинг ўғиллари ва хотини қиладиган ишлар кўп. Уларга ёмғирдан пана жой керак. Шунинг учун чол нонуштадан кейиноқ чайла қуришга киришди. Тушлик вақти шох ва хас-хашаклардан ясалган чайла тайёр бўлди.

Чол ўзлари доимий яшайдиган жойга бориб, озроқ нерпа ёғи ва идиш олиб келди. Ўша куни унинг димоғи чоғ эди, фақат хаёлидан: «Худди ёш болаларга ўхшашади, йўл-йўлакай қайиқни ҳам ола келишганда-ку. Энди ўзим боришимга тўғри келади»,— деган фикр кечди.

Икилак онасига ёрдамлашар, илгаклар илинган ходаларни узун дастасидан ушлаб, кўтариб қўярди. Қасказик хотинининг моҳирона бажараётган ишини мамнун бўлиб кузатарди; тилимлар теп-текис чиққан, бирон кесилиб кетган жойи йўқ эди. Бунақа балиқ гўшти қуриганда кўзни қувонтиради. Агар балиқ семиз бўлса, нами тез селгийди. Тасодифан пичоқ тегиб ўйилган ёки нотекис кесилган гўштда намлик узоқ сақланиб қолади. Бинобарин қуришти учун тайёрланган бундай гўшт одатда тез бузилади. Хотини балиқни чиройли кесарди. Унинг қуририлган балиғи доим яхши чиқади. Бунақа балиқни энг азиз меҳмонни олдиға қўйса ҳам бўлади.

Тўрғи селгитиш учун кўтариб қўйганларидан сўнг, Наукун баланд уйим бўлиб турган ўтга чўзилди, қўлларини бошининг орқасига ташлаб, ҳеч нарса ҳақида ўйламай, оқишранг осмонга тикилди. Наукун бугун ҳамма нарса уни аччиғини келтираётганини англади. Балиқнинг жуда кўп келиши ва Икилак дарахт тепасига чиқишга фаҳми етиб, у ердан балиқни кузатиши ҳам, онаси шундай чаққонлик билан балиқни кесиши ҳам мумкин. Отасининг тутилган балиқлардан мамнунлиги ҳам ўғилнинг ғашини келтирарди. Тўғри, отаси на сўз, на имо-ишора билан хурсандчилигини билдирмади. Аммо Наукун отасини яхши билади, у қувонган-

да аксари хаёл суришга берилади, ҳеч ким билан гаплашмайди, гаплашса ҳам фақат хотини билан зарур топгандагина гаплашади. Буни фақат бирдан самимийлашиб қолган кўзи, ўқтин-ўқтин чуқур нафас олишидангина билса бўларди.

Қуёш бота бошлаган, салқин тушганди. Наукун туриб, илгаклар томонга беихтиёр кўз ташлади. Панжараларнинг деярли ярмида янги балиқ гўшти узун осилиб турарди. Наукун ўгирилиб, четга кетди, ётган шохларни жаҳл билан тепди. Икилак балиқ гўшти ва қилтаноқ билан овора. Онаси қилтаноқларда анчагина гўшт қолдириб кетарди. Уларни ҳам офтобга осишади, чунки бу суяклар қишда итларни боқишга керак бўлади... Итларни ҳам падарига лаънат!

Наукун қуриган шохларни топиб, гулхан ёқди.

Кечки чой олдидан эркаклар яна маза қилмоқчи бўлишди. Чол ва ўғиллар ёғли кемирчакларни қурс-қурс чайнаётган пайтда Талгук балиқ юрагини қайнатиб олиб келди. Бу овқат балиқ ови тугагандан кейин, қувончли куннинг охирида берилади.

Кечки гулхан аланглар, уни ўчириб қўймаслик керак эди. Икилак қуруқ шохларни олиб келиб майдалади.

Наукун ҳамон тарқамаган тажанглигини тарқатиш учун:

— Овимиз яна ҳам бароридан келиши мумкин эди. Ҳаммасига Икилак сабабчи, кўп балиқ тутдиг-у, у қўйиб юборди,— деди.

Икилакнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Тўрни узиб кетарди!

— Ҳеч нарса қилмасди, тўр янгийди.— Наукун ўзининг ноҳақлигини сезиб, бадтар аччиғланди.

— «Ҳеч нарса қилмасди, ҳеч нарса қилмасди» эмиш,— калака қилди Икилак.— Акаси қайсарлиги учун фикрига қўшилмаётганлигини биларди. Фақат қайсарлиги учун. Бунинг устига жаҳли чиқиб турибди.

Касказик гулханга қўл чўзиб, ёниб турган шохни топгач, учини трубканинг қора қорнига тутди. Трубка ичига юпқа тамаки чириндиси солинган эди, ўпқасига тўлдириб тутун тортаркан, лаззатланиб ҳийла вақт чиқармай турди.

— Нивх элати энди пайдо бўлаётган ўтмиш замонларда Тими дарёси, умуман дарё бўлмаган эди. Аммо бу заминда нивхларнинг жуда оз уруғлари яшашарди.

Улар машаққатли кун кечиришар, ҳаётлари оғир эди. У вақтда ҳайвонлар кўп эмасди, балиқлар ҳам сероб бўлмаган, кунлардан бир кун бутун тирик мавжудотни яратган Тайхнад еримизга кириб келмаганда, нивх уруғлари умуман юзага чиқмас эди. Тайхнад ҳозир Тими денгиз билан қўшилаётган жойда пайдо бўлган. У ерда пайдо бўлган-у, қуруқликнинг ичкарасига кириб борган. Тайхнадни қадами теккан жойларда чуқур из қолган. Чап томонга бир қамчи солганда — ерда ҳам из қолган, ўнгга қарсиллатиб урганда — яна шундай из қолган.

Тайхнаднинг орқасидан сув айқириб оққан, Тайхнаднинг изи Тими дарёсига, қамчин изи эса — ирмоқларга айланган. Тайхнад юрган йўлининг узунлиги итлар қўшилган араваларда тўрт кунлик йўл.

Шундай қилиб, кунларнинг бирида Тими қутура бошлади. Унинг ирмоқлари кўпикланди. Тайхнад дарёларимизга беҳисоб сулаймонбалиқ галаларини юборди. Нивх очдан ўлмасин деб шундай қилди. Буни Нивх уруғлари кўпайсин, деб қилган бўлса керак. Тайхнад: Нивх уруғларида одамлар кўп бўлсин деган эди. Тайхнад ўшанда нивхларга: «Ҳар ким ўзига ва итларига қанча балиқ керак бўлса, шунча олсин», — деган эди.

Лекин айримлар худонинг сўзини унутиб қўйишди. Балиқлар жуда кўп эди, шунинг учун одамлар мазали бу балиқларни тутиб, кемирчакларини чайнаб, гўшти-ни эса сувга ташлаб юбораверишган. Ўшанда кўп балиқлар нобуд бўлган. Бу ҳол Тайхнадни аччиғлантирган. У шундай қилганки, кейинги ёзда дарёларга балиқлар кам келган. Лекин одамлар балиқ ҳали яна келади, деб ўйлаб калласини еяверишган, таналарини эса сувга ташлайверишган. Ниҳоят куз ҳам бошланиб, лекин кузда келадиган балиқ галаларидан эса дарақ бўлмаган. Қиш жуда оғир бўлиб, манзилгоҳларда одамлар озайиб қолган.

Яна ёз, Балиқ Тайхнад юрган йўлдан кела бошлади. Нивхларнинг қорни тўйиб қолди. Одам тўқ, атрофида емиш кўп бўлса, манмансираб, зеҳни ўтмаслашади. Одамлар яна фақат балиқнинг бошини еб, танасини дарёга ташлаб юбораверишди. Шунда Тайхнад сурункасига икки ёз нивхлар дарёсига умуман балиқ юбормади. Ана шундагина одамлар асосий овқатлари — балиқнинг қадрига етишди. Энди биронта ҳам балиқ исроф қилинмайди. Ўша вақтдан буён балиқлар уч

ёзда бир мартагина кўп келадиган бўлди. Бошқа йилларда эса, кам келади. Шунинг учун энди нивхлар ҳеч қачон битта ҳам балиқни ташлаб юборишмайди.

Ота бу ривоятни нима учун эслаганлигига ака-укалар тушунишди. Икилак «Балиқларнинг бир қисмини қўйиб юбориб, яхши қилдим, бугун кун иссиқ, онам уларни тозалагунча балиқлар бузилиб қоларди»,— деб ўйларди. Наукун эса зимдан отасига: «Нима, мен ҳаммадан ёмонмидим?»— қабилида қараб қўярди.

Эртлаб Касказик манзилгоҳга қайтди.

Бир неча кунгача Камр-ах бурнида ов қилишди. Овланган балиқни уч кишилашиб кесишди. Ҳамма илгакларга— етмишга яқин тўсинга қуритиш учун балиқлар илинди. Кунлар очиқ эди, балиқларнинг дастлабкилари қуриди. Бурунда энди иш қолмаган — балиқлар саёз ердан ўтиб, юқорига, дарёнинг чуқурроқ ерига қараб кетганди. Бунинг устига, балиқ осадиган жой ҳам қолмаганди.

Тўққизинчи кун Талгук дастлабки тўсинлардан илгакларни тушириб қотган балиқларни катта боғлам қилиб боғлади. Ака-укалар қайиқдан юкни бўшатиб, уни юқорига, манзилгоҳ сари суришди. Талгук эса уйга пиёда қайтди.

Олисдан турибоқ сув шовқини орасида ака-укалар тарақ-туруқ товуши эшитишди — отаси қўлбола қайиқ ясаётган эди. Икилак тоқатсизланиб қизиқарди: отаси улар йўғида қанча иш қилиб қўйганикин? У қирғоққа чиқаркан, текислаб қўйилган ёғочларни кўриб ниҳоятда ажабланди. Отаси тарашлагич ўткир болтани ҳар кўтариб урганда учган пайраҳалар оқ капалаклардек ҳавода чир айланар, сўнгра аста кўкат устига тушарди. Касказик ишни тамомлаб, болтани қайиқнинг қуйруқ томонидаги узунроқ чиқарилган соябонга қўйди, қизиган кафти билан пешонасидаги терни артгач, кулиб қўйди:

— Ҳавасларинг келсин!

### III боб

Ланьгук тик қирғоқ чеккасида турганча ака-укаларнинг қайиғини кузатарди. У тоқатсизланарди. Қизининг ўзи бугун узун пичоқни қайради. У эсини танибдики, бу пичоқ онасининг қўлидан тушмасди. Пичоқ билан ҳар қандай балиқни: муз кўчгандан сўнг баҳорда майда қизил балиқларни ҳам, ёзда сулаймонбалиқларни

ҳам, кузда катта лаққа балиқларни ҳам чаққон тозаларди. Ҳозир бўлса қиз ҳаяжонланиброқ акаларининг қайтишини кузатиб турарди. У лаққа балиқни яхшилаб, тоза майдаларди — қизга буни онаси ўргатган эди. Онаси бир кўрсин, Ланьгук уялтириб қўймайди. Кейинги кунларда кўп балиқ тутилди, шунинг учун А-во манзилгоҳида ҳамма хотинлар — Псулк, Музлик ва Ланьгук қуритиш учун балиқ кесишарди. Тўғри, қиз ҳар қанча уринмасин, онаси ва катта келинойисига сира етолмасди. Ланьгук учта осма ёғочга етадиган қизил балиқ тозаласа, онаси тўртта тозаларди. Онаси тозаланган балиқлар бир текис, тоза чиқарди. Катта акаси Хиркуннинг хотини Музлук ҳам қуритиш учун яхши балиқ тайёрларди. У ҳар қандай балиқни усталик билан кесиши биларди — унинг пичоғи балиқни ўзидан ўзи кесаверарди. Майли, Ланьгук оз кесса ҳам унинг қуритиш учун кесган балиғи Кевонгларнинг машҳур қуритилган балиғидан қолишмайдиган бўлсин. Совуқ бўлиб, дарё музлаганда Кевонглар совға олишади, уни Талгук очиб кўриб, Авонгларнинг қизи уй бекаси бўлишга тайёр экан, деб хурсанд бўлади. Талгук ўғлини чақириб: «А-водан келган совгани еб кўр...» — дейди.

Ланьгук акаларининг қайиғини кузатар, улар балиқ овлаб келишяпти деб кутарди, аммо олисдан итнинг вовиллашини эшитди.

Бурун орқасидан иккита қайиқ кўринди. Биринчисида — Линдяйн ва Хиркун худди меҳмонларга йўл кўрсатиб келишаётганга ўхшарди.

Ланьгук иккинчи қайиқда кимлар келаётганини аниқлаш учун диққат билан кузата бошлади. Ниҳоят уларни таниди. Улар Нгкас-во манзилгоҳидаги Ньолгун ва унинг дўстлари эди. Бу манзилгоҳ Охота денгизидаги туманли Пил-Керк қирғоғида эди. Бироқ бу сафар ҳам меҳмонлар ароқ ва совғалар, чанага қўшиладиган зотли итларни олиб келишаётганди. Яна ўша гаплар... Отаси яна Ланьгукнинг олдида Ньолгун тўғрисида яхши гаплар гапиради, уни муносиб эркак деб мақтайди...

Иккала қайиққа аллақачон арча шохларидан эшкак ҳалқаси тайёрлаб қўйилган, қайиқларнинг ўзи эса сувга туширилган. Дарё буриладиган ердаги қайиқнинг тумшуғи кўринадиган Тими соҳилида ҳамма илгакларга балиқлар осиглиқ турарди. Талгук эрталаб



тутилган балиқларни тозалаб ўтирган пайтда қайиқ тумшугини кўриб қолди. «Ҳозир Тими бўйидаги ҳамма манзилгоҳларда қишга балиқ тайёрлашяпти-ю, булар саёҳат қилиб юришибди... Визга энг яқин овул Аво, ўзимизнинг ахмалк<sup>1</sup>лар манзилгоҳи. Ушалармикин? Бирон ҳодиса бўлдимикан?»

Ҳар эҳтимолга қарши Талгук эркакларни огоҳлантириб қўйди. Улар тўр ёйиб бўлиб, дам олиб ётишганди. Биринчи бўлиб ўғиллар қиргоққа тушишди. Уларнинг орқасидан шошилмай, янгиликнинг ўзига ҳеч дахли йўқдек чол пайдо бўлди.

Қайиқ ингичка, узун эди, демак булар дарё бўйида яшайдиган одамлар бўлишса керак, денгиз бўйидаги овчиларнинг қайиғи кенгроқ бўлади. Қайиқда уч киши бор эди. Иккитаси — бири тумшуқ томонда, иккинчиси қўйруқ томонда типпа-тик туришарди. Сувда лангарчўпни бир текис, чаққон ҳаракатлар билан бошқаришларидан, лангарчўпни эпчиллик билан ушлаб, уни узун ташлашлари, силтаб даст кўтаришлари, қайиқнинг текис, худди қиргоқ ёқалаб шатакка боғлангандай кетишидан Касказик: ҳа, булар фақат дарё одамлари бўлиши керак, деган фикрга келди. Лекин кимлар? Қайси манзилгоҳдан?

— Ўртада хотин киши ўтирибди-ку, — деди Икилак.

— Ҳи! — ҳушёр тортди бирдан чол. — Балки, ахмалклар, Авонглар уруғи одамларидир.

Қайиқ тез сузиб келар, унинг атрофида тўлқин мавжланарди, кўп ўтмай, кевонгларда шубҳа қолмади: ҳа, булар ахмалклар. Тумшуқда Авонгларнинг энг кенжаси, Икилакнинг тенгдоши япалоқ юз Лидяйн турарди. Қўйруқда кекса Лидяйнинг акаси, қирқ ёшлардаги Хиркун. Ўртадаги эса Ланьгук эди.

Икилак соҳилнинг нақ лабида меҳмонлар қайси жойга келиб тўхташини кўрсатиб турарди.

Наукун шимини кўтариб, ўз чайласи томон кетди. У ахмалкларни кўришни истамасди. Меҳмонларни уруғ бошлигининг ўзи кутиб олди. Наукун такаллуф билан жилмаймаса ҳам бўлади, зўр бериб уларни қайиғини қиргоққа тортиб қўйиши ҳам шарт эмас, бу ишни Икилак қилаверсин. Тентак! Хурсандчиликдан ўзини қўйишга жой тополмай, Ланьгукка тикилиб қараётгандир. Ланьгук ҳам ахмоқ, оғзи қулоғида. Ким

<sup>1</sup> А х м а л к — қайнота уруғига мансуб одамлар.

бўпти ўзи? Афтига бир қараса бўларди. Ундан чиройлироқ аёллар ҳам бор. Аммо улар нечун келишдийкин? Нима сабабдан?

Касказик меҳмонларни очиқ чеҳра билан қарши олиб, саломлашди. Унга жавобан Лидяйн димоғдор жилмайди. У қайнота томондан бўлгани учун алоҳида ҳурмат талаб қиларди. Хиркун ҳам саломга илжайиб жавоб қайтарди, юзидан ҳориганлиги кўриниб турарди, шунинг учун нимкалагина жилмайди, холос. Касказик қайиқ ўртасида катта кўзли балиқ овланадиган тўрни кўриб ҳайрон бўлди: «Улар қанақа овдан келишяпти? Ёки осетра тутгани келишдимикан?»

Хиркун қирғоққа тушиб, Икилакка қайиқни тортиб олишда ёрдамлашди. Ланьгук бир лаҳза унга чарос кўзлари билан тикилди-ю, четга қараб юзини яширди. Қизнинг қалин сочлари яхшилаб ўрилган, сочининг учлари тасмача билан бир-бирига боғланган эди. Соч ўримлари у ёқдан-бу ёққа тўлганар, кўк гулли сарик мурсаги бари қизнинг оёқларига чалишиб ўраларди. Ланьгукнинг боғиши қандайдир маъноли... Нима демоқчи? Икилак тоқатсизлана бошлади. Қизнинг орқасидан югуриб етиб олиб, сўрамоқчи бўлди. Лекин бошқаларни ташлаб кетиш мумкин эмас. Қиз сенга унашилган бўлганда ҳам майли эди. Эркакларни, айниқса ахмалкларни қолдириб кетиб бўладими? Бунинг устига, русм бўйича қиз эркаклар билан суҳбатга қўшилиши мумкин эмас. У фақат аёллар билангина гаплаша олади. Хотин бўлгунча шундай қилиш керак. Қайнилари билан гаплашса бўлади. Чунки қайнилари иккинчи бўлса ҳам унга эр ҳисобланади. Қайнилар тоуйлангунларича шундай бўлади. Эр вафот этган тақдирда қайниларида биронтаси уни хотинликка олади.

Ланьгук Талгукка яқинлашди-да, кулиб, унга тугунча узатди. Талгук тугунчани дарров очиб кўрди. Очди-ю, кўзлари кутилмаган қувончдан чақнаб кетди,— тугунчада кўк йўл-йўл сатин рўмол бор эди. Талгук миннатдорчилик билан қизга боқди, лекин у тескари қараб хафалигини билдириб турарди.

Кекса Кевонг ва унинг кенжа ўғли ҳамроҳлигида меҳмонлар уруғ чайласига киришди. Лидяйн бепарво, ҳеч нарса билан иши йўқдай ўзини мағрур тутиб турарди. Ниҳоят Лидяйн чой устида:

— Сизларни бирровгина кўриб кетгани келдик. Пила-Тайхур ёмон кутиб олмаслиги керак бизни,— деди.

Лидяйн жимиб қолди. Хиркун ҳам индамасди. Шу билан гап-сўз тугади деб ҳисоблаш мумкин эди. «Улар осетрани нима қилишади? Ёки нозикроқ меҳмон келганмикан?» — ўйлаб ўйи тагига етолмасди Касказик. Аммо начора, осетра тутиш керак, ахмалклар талаби бу.

Эркаклар тўр билан овора бўлиб турганда Ланьгук кичкина саватча кўтарган кўйи ўрмонга қочиб кириб келди. Қайтиб келганда эркаклар хом оқ балиқни еб ўтиришарди. Қайиқда эса одам бўйи келадиган катта осетра думини қимирлатиб ётарди. «Иккитасини тутишибди», — ўйлади Ланьгук ва жавдираб иккинчи балиқни ахтарди.

— Ҳов ана, қайиғимизнинг орқасида, — деди Икилак пичоғини узатиб.

Ланьгук балиқни кемирчакли думидан бир бўлак кесиб олди. Эркаклар олдига нордон ўрмон меваси тўла саватчани қўйди. Осетрадан кейин нордон мева ейишга нима етсин!

У наридан-бери тамади қилгач, бир зум Икилакнинг кўзига тикилди. Йигитнинг юраги қинидан чиқиб кетай деди. У гарчанд тик турса ҳам оёқлари майишиб кетаётганди. Қиз орқасига ўгирилиб, секин манзилгоҳ ортидаги баланд Қарға арчаси томонга юрди. Икилак ахмалкларни қолдириб кетиши ноқулай. Лекин улар билан отаси, имхлар уруғининг оқсоқоли ўтирибди, шунинг учун Икилак бир-бир юриб, чайланинг орқасига ўтди-да, Қарға арчаси томон отилди.

Ўзининг қилган ишидан уялган Икилак Ланьгукка яқинлашди. Шунчалик яқин келдики, қизнинг кўзлари бирдан катталашиб кетгандай бўлди, йигит энди фақат чаросдай, чақноқ кўзларнигина кўриб турарди.

Қиз бирдан Икилакни қучоқлаб олди. Шундан сўнг кўзига ҳеч нарса кўринмади. Икилак кифтлари оғирлашганинигина сизди, қиз уни қаттиқ қучганди. Кейин узун-юлуқ қўшиқ эшитилди:

Бу полапон, бу полапон  
Титратди қанотларин...<sup>1</sup>

Ланьгук шу кўйи ўзи ҳақида йигитга сўзлаб берди. Лекин бу ғамгин қўшиқнинг маъноси нима?..

Икилак кейин у қўшиқни кўп бор эслашга уринди.

<sup>1</sup> Шеърларни Маъруф Жалил таржима қилган.

Аммо Ланьгукнинг қуйидаги сўзларинингина эслаб қолди холос: «Ньолгун яна келибди. Бизникида меҳмон бўлиб турибди». Бу Ньолгун ким бўлдийкин? Нима учун келган экан?..

Туманли Нгакс-во одамлари билан бўлган жангдан сўнг Касказик Тими дарёси ўзанига бир марта ҳам тушмади, чунки денгиз соҳилидаги одамлар билан учрашиб қолишдан чўчиди. Умрининг ярмидан кўпи мобайнида Кевонглар уругининг оқсоқоли, бизнинг жойга етадиган жой йўқ, деган фикр билан яшарди. Тими дарёси улкан, унинг бошланиш еридан этагигача етиш учун тўрт кеча-ю, тўрт кундуз керак. Дарё ёқалари ва унинг бошланиш ерларидан овга бой жойлар кўп. Аммо Кевонглар жойидан афзал жойни топиш қийин. Пила-Тайхурда сулаймонбалиқлар кўп йиғилади, бу нивхларнинг асосий балиғи. Фақат Пила-Тайхурдагина қишда ҳам, ёзда ҳам йирик осетра, налим, красноперка, таймень бўлади. Ўрмонлардаги жарлик ва тепаликлар бўйида айиқ, қундуз, кийик яшайди. Кевонглар очдан ўлганлигини одамлар эслаша олмайди. Очарчилик бўлган баҳорларни кўришган, бироқ бирор кимса очдан ўлганлигини Касказик марҳум отасидан ҳам, бувасидан ҳам эшитмаган.

Мана энди, Кевонглар уруғида яна аёл пайдо бўлиб, набираларнинг қий-чувлари эшитиларкан, ўтмиш такрорланмасин учун Нгакс-во одамлари билан ярашиш керак. Касказик шундай оқилона қарорга келди. Сулхга рози бўлишлари лозим: улар кам талофат кўришди, томирларда жўш урган қон совиб, интиқом иштиёқи сўниши учун етарлича вақт ҳам ўтди. Касказик денгиз соҳили ҳақидаги гап-сўзларнинг ҳаммасидан огоҳ эди, унинг мўлжалида интиқом талаб қилган одамларнинг кўпи ҳозир ўлиб кетган бўлиши керак эди.

Балиқ овидан сўнг, оқшом кўкатлар қиров билан қопланадиган вақтда Наукут ва Икилак оқим бўйлаб четлари ялтироқ, жуфтлаштирилган иккита қайиқни бошқариб боришарди. Касказикнинг ўзи эски, аммо ҳали мустаҳкам қайиқда эди.

Қайиқларга машҳур Тимидан тутилган сулаймонбалиқ, осетра қоқиси, кийик териси ва уч нафар катта зотли итлар ҳам ортилган эди. Итлардан хоҳлаган нарсада фойдаланиш мумкин: балки Тангрига қурбонлик қилишар, ўшанда Тангри қон чиқарилганини кўриб, одамларнинг аввалги гуноҳларидан кечади.

Чочуна— ёқут тилида «ёввойи одам», «ёввойи» дегани. Уни болаликдан шундай деб аташган. Ҳаммасига сабаб жангари ва уришқоқлиги. Бу йигитча овлоқ Олекминск тайгаси қаъридаги Нельма қишлоқчаси бошига нуқул ғалва келтирарди. Бирон кун йўқ эдики, болаларнинг ўйини уриш билан тугамаган, бирон болакайнинг башараси қонга бўялмаган бўлсин.

— Чо-чу-на-а-а!— дод соларди калтак еган боланинг онаси ва таёқ олиб дилозорни қувиб қоларди.

— Чо-чу-на-а-а!— бақирарди унинг онаси ҳам кўз ёши қилиб.— Ҳа, бўйнинг узилгур! Сени уюрга қўшиш керак, уюрга...

Уюр... Ёллари узун, на эгар, на жиловни билмаган учқур отлар қора тутундек кенг дарёдан ўтиб кетар, шўх гижинглаганча осуда қишлоқнинг тинчлигини бузарди. Уларнинг туёқлари товушидан ер ларзага келар, тик қирғоқ нураб кетарди...

Чочунанинг отаси — Семён Аянов бадавлат одам эди. У қайсарлиги билан ном чиқарганди. Унинг қамчиси ёввойи отлар уюрига эмас, батракларнинг қоқ суяк елкасига қарсиллаб тушарди гўё. Бой менинг батракларим бутун округда энг яхши, гап қайтармай ишлайдиган батраклар деб мақтанарди.

Аянов уюрга боришни яхши кўрарди. Ёнида ўғлини ҳам эргаштириб юрарди. Ўғли бу ердагиларнинг гапига қараганда қадами чиқмасданоқ эгарда ўтиришни ўрганган эди.

Кечқурунлари гулхан атрофида ўт чимдиб юрган отларнинг бир маромдаги кусир-кусирига ҳорғин батраклардан биронтаси жўр бўлиб ўлан айтарди. Айниқса, бу қадимий ўланнинг қаҳрамонга бедов олиб келишлари ҳақидаги қисми Аяновга ёқарди. Одатда хўмрайиб юрадиган бой бундай пайтларда ўзгариб қоларди.

...Ва отни келтирдилар —

Қора ёлли саманни.

От асовлик қилиб ер тепинади —

Ичга сиздиролмай тошқин кучини.

Унинг устига денгиз каби жулхирс ёпдилар

Икки бошли булутдай эгар билан эгарлаб.

Жанговар тасқарадай қўлларини силкитиб

Чаққон сакради ва тушди эгарга маҳкам.

Кейин батраklar кетиб қолишди. Кетишганда ҳам нонкўрларча кетишди. Гўё уларнинг қашшоқликларига бой сабабчидек. Худди энди от гўшти бемазароқ бўлиб қолгандай. Худди бой энди уларнинг меҳнати-га камроқ гўшт берадигандай.

Батраklar бойдан, оталари, бувалари ўтлатиб юрган уюрдан кетишди. Маошли ишга, конларга кетишди. Бундай конлар Ёқутистоннинг ҳамма ерида кўп эди. Ҳатто ёнларидаги дарёдан ҳам олтин топишибди. «Шошмай турларинг!— дағдаға қиларди бой:— Ҳали яна қайтиб келасанлар, ёлворарсанлар! Сенларни нақ тезак едиришга мажбур қилмасам...»

Аянов икки мужик билан лоақал поданинг ўзини сақлаб қолишга уринарди. Аммо бошқариб бўлмайдиган пода бир неча уюрга бўлиниб кетиб, толзор ороларда ўзича ўтлаб юрадиган бўлиб қолди. Аянов келгинди, олғир одамлар унинг отларини сўқимга, гўшт ўрнида отиб юришганини эшитиб жон-пони чиқиб кетди. Бошқа бировлар унинг уюри отларини ўғринча миниб Нельмадан узоқроқда— омадли дарёларни излаб кетишарди. Аччиғланган Аянов губернаторга ғазабнок шикоят ёзди. Ёзди-ю, аммо то чора кўрилгунча ҳамма отларидан жудо бўлишини тушунди. Бунинг устига мавсум тугаб, йўллар бекилиб қолаётган эди.

Қўлидан келганча отларни амал-тақал тўплаб, анчасини сўйди, яхшигина пуллади — хайрият, қишда бу ўлкада доим емиш кам бўлади, одамларда эса пул йиғилиб қолади.

Кейинги вақтда бой яна бир иштиёқ билан ёна бошлади. Ўғлимни шаҳарга юборсаммикин, ол қулим, деб гимназияга кириб кетса ажаб эмас. Ҳадемай одам бўлиб кетади, деб ўйларди у.

Кўпни кўрган бой жияни Сапрон шаҳардан қишлоққа меҳмон бўлиб келган вақтда нима қилиш кераклигини режалаб қўйган эди. Сапрон Чочунани шаҳарга олиб кетишга рози бўлди.

Қишлоқда ҳамма, ҳайрият-е, деб енгил нафас олди. Жиккак, беўхшов, эчки соқол ва хир-хир нафас олувчи поп Порфирий пишиллаганча: «Алвасти Чочуна, алвасти!.. Хайт! Хайт!» дея ўзидан инс-жинсларни ҳайдагандек қоқ суяк қўлини силтарди. Чочуна мактабга борган биринчи йилидаёқ попни «Тўнка» деб атаган эди. Шу-шу болалар уни «тўнка» дейдиган бўлиб қолишганди.

Ҳамма Чочунани ёқтирмаса ҳам ёш муаллима Софья Андреевна унга ачинди. Муаллима катта одамнинг, эҳтимол, губернаторнинг қизи бўлса керак, деб юришарди. Уни хилват ёқут қишлоғига келишга нима мажбур этганини ҳеч ким билмасди. Куюв танлашда ота-оналари билан келишолмай қолган, кўплар совчи қўйишганда рад этиб, улардан қутулиш учун тайгага қочиб келган, деган миш-мишлар юрарди. Шундайми ёки йўқми, лекин ҳар қалай, Софья Андреевна Нельмада бир йилча яшади.

Чочуна ёш муаллимани қай равишда зимдан ҳимоячисига айланганини ўзи ҳам сезмай қолди. Шундай бир воқеа бўлганди. Бир кун Чочунанинг дўсти, энг жангари Кешка Мординовнинг қайсарлиги тутиб қолди-да, муаллима саволига жавоб бермади. Софья Андреевна уни мажбур қилиб ўтирмади. Аммо Чочуна дарсдан сўнг ўзи ҳам сира кутмаганда дўстини аямай дўппослади.

Дарс вақтида Чочуна дам-бадам муаллиманинг нигоҳи унга қадалаётганини сизди. Аҳён-аҳёнда уларнинг кўзлари тўқнаша бошлади. Ниҳоят Софья Андреевна шартта жим бўлиб, бир лаҳза ниманидир ўйлаб қолди. Ўқувчилар индамай кутиб туришарди.

Бу воқеа баҳорда, у жўнаб кетишидан олдинроқ бўлган эди. Чочуна тик унга қараб турарди. Йигитчанинг боқишида оҳанрабо бордай, Софья Андреевна ундан кўзини ололмай қолди. Гапиришдан тўхтаб, оппоқ юзига қон тепди, бунини ўқувчилар ҳам сезишди. Чунки муаллиманинг чиройли узун бўйнидаги томирчалари ўйнай бошлаганди.

Чочуна эса Софья Андреевнанинг нигоҳидан нигоҳ узмай, ўзгача ҳаяжон билан гавдаси олдинга талпинди. Болалар ҳайрон бўлиб бир-бирларига қараб қўйишди...

Шу куни кечгача Чочуна девонавор кайфиятда юрди.

Ботаётган қуёш нурлари ёғоч уйлар деворини қизитиб, майинлаштирган кезлар Чочуна боққа пусиб кирди-да, юзини қайиннинг пастки қийшиқ шохлари тилиб юбормаслиги учун энгашиб деразадан қаради. Софья Андреевна қандайдир оқ кийим кийиб ўринда ётар, катта ёстиққа суянганча китоб ўқирди. Деразадан тушган офтоб нурлари унинг бўйни, мамнун чеҳраси, бармоқларида ўйноқларди. Чочунанинг нафаси

тиқилди. «Китобдан бош кўтар, бош кўтарсанг-чи», — дерди қақроқ лаблари. Лекин Софья Андреевна тамомила бошқа, нотаниш, аллақандай хаёл билан банд эди. Чочунанинг газаби қўзиди, гўё уни лақиллатишган, одамлар олдида сазойи қилишаётгандек бўлди. Шундан бўнг йигитча шартта деразадан орқага тисарилди.

## V боб

Софья Андреевна Нельмадан хушбўй мевали бута гуллайдиган ёз бошларида, ботқоқликлар капалак каби оппоқ чечаклар билан қопланган вақтда жўнаб кетди. Кейинги вақтлар Чочунанинг ўзи ҳам шаҳарни тез-тез эслайдиган бўлиб қолганди. Йўқ, уни гимназия эмас. Софья Андреевна қизиқтирарди... Аёл сиймоси кун-тун йигит кўз олдидан нари кетмасди...

Чочуна шаҳарга жўнади. Сапроннинг тўртта бола-си бор эди. Улар ҳаммалари порт ишчиларининг баракдаги кичкинагина хонада яшашарди. Чочуна ошхонадаги стол тагига кириб ётар, унга бошқа жой йўқ эди.

Чочуна шаҳарга келиши биланоқ муаллимани қидиришга тушди. Шаҳарда тентираб юраркан, аҳён-аҳёнда учровчи извошчиларни тўхтатиб, Софья Андреевна деган муаллимани танимайсизми, деб сўрарди. У бир йилча тайгадаги Нельмада яшаган. Катта хўжайиннинг қизи, дейишади.

— Кимнинг қизи дединг? — сўради оппоқ соқолли рус извошчи. — Ўтир, элтиб қўяман.

Қинғир-қийшиқ, чанг кўча бир қаватли бараклар билан икки қаватли уйлар орасидан ўтарди. У ер-бу ерда отлар ғажиб кетган, танасигина бор яккам-дуккам қовжироқ дарахтлар учраб қоларди. Саришта панжара орқасидаги буталари кўм-кўк ҳовлиларни ҳам кўриш мумкин эди баъзан.

Арава ўйдим-чуқур кўчада чайқала-чайқала узоқ юриб, ниҳоят тўхтади. Баланд тахта девор орқасида танаси оппоқ қайинлар бир текис ўсиб турар, уларнинг зич барглари орасида хашамдор уйнинг бўялган жигарранг томи кўзга чалинарди. Қайинлар орқасида учи текис қирқилган буталар бор эди. Эшиккача чўзилган, чақир тош тўкикли кенг йўлкани кулранг кўй-



лаги белига тўқима чарм камар боғланган, қалин соқоли қайинлар орқасидаги буталар каби саришта текисланган барваста мужик супурарди.

Фаррош ишини қўйиб, йигитга тикилиб қаради:

— Нима керак?

— Софья Андреевнани чақириб берсангиз, — илтимос қилди Чочуна.

— Кимни? — Фаррош супургисини худди урмоқчидай алфозда кўтариб йигит томонга йўналди.

— Софья Андреевна керак. Муаллима. Бошлиқнинг қизи.

— Кимнинг қизи? Қанақа Софья Андреевнани?

Фаррош ташқарига чиқди.

— Катта бошлиқнинг қизи. Муаллима. У бизнинг Нельмада бўлган эди, — ялиниш оҳангида тушунтирди Чочуна, гўё фаррош ҳозир Софья Андреевнани чақириб чиқадигандай.

— Қани! — бирдан дағдали ўшқирди фаррош. — Жўна бу ердан, йўқса, нақ абжағингни чиқараман! Қишлоқи! —

Фаррош шундай дея супургисини ўқталди.

— Ҳой, эсингни йиғ! — бақирди извошчи. — Сендан илтимос қилса, шу ҳам иш бўлдим.

— Ҳеч қанақа иш-мишингни билмайман! Жўна дедим!

— Ўтир, йигитча, — деди раҳми келиб извошчи. Ҳақоратланган ўспирин соқолли одамдан газабноқ кўзини узмай, орқасига тисарилди.

## VI боб

Чочунанинг умуман шаҳардан меҳри совиб, кўчаларда ғамгин тентирай-тентирай, портга бориб қолди.

Ҳаммоллар туз ташишарди. Туз шу порт орқали Ёқутистоннинг ҳамма ерига олиб кетиларди.

Брезент камзуллар тердан жиққа ҳўл, туз шўри елкаларни шиларди. Кун тушга яқинлашганда Сапрон холдан тойди. Одамлар унинг ёнидан чурқ этмай ўтиб кетишарди. Ҳаммоллар одатда бирон киши кам қатнаса кечиришмайди. Танаффусми — ҳамма дам олади. Ишми — ҳамма ишлайди. Ҳеч ким ҳеч кимдан ўзмайди, ҳеч ким ўз навбатини ўтқазмаслиги ҳам керак,

Бир маромдаги диққи нафас қадам шарпаларини шовқин бузди.

— Ўртоқлар! Ўртоқлар!

Одамлар тўхташди. Уларнинг ҳорғин, бепарқ нигоҳи «Яна нима гап?» — деб сўраётгандай эди.

Чарчаган ҳаммоллар орқасида ҳаракатчанлиги билан фарқ қилувчи қандайдир чорпахил рус қўл силтаб одамларни чақирарди. Чочуна бу одам нима деяётганини эшитмай қолди. Фақат айрим сўзларгина қулогига чалинди: «Конда... отиш».

Кечқурун Сапрон бир неча русни уйга бошлаб келди. Улар орасида Чочуна портда кўрган одам ҳам бор эди.

Сапрон уйдагиларни ухланглар дея хонага киритиб юборгач, эшикни ёпиб қўйди. Ошхонадаги мум шам ёруғида улар алламаҳалгача суҳбатлашишди...

Одамлар кўчада қовоқлари солиқ, ғазабли юришарди. Бугун ҳеч ким ишламади ҳисоб.

Чочуна тез юриб порт томонга кетаётган эди. Аммо қаршисидан оломон кела бошлади. У тўхтаб, энди қаёққа борсам экан, деб турганди, оломон уни ҳам ўзи билан бирга қўшиб олиб кетди.

Чочуна четроқда борарди. У бўйинини чўзиб, бу хилма-хил одамлар орасидан Сапронни қидириб топишга ҳаракат қиларди. Кўзи тушди ҳам. У оқимнинг ўртасида, байроқ кўтариб олган чорпахил руснинг ёнида борарди. Катта қизил байроқ эди!

Оломон денгизга ўхшайди. Одамлар оқими ўз йўлидаги ҳамма нарсани суриб кетаётгандай эди. Тўдага чапдан, ўнгдан одамлар келиб қўшилмоқда. Чочуна эса четроқда боришга уринарди. Кўча одамларни тик қирғоққа олиб чиқди. Кўча бу ерда бурилиб, чапга, дарё сари чўзилган эди. Айрим меровлар жарлик лабига қисиб қўйилганди. Мана шу муйилишда Чочуна қалин соқолли кишини кўриб қолди. Унинг дағдаға билан: «Қани! Жўна!.. Йўқса каллангни оламан!» — деб ўшқиргани эсига тушди.

Фаррош илжайиб одамларни томоша қиларди. Чочуна бирдан хурсанд бўлиб, заҳархандали тиржайди: «Мана энди гаплашиб оладиган бўлдик, газанда!» Ёнгинадан ўта туриб Чочуна секин, лекин мўлжаллаб тирсаги билан фаррошнинг кўкрагига туртди. Чол қўлларини ёзиб чайқалганча жарликка тушиб кетди...

«Таниди у мени... таниди... Борди-ю, омон қолса-чи? Унда нима бўлади?» Чочунани ваҳима босди.

У қочиб қолмоқчи эди, бироқ олдинда кетаётган тўдадан ўтолмади, одамлар ҳаддан ташқари зич бо-ришарди.

Муюлишдан ўтганда йигитча тўдадан чиқиб олди. Жуда вақтида шундай қилибди, чунки кўча кенгайиб, майдонга туташадиган жойда полициячилар туришарди. Уларнинг ҳаммаси сара бўйли, башанг кийиниб, дағдағали кўринишарди. «Жудаям кўп-ку, улар!» Чочуна энгашди-да, нари отилди.

Эртасига кун бўйи у уйдан чиқмади. Инида пи-сиб ётган ҳайвондек тиқ этган шарпадан хавотирла-нарди. Ҳар сафар ташқаридан бирор шарпа эшитилса, оёқ учида югуриб бориб каравотга ётиб олар, қулоғи динг бўларди. Тўшак остида отасининг ўқлоғлиқ мил-тигини яшириб қўйган эди.

Ярим кечада Чочуна баракдан чиқди-да, пастқам тор кўчалар орқали шаҳар чеккасига чиқди. Тонг от-ганда у анча узоқлашиб кетган, ҳарсиллаганча ҳар томонга аланглаб, отишмалардан узоқлашиб борар, ўқталган найзаларга негадир тик бораётган жаҳлдор оломондай йироқлашарди...

## VII боб

...Чўл қуёши кучли нур сочади. У чўлнинг тепалик ва жарликларини ёритади. Ҳатто тошлар ҳам эриб, юмшаб қолгандай. Бунақа қуёш фақат Забайкальеда-гина бўлса керак. Забайкальенинг тақир чўлларида.

Бойкўл орти яйдоқ даштликларида  
Олтин қазиб олинган тоғда...

Чочуна бу қўшиқни кўп марта эшитган. Уни рус мужикларигина эмас, ёқутлар ҳам яхши кўришарди. Бу қўшиқни порт ишчилари ҳам айтишарди. Қўшиқ тош юракларда унутилай деган ҳисларни уйғотар, кўзлар ғамгин ёшланар ва шунда мужиклар бир-бир-ларига раҳм қилиб бор нарсанинг ҳаммасини ҳам таг-туғи билан беришга, ишқилиб бир-бирларига яхшилиқ қилишга тайёрдек турардилар.

Дарҳақиқат, тоғларда ҳеч қандай текис чўл йўқ. Одамлар чўл кафтдай текис бўлишини яхши билишади.

Лекин бу ерда атроф тоғлардан иборат. Ўз кўзинг билан кўришинг керак. Йўқса, қуйидаги ғалати жумланинг маънисига тушуна олмайсан: «Забайкальенинг тақир чўллари узра, тоғларда, олтин қазииш жойларида...»

Олтин? Ҳа, олтин... Мен олтин бор тарафдан кетган эдим. Тагин олтин бор жойга келиб қолибман. Аммо қайси тоғларда олтин қазиишар экан?..

Чочуна узоқ дарбадарликдан сўнг Нерчинскда пайдо бўлиб қолди. Нерчинск бойлар ва камбағаллар шаҳарчаси. Савдогар ва извошчилар манзили. Олтин қазувчи хўжайинлар ва ёруғлик кўрмай ишловчи тутқунлар шаҳри.

Темир йўл бекатида чордевор, хароб уйлар кўп эди. Улар худди Ёқутистонда Сапрон яшаган уйларга ўхшарди. «Бутун ер юзида камбағалларнинг уйи бир хил бўлар экан да», — ўйлади Чочуна ва биринчи уйни тақиллатди. Худди ўйлаганидай уни уйга киритишди.

Уй эгаси кўринишидан бурятга ўхшар, аммо юзи у қадар ялпоқ эмас, йирик кўзлари қисик, соқоли қалин бўлиб, катда кир гуппи кўрпа ёпиниб ётарди. У кириб келган одамга ағрайиб қараб турди. Кейин турмоқчи бўлиб бир силтанди, аммо кейин туришни хоҳламай, тирсақларига таянган кўйи қолди.

— Қаердансан? — сўради уй эгаси саломлашини ўрнига.

— Ёқут, ёқутман. Уйдан келяпман, — жавоб қайтарди Чочуна.

— «Уйдан», — калака қилди уй эгаси, — Ёқутистондами уйинг?

— Ёқутистонданман, оға, — бош силкиди Чочуна.

— Сизлар томонда одамларни отишяптими?

Чочуна сергакланди. Отишма бўлган ўша жойдан деб айтса, бу бурятга ўхшаш рус нима хаёлга боришини билмасди.

— Йўқ. Биздан анча олисда бўлибди отишма. Менинг ўзим аллакимлардан эшитдим, — деб жавоб берди Чочуна қаерда, кимни отишгани унга аҳамиятсизлигини билдириш учун. Ўзича эса: «Миш-миш тез тарқалади, мендан олдин етиб келибди-я», — деб ўйлади.

— Сен кимсан?

— Мен овчиман, овчи, — деди Чочуна.

— Э-э! — ҳайратланди уй эгаси сарпайчанг оқ оёғини тахтадан осилтириб. Шундан кейингина нигоҳини Чочунанинг юзидан олиб қўлига, тўғрироғи, латтага

ўроғлиқ қуролга тикди.— Жуда соз-да овчи Ҷўлсанг. Кимни сўрама олтин, олтиндан гап очади... Ҳамма олтин деб ақлдан озмоқда. Бизнинг ерларда ҳам. Нега анқайиб турибсан, кўряпсанки бу одам йўлдан келган?— жеркиб берди у қотмагина, қирра бурун аёлни.

Катта нон ва қандайдир қизил балиқ бўлаги қўйилган дастурхон атрофига ўтиришгандагина ўзи ҳақида бир оз гапириб берди.

Унинг фамилияси Гурулев экан. Гуран.

— Гуран томирида рус, қозоқ ва бурят қони аралашган бўлади. Шундайми?— ўгирилди Гурулев хотини томонга.

— Сен кимлигингни худо билади.

— Мени олтин ювмаган деб ўйлаяпсанми? Ювганман? Ешлигимда ювганман,— деди овозини баландлатиб Гурулев. Унинг гап оҳангидан олтин ювганидан хурсандми ёки аксинча ўзини ўзи койимоқдами англаб бўлмасди.

— Жуда уста одам эди марҳум Михаил Дмитриевич. Элликта конни ўзига қаратиб олган эди! Ўзининг кемалари бўларди. Шилка ва Амур бўйлаб Николаевск ва ундан наригача борарди. Америкага ҳам борган.

Гурулев Чочунага бир тикилиб қўйди:

— Ёки ким ҳақида гапираётганимни билмаяпсанми? Билмасанг, тўғриси айт. Мен жон куйдириб гапиряпман, сен бўлсанг парвойингга ҳам келтирмаяпсан.

Чочуна кулиб юборди. Гурулев унинг кулгисига тушунмади.

— Нима, ишонмаяпсанми?

— Гапинг таъсир қилди. Ушанга куляпман.

— Нима дедим?— яна тушунмади Гуран.

— «...Жон куйдириб».

— Қўй-е!— ҳафсаласи пир бўлди уй эгасининг.— Мен унга Бутин тўғрисида гапирсам, у «сўзлар»ни кавлаштиради-я.

Чочуна шундагина Гуран айтган гапларнинг маънисига етди.

— Наҳотки элликта кон бўлса?

— Айтяпман-ку элликта деб!

— Ҳаммаси бир ўзиникими?

— Бир ўзиники! Биз ҳаммамиз унда ишлардик. Бу ерда савдогарлар кўп бўлган, аммо у энг зўри эди.

Жуда эпчил эди Михаил Дмитриевич! Кемалари бор. Заводлари. Вино ишларди! Янги шаҳардаги саройлари подшода ҳам йўқ.

— Қайси «янги шаҳар»да?

— Бу ердан бир неча чақирим келади. Баланд жойга кўчиришган сув тошмасин деб. Мен Дарасун конида ишлардим. Лекин ташлаб кетдим.

— Нега ташлаб кетдинг? Ишни уддалай олмадингми?

— Йўқ. Лаънатилар ҳаддиларидан ошиб кетишди. Инсон боласини умуман қадрламай қўйишди.

— Кимлар?

— Ҳаммаси бахил, кўролмайдиган одамлар. Уша савдогар-у, бир оз майдароқлари. Бунақа ҳасадгўйлар ҳар доим кўп бўлади. Пайт пойлаб, ёмғиргарчилик тўхтагач, олтин ювилмай қўйгач, ҳаммалари қарзларини талаб қилишди. Бутин ҳар қанча бой бўлмасин, қарзларини узолмади. Шундан сўнг конларни ундан тортиб олишди. Уша вақтда кўплар кетиб қолди, чунки янги хўжайинлар ишни барбод қилишган эди. Мен ҳам кетдим. Тўғри, Михаил Дмитриевич кейин ўз конларини қайтариб олди, ишни яна йўлга қўйди. Аммо мен кетдим. Аравакашлик қилдим. Аравакашлик олтин ювишдан тузукроқ экан. Савдогарларга нима таширдинг, одамларни-да, қарабсанки, пул ҳам тушиб турибди.

Чочуна уй эгасига қараб-қараб қўярди.

Анча ёшга бориб қолганга ўхшайди: сочлари оқ, букчайган, тишлари кемшик.

— Олтин, у омадлиларни ёқтиради. Ҳамма олтин кон эгалари тунгуснинг оёғига тиз чўкишлари керак. Тунгус энг биринчи конни очган, Бутинга Дарасун этакларида олтин бор жойларни кўрсатган. У Бутинга эмас, бошқа одамга кўрсатиши мумкин эди. Менинг омадим юришмади. Ёшлигимда ўз олтин конимни топмақчийдим, ёлланма ишчи бўлиб кетдим. Кейин аравакашлик ҳам инқирозга учради: темир йўл чиқиб, ишинг белига тепди. Саккизта отим бор эди. Отмисан от эди! Нерчинскдаги яхши отлар меники эди. Энди биттаси қолди, у ўлимтик.

Гурулев сўзлаётиб соқолини силкиб қўярди, ёшлик, «ўз олтини»ни излаб юрган кезларидаги хотиралари ҳамон тинчлик бермаётганлиги кўриниб турарди.

— Сен менга қарама, ол, еявер,— эсига тушиб қол-

ди уй эгасининг, гарчи ейдиган ҳеч нарса қолмаган бўлса ҳам. — Қалай, балиқ ёқдимми?

Чочуна жуда очикқан эди, шўр балиқнинг таъми оғзида қолди: бу нотаниш балиқ ёғлиқ, юмшоқ эди.

— Кета. Бу балиқ Амурда гиж-гиж. Айниқса, Николаевскда баржалаб ташиб кетишади. Савдогарлар ейдиган балиқ, — мақтанди Гуран ва хотинидан илтимос қилди: — Меҳмонга тузуқроқ олиб келсанг-чи. Юртимиз тўғчилик. Фақат ҳаётда омад бўлса бас. Усталик ҳам керак. Михаил Дмитриевичга ўхшаган. Хўп бой эди-да. Камдан-кам учрайдиган яхши одам эди, мияси бутун, қалби ҳам тоза эди. Ҳосил бўлмаган вақтлар халқни боққан, етимлар учун мактаблар ва уйлар қуриб берган. Бунақангиларга ўз омадингни ҳам атагинг келади. Чунки менга омад келиб, миллион олтинга эга бўлганимда ҳам уни нима қила олардим? Нимага ишлатардим? Худонинг ўзи ҳам омадни кимга беришни билади. Сенга қойил қолиш керак. Қойил овчисан. Изюбря учрайдими ёки сохатий<sup>1</sup>ми? Бунга ҳам омад керак. Ҳозир сохатийни олтинга ҳам тополмайсан. Қириб юборишди. Икковимиз бирга менинг отимда бориб келамиз. Сохатийлар қаерда қолганлигини мен билман.

Чочуна ўйлади: «Гуран ҳеч қанақа сохатийга бориб келмоқчи эмас, шунчаки қизиқтиряпти», Ёшлигида омаднинг кетидан қувиб етолмаган, кейин ёлланма ишчи бўлган. Отларни кўпайтирган, темир йўл чиқиб, пулдан маҳрум этган. Энди унга худо овчини юборса, кўнгли сохатий тусаб қолибди. Одамнинг қуроли бўлса, ёнига сохатийнинг ўзи келади. Қаранг, унга кон топилмаган эмиш....

«Сен ўз омадингни топа олармидинг?..» — бирдан ўзига-ўзи савол берди Чочуна. Шу фикр хаёлидан ўтди-ю, нафаси тиқилди. Юраги ҳам ҳаприқиб кетди. «Топардим! Топардим!» — дея жар солгиси келарди унинг....

### VIII боб

Кекса Гураннинг афсонавий одам — Бутин ҳақидаги ҳикояси сохтага ўхшарди. Ёқут: бир одам элликта кон, кемалар, заводларга эгалик қилишига сира ишонмасди! Тўғри, агар одам ҳамиятли бўлса, у одамларга

<sup>1</sup> Сохатий — лоснинг бир тури.

яхшилик қилади. Бу гапга ишониш мумкин. Лекин шунча пулга эга бўлиш, бу пулларнинг мактаблар қуришга етиши ақлга сиғмайди! Шунча пул қаердан келади? Олтиндан-да! Ердан. Демак, бу ерлар бамисоли хазина! Гурулевга ўхшаш юз-юзлаб кишилар бутинларнинг орқасидан кун кўриб юрибди. Лекин нега Гурулев Бутин каби шуҳрат қозонмади? Ўз конини тополмаганмикин?... Хе-хе!

Ҳа, кекса Гураннинг Бутин деган бадавлат одам ҳақидаги ҳикоясига ишониш қийин. Аммо Чочуна Гураннинг гаплари ҳақиқатлигини ўз кўзи билан кўргач, ҳанг-манг бўлди.

Эртаси куни Чочуна янги шаҳарга келди. Аввал йўғон-йўғон қайин тўсинларидан қурилган уйни кўрди. Данғиллама иморатни диққат билан кўздан кечириб мустаҳкамлигига ишонди. Уй арра ишлатмай, болта билангина тикланган эди. Яна боши қотди: битта шу уйга қанча куч сарфланган бўлсайкин? Кенг ҳовлида катта-катта омборлар тизилиб турарди. Улар ҳам қайин ёғочидан қурилганди. Нельмада ҳатто энг бой ёқутнинг уйи ҳам мана бу омборлардан кичкина эди. Войликларини сақлаш учун бир неча катта омбор қурилган эканми, демак, уйнинг эгаси жуда бой бўлиши керак.

Кенг саҳннинг тўрида ҳайратангиз оқ бинолар қад кўтарганди. Бу уйлар шунчалик нафис-нозик эдики, худди денгиз кўлигидан қурилганга ўхшарди.

Чочуна архитектура нималигини умуман билмасди, шунинг учун агар ҳозир бирон киши унинг қаршисида мавритания услубининг намунаси турибди, деса ҳам ҳеч нарса тушунмасди. «Уйни ҳаддан ташқари чиройли қилиш учун куч сарфлаш шартмиди? Уй иссиққина, ёмғир ва шамолдан, аёздан пана қилса бўлди-да...»

Чочуна уй кимникилигини билиб турса ҳам ўткинчи бир одамдан сўради:

— Бутиннинг уйими бу?

Тасдиқ жавоби эшитгач, Чочуна яна ўйлади: «Битта одамга шундай катта иморатнинг нима кераги бор?»

Чочуна таажжуб ва ҳайратда Бутуннинг уйи атрофида анча айланиб юрди. Қорни қаттиқ оғрий бошлагандан кейингина бу ердан кетди. У майдонни айланиб ўтиб, иморатлари оқ тошдан қурилган бозорга кирди. Бу ерда ҳам савдогарларни кўришдан олдин бир оз муддат уйлар олдидан турди, бу уйлар энда ёғочидан ўй-



макор гуллар солиб қурилган эди. «Уйни қуришдан ҳам безагига кўпроқ меҳнат ва вақт сарфлашган-ов». — жаелидан ўтказди Чочуна.

Қорин оғриги кучаяётган Чочунанинг ҳамёнида сариқ чақа ҳам йўқ эди. Бозорда бўлса гўшт сотиш авжида. Қаршисида янги гўшт кўрган қорни оч Чочунага жон кирди. Хўппа семиз қандайдир қассоб мужик қаттиқ харсиллаб куйманарди. «Юраги чатоқ шекилли», — ўйлади Чочуна. У катта-катта гўшт нимталарини тушираётган қассоб ёнига яқинлашди.

— Ке, қарашворай, — Чочуна розилик кутиб ўтирмай, энг катта нимтани шартта кўтариб пештахтага ташлади. Хаш-паш дегунча гўшт тушириб бўлинди.

Чочуна қўлига катта ой болтани олди. Қассоб нима қилишини билмай турганди, Чочуна кундага нимталарни ташлади.

— Сен сотавер, сотавер, — қистади Чочуна қассобни.

Анчагина одам навбатга туриб қолган эди. Қассоб қаёқдандир пайдо бўлиб қолган ёрдамчига миннатдор яна бир марта қараб қўйгач, маъқул ишорасини қилиб, тарози ёнига ўтди.

Янги сўйилган гўштга талаб катта эди. Навбатда турганлар борган сари кўпайиб борарди. Бир ярим соат ўтар-ўтмас, молнинг сонлари сотиб бўлинди. Чўнтаги тўлиб кетган қассоб қолган пулларни оёғи остидаги халтага сола бошлади.

Гўшт тугаб борарди. Чочуна чопилган гўшт бўлақларини пештахтага уйгач, гавдасини кўтарди-да, бир бўлақ гўштни ажратиб қўйиб:

— Болта ҳақи бу. Мен хиёл чекиб келай, — деди.

— Майли, бемалол, оғайни, — деди қассоб мамнун бош силкитиб.

Чочуна қўлини халта четига артаётгандай қассобнинг орқасида бир лаҳза туриб қолди...

Қассоб бозори ўнгидан келгани, анча-мунча даромад қилганидан хурсанд қиёфада Чочуна ажратиб қўйган гўшт бўлагига қараркан, дилидан: «Кўпроқ сўраса керак деб ўйлагандим, атиги бир бўлақкина гўшт олди холос», — деган фикр кечди.

У ҳаммаёғи пул тўла, червонларни чангаллаган кўйи қўлини пастга чўзиб пайпаслади. Лекин негадир бармоқлар халтага тегмасди. Шундан кейин Чочуна энгашиб оёғи остига қаради-ю, халтани кўрмади. Теварак-атрофда ҳам пул халтаси кўринмасди. Қассоб ҳай-

ратда кафтини ёзиб юборганди, пуллар тахтага сочилиб кетди. Бояқиш мижик саросимада у ёқдан бу ёққа югураркан: «Войдод! Дод! Пулимни шилиб кетишди!» — дея бақира бошлади.

## IX боб

Чочуна ҳеч қачон шунча пулга эга бўлмаганди. У шаҳарликларга ўхшаб олифта кийиниб олди. Папирос тутунига тўла ифлос қаҳвахонада Чочунанинг биринчи оқшом ўтириши эмасди. Столга ароқ, хушбўй тамаки, қоврилган гўшт, кам тузли омуль ва тузланган мат қўйишган. Авваллари ёқут тайгасидан келган ўсмир йигитнинг мат ва тамакига хуши йўқ эди. Лекин кўп ўтмай, Чочуна уларга кўника бошлади. Ароқ ичиб кетидан гўшт ейдиган ҳам бўлди. Қайси ёқут гўшт емайди дейсиз!

Чочуна қаҳвахоначи олдига келди-да, менсимаган қиёфада: «Тўш гўшtidан бўлсин! Менда ҳам қолмайди!» — деди. — Менда ҳам қолмайди» — бу гапни у шу қаҳвахонада кимдандир эшитган эди. Маънодор ҳозирги гап айtilган ҳамоно ёқут йигитнинг столида буғи чиқиб турган кемирчакка ўхшаш юмшоқ тўш бўлаги пайдо бўлди. Ёқут ароқ ичиб, овқатлангач, кўзлари сузилган кўйи столга санамай пул ташлади.

Бир куни қаҳвахонага иккита рус киши кириб келишди, кийимларидан қишлоқдан келганга ўхшашар, кўйлаклари ёқа вайрон, янги камар боғлашган, бирининг оёғида сигир тери этик, иккинчиси уринган чориқ кийиб олганди. Этикли одам каттароқ ёшли бўлиб, ўзини виқорли тутарди. Улар яқин стол ёнига ўтиришди.

Чочуна янги келганлар унга қараб нотаниш сўз шивирлашаётганларини пайқаб қолди:

— Хунхузик! Хунхузик!

Чочуна сергакланди. Ким бўлдийкин булар? Нима ҳақда гапиришяпти ўзи? Улар икки киши, аммо бақувват эмас. Бир нарса бўлса, бўш келмайди.

Нотанишлар ароқ буюришди. Ёшроғи ёқут йигитга тикилганча «Хунхузик, хунхузик» дея бошлади. Чочуна ўзича ўйлаб қўйди: «Яқинроқ кел-чи. Кўрсатиб қўяман сенга «хунхузик» ни!»

Чориқли рус стол ёнида туриб, тебрана-тебрана Чочунанинг столига яқинлашди-да, иккала қўли билан столга таянганча чайқаларкан:

— Сен хунхузми? — деди.

Йигитнинг авзойидан Чочуна унинг ёмон нияти йўқлигини пайқади. Қизиқсинаётган бўлиши мумкин.

— Нима? — тушунмади ёқут.

— Сен хунхузми?

— Тушунмаяпман.

Йигит жимиб қолди. Кейин яна савол берди:

— Сен хитоймисан?

— Йўқ, хитой эмасман. Ёқутман.

Катта ёшли рус бу сўзни эшитиб шартта ўгирилгач, Чочунанинг юзига тикиларкан, таниш одамани кўриб қолгандай сакраб ўрнидан турди.

— Ёқутмисан? Қаердан бўласан? Мен Ёқутистонда бўлганман. Елланиб ишлаганман. Ленада ёғоч оқизганман.

Нотаниш одамлар Нерчинскдан ўттиз чақирим наридаги аллақандай қишлоқда яшашаркан. Каттасининг оти Нил, кичигиники эса Гриша экан.

Ўша куни улар учовлон анчагача улфатлашиб суҳбатлашишди.

Чочуна ўлжа олишда қатнашишга осонгина кўна қолди. Қасобни чув тушириш фикри дабдурустан келган бўлса, бу сафар у нима қилишлигини олдиндан билиб турарди.

Яқинда тайганинг пастқам бир жойида хунхузлар тўдаси Иркутскдан Нерчинскка олтин олиб келаётган аравага ҳужум қилганди. Хунхузлар йўлнинг икки чеккасидаги дарахтлар орасидан сакраб чиқишди. Соқчи билан аравакашни бўғизлашгач, аравани талаб, қимматбаҳо юкни олиб кетишди. Дарахт шоҳлари қароқчиларнинг орқасидан эгилиб қолгандагина охранка ҳаракатга тушди.

— Бизда, бу ерликларда қадимдан шундай нақл бор: хунхузлар араваларни талашса, биз хунхузларни талаймиз. Ҳеч вақоси йўқ хунхузни чирқилатгандан нима фойда? У олтин олиб кетаётган бўлса бошқа гап... — дея Нил ёрилиб кетган қора қўлларини артди. — Мен борганман. Бир неча марта. Лекин сира омадим келмайди.

Нил ва Гриша Нерчинскка қурол дардида келишган эди. Агар Чочунани учратиб қолишмаса, ишлари чатоқ, қурол сотиб олишнинг ўзи бўлмасди.

Нилнинг тахминига кўра, хунхузлар аравани талаганларидан кейин тайга оралаб бугун-эрта чўлдан

ўтишлари керак эди. Нил уларнинг яёв, асосан кечаси юриш одатлари борлигини биларди.

Нил Гриша билан Чочунани яккам-дуккам ўтлоқлари бор пастроқ тепаликлар ёнига бошлаб келди.

— Шу ерда кутамиз.

Биринчи кунлари натижа бермади. Чочунанинг тоқати тоқ бўла бошлади. Аммо тонга яқин, ҳали мудроқ чўл қушлари эринибгина жўрлаша бошлаганда тўқ жигарранг уфқ этагидаги олисда беллари баравар кўкат оралаб келаётган икки одам гавдаси кўзга чалинди. Чочуна шерикларини туртди.

Четдан айланиб ўтиб, олдинга чиқиш, бирон қарагай тупсаси ёнида кутиб туришга қарор қилинди.

Келаётганлар хунхузлар эканлигига шубҳа йўқ эди, маҳалий халқ кечаси чўлга чиқишига зарур келибдими, нақ қароқчилар қўлига тушиб қолиш мумкин ахир. Бунинг устига, ерликлар одатда отда юришади.

Учовлон қалин ўрмон кўкат орасидаги тупса пана-сида писиб ётишди. Милтиқли Чочуна сал олдинда, пичоқ ушлаган Нил билан Гриша кейинроқда шай тур-ришарди.

Қуёш ҳали кўтарилмаган, аммо масофа яхши кўри-нарди. Сийрак чангалзордан икки киши чиқиб, тўғри пистирма қўйилган томонга кела бошлади. Чочуна ичиди: «Худди бўридек яширинишяпти. Шохдан шох-га, тепаликдан тепаликка ўтиб, ўнг келса, овлоқ жой топишади. Бунақада анча нарига бориб қолишлари мумкин. Нил қаерда пойлашни билар экан. Қўйил» — деб қўйди.

— Менга қара, Чочуна, — шивирлади Нил. — Омад-ли экансан. Чиқдинг-у, дарҳол дуч келдик! Мен неча марта чиқмай, энди биринчи...

Чочуна кифт қисди:

— Балки улар хунхузлармасдир?

— Хунхузлар бўлмай ким бўларди? — Нил шубҳа қилмасди.

Икковининг қўлида таёқ — олис йўлга чиққанлар шундай қилишади. Кифтларида хуржун. Орқадагисида қурол бор.

Мана уларнинг афти ҳам кўрина бошлади. Бирин-чиси, маньчжурларникига ўхшаш кўсанамо, қилтириқ-қина. Иккинчиси, анча ёш. Иккалови ҳам қаттиқ чар-чашган. Секин, индамай келишяпти.

Нил Чочунани туртди. У ер баравар энгашиб олди.

Хунхузлар ҳеч нарсадан беҳабар жудаям яқин келиб қолишди. «Орқаларидан отади» — деб ўйлади Нил. Аммо Чочуна ўқ узмаганди, Нил шарпасиз ўрнидан турди-да, уч сакрашдаёқ катта йўловчига етиб бориб, унинг ўнг биқинидан осилиб турган пичоғини тортиб олди. Чочуна чекига тушган йўловчини қулатиб, бир зумда қуролсизлантирди.

Нил Гришадан олдинроқ ёш хунхузга етиб бориб хуржунига ёпишди. У эса қайрилиб ҳам қарамай қўлини орқа ва юқори томон ҳаракатлантирди. Нил бирдан ғалати букилиб, бир оз чайқалгач, индамайгина ёнига шилқ этиб ағдарилди. Гриша довдираб қолди. Шу пайт ёш хунхуз шартта ўзини четга, дарахтлар орасига урди. Чочуна бақирди:

— Қувла!

Аммо Гриша жойидан қимирламади. Чочуна унга милтиқни ташлади. У қуролни илиб олиб югура бошлади.

...Эҳ, Нил, Нил! Омадинг йўқ сенинг. Нега бунча бўшашмасанг? Ахир биласан-ку, олтинни осонгина бериб қўйишмайди. Омадсизсан.

...Омад-сиз... о-мад-сиз... о-мад-сиз, — қабалида тақилларди поезд ғилдираклари. Чочуна Нилнинг ўлими тўғрисида ўйлаб борарди. Лекин раҳми келмасди. Аксинча, шодлиги ичига сиғмай жилмаярди.

— Нега бунчалик шодсан? Қайлиғинг олдига кетяпсанми? — сўради ундан қаршисида ўтирган қора рўмолли кампир.

— Ҳа, ҳа... қайлиғимнинг олдига, — ўйланиб ўтирмай ёлғон гапирди Чочуна.

— Кўриниб турибди ўзиям.

...Нилнинг ўзи айбдор. Очкўзлигинг бошингга етди, Нил. Узингдан кўр. Гриша-чи... нима қилдийкин у?

...Гриша кўп югурмади. Ўқ узди. Лекин теккизолмади албатта. Милтиқда биттагина ўқ бор эди, холос. Ёш хунхуз дарахтлар орасида кўринмай қўйди. Гриша у ёғига югуриб ўтирмади. Қўрқдимикин? Балки, олтин ҳаммага етади, деб ўйлагандир.

Чочуна хуржунни кавлади. Унинг энг тагида узунчоқ, кўкиш пишиқ матодан тикилган колбасанусха халтача ётарди. Чочуна пичоқ билан апил-тапил унинг бир чеккасидан кесди — майда олтин ёмбилар ўт устига сочилди. Ёмбилар оғир-оғир, сирти эса ушлаганда

силлиқ ва юмшоққа ўхшарди—ё қўли терлаган, ёки олтинни ушлаганда ўзи шунақа юмшоқ туйилади...

Чочуна тасмачани узиб, кесилган бурчакни тугиб қўйди. Шунда ўзига биров қараб турганини сезди. Бошини шартта кўтариб, қаршисида Гришани кўрди.

— Анави сенинг улушинг,— деди Чочуна ўт устида ялтираб кўринаётган бир ҳовучча ялтироқ олтинга ишора қилиб.

— Яна қўш,— талаб қилди Гриша.— Нилникини ҳам.

Чочуна халтачани белидан ушлаб, аста силкита бошлади. Олтин шилдираб тўкилди.

Чочуна Нилга қаради, у кучала бўлиб ётар, инграрди. Чочуна халтачадаги олтиннинг учдан бирини тўккач, тезда оғзини боғлаб, хуржунга солди.

— Сенга умрбод етади. Мана сенга милтиқ,— бу милтиқ хунхузники эди, лекин шу заҳоти ўйланиб қолди. Винчестер. Чочуна милтиқнинг фарқига борарди. Овчилар орасида америка милтиғига талаб катта эди. Бермагани маъқул-ку! Чочуна винчестерга яна бир тикилиб разм солди, уни ўт устига қўйиб, тиззаси билан босди.— Берданкани ола қол. У ҳам яхши отади.

Чочуна чўнтакка қўл солиб, ўқларни пайпаслаб кўрди. Гриша чурқ этмай кузатиб турарди. Унинг тикилишидан нимадир англаб, Чочуна хуржунни шахт орқаларкан, винчестерни олганча дик этиб туриб, чўл томон йўналди.

— Уқлар-чи!— Гриша Чочунанинг орқасидан бормоқчи бўлиб турувди, винчестернинг оғзига дуч келди.

У орқага тисарилди-да, йиғлаб юборди. Кейин Нил узра энгашиб, уни ечинтирмоқчи бўлганди, аммо оёқлари букчайиб баҳайбат дўсти елкасига йиқиларкан, фарёд чекди. Чочуна умрида биринчи марта юраги ачишиб раҳми келганини сезди. У нима қилишини билмасди. Шунда катта ёшли хунхуз уни унутишганидан фойдаланиб, ўт устида юмалаб ўрнидан тура, лйдоқ чўлга қараб қоцаётганини кўриб қолди. Хунхуз ғалати ва кулгили ҳолда қочарди: қўллари орқасига боғланган, оёқлари тушовлангани учун тиззаларини буккан кўйи сакраб-сакраб узоқлашарди. Чочуна жилмайиб қўйди...

О-мад-сиз... О-мад-сиз... Поезд тез юрар экан. Чарчамайди ҳам-а...

Чочуна поездда Сретенсккача бориб, у ердан кемада Хабаровскка сузиб кетди. Бу шаҳарда бир йилча сандирақлади. Аввалига шаҳарда нимаики яхши кийим бўлса, олиб ясанди. Кейин ҳамма тишларига тилла қоплатди. Заргардан бриллиант узук ва занжирли тилла соат сотиб олди. Хабаровсклик бойваччалар ўртасида Чочуна ёқут князининг меросхўри бўлиб танилди. У бундай гапни ким чиқарганини билмаса ҳам бу ном ўзига ёқарди. Чочуна кулранг халтачаси анча бўшаб қолганини кўргач, Амур этаги— Николаевскка йўналди. Бу шаҳар корхона эгалари, саноатчилар ва ҳархил ишбилармандлари билан машҳур эди.

У келган кунининг эртасигаёқ шаҳарда ёқут князининг олтин ва бриллианти кўп бадавлат ўғли пайдо бўлибди, деган гап тарқалди.

Энди Чочуна бўридек олишиши, шундагина ниятига етишини биларди. Сапрон тоғадай елка қисиб юрсанг, ўзингга жабр. Байроқ кўтариб, подшоҳга қарши юриш қилсанг — ўлдиришади. Гурулевга ўхшаб бахт орзу қилсанг-у, муваффақиятсизликлар олдида тиз чўксанг, ҳеч вақосиз қоласан. Нил одам эди, яшашни биларди! Отаси ҳам. Аммо у тентак—ҳозир бошқача замонлигига қарамай, ҳамон қамчин ўйнатгани-ўйнатган...

Кўп ўтмай, Чочуна балиқ саноатчиси Никифор Трошкин билан танишиб қолди. Бойнинг тунука томли каттакон намоқоб цехи, ўн бештача смолаланган кунгаслари ва иккита буғ қайиғи бор эди. Қизил гишт иморати билан корхона биноси баланд қирғоқдаги қулай жойда қад кўтарганди.

Трошкининг лиманда бир ярим километрли кўндаланг темир тўсиғи бор эди. Кеталар урчиш учун келадиган йўлга нивхлар қурган бу улкан девор-қопқон ҳар кузақда эгасига юз минглаб пуд машҳур серебрянка<sup>1</sup> инъом этарди. Бу балиқни тузлаб тайёрлаш усули қаттиқ сир сақланарди. Бу балиқ Николаевск, Хаба-

<sup>1</sup> Денгиздан ҳали дарёга кирмаган кетани шундай аташарди. Кета дарёнинг чучук сувида кумушсимон ранги ўзгариб қорамтир тус олади ва таъмини йўқотади.

ровск ва Владивосток магазинлари ва ресторанларига тарқалган, Пекин ва Токиога ҳам етиб борган эди. Трошкиннинг рақобат қилувчи рақиблари кўп эди. Ундаги ишловчилар—нивхлар ва ульчалар ҳам сув текинга ишлашарди ҳисоб. Шунингдек. Трошкиннинг Амур лимани ва Сахалинда «ўз одамлари» бўлиб, улар кичикроқ корхонага эга, рақобат қилишга қурбилари етмагани учун «Отахон»га хизмат қилишарди. Трошкинни бутун Амур-Охота соҳилида «Отахон» дея аташгучийди.

Чочуна Николаевскда ёз ва кузнинг бошларини ўтказди. Катта ишда ўзини синаб кўриш орзуси уни шу ерда тутиб турарди. Аммо корхонанинг жиддийлиги эҳтиёткор бўлишга мажбур этарди. Бунинг устига, тайгаликларнинг денгиз тумани ва шўр ёмғирга тоқатлари йўқ эди.

Шу орада янги учрашув оёқ остидан чиқиб қолди, бу учрашув нима қилиш керак, деган саволни ҳал этиб берди. Отахоннинг олдига Сахалиндан унинг куёви Тимоша Пупок акаси Иван билан келди. Улар юздан ортиқ қимматбаҳо серёғ кета қоринлари — «киндиклари» келтиришганди. Ёқутнинг ҳайрати чексиз эди: шунча қорин олиш учун озмунча балиқ нобуд қилинмаган бўлинса керак-ов!

Катта шиша ароқ устида Чочуна сўради:

— Балиқнинг ўзини нима қилишган?

Тимоша «Отахон»нинг ҳайратланганидан мамнун оҳангда бепарво жавоб қайтарди:

— Нима қилишарди? Гиляклар билан кучукларга ташлашган-да.

— Кучукларга?! Шундай балиқларни кучукларга беришадими?

Кейин Тимоша маҳаллий аҳоли қундуз овлаши ва буғи подалари билан кўчиб юриши ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Тунгуслар ёввойи ҳайвон тутишга уста. Буғи миниб таъқиб этишади, қундузларни, итлари эса уларни мушукни босгандек босади,— фақат терисини шилиб олишга улгурсанг бас! Нонче Баҳорда тўрт юз дона қундуз олиб келган эди! Кўпроқ ҳам олиб келиши мумкин эди-ю, у ерда бошқалар ҳам бор, манзилгоҳ-ма-манзилгоҳ кезиб юришади.

«Балиқ овлаб, қундуз харид этишини биламан. Лекин кўпроқ нима билан шуғулланаркин: балиқми ёки



мўйна биланми? «Бошқалари» ким бўлдийкин?» — Чочунанинг миясига янги режалар кела бошлади.

— Бошқалар сенга халақит беришга қандай журъат этишади? — толмовсираб сўради Чочуна. — Сен катта хўжайин бўлсанг. Катта ернинг катта хўжайини.

Тимоша бошини сарак-сарак қилди.

— Хўжайин... Мен хўжайинманми?! Тўғри, ер катталикка катта. Мен ўз соҳилимни айланиб юрсам, бошқасида Иванов ёки бошқа биров ҳамма гилякларни чув тушириб кетади. Тъла дарёсига эса кўтарилмайман, фақат денгизда юраман. Бир марта уриниб кўрдим. Шхуна ўртагача борди холос, уёғи сайёз экан. Гиляклар эса юқорида ҳам яшашади.

«Тушунарли», — хаёлан хулосалади Тимоша билан бўлган суҳбатни Чочуна.

Отахон индамай ўтирарди. Чамаси, ёқутнинг Пупка билан суҳбати уни сира қизиқтирмасди. Индамай ароқ ичар, тузи кам кета бошини карс-карс чайнаб, жағини қимирлатарди. Суҳбат охирда Отахон қисқагина қилиб:

— Сен, Тимоша, ҳушёр бўл, гиляк балиқни ўзида олиб қолмасин, — деди.

— Бундай қилмасликка ўргатиб қўйганмиз, Отахон, уларни.

— Барибир ҳушёр бўл.

Тимоша Чочунани Сахалинга ўзи билан бирга олиб кетди. Шунчаки «танишиб олиш» учун. У ҳанузгача маҳримдаги жой деб ҳисобламиш мулкига қандай одамни етаклаб келганини хаёлига ҳам келтиролмасди албатта.

Чочуна Николаевскда ароқ, чой, тамаки, қанд, ов анжомлари ва тўртта янги милтиқ харид қилди.

## XI боб

Тимоша уйга қайтаркан, нивхларнинг манзилгоҳларида тўхтаб, ун ва гугурт, газмол ва ароқ, чой ва мунчоқлар, нина ва металл идиш-товоқларни, тамаки ва ҳар хил ипларни тарқатарди. Нивхлар бунинг эвазига бочкаларда балиқларни йиғиб қўйишарди. Бочкаларни Тимоша мавсум бошларидаёқ олиб келиб берган эди. Ҳозир Отахоннинг омборида ётган серёғ қоринлар ёзда овланган балиқларники эди. Ярим ойдан сўнг

Тимоша манзилгоҳларни айланиб чиқиб, балиқ тўла бочкаларни йиғиб олиб, бўш бочкаларни тарқатарди. Нивх тузланган кетани камдан кам ишлатади. У балиқни қуритади. Юпқа-юпқа кесиб қуритади. Уни юкола деб аташади. Тузланмаган юколани русларнинг камдан ками истеъмол қилади. Винобарин, гияк фойда кўриш учун балиқни тузлай бошлайди. Гиякнинг ўзи идиш ясай олмайди. У ҳамма балиқни Тимоша берган бочкаларда тузлайди. Тўғри, хушёр бўлиш керак, йўқса, гияк ҳам айёрликка ўтяти: бочкани тузлаб бўлгач, вақтида олиб кетилмаса, бошқага бериб юборади. Кейин яна тузлашга тушади-да, баъзан бочкани тўлдиришга улгурмай қолади, кета соҳилда турмай, дарёга сузиб кетади.

Тимоша Воронеж губерниясидан сургун қилинган оилада, оролда туғилди. Сургун бўлган отаси муддатини ўтади-ю, аммо юртига қайтиш учун пули бўлмади. Шу сабабли, бу ерда қолиб кетди. Катта машаққатлар билан ер ажратиб олди, ёғоч омов ясаб, нивхларни ажаблантириб ер ҳайдади. Бунақа ишларни нивхлар кўриш у ёқда турсин, эшитишмаган ҳам эди. Шимол тупроғи кам унум бўлса ҳам оз-моз картошка ва жавдар етазиш мумкин. Тимошканинг отаси бу ерда деҳқончилик билан тирикчилик ўтказиб бўлмаслигини англади. Икки мавсум у кета тутиб тузлади-да, Николаевскка олиб борди. Кейин балиқнинг ўзини тайёрлагандан кўра уруғи ёки серёғ қорин тайёрлаган афзаллигини тушунди. Қоринни Амур ўлкасида «пупка» деб аташади. Бир бочка ёғли «пупка» шу миқдордаги балиқдан бир неча марта қиммат юарди. Тимоша оила бошлиғи бўлиб қолган вақтда отасидан унга шинамгина беш хонали ҳаммоми бор уй, икки бош сигир, иккита от, болалаган мегажин ва учта боқиманда қолган эди.

Сургун қилинган деҳқоннинг ҳақиқий фамилиясини кексаларгина эслашарди холос. Кета уруғ ташлашга келадиган пайтда рус киши одатда манзилгоҳларга бориб, очиқ кўнгиш ва оқибатли нивхларни бир шиша ароққа арзимаган нарса — кета «пупкаси» боришга кўндиради. Шу-шу унинг номи Пупка бўлиб кетган. Бу лақаб собиқ бадарғачига ўрганиш бўлиб кетиб, унинг авлодига ҳам ўтди.

Тимоша отасидан русларга хос меҳнатсеварлик, оғир-босиқ иш юритишни ўрганган эди. Ун саккиз

ёшида Николаевскилик саноатчининг қизига уйланди. Отаси бандаликни бажо келтирганда унинг ўзининг икки фарзанди бор эди, улар устига отасидан қолган яна уч жон қўшилди. Тимоша беш хонали уй эгаси бўлгач, эртани ўйлаб, икки ёз укалари билан ёнма-ён яна беш хонали уй қурди. Кейин иккинчи укаси Иванни уйлантирди. Унга нефть саноатчисининг қизини олиб берди. Тимоша шу йўл билан ўлканинг бадавлат ва эътиборли одамлари билан тутиниб кетишни ўйларди. Бироқ якка ўзи турадиган нефть саноатчиси синиб, қаёққадир ғойиб бўлди. Фақат унинг чиройли, барваста қизи — Иваннинг хотинигина қолди.

Иван эса отасига кам ўхшарди. Гарчи соғлам, бақувват бўлса ҳам ишга унча хуши йўқ, акасига суяниб қолган эди. Жиддийроқ ишларни Тимоша унга ишониб топиширолмасди. Иван чиройли ва дўндиқ Федосьясидан ажралмасди. Укаси марҳум отасидан қолган ва кейин кенгайган оиланинг кўпдан кўп ташвишларига пича ҳисса қўшсин учун Тимоша унинг уйига синглисини киритиб турарди.

Кенжа укаси Прокопий Иванга ўхшамасди, тўнғич акасига тортган эди. У ўзини тутиб олган, гиляклар билан олис сафарларга чиқар, сулаймон балиқ тутар, кета овларди, яхшигина ёрдамчи эди... Прокопий энди қаватга кириб келаётганида, довул вақти гиляклар билан ҳалок бўлди... Ўша уқубатдан кейин Тимоша ўзининг жигарларига раҳмдил бўлиб қолди. Ахир улар бу худо қаргаган ўлкада ёлғиз эдилар-да.

Ҳолбуки, бу ердан анча олис, денгиз ортида у каторга қўшиқларидангина билган поёнсиз чет Сибирнинг нарёғида она юрти, ўз ватани бор. Сибирни у улкан, поёнсиз тайга деб тушунади. Ҳар доим тасаввурда «юрти» шундай намоён бўлади: хилват ва диққи нафас тайга — Сибирь олисларда тугаб, уёғида ғайритабиий ер бошланади. У ерда ҳам ўрмон бор, аммо у ўрмонлар ёруғ, файзли. Улар поёнсиз эмас, алоҳида-алоҳида бўлинган. Далалар ғалла, салқи бошоқлар билан қопланган. Улар орасидаги иссиқ саробда рус аёллари ва қизлар сузиб юришади. Гулдор сарафан ва кўйлақларда. Қўлларига узук тақишган. Аёллар қувноқ қўшиқ айтишади. Ҳаммалари энгашиб, бўлиқ ғаллани ўроқ билан ўришади. Чиройли рўмол ўраб олган бошлари узра сийрак оқ булутлар сузади. Кўкдан қуёш олам-олам нур сочади...

## XII боб

Икилак ўгирилиб, қирғоқдаги дарахлар орасида сийрак ёруғни кўрди. Тутун буралиб кўтарилмасмикин, итларнинг вовиллаши эшитилмасмикин, деб диққат билан тикиларди, чунки дарё икки марта қайрилган жойда қайлигининг манзилгоҳи бор. Ахмалкларникида меҳмон бўлиб қолинадими, қолинса, бунга қанча вақт ва нима совға-салом керак бўлади, гарчи булар гаплашиб олинмаган бўлса ҳам Икилак тайгадаги икки манзил ўртасидаги сўнгги муйилишни энтикиб кутарди.

Дарёнинг саёз жойида тўлқин қутурар, кўпикланган долғалар орасида қаттиқ ер кўриниб қоларди.

— Тур! — қичқирди орқадаги отаси.

Наукун олдинги эшкакни чаққон эша бошлади. Қайиқ қирғоқдаги толларга тиралди.

Икилак «нега?» деб сўрмоқчи бўлди-ю, индамай қолди: отаси айтдими, демак бажариш керак.

— Чой ичамиз, — деди Касказик.

— Ахмалкларимизникигача атиги икки муйилишигина қолди, — илтижоли сўз қотди Икилак.

Наукун укасига тескари ўгирилиб, қайиқдан болтани олди-да, қуриқшоқ тилгочни берилиб чопа бошлади. Қоронғи тушиб, сийрак қарағайларни қоп-қора тилоғоч таналаридан ажратолмайдиган бўлиб қолганда, иккитаси жуфтланган, бири сал орқада сузаётган учта қайиқ ахмалклар манзилгоҳи ёнидан қора сувда секин сузиб ўтиб кетди. Кекса Кевонг ҳозир уларнинг кўзига кўринмасликка қарор қилди — қиш қалин тўлаш вақти эмас. Ҳозир уйлантиришдан кўра бошқа муҳимроқ ишлар бор: Нгаксвонглар уруғи одамлари билан ярашиш, тоабад сулҳ тузиш керак. Тоабад...

## XIII боб

Йўл доим ўй сурдиради. Ўй суриш сафардагиларгина хос эмас, хаёлга эрк берганлар ҳам ўй суриши мумкин.

Нивх аёллари кам умр кўришади. Бир-бирига ўхшаш узоққа чўзилувчи, бўронли, оч-наҳор қирқ қиш, бир-бирига, ўхшаш оғир меҳнат билан ўтадиган қирқ ёз, азобда ўн мартагача кўз ёриш — шундан сўнг аёлни кампир деб чақирадиган бўлиб қолишади.

Ўт-олов ўсмир Икилакнинг онаси, соч-соқоли оппоқ, янги кесилган тилоғоч тўнкасидек бақувват Касказикнинг хотини, ушоққина Талгук бошланг турарди.

Талгукни Кевонглар уругининг омадли оғзиси, илиги бақувват Касказикка олиб келишганда бу уруғ дарё қирғоғидаги кичик манзилгоҳни эгаллаган эди. Уларнинг эркаклари ҳали Пила-Керкка — Катта денгиз<sup>1</sup> яйловларида яшашарди.

Талгукка бир неча уруғ харидор эди. Ҳар бир уруғ уни олиб кетиш вақтини пойлаб юрарди. Туманли денгиз соҳилида яшовчи олис Нгакс-во манзили одамлари эса уни қизалоқлигидаёқ олиб кетмоқчи бўлиб юришарди. Лекин бунга отаси йўл қўймади. Қизим уйимда бўйи етгунча яшасин, бу орада имхлар қалин йиғиб бўлишади, деб шошилмасди.

Ўша ёз у ўттиз уч ань<sup>2</sup>га тўлди. У вақтда ароқ кўп, аммо қон тўкишлар янаям сероб эди...

Нгакс-во одамлари икки қайиқда Тими бўйлаб юқорига кўтарилишди. Уруғ оқсоқолига бир талай қундуз ва оқсувсар териси, тулки панжасидан чиройли қалпоқ ва кийим учун нерпа терилари, денгиз арслонининг оқ териси, янгигина эритилган ёғ, зангори хитой газмоли, чўян қозон, болта, шомполли милтиқ... Талгук буни ҳамон эслайди. Ароқ ҳам бор эди. Ароқ икки кун тўйиб ичишга етарли. Ҳа, совуқ денгиз соҳилида яшовчи Нгакс-во уруғи ниҳоятда қудратли эди.

Аммо бу одамлардан олдин Тими дарёсининг юқорисидан кекса совчилар келишди. Ўшанда отаси Талгукни Кевонглар уруғига беришга рози бўлди. Қалин боисидан тўй тўхтаб турар, куёв мансуб уруғ — имхлар қалин тўплашга киришишганди. Қишгача Талгук Тими дарёси юқорисига келин бўлиб тушиши керак эди.

Лекин кевонглар қалинни тўплаб бўлгунларича денгиз соҳилидан совчилар келиб қолишди. Сучок — бобо, Талгукнинг отасини шундай деб аташарди, аввалига совчилар билан гаплашишдан бош тортди, чунки у Кевонгларга сўз бериб қўйганди. Эртаси кун қаттиқ

<sup>1</sup> Охота денгизининг нивхча номи.

<sup>2</sup> Илгари нивхлар ёшни йил фаслларига қараб ҳисоблашган. Ань қиш ёки ёзни билдирган. Бир йил икки аньга тенг бўлган. Ҳозир йил ҳисоби бир хилга келтирилган; ань йилга тенглаштирилган. Романда ань эски маъносида ишлатилди.

ичкиликдан сўнг Сучок чолнинг ўзи меҳмонларнинг олдига ташаниб кирди.

...Талгук совчилар келишидан икки қиш олдин ўзини етилган ҳис қилди. Аввалига у менга нима бўлди, деб қўрқиб кетиб онасининг олдига югургилаб борди. Онаси қизига ётиги билан узоқ вақт тушунтирди...

Уша қиш Талгук кун сайин ўзини ўзи таниёлмай қўя бошлади. У ҳоли қолган пайтлари тўлишиб бораётган сийналарини чангаллаб-чангаллаб қўярди. Кифтлари, қуймучи кўзга ташланадиган бўлиб қолганди. Атрофдагилар шивир-шивир қилишарди: «Сучконинг қизи зап бўй етибди-да, роса тўйиб ичамиз ҳадемай».

Талгук ўзини келинчак ҳолда тасаввур қилолмасди. Аммо ўшандаёқ тиришқоқ, оёқ-қўли чақон бека бўламан, деб ният қиларди, чунки бундай хотинларни қадрлашади. У яна ўзини аллақандай сархуш ҳис эта бошлади. Бу туйғу кечалари тўлгантириб чиқарди. Эркакларга дуч келса, ҳолатимни сезиб қолишмасин деб ерга тикилиб оларди... Баъзан тўй тезроқ бўла қолсайди, дея сабрсизланарди ҳам...

Ширакайф отаси уни Нганс-во уруғидагилардан бирига фотиҳа қилинганини айтганда, Талгук индамайгина тақдирига тан берди. У ҳеч қачон катталар гапини қайтармаган, отасининг амрини-ку, айтмаса ҳам бўлади. Отаси хоҳлабдими, сўзсиз бўйсунди.

Бутун манзилгоҳ одамлари шовқин солиб кетаётган совчиларни кузатишга чиқди. Эркаклар қирғоқаги лойда сирпана-тойғана овозлари бўғилиб бақиршарди.

— Охо-хо, суюкли куёвимиз! Охо-хо!

«Севикли куёв бўлса — башариси қийшиқ, йигирма ёшларда эди. Меҳмонлардан аллаким куёв билан гаплашиб қолди: у бир пайтлар кимнингдир хотинини ўғирлаб кетмоқчи бўлганида эри пайқаб қолиб юзига остол<sup>1</sup> билан туширган экан. Йигит узоқ вақт хушсиз ётган, худо бир асраб, тирик қолган экан...

Тушдан кейин иккала қайиқ дам олгани тўхтади. Бурунда шинамгина сершағал бир жой топиб гулхан ёқишди. Яна ичишди. Кейин ширакайф куёв келинни тол хивичидан ясалган омонат қапага олиб кирди.

Куёв қўполлик билан ёпишганида Талгук қўрқувдан юраги ёрила-ёзди. Азойи баданида қақшатувчи қаттиқ оғриқ сезилди.

<sup>1</sup> Остол — нартда кетаётганда ишлатиладиган тормоз. Қаттиқ ёғочдан (қайин, дубдан) ясалади, учи металл.

Талгук куёв уни қанча қийнагинини эслолмайди.  
Иттифоқо шу пайт ўшқириқ янгради :

— Мана у! Мана!

Ёнгинада яна кимнингдир бақиргани эшитилди.

— Топдик хароми ўғрини! Топдик! Уринглар уни!  
Уринглар!

Капага бир киши мўралади. Қўлида найза. Лекин тор жойда найзани ишлатиш ноқулай бўлгани учун у энгашиб туриб, қийшиқнинг юзи устига сакради. Қийшиқ эса оёқларини ишга солди. Найзали одам қуларкан, капа деворини қийшайтириб юборди. Қийшиқ сакраб туриб, ўзи ҳамлага ўтди. Бироқ рақибни уни икки оёқлаб қаттиқ тепди. Омонат капа ағдарилиб тушди. Ингичка ов пичоқларининг дами ялтиради. Рақиблар пишқириб, ҳарс-хурс бир-бирларига хезланишар, пичоқ силташарди. Кимдир қаттиқ ингради. Урнидан турган қийшиқнинг биқинидан тизилаб қон оҳа бошлади. У гандираклаб, қайиқ томонга югурди. Кападан дарёгача бўлган кўкат усти қон юқи бўлиб кетганди. Шу пайт кимдир мўлжаллаб улоқтирган найзанинг кураклари орасига санчилди. Қийшиқ дарёга ағдарилди. Сув сатҳи қондан қип-қизил бўлди. Эҳтимол дарё сатҳи уфқ, сари ёнбошлаган қуёш шафағидан қизарган бўлиши ҳам мумкин. Шунданми, ҳар қалай, очкўз балиқлар қон ҳиди сезиб, бўш қайиқ теварагида ўралаша бошлаганди.

Ағдарилган капа ёнидаги одам қийнала-қийнала ўрнидан туришга уринарди. У чўккалаб олгач, қалин сочли боши ерда судрала бошлади. Ярадор тик турмоқчи бўлганди, қўллари оғирликни кўтаролмай букилди ва у тишларини ғичирлатганча юз тубан кўкат устига йиқилди.

Қийшиқнинг ҳужум кутмаган шериклари ваҳимада қочиб қолишганди. Улар ўзларини қўлга олиб, сўнаётган гулхан ёнига қайтгач, қон изини кўриб, қийшиққа нима бўлганини тушунишди. Битта қайиқ жойида турар, ундаги ҳеч нарсага тегилмаган эди. Иккинчи, қанча бўялган қайиқ ағдарилган дарахт ёнига келиб қолган эди.

...Талгук эрининг номини ҳам билишга улгурмади. Ҳужум қилганлар ким — уларни ҳам танимади. Чурқ этмаётган Талгук қайиққа ўтқазиб қўйишларига қаршилиқ қилмади, қайиқда барваста икки йигит узун хода ушлаб туришарди, қайиқнинг қуйруқ томонида

эса кексароқ киши бўлиб, унда ҳам узун хода бор эди. Талгук қайиқнинг ўртасига ўтирди. Унинг ёнида узун ходани ишлатиб келаётган овчи йигит ўтирар, бу йигит қайиқнинг қуйруқ томонидаги одамга жудаям ўхшарди. «Ота-бола бўлишса керак»,— хаёлидан ўтказганди ўшанда Талгук. Ярадорни иккинчи қайиқда олиб кетишарди.

Катта муйилишдан ўтгандан сўнг, кекса киши қайиқ бурнида ўтирганга юзланди.

— Нгафкка<sup>1</sup>, қирғоқда кутиб турайлик, Касказикнинг ака<sup>2</sup>сига нима бўлганини биламиз.

Шунда Талгук тушунди. Кекса одам буларнинг отаси, у билан икки ўғли келаётган экан. Касказик деб чақираётгани ука. У Талгукнинг ёнида турганча, ходани жон-жаҳди билан силтаб, қайиқни оқимга қарши ҳаракатлантирарди. Анави ярадор — тўнғич ўғил экан. Касказикка чамаси имхлар — куёвлар уруғига мансуб одам ёрдамлашаётган эди. Қайиқда ўтирган икки киши ҳам имхларга ўхшайди.

Ахмалклар — қайнота уруғининг одамлари кўпинча куёвлар уруғи одамларига иш буюради, бу ҳол айниқса кўпчилик билан битадиган иш чиқиб қолган вақтда юз беради. Имхлар қайнота уруғи одамларининг талабларини бажонидил бажаришади — азалий удум шу.

Талгук эртаси кун эрталаб ўзининг манзилгоҳига етиб келганидагина кевонглар уруғи ака-укаларидан бири унинг янги эри бўлажагини билди.

Сучок бобо маст бўлиб ётарди. Бегона одамларни, улардан бири қонга белганганини кўриб, у дарҳол сергакланди. Қизини гўё ҳеч ким олиб кетмагандай унга эътибор ҳам бермади.

Ўша куни маҳаллий азайимхон уч уруғнинг ҳаммаси — Сучок, Кевонглар ва Нгакс-во уруғлари оғир гуноҳ қилганларини айтди. Сучок бобо унашилган қизни бошқаларга бериб одатни бузди. Нгакс-во одамлари ўғри: улар Сучокни ичириб, маст одамнинг қизини олиб кетишган. Кевонглар эса ўзларининг ва бошқа-

---

<sup>1</sup> Нгафкка — мурожаат қилиб айтиладиган сўз. Айни маъноси: ўртоқ, оғайни, биродар.

<sup>2</sup> Нивхлар одатда катталарини исми билан аташмайди. Унга фалончининг отаси ёки фалончининг акаси, деб мурожаат қилишади.



ларнинг қонини тўкишди. Курнг олампаҳо тангри бун кечирмайди.

Икки кундан сўнг Кевонглар ўз манзилгоҳларига етиб олишди. Тўй ўрнига дафн маросими бўлди...

Талгук янги уруғга дабдабасиз кириб келди, уй бекаси бўлиб қолди. Ов қанча кўп бўлмасин, ёз қуёши биронта балиқни саситишга улгурмас, келинчакнинг нозик қўллари юколани дарҳол тилиб тугатарди. Талгук ажабтовур бекалик қилар, туғарди ҳам... Тўнғич қизи энсиз узун пичоқни ишлатишга барвақт ўрганди. Иньгит исмли бу қиз нозандай дастёрга айланганди...

...Талгук ҳозир анча бевошлик қилиб қўйди чоғи. У одатда эрталабдан ярим кечагача банд бўлар, каттами-кичикми, ишқилиб зарур ниманидир бажарарди, ҳозир эса у уйи ёнида анча вақт жим туриб қолди. Бу вақт ичида маньжур тамакиси барги солинган чилим чекиб тугатса ҳам бўларди.

Қаёқларгадир қарар ва ҳеч нарсани кўрмас, бутун хаёли бақувват Касказик уни олиб кетган ўша ўтмиш сари парвоз этганди...

Унинг тўнғич фарзанди қиз бўлди. Туғилаётган чақалоқ муносабати билан қурилган қапа пойгагида кампирлар ўтиришар, улар кўзи ёриётган аёлни дуо, куф-суфлар билан инс-жинслардан эҳтиётлашарди. Хотини туғаетганини эшитган манзилгоҳдаги Касказик парво ҳам қилмади, унинг учун ҳеч нарса бўлмагандек эди. Талгук Кевонглар давомчиси туғиб бермагани учун анча вақтгача ўзини айбдордек ҳис қилиб юрди. Гўё у алдоқчи-ю, унга ҳамма нафрат билан, жирканиш билан қараётгандай эди.

Баджаҳл эр бир неча ой хотинини ёнига яқинлаштиради. Талгук кўнгилсиз оқшомлари ноилож эрига ёлворар, у бошқа хотин олишни, балки ўша билан бахт топиши мумкинлигини илтимос қиларди...

Бир кун кечаси, ўчоқда ёниб бўлаётган тилоғоч ўтиннинг йирик чўғлари яллиғланиб турган пайтда баджаҳл Касказик кўрпасиз, буғи терисини ёпиниб ётарди. Талгук юмушларни тугатиб, ечинди, балиқдек тўлғаниб эрининг бақувват баданига суйкаларкан, таманноли эркаланиб юрагини очди: «Сенга албатта туғиб бераман, азизим ишонавер. Айганимдек бўлади. Қиз ҳам яхши. Укаларига қарайди. Тез ўсиб, менга ёрдамчи бўлади».

Ушанда Касказикка нима таъсир қилганини Талгук ҳалигача билмайди. Хотинининг эркаланишими ёки нозланиши иш бердими, Талгук ҳеч қачон бундай бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганди. У севгининг чеки йўқдек бўлган ўша тунни ҳалигача эслайди. Касказик ишратни тўхтатай демасди. Талгук ҳам қайта-қайта ишрат хоҳларди. Чамаси, худди ўша оқшом Талгук ҳақиқий аёл бўлиб етилган эди. Кейин қандайдир сўниб қолди. Авваллардагидек ҳар куни рўзгор ишларидан боши чиқмай юрди. Энди эса ишни секин, шопилмай, кескин ҳаракатларсиз бажарадиган бўлиб қолди.

Бир куни Касказик тайгадан, бўрондан кейин қопқонлар жойини ўзгартиргач, ҳорғин қайтиб, иссиқ чой ичди. Сўрига чўзилар-чўзилмас хуррак ота бошлади. Ўша кечаси у ажойиб туш кўрди. Касказик энли ов чанғиларида елиб кетарди. Нерпа қопланган чанғилар қорда текис сирпанади. Бирдан у қияликка қараб, қандайдир ҳайвон тушиб келаётганини кўриб қолди. Ҳайвон шохлар орасидан кўринарди-да, тағин ғойиб бўларди. Касказик биринчи марта кўриб турган бу ҳайвон қаёққа боришини кузатиб тўхтади. Ҳайвон қияликдан тушиб, четга кетмоқчи эди, қалин қорга ботиб қолди. Касказик югурганча бориб ҳайвонни ушлаб олди...

Эрталаб у азайимхон ҳузурида тушини айтиб берди. Азайимхон «Тушда ҳайвон кўриш хосиятли бўлади», — деди.

Касказик ҳар хил хаёлларга бориб, ўзини қийнаб ўтирмади. Уйига қайтиб келганида хотини ҳамон ўрнида ётарди. Ҳеч бундай бўлмаган! Хотини ҳаммавақт эридан олдин турар, эри уйғонгунча ўчоқда гулхан ёқиб, унга нонушта тайёрлагувчиди. Касказикнинг қулоғига хотини: «Берироқ кел», — дегани эшитилди. Ҳайрон бўлган уруғ оқсоқоли хотинига яқинлашди. Эри энгашганда, Талгук унинг бўйинини қўллари билан силаб, қулоғига шивирлади: «Иньгитнинг укаси бўлади». Шодон қичқариб юборган Касказик нафасини ростлаб, хотинини бор кучи билан қаттиқ қучди.

Бола туғилишига ярим ойча қолганда Касказик шумурт кесиб, узун нау ленталари — муқаддас пайраҳалар йўнди. Улардан жиғачалар ясади, тагидан чипта билан боғлаб, жиға учларини брусника шираси билан мойлади ва капанинг бурчакларига осиб қўйди.

Муқаддас жиғалар Касказикнинг илтимосини тангри Курнга етказиши керак. Касказикнинг бирдан бир илтимоси Кевонглар давомчиси дунёга келиши эди.

Ёз ўрталарида, сулаймонбалиқлар минг-минг гала бўлиб келган вақтда ўғил туғилди. Бақувват Касказикнинг обрўси ошиб кетди. У келган рус савдогаридан қундуз териси билан бургут патларини ароққа айирбошлади. Бахтли ота омадли овчи қўшниларни тинимсиз сийлар, бу билан танги одам деган номини оқларди.

Ҳали исми қўйилмаган гўдак шифтдаги кўндалангга осиб қўйилган қайин пўстлоқ беланчакада ётарди. Бир куни у шўхлик қилиб, беланчагида тебранди.

Шифтда осиглиқ наулар узилиб, шитирлаганча боланинг устига тушди. Касказик буни бахайирликка йўйиб: «Нау-куть», «наулар тушди» — деди. Уруғ оқсоқолининг бу сўзлари Наукун исмига айланиб кетди. Манзилгоҳда: бола бахтли бўлади, у ўз уруғига бахт келтиради, дея бошлашди.

#### XIV боб

Яна бир неча ань ўтди. Иньгит торбаз тикишни, ямоқ солишни ўрганди. Наукун бўлса суви кам ирмоқлар бўйлаб чопар, кечув жойларида суякдан ишланган чангак билан сулаймонбалиқларни урарди. У балиқни судрар ва аранг қапагача етиб келарди, ваҳоланки бор йўғи юз қадамча эди холос, масофа.

Ёз давомида бир неча бор ҳар хил одамлар: нивхлар, лочлар— руслар, маньчжурлар Тимидан ўтарди. Уларнинг машаққатли сафарга чиқишининг ҳар хил сабаби бор эди: баъзилар— савдо қилгани, бошқалар нивхлар тушунмайдиган қандайдир иш билан яна бошқалар қариндошларини кўриб келиш учун ўтишарди.

Ҳаммадан лочлар бот-бот ўтарди. Нивхлар сира тушунмайдиган одамлар шулар эди. Маньчжур нима сабабдан келиши маълум: у савдогар. Лочлар орасида ҳам савдогарлар, ҳарбийлар ва яна қоғоз кўтарган аллақандайлар учрарди. Ке-во аҳолиси билардики, узоқ жануб тизма тоғлари орқасидаги денгиз соҳилида жойлашган Рўй деган кичкина манзилгоҳда қилич ва милтиқ билан қуроллаган лочлар занжирбанд, ўзлари каби лочларни ушлаб турардилар. Улар нима сабабдан бахтсизларни тоғ кесиш, унинг орасида катта, бир йўла ўнта одам ўта оладиган лаҳим қазишга мажбур ётаркин-

лар? Занжирбанд одамлар баъзан қамоқдан қочиб, тайга ва тепаликларда дайдиб юрганлигини нивхлар ҳам эшитиб қолишарди. Айтишларича, улар баҳайбат айиқлардан ҳам қўрқинчли эмиш.

Мана шу қочиб кетганларни навхлар «к'итьк» деб аташарди. Кевонглардан ҳеч ким у одамларни кўрган эмас, улар қанақалигини билишмасди ҳам.

Аммо бир куни к'итьклар Ке-вога келиб қолишди.

Талгук ўша вақтда юз берган воқеани эслагиси келмаса ҳам хотира аёлнинг ихтиёрига бўйсунмади. Шу тариқа бошига оғриқ турди, чарх уриб айлана бошлади. Талгук муздек ҳаво сипқарарди. Яна бир бор ҳаво симирди. Боши енгиллашгандек бўлди, бироқ яна ўтмиш даҳшатли тафсилотлари билан кўз олдига келди.

Ёзнинг ёмғирсиз иссиқ кезлари эди. Тайга қизиб, дим бўлиб кетган.

Ўша кун Касказик ва унинг икки ака-укаси Ненон билан Лайргун иккита қайиқда манзилгоҳдан юқорига кўтарилиб, тўр қўйишди—сулаймонбалиқлар ўтадиган вақт бошланган эди.

Ака-укалар тўр қўйишга ёрдамлашиб, илгакларни тузатиш учун манзилгоҳга қайтиб келишди, Касказик бўлса тутилган балиқларни олиш учун қолди. Талгук чой қайнатиб, ака-укаларга ичирди. Лайргун шошилмай овқатланар, кўзини Талгукдан узмасди. Ҳатто келинойисининг қўлига бир неча марта тегиб ҳам қўйди. Ака-укаларнинг тўнғичи Ненон ўзини ҳеч нарсани пайқамаетганга олиб ўтирди. Бахтсиз Ненон уйланган эди. Бироқ у тангри Кургни нимададир ғазаблантирганми, хотини ўғил туққану кейин боласи билан нариги қишлоқ— Мли-вога кетиб қолганди. Ўшандан бери Ненон сўққабош яшарди. Ненон хотинидан ажрашидан олдин бир баҳорнинг ўзида Мли-вога кекса отаси билан онаси ҳам кетишган эди. Шу тариқа уруғ оқсоқолининг мол-мулки катта ўғлига ўтган эди. Аммо хотинсиз, боласиз қолган Ненонга ҳеч нарса татимасди. Манзилгоҳ уни кўпда қизиқтирмасди. Энди ҳамма иш Касказик бўйнига тушиб қолган, унинг бола-чақаси бор эди.

Одат бўйича ака укаларининг хотини билан алоқа қилиши мумкин эмас, аммо укалар келинойилари билан алоқа қилишга ҳақлари бор эди. Касказик ўзи йўқ пайтларда Лайргун Талгук билан бирга ётишини биларди. Аммо у ҳеч норозилик билдирмаган— удумга бўйсуннишдан бошқа иложи йўқ эди.

Лайргун уч ака-уканинг ичида энг келишимлиси. У ҳали ёш, аммо йигитча бўлиб қолганди.

Сўнгги марта ўн икки кун бурун, Касказик поя кешиш учун кетганда шундай воқеа бўлган эди. Талгук ҳовлида итларга овқат пишираётганди. Касказик дарёнинг ўртасидан ўтгани ҳамон ҳирси бетоқат қилаётган Лайргун ўчоқ бошидаги Талгукни ушлаб, чайла ичига тортди...

Бугун ҳам унинг иши ўнгидан келди. Тўрлар қўйиб бўлингандан кейин, Касказик Ненонга мурожаат қилди:

— Ака, мен қола турай, омад келиб, балиқ тушса оламан. Сиз уйга қайтаверинг.

Кейин жим турган Лайргунга ўтирилди:

— Сен балиқларни илгакдан ол.

Буни шундай тушунмоқ керак: Касказик акасида қуритиш учун қўйилган балиқлар билан шуғулланишини илтимос қилди, аммо одатга кўра ука акага иш буюрмайди. Шунинг учун Ненонга айтмоқчи бўлган гап укага — Лайргунга айтилган эди.

Лайргун иш бундай тус олганидан жуда севиниб кетди. У шартта қайиққа ўтирди-ю, тез ҳайдаб кетди, эшакни шундаям қаттиқ эшардики, қайиқ гоҳ ўнгга, гоҳ чапга чайқалиб, тўнтарилиб кетай дерди.

Талгук эрини унинг ака-укаларидан ҳам кўра яхшироқ биларди. Эри Лайргунни тўрга қараб туриш учун қолдириши, ўзи эса Ненон билан қуритилган балиқларга қараши мумкин эди. Аммо у меҳрибон ва раҳмдил эди, укаси зориқаётганини кўриб, уни манзилгоҳга жўнатган.

Лайргун чой ичишни тугатиб, акасига ўқрайиб-ўқрайиб қўя бошлади. Ака эринчоқлик билан шошилмай чой ичарди. Ниҳоят Ненон қўлидан косачани қўйди, бепарво ҳомуза тортгач, қорнини силаган кўйи чайласига қараб кетди.

Азойи бадани титраётган Лайргун сакраб туриб, апил-тапил Талгукнинг кийимини еча бошлади. Талгук ўшанда иштонбоғи узилиб кетишидан қўрққан эди.

Кейин итлар вовиллади. Нега безовталаняпти итлар? Манзилгоҳда бегона одам йўқ-ку! Ненон ўз чайласида дам оляпти. Инъигит билан Наукун шағал устида ўйнаб юришибди. Бироқ итлар яна вовиллади.

— Ташқарида кимдир борга ўхшайди?! — сергакланди Талгук.

Аммо Лайргун парво ҳам қилмади.

— Ташқарида кимдир бор,— такрорлади ҳолсизланган Талгук.

Энди манзилгоҳдаги ҳамма итлар вовиллаётган эди.

Талгук тез кийиниб, пастки дарчани очди. Олдин итларни, кейин одамларга ўхшаш икки мавжудотни кўрди. Соқоллари узун, сочлари пешонасига тушган. Улар таёққа ёпишиб келаётган итларни ҳайдашарди. Ким бўлдийкин булар? Одамларми? Шунақа одамлар ҳам бўладими? Бўйлари ҳам одатдагидан баланд. Ранглари худди кузги қайин баргларидек сап-сариқ. Балки пал-пивгун— ярим одам, ярим жинлар шулар бўлса керак, уларни кексалар оддий одамлар боролмайдиган тоғларда яшашади, дейишарди. Ким жинларни кўрса, бахтли бўларкан. Талгук жинларни кўрган заҳоти қочиб кетишмаса гўргайди, деб чўчий бошлади. Индамай ғойиб бўлишлари мумкин, чунки жинлар-да. Улар ғойиб бўлади, итлар эса узоқ вақт вовиллаб тураверади. Ишқилиб тез кетиб қолмасин-да жинлар.

— Бу ёққа кел!— чақирди Талгук Лайргун жинларни кўриб, у ҳам бахтли бўлсин учун.

Жинлар ҳам Талгукни кўришди. Талгук итлар олдига югуриб келиб, уларни тепа-тепа ҳайдаб юборди. Итлар бекадан ҳайрон бўлиб четга йўналди.

Лайргун нима қилишини билмай, жойида туриб қолди... Соқоли қорни баравар тушган жин букилиши қийин оёғи билан аста одимлаб йўгон таёқ ушлаганча итлар томонга чўчиб қарай-қарай Талгукнинг ёнидан ўтиб кетди. Талгук ҳайрон бўлди: жинлар бўлса ҳам итдан қўрқишади-я. Жинлар одатда кўринмайди, аммо яхшилик қилмоқчи бўлса одамга айланиб, манзилгоҳга ёки овчиларнинг олдига келишади. Ривоятларда шундай дейилган.

Узун соқолли жин Лайргун ёнидан ўтиб чайлага кирди. Иккинчиси— бўйи пастроғи Талгукдан бир неча қадам нарида тўхтади.

Талгук эса уларга қараб, жинлар Ке-во аҳолисига нима олиб келиши мумкин деб ўйларди. «Жинлар ҳам худди одамларга ўхшаб ҳар хил ёшда бўлар экан-да. Мана буниси ёш, пешонасида ажин кўринмайди. Кўзларини қаранг! Ғаройиб, худди денгиз суви қуйилгандай мовий». Шу пайт у тарс-турс овоз эшитиб қолди. Угирилиб қараса, келишимли, кенжа кевонг Лайргун шалвираб ерга ўтираяпти. Талгук нима бўлганини англама-

ган ҳам эдики, уни чайлага итариб киригишди. Жинлар ўз тилида алланималар гапиришди. Кейин каттароғи кичигини итариб юбориб, Талгукка ташланди.

Боши карахт бўлиб қолди. Кўзи олдидан катта соқолли жиннинг башараси ўтди. Чалажон аёл нима бўляпти ўзи, деб ўйларди: бахт келдими ёки фолакат юз бердими?

Яланғоч елкаси ачишарди. Нима сабабдан экан? Сийнасида йўгон темирлари ўйнаган, сержун қўл турарди. Бу қўлнинг билагида ҳалқали занжир бор эди. Ғалати тақинчоқ... Темир аёлнинг сийнасини қонатгудек бўлиб қаттиқ эзар, жин эса буни сезмасди ҳам. Лоақал қўлини олса-чи, қўлини... Жин... Олижаноб жин... Шу пайт Талгук даҳшатли бир фикрдан сесканиб кетди: бу к'итък-ку! Аёл бир лаҳза ҳушидан кетди, яна кўзини очганда, бошқа к'итъкнинг башарасини кўрди...

Кейин иккала к'итък йўлакда турган хом балиққа ташланишди. Талгук ўзига келди, аммо қаттиқ даҳшат уни такрор ва такрор беҳуш қилаверди.

К'итъклар эса оч итлардек балиқни оғизларига солишар, қилтаноқларини ғижирлатишар, соқолларидан балиқ шиллиғи оқарди...

Қизалоқ... Жажжи қизалоғим. Нега сен чайлага кира қолдинг? Ахир Наукун ёвузларни кўриб, сени қўлингдан ушлаб, дарахтлар орасига тортиб кетувди-ку. Уша ерда ўтиравериш керак эди. Наукунга ўхшаб. Сен эса чидаб туrolмадинг, раҳмдил қалбинг сени панада тураверишга қўймади.

Ҳатто амакиннинг гавдаси мажақланганида ҳам чўчимадинг! Сен эшикни тортдинг. Эшик қия очилди. Сен мени ўринда дабдала ётганимни кўрдинг. Кўзларинг олайиб кетди, аммо сен қочмадинг, додлаб, менга ташландинг. Оҳ, нега шундай қилдинг?

К'итъклар шу заҳоти овқатни унутишди. Биринчи бўлиб ёшроғи сенга ёпишди. Ҳалигача сенинг бақирганинг қулоғим остида. Оғрияпти, оғрияпти... Чидолмайман... Чидолмайман... О-о-оҳ, оғрияпти. Улар мени ўлдиришса бўлмасмиди. Мени тириклайин бурда-бурда қилиб ташлашса яхши эди... О-о-оҳ... Каттаси кичигини сочидан ушлаб қаттиқ тортганиди, у бўкириб юборди. Менга қолса, болтани олиб иккаловини ҳам калласини чопардим. Бироқ оёқларим, лаънати оёқларим жонсиз бўлиб қолган эди. О-о-оҳ. Эй, тангрилар, нега ёрдам қилмадингиз? Нега?

Кейин кичиги ташқарига қочиб чиқиб, шу заҳоти яна қайтиб кирди. Сен эса, қизалоққинам, бақириб мени чақирардинг. О-о-оҳ, оёқлар, лаънати оёқларим! Кичигининг қўлида болта пайдо бўлиб қолди, каттаси калласи олинган ҳолда ерга чўзилди.

О-о-оҳ! Нега ҳам туғилган эканман? О-о-оҳ! О-о-оҳ! Шу пайт қаёқдандир куч пайдо бўлди менда. Балки, тангрилар ноламни эшитгандир. Мен сакраб турдим, аммо ёвуз ҳам ўрнидан турди... Кечаси ҳушимга келдим. Бўлган воқеа қанийди туш бўлса, қанийди тушда кўрган бўлсам. Бироқ икки мудҳиш мурда ётарди... Бошим оғриб, қон оқарди. Қаердасан жажжи қизалогим?

Мен додлаб, сени чақирар эдим. Манзилгоҳни айланиб чиқдим, соҳилга бордим. Уша ердаги дарахтлар орасида ўғлимнинг овозини эшитдим. Э, тангрилар! Олийжаноб тангрилар! Сиз шундай қилибсизки, болаларимнинг яширинишга ақли етибди. Э, тангрилар, раҳмат сизга, тангрилар! Мен болаларимнинг қўлидан ушлаб, уруғимиз чайласига югурдим. О-о-оҳ! О-о-оҳ! Нега биздан ғазабландинглар, тангрилар? Нега Кевонглар уруғига бунчалик бешафқатсиз? Остонадан ўтар-ўтмас қаттиқ бир нарсага қоқилиб кетдик. О-о-оҳ! О-о-оҳ! Кевонглар тўнғичи ҳам ўлдирилган экан. Додлаганимча қолавердим. Кечаси билан додлаб чиқдим. Томоғим шишиб кетиб, қаттиқ оғрир, овозим чиқмасди. Шундай бўлса ҳам додлайвердим, додлайвердим. Фарёд солиб йиғлардим.

...Тонг отиши билан Касказик келди. У ўзи йўғида манзилгоҳда бўлган воқеани кўриб қаттиқ қайғурди, чурқ этмай, Тими қирғоғида қимир этмасдан ўтирарди.

Кечқурун катта гулхан ёнди. Касказик ўз акаси ва укаси жасадини битта гулханга топширди.

Қизғиш ёвузнинг гавдасини манзилгоҳдан узоққа судраб олиб кетишди, қузгунларга ем бўлсин деб, жарликка улоқтиришди...

Шу воқеагача уруғ оқсоқоли менинг тайгадаги манзилгоҳим ҳар хил ҳужум ва тасодифлардан панада, дея ҳисобларди. Сургундаги қочоқларнинг кутилмаган ҳужуми Касказикни ўйлашга мажбур этди. Хўш, уруғ қаёққа кўчиб ўтиши керак?

Тими этагига йўл олинса у ерда душманлар бор. Дарёнинг боши эса зич манзилгоҳ. Тайга ва тепаликлар ортидаги бир кунлик йўлдан сўнг Висковода Висквонг-



лар уруғи бор. Улар Кевонгларга азалдан қуда. Касказик Висквонгларнинг ҳузурига бормоқчи бўлди, қандай қабул қилишларига қараб, Иньгитни уларга узатиш-узатмасликни аниқлаб келади. Нивхларнинг азалий урфи бўйича қуда уруғидан бўлган қизчани ёшлигидаёқ бўлажак эри уруғига топширишади. Ўғил билан қиз бирга ўйнаб ўсишади, балоғатга ўтгач, ўзлари ҳам ота-она бўлишади.

Касказик қизлик бўлганини эшитган Висквонглар қувониб кетишиб, дарҳол совға-салом билан йўқлаб келишди. Имхи одамлари келиши шарафига Касказик Пила-Тайхурда осетра балиқлари тутган эди. Икки кун зиёфат бўлди. Касказик билан Талгук ўшанда Чиндин деган болага, Иньгитнинг бўлажак эрига алоҳида эътибор беришган эди.

Висквонглар Иньгитни ёши ўн анга етганда олиб кетмоқчиликларини шама қилганди, ammo Касказик: хонадон фарзандсиз ҳувиллаб қолади, деди. Шундан сўнг Висквонглар маслаҳатлашиб, Иньгитни балоғатга етиши билан олиб кетишга қарор қилишди. Касказик ўз ниятини яшириш учун олмахон ва бир оз тулки териси олволди— тамаки ва чой олиб кетгани келдим, деб баҳона қилишни режалаб қўйганди у.

Найза ушлаган Касказик нивхларнинг эски сўқмоғи орқали тайга ва тепаликлар бўйлаб йўлга тушди. Бу сўқмоқдан фақат айиқларгина юрарди.

У охирги марта Висквода қизи туғилиши олдидан бўлган эди. Ўша пайтлар манзилгоҳда тўртта чайла бўлиб, унда йигирмага яқин одам яшарди. Ҳозир тўққизта уй бор.

Висквонглар ўз ахмалklarини яхши кутиб олишди. Бу уруғ Тимининг юқорироғида, дарё бошланадиган ерда жойлашган манзилгоҳдан ҳам, ғарбий соҳилдаги катта Руй қишлоғидан ҳам келин олишарди. Одамларнинг айтишича, Руйда ҳозир катта турмаси бор Александрск пости пайдо бўлибди. Касказик турма нималигини тушунмас, ҳар хил айблари учун одамларни ташлайдиган зиндон бўлса керак деб ўйларди.

Висквонгларнинг оқсоқоли бир кўзли Фулфун ва бошқа мўътабар эркаклар Касказикни яхши чой, ароқ, айиқ гўшти, ноёб рус нони билан меҳмон қилишди.

Касказик Вискво манзилгоҳи катталашганининг сабаби уруғ одамлари кўпайганида эмаслигини билди.

Тимининг юқорисидаги бошқа уруғларнинг одамлари ҳам кўчиб келишган эди. Уларни манзилгоҳларидан турмалар қисиб чиқарган эди.

Чиндан уруғ чайласида ҳам, бошқа уйларда ҳам йўқ эди. Бу уйларга Касказик чой баҳонасида бош суқиб чиқди. Фулфун Касказикнинг ниятини англади.

— Ўғлим Броня<sup>1</sup>нинг ёнида, — деди у шилпиқ кўзини тез-тез очиб-юмиб. Кейин тушунтирди:

— Аллақандай сургун қилинган одам. Лекин бошқаларига ўхшамайди. Нивх ривоятларини, афсоналарини ёзиб олади, болаларимизга савод ўргатади. Чиндинга русча сўзларни, ёзишни ўргатди. Русларнинг манзилгоҳига борайлик, ўз кўзинг билан кўрасан.

Броня жанубий манзилгоҳларга бориб, эртақ текстларини таржима қилиш учун шогирдини ҳам бирга олиб кетган эди.

Фулфун меҳмонни дарё ёқасидаги ўтлоқ орқали бошлаб борди, Тимнинг биринчими ёки иккинчими бурилишидан сўнг икки қатор янги солинган уйлар кўринди.

Дастлаб кўзига ташланган одам беўхшов кийинган ёш нивх бўлди. У қизил ҳошияли шапкасини чаккасига қўндирган, биқинида тўппончаси бор эди. Ўзини тутиши яна ҳам совуқ эди. Тебраниб, у уйдан бу уйга ўтар, кетаётганларга беҳаёлик билан суркаларди. Элатларини кўриб, уларга зимдан қаради-да, тутила-тутила сўкиниб қўйди.

Фулфун ҳеч ким ҳурмат қилмайдиган, ялқов ва ёлғончи бу одам кимлигини айтиб берди. Исми Кворгун. Унга қиттак ароқ беришса ҳам ўзини жинни, мастликка солади.

Бу ерда у аввалига ҳарбий назоратчи эди. Сургун қилинганлар ароқ ичишар, сўнг у гандираклуб, ашула хиргойи қилганча ярим кечада уйига етиб оларди.

Ўтган йили ёзда бир неча нивхни округга чақирдиш-

---

<sup>1</sup> Б. О. Пилсудский (1866-1918) — этнограф олим. 1888 йили Петербург университетининг студентлиги вақтида Александр III га суиқасд қилишда қатнашган. А. Ульянов иши бўйича қамоққа олиниб, Сахалинга сургун қилинган эди. Оролда катта илмий иш олиб борган. Нивхлар этнографияси ва фольклори бўйича бирқанча мақолалар эълон қилган, айнлар этнографияси бўйича бой коллекция тўплаган. Айнча, нивхларча, ороқча ва мангунча (ольча) лугатлар тузган. «Сахалин гилякларининг талаб ва эҳтиёжлари» деган машҳур публицистик мақола автори. Нивх ва айнларнинг биринчи маърифатпарвари, ўқитиш ишларини ўз маблағи ҳисобига олиб борган.

ди. Улар орасида Кворгун ҳам бор эди. Округ марказидан у шапка кийиб, нишон олиб, гўппонча тақиб қайтди. Маълум бўлишича, чақирилганларга орол бошлиғининг буйруғини ўқиб беришибди, буйруқда шундай дейилган экан: «Маҳаллий жойни яхши биладиган одамлар жуда зарур бўлганлиги, маҳаллий бошлиқларнинг келгиндилар билан алоқа қилишини энгиллаштириш мақсадида гияклардан назоратчилар ёллансин, уларни бу ишда рағбатлантириб турилсин, ушланган (ёки ўлдирилган) ҳар бир қочоқ учун одатдаги пул мукофоти билан (ҳар бири киши учун 3 сўмдан) тақдирлансин». Шундай қилиб, нивх Кворгун назоратчи, ўзининг гапига қараганда «Катта Бошлиқ» бўлиб қолди. Қоқилиши ва сўкиниши сабаби эса аввалги назоратчига тақлид қилаётганлиги бўлиб, бошлиқ ўзини шундай тутиши керак, деб ҳисобларди.

Касказик бошидан кечирган воқеа ва ҳозир кўриб турган нарсага сира тушуниб етолмасди. Баъзан унга бу туш, даҳшатли туш бўлиб туюларди.

Бир қишлоқ яқинида Касказик ҳаётида сира из қолдирмаган учрашув юз бердики, бу учрашувни кейинчалик бари маърифатли одамлар эшитишажак. Бунга сабаб эгасидан ажрамовчи икки ёшли ит бўлди.

Бевош ит йўқолиб қолганди. Казказик йўл ёқасида тўхтаб, ғалати нарсани кўриб қолди. Катта ғилдиракли аравани иккита от тортиб борарди. Аравакашдан бошқа яна икки киши бор эди: бири генерал формасида, иккинчиси фуқаро кийимда эди. Фуқаро кийимли одам, нивхга шабкўр кўзини қисиб қараркан, рангпар, олис йўл юриб толиққан юзига қон югурди.

«Катта хўжайин— бошлиқларга ўхшашади,— ўйлади Касказик.— Уларни алаҳситиш одобдан эмас...»

— Эй, тўхта!— қичқирди аравадаги одам.— Итимни кўрмадингларми? Ёш, зотли ит эди...

Нивхга тақдир уни ким билан учраштирганини билиш насиб этмади. Фуқаро кийимдаги одам учун тугаб бораётган нивх уруғининг оқсоқоли шунчаки «гияк» эди, Касказик эса улуг рус ёзувчиси Чеховни «ката бошлиқ»лардан бири деб ўйлаган эди.

— Улар ҳеч кимга тобе бўлишмаган, бўлишни ҳам хоҳламайдилар. Чиройли, ғурурли халқ. Аммо тугаб бораётганлари кўриниб турибди,— деди Чехов тарантас йўлга тушгач.

— Мен ерликларни округ лазаретида ҳазина ҳисо-

бига қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқаздим. Очарчилик йиллари уларга ун, крупа бериб турамыз. Аммо назоратчилар, оқсоқоллар, нозирлар ерликларни шилиш иложини топишибди. Қарзлари учун уларнинг мол-мулкени тортиб олмаслик тўғрисида буйруқ беришга тўғри келди.

Чехов генерал-губернаторнинг сўзини диққат билан тинглаб, қалбида қандайдир совуқлик ҳис қилди. У бундай ҳиссиёт қаёқдан ва нима сабабдан пайдо бўлганлигини аниқлашга уринарди.

— Мен гилякларни назоратчиликка қабул қилиш тўғрисида буйруқ бердим, зотан бу янгилик руслаштиришга ҳам хизмат этади,— сўзида давом этди губернатор.

Шунда улуғ ёзувчи шундай деди :

— Турманинг яқинлиги гилякларни руслаштирамайди, балки пировардида фақат уларга ёмонлик келтиради. Гиляклар бизнинг эҳтиёжларимизни тушунишларига анча бор. Агар руслаштириш зарур, бунингсиз сира иложи бўлмаса, ўйлашимча, бизнинг эмас, балки уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш керак.— Сўнгра тўхтаб туриб, давом этди:— Аслида руслаштириш сиз келишингиздан анча олдин бошланган. Яъни, арзимас мояна оладиган чиновникларда ҳам қундуз ва тулки терилари, гилякларнинг уйларида эса русларнинг ароқ ичишлари пайдо бўлди.

Фулфун билан Касказик битта узун чанг кўчасигина бор катта қишлоққа кириб келишди. Касказикнинг ёшлик вақтларида бу ер тайга эди, кичиккина манзилгоҳга келувчиларни итлар қаттиқ вовиллаб кутиб оларди. Ҳашамдор уй-черковда Касказик шубҳали бонг овози эшитилди. Шундан сўнг ғалати манзарани кўрди: майдондан соқолли, бадқовоқ, занжирбанд одамлар тўдаси аста юриб ўта бошлади. Унинг ранги ўчиб кетди: манзилгоҳга бостириб кирган ёвузлар шуларнинг шериклари эди.

Чиндинни мўъжазгина, покиза уйдан топишди. Гавдали, пешонаси кенг, кўзлари ўткир ёш йигит. Броня меҳмонларни кўриб, хурсанд бўлиб кетди.

Касказик мамнун боқди: назарида Чиндин улғайиб қолгандай эди. Лекин нега у келгинди одамга бунчалик боғланиб қолган?

Броня стол устига бурдаланган нон, қоврилган балиқ, чойгина келтириб қўйди. Баланд бўйли, мезбоң-

нинг тенгдоши, ўзини Громовик деб таништирган киши Броняга ёрдамлашарди:

У бошқалардан фарқли ўлароқ соқол қўймаган эди. Кўзлари шўх боқарди. Меҳмонларни ўтқазिशгач, Громовик ўз ўтмишини кулгили тарзда гапириб берди. Киев яқинидан экан. Сахалинга келиб қолишининг сабаби бундай бўлибди: жандарм жабр-зулм қилавериб, мужикларнинг жонига тегиб кетибди, Улар пойлаб юриб, бир куни бошлаб ўч олишибди. Йўқ, Громовик жандармни урмабди, ҳатто қўлини ҳам текказмабди. Ўша воқеа бўлган пайтда у ўз уйи ёнидаги дўкончада ўтириб, бутун қишлоқ эшитадиган қилиб бақирар, севинчидан кафтларини ишқаб чинқирарди: «Ажаб бўлди, пан лаганбардори! Ажаб бўлди! Оч биқинига сол ярамас ичваччанинг!»

Йўқ, Громовик мужикларнинг ўч олишида қатнашмаган эди, аммо уни ҳам Сахалинга қаторгага жўнатишди. Тилини тиёлмаганлиги учун.

Яқинда уни тарбияланган ҳисоблаб, очиққа қўйишди. Энди у дурадгорлик қилиб юрибди. Сургун қилинган одамларнинг кўпи жойлашиб олиб, мана шундай ёрдамлашишга қақришди.

Чойдан кейин Броня бундай деди:

— Бугун эртакларни қўя тураман. Ҳозир Петербургга хат ёзаяман. Чиндин билан бирга анчасини ёзиб қўйдик. Айрим жойларини эшитиб кўринглар-чи: «Сахалинда гилёк мактабларини йўлга қўйишга ёрдамлашмоқчи бўлганларни Петербургда қидириб топишга кўмаклашишингизни ўтиниб сўрайман. Мана шу қиш ичида мен ўтказган тажриба яхши натижа берди. 10 дан ортиқ киши ўқиш ва ёзишни ўрганди. Биринчи тажриба шу билан тўхтаб қолса одам ачинади... Ҳозирча губернатор ўз фондидан 150 сўм маблағ берди, бироқ бу йил ҳам шундай саҳийлик қилишга кўзим етмайди. Петербургда эса бу хайрли ишни давом эттириб, уни ўз номи билан боғлаш ниятида бўлган одамлар бордир. Гилёклар келишган, қобилиятли халқ, уларга эътибор ва ғамхўрлик қилса арзийди. Илтимос, ерликларни маърифатли қилишга ёрдамлашсангиз. Ахир Петербургда Россиянинг ерлик элатлари масаласи қизиқтирадиган анчагина шахслар бор. Бундай шахслар орасида бой ва эътиборлилари кўп.

Ерликларни фақат талайвермай, уларга ҳам нимадир бериб туриш керак-да».

Уша кунлардаги учрашувлардан Касказик шунчалик кўп таассурот олдики, бутун умри бўйи бунчалик таассурот олмаган эди. Лекин Касказик ҳамма нарсани ҳам охиригачан тушунмади.

Уни кейинги учрашув ҳам ҳайрон қолдирди. Улар уч киши— Касказик, Фулфун ва Чиндин— Висквога очилган йўлдан қайтиб келишарди. Урмонда ўн бир кишидан иборат сургун қилинганлар тўдасига дуч келишди. Касказик пичоғини олди. Соқоли одамлар эса уни кўриб, роса кулишди. Улардан нарироқда тўппонча ушлаб Кворгун турарди. Кворгун илжайиб, билдирмай кўз қисиб қўярди. Чиндин жирканиб тупурди-да, ҳеч нарсани англаб етмаган Касказикка тушунтира бошлади. Бу каторгаликлар— умрбод сургун қилинганлар. Аввало қочганликлари ва бошқа жиноятлари учун уларни узоқ муддатли каторга ишига юборишган, айримларига юз ва ундан ортиқ йил беришган. Улар назоратчи билан олдиндан келишиб қўйиб, турмадан қочишган ва у билан ўрмонда учрашишган. Ушланган ҳар бир «қочоқ» учун уч сўмдан тўланади. Пулларни «қочоқлар» олиб қўяди, Кворгунга эса ҳар биридан эллик тиғин тегади.

Касказик ақлли иш қилди: ёлғиз қизини балиқ оловчи ва боқувчиларнинг катта уруғига берди. Иньгит бу катта уруғда вояга етиб, уруғ давомчиларини туғиб беради.

## XV боб

Касказик— лақаб. Бу лақаб ёшлик йилларида берилган эди. Бола катталарнинг топшириғини тиришқоқлик билан бажарар, меҳнаткаш, бекор ўтирмасди. Шунинг учун йигитчани Касказик<sup>1</sup> деб аташди. Бу лақаб исмга айланиб, уни шу ном билан атайдиган бўлиб кетишди.

Касказик ҳозир ҳам бекор ўтирмасди. Ҳамма ишни шошилмай, ўзининг аллақандай хаёлларига чўмиб бажарарди.

Аввалги Кевонгларнинг кучли уруғидан атиги икки киши— Касказик ва унинг ўғли Наукун қолган эди. Ваҳоланки чол муқаддас нау пайраҳаларининг ўғли устига тўкилиши яхшилиқ аломати деб умид қилган эди.

Ҳар қалай тақдир шафқатлироқ экан...

---

<sup>1</sup> К а с к а з и к — тиришқоқ уринчоқ.

Ҳаво бирдан исиб кетди. Нам ер буғ билан қопланганди. Эрталаблари ўрмонда ярқироқ ҳовур товланар, қирғоқдан ёйилиб тошган дарё суви ботқоқлик, ирмоқлар, буталар ва дўнгликларни босган эди.

Ўзига оро берган ўрдаклар эрта тонгдан то кечгача осмон қўйнида парвоз этиб, шўх-шўх бир-бирини қувлар, уларнинг гал бермай ғағ-ғағлаши ва қанотлари овози бутун оламни тутиб кетганди.

Оқшомлари саёз кўлмаклардан шалоплаган товуш эшитиларди. Чўртан нивхларнинг асосий балиғи эмас. Лекин мавсум охирларида, одатдаги балиқлар йўқ вақтида чўртан асосий емиш.

Касказик хонаки қайиқчага юмшоқ тўрни ташлаб, тагига чангак қўйди. Тошқин вақтида сув оқими кучли бўлмайди, қайиқчани эшкак билан бошқариш осон. Балиқчи бир неча кун аввал узун бурун томонга тик кесиб борди, бу жой ҳозир сув остида қолган эди...

Кейинги бурун ҳам сув тагида қолибди. Тошқин масофани анча қисқартиради. «Кенглик, қандай кенглик-а!» — дея Касказик тўйиб нафас олди ва қайиқни сувдан учи чиқиб турган толлар томонга бурди, улар учинчи буруннинг белгиси эди. Тошқин босилгач, бу пастлик жойлар одатда ботқоқ бўлиб қолади. Ирмоқчалар ва ёмғир суви доим ботқоқликни суғориб, оролчалар ҳосил қилади, ёзги иссиқда эса баланд ўсган кўкатлар ўткир, қуёш нуридан пана қилади. Ана шу саёз сувларга чўртан уруғ ташлаш учун келади.

Касказик дарахтлар орасидан чаққон ўтиб, қайиқчани дадил ҳайдаб борарди. Чапда, ўнгда ва рўпарада ўрдак, балиқлар ўйнардди. «Бурунни кўргани кетяпман. Бир вақтлар бу ердан одамлар ўтишган. Улар бурун олдида тўхташган, кампирлар чой қайнатишган. Кампирлар сахий эди, яхши эди ўша кампирлар. Балки мен уларни кўриб қоларман»,<sup>1</sup> — гудранарди Касказик чўртанлар эшитадиган қилиб паст овозда. Нивх нима қилаётганини биларди: чўртанлар унинг ниятини билиб қолса қочиб кетмайди, чунки Касказик балиқларни мақтаяпти.

Қуруқ дўнгликни топиб олган Касказик қайиқни

<sup>1</sup> Чўртанларни алдаш учун айтиладиган гап. Балиқ тутишга кетаётган нивх уни бошқача ном билан атар ёки бошқа нарса ҳақида гапирарди — акс ҳолда, нивхнинг назарида, балиқ унинг ниятини билиб қолиб, йўналишини ўзгартиради, қармоққа яқинлашмайди.

пастак қайиннинг заранг шохига боғлади. Бу дарахтнинг танаси оппоқ катта қайин тагига ёқбошлаган, худди эгасининг оёғи остида суркалиб ётган итга ўхшарди. Дарахтларнинг сувдаги сояси асли бўйидан икки барабар узун бўлиб кўринарди.

Тошқин гоҳ у, гоҳ бу ерда буралиб гирдоблар ҳосил қиларди. Касказик ўйлаб ўтирмай, тўрни қирғоқдаги дарахтдан сувнинг ўртасига тортиб кетди. Қичитқи поясидан тўқилган тўр ҳали мустаҳкам эди. Тўр узун бўлмаса ҳам ҳозир балиқ сероблиги учун тутулаверади. Боғланган тошлар тўрнинг остки томонини чуқурга тортиб кетди, тўрнинг устки қисми эса таёққа боғланган эди. Энди чой қайнатса ҳам бўлади.

Касказик чой ичар экан, сув сатҳида турган тўрга хотиржам қараб қўярди. Балиқлар бўлса негадир атрофда айланарди-ю, лекин тўрга келмасди. «Нима ёмонлик қилдимки, чўртан мендан юз ўгирияпти?» — деди ичида куйинаётган балиқчи. Кейин овозини чиқариб бутунлай бошқа гапни айтди:

— Кампирлар, ҳой, танти кампирлар, қаёққа кетиб қолдингиз? Чой қайнагани қачон эди, бир мириқиб ичардим, сизлардан бўлса ҳалиям дарак йўқ...

Вақт ўтиб борар, балиқ эса тутилмасди. Касказикнинг эса тўрни бошқа ерга ташлашдан бошқа иложи қолмади. Бир киши тўрни олиб, бошқа ерга қўйиши қийин: тўрни чигилини ёзиш, чўзиш ва бир вақтнинг ўзида қайиқни ҳайдаб бориш керак. «Ҳаммасига бир ўзимман. Бир оғиз гаплашадиган одам йўқ, ҳеч ким ёрдам бермайди».

Қоронғи тушгандагина сув бирдан мавжланиб кетди. «Тўрни йиртиб юборади-ку!» — ташвишга тушиб қолди балиқчи ва қайиқни тез суриб кетди. Йирик, бақувват чўртан илинган эди. Касказик балиқни аҳтиётлик билан тўрга ўраб олиб, унинг тутилганлигига ишонч ҳосил қилгач, даст кўтариб, қайиққа солди. Ясси бошига таёқ билан икки марта секингина тушираркан:

— Кўрдингми, сени қийнамаяпман. Менга раҳминг келсин, омад тила, — деб қўйди.

Касказик қоронғиликда балиқни узоқ вақт тўрдан бўшатди, кейин тўрни текислаб ёйиши бундан ҳам кўпроқ вақт олди.

Ой ҳали кўринмасди. Ов эса битта чўртан билан тугади. Чўртан битта бўлса ҳам каттагина эди. «Тун қисқа, тонгда чангак билан ёраман», — қарор қилди Каска-



зик. Кейин олов ёқиб, шохлар устига йўгон илдиз тўн-кани ташлади: энди у узоқ ёниб туради.

...Қуёш аямай қиздирар, Касказик эса балиқни чан-гак билан майдаларди. Қайиқ анча ўтириб қолибди, чунки балиқ кўп-да. Кейин тепаликда чой ичиб, туна-ган жойида қадимги кўп бўгинли бақувват ёйни топиб олди. Бунақа ёйлар билан қадимги нивхлар айнлар-нинг ҳужумини қайтаришган. Бунақа ёйлар билан ман-ман деган ботир овчилар айиқ овлашга боришган. Кас-казик камалак ипини чўзиб тортиб, ёйни тепага қўйиб юборди. Ўқ визиллаб осмонга кўтарилиб, кўздан йўқол-ди. Касказик яхши ёй топиб олган эди. Мерган ўқ кет-ган томонга узоқ қараб турди— у қайтиб тушиб, ерга санчилиши керак. Овчининг ўткир кўзлари чивиндан ҳам кичик нуқтани кўриб қолди. Ана, у катталашиб-катталашиб, тез тушиб келяпти. Бошини четга олишга аранг улгурди— ўқ кўзи олдида шартта оёғини тешиб ўтиб ерга санчилди. Касказик уни тортиб олишга урин-ди, бироқ ўқ чиқмади. Касказик оёғини тортса ҳам бўлмасди. Қаттиқ оғриқ оёғидан юқорига, бутун бада-нига тарқалди... Оғриқ, оғриқ...

Касказик уйғонмаёқ фалокат юз берганини сизди. Унг оёғидаги торбаз ёнаётган эди. Икки ҳатлаб, тепа-ликдан ўзини сувга ташлади. Оёғи чидаб бўлмас дара-жада зирқираб оғрирди. Ажабо, оғриқ тез қўйиб юбор-ди, энди оёқлари сувнинг совуғини сезарди, холос.

Касказик тепаликка чиқиб, чарм боғичларни ечди. Ёниб бўлган торбазни ҳам ечди— бармоқлари қизариб кетган, бош бармоғида пуфак бор эди. «Фақат бармоқ-ларим куйибди— осон қутулибман»,— енгил нафас ол-ди балиқчи ва пойафзалига тикиларкан, яроқсиз бўлиб қолганини кўрди-да, бор-е, деб ташлаб юборди.

Қуёш тепаликлар устига кўтарилган, бугун ҳам ҳа-во иссиқ бўлиши керак. Бармоқларида яна оғриқ сизди, аммо балиқчининг унга қарашга вақти йўқ, тўрни тек-шириб ва чўртанни майдалаши керак. Тўрнинг чигали ёзилмас, четлари йиртилиб, бир неча жойида катта те-шиклар ҳосил бўлган эди. «Катта балиқ, жуда катта балиқ илинди»,— фахр билан хаёлидан ўтказди Кас-казик, сўнг қайиқни саёз жойга, дарахтнинг сапсариқ учлари сувдан чиқиб турган ерга бурди.

Сув ҳали лойқаланмаганми (ёмғир ҳали ёғмаган эди) ёки бошқа сабабданми, ҳар қалай, балиқ яқин келмас-ди. «Кечаси ухламай, огоҳ бўлиб туриш керак. Аммо

бир ўзимга қийин-да». Қилаётган иши фойдасизлигини тушунгач, тўрни йиғиштириб олди, қайиқни манзилгоҳ томон бурди. Чўртан яхшилик келтирмагани учун ҳафа бўлган балиқчи баланд овозда койинди:

— Сиз кампир эмас, чўртансизлар! Қилтириқ, ўткир тишли чўртансиз!

Сўнгра Касказик эшкакни бир неча марта қаттиқ эшаркан, жаҳлидан тушаётганлиги, ўзи енгил тортаётганлигини сизди...

Қанақа туш кўрдим ўзи? Чангак... Уқ-ёйли камалак... Чангак-ку маълум, балиқ овига келганман ахир. Хўш, камалак ва ўқ-ёйчи? Яхшиям олижаноб жинлар менинг оёғимга ўқ узди, мени уйғотиш учун, йўқса ёпиб кетардим... Э, раҳмат сизга, олижаноб жинлар! Раҳмат, раҳмат. Шундай қилингни, ҳамиша менга яхшилик ёр бўлсин...

Касказик энди куйиб, тирноғи жигарранг тус олган ўнг оёғидаги катта пуфакчага эътибор билан қараб қўярди. «Олижаноб жинларнинг ўзи менга белги беришди», — ҳаяжонли умид билан ўйларди у.

Аммо Касказик тушини нотўғри таъбир қилган, уни кутилмаган ва катта қувонч кутаётган эди. Иккинчи бурундан ўтаётган Касказик кўм-кўк ўтлоқда хотинини кўриб қолди. Ёввойи саримсоқли ўтлоқ файзли, қадимги ўтлоқ эди. «Эрим кўп балиқ олиб келади, ёввойи саримсоқ юлиб турай, дебди-да», — кулиб қўйди балиқчи. Четлаб ўтиб кетмоқчи бўлди-ю, ўйланиб қолди. «Ўришга ёрдамлашай».

Қирғоққа чиққач... ранги ўчиб кетди: хотини кўзини юмгунча, қорнини қаппайтириб, қўёшга тутиб турарди.

Нима бўлди унга? Наҳотки? Наҳот...

Касказик ҳаяжонини босиш учун ўтирди. Бўлмади: юраги ҳаприқар, боши гир айланиб, дарахтлар кўзи олдида чарх урар, дарё тескарисига оқарди. Хотини уни кўрмаслиги керак. Ҳозир борлиқда иккалови: фақат у билан қуёшгина бўлиши лозим. Йўқ, уччалови: хотини, қуёш ва ўғил... Ўғил ўрнига қиз бўлиб қолса-чи... Ахир туш кўрдику... Чангак... Уқ-ёйли камалак... Чангак ва ёй-овчи анжомлари. Хосиятли туш!

Касказик хотини пайқаб қолмасин учун қайиқчани жарлик соҳил ёқалатиб узоққа сузиб кетди.

Хотини этагида кетма-кет ёввойи саримсоқ олиб келди. Унинг юзи бир галати ёришиб кетган эди. Шу

пайтгина хотинининг юзи бир ойдан буён шундайлиги эсига келди. Ўзи билан бўлиб, ишга алаҳсиб, у бунга ҳеч қандай аҳамият бермаган, эътибор қилмаган экан.

— Балиқ овига бориб, туш кўриб қайтдим, — деди Касказик нонуштадан сўнг.

Талгук қайрилиб, эрим яна нима деркин, деган маънода тикилиб қараб турди.

— Туш кўрдим, деяпман. Чангак ва ўқ-ёйли камалакни туш кўрдим жуда эски, яхши ёй экан...

Талгук индамади.

— Аmmo бу эркакларнинг туши эмас. Курнг<sup>1</sup> уругга раҳм қилганда бундай тушларни хотинлар кўради!

— Менинг тушимни сен кўрибсан. Мен уни олди-роқ, ўтган ойда кўрганман. Чангак, ёй ва найза... Бу менинг тушим, — деди шоша-пиша Талгук.

— Нега ҳеч нарса демовдинг? — деди ўпкаланган бўлиб эри.

— Сенинг вақтинг йўқ. Гапиришга қўйдингми, — жавоб беришдан бош тортди Талгук эри қувониб келатганини сезиб.

— Чўртан ейсан. Атиги биттагина тутдим, — гапни бошқа ёққа бурди Касказик кайфиятни сездирмасликка ҳаракат қилиб.

Қувончли ҳамда толиқтирувчи кунлар келди. Касказик А-во қишлоғига Авонглар уругининг оқсоқоли Эмрайннинг хотини Псулкни олиб келиш учун борди: у доялик қилиши керак эди.

Талгук бир неча кундан буён игна ушламас, ҳомиладор бўлган кунлари тиккан нарсаларини сўкарди. Эрининг буғи терисидан тикилган чиройли янги торбазини ҳам сўкди. Кўз ёриши осон бўлсин учун мурсагининг ямоғини ҳам ситиб олди, ҳамма тугунларни ечди.

Эрининг эса ўз ишлари бор. У путик<sup>2</sup>ларни айланиб келди, киндик боланинг бўйнини қисмасин деб ҳамма тузоқларни олди, қопқонларни бўшатди. Кейин уруг чайласидан четроққа кичкина қапа қурди, уни арча шохлари билан ёпди, тагига майда шохчалар ва хашак солди.

---

<sup>1</sup> Бўйида бўлиш вақтида хотинлар уйқусида эркаклар ишлатадиган нарсаларни кўрса ўғил туғилади, хотинлар ишлатадиган нарсаларни кўрса, қиз туғилади, деб ҳисоблашарди нивхлар.

<sup>2</sup> П у т и к — овчилар сўқмоғи.

Туғиш осон бўлсин учун ҳамма ишни бажарди шекилли? Йўқ, яна бор экан. Нартадаги бел боғичларини, кийим ва пойафзалдаги бойламларни ечиш, сочни ёйиб қўйиш керак...

Каскавикининг бир неча кундан буён қилган иши тугунларни ечиш, ёпиқ идишлар ва қайиқ пўстлоқ саватларнинг орасини очиб қўйишдан иборат бўлди. Энди ҳаммаси бўлгандир. Ғамхўр эр аста катдан-катга борар, бекорчиликдан зеркиб қолмасликка ҳаракат қиларди. Пўстакларга ёнбошлаб, у ёки бу тугун яна қаерда қолиб кетганлигини эслашга ҳаракат қиларди.

Талгук сўнгги кунларгача ўтин ёрар, сув олиб келиш учун хук олдига борарди. Кексалар ҳомиладор аёл юриб туриши керак, деб маслаҳат беришарди одатда.

У қувонарди ҳам, чўчирди ҳам. Қувонишининг боиси, эрининг манзилгоҳида бир одам кўпаярди. Чўчишининг сабаби, туғишини ўйлаётганида эмасди, туққанда ҳам ўғил туғиши керак эди. У яна ҳаво айнишидан ва кучли совуқдан қўрқарди: агар ўғил туғилса уч кун, қиз бўлса, тўрт кун бола билан чайлада туриши керак. Қишда туққан ёмон, қишда туғиш қийин. Уқувсиз ёрдамчи бўладиган бўлса, бола совқотиб ўлиб қолиши ҳам мумкин...

Талгук чайлага кириш вақти бўлганлигини англаганда шамол эсиб турарди. У устига ит тери иккинчи чопонини ташлади, тулки қулоқчинни, мўйна енглари кийди ва жимгина иссиқ чайладан чиқди. Кетидан индамас, тиришқоқ Псулк шошилиб эргашиди.

Чайлада дами ярқираган болта ётарди. Уни эҳтиёткор Касказик киритиб қўйган албатта. Болта ёвуз кинлар — жинларни даф қилади, улар чақалоқни жонини олиш учун пайт пойлашарди. Тўрдаги девор ёнида арча шохлари уюми ётарди. Талгукнинг қалбида илиқлик пайдо бўлди. Эри хотинининг туғиши осон бўлсин учун қайғурибди — боши ва қўлларини баланд қўйиб таяниши керак, шунда ҳаммаси осонлашади.

Посулк ҳомиладорнинг қорнини ўраб боғлагач:

— Ҳомила тушаётганда инграб додлама, қўрқсанг, у юқорига кўтарилади. Кейин кўпроқ азобланасан, — деди.

Талгук туғиш осон бўлсин, шамол бўронга айланмасин, дея илтижо қилаётган вақтда эрининг овози эшитилди: «Сен боғлаган тугунларнинг ҳаммасини ечдим.

Илгари ясаган буюмларимнинг ҳаммасини бўлак-бўлак қилиб қўйдим, кейин туккан боғичларингни ҳаммасини бўшатдим, ҳаммасини ечдим».

Касказик далда берувчи ана шу сўзларни айтиб, чайлага кираверишда гулхан ёқди. Талгук ундан миннатдор эди. Эри олижаноб, доим унга яхши бўлсин, деб қайғуради.

Касказик оловга тилоғоч пайраҳаларини ташлади-да, хотинига халақит бермаслик ва ёвуз жинларни қўзғамаслик учун чайлага қараб кетди.

Касказик узоқ кутди, қорга бир неча марта чиқиб келди ва энди зимистону шамолнинг увиллаши орасида боланинг инграшини эшитиб қолганда бир фалокат бўлмадимикин, деб чўчий бошлади: Талгукнинг эри ва чақалоқнинг отаси чайлага югуриб борди. Чайла олдида қор уйилиб қолган эди. Гулхан қор бўрони билан аранг олишарди: сўнаётган чўғ узра олов тили эмас, қор гирдоби чир айланарди.

Псулк олов ўчиб қолишига йўл қўймади. Гулхан ёнидан туғиш бошлангандагина кетган эди. Бу камгап ва олижаноб аёлдан миннатдорлик ҳиссига тўлган Касказик гулхан олавини кучайтирди, пайраҳаларни шамол келаётган томондан қўйди.

Чақалоқ эса ҳамон ингаларди. Ниҳоят ингалаш пасайди. Псулк хўл мурғакни қўлга олиб, қуённинг юмшоқ пўстинига ўради ва тез киндигини боғлаб, кесди-да, гавдаси ҳарорати билан иситди.

Касказикни хотини нима туққанлигини билиш истаги қийнаётган эди: ўғилми? қизми? Псулк эркакларнинг интиқ бўлишларини биларди, шунинг учун кўп куттирмади.

— Меҳмон итларни миниб кетди, меҳмон! — деди у ҳеч қаёққа қарамай: одатга риоя қилди, аёл киши бегона эркак билан гаплашмаслиги, кўзига қарамаслиги керак. Ке-вода ўғил туғилди, деб айтиб ҳам бўлмасди, айтса, ёвуз жинларга сақланаётган сирни билдириб қўярди.

Қувончнинг чеки йўқ. Кевонглар уруғи яна битта кўпайди! Кевонглар уруғи ортмоқда. Аммо шу заҳоти қувонч ўрнини ташвиш эгаллади — қор бўрони бошланган эди. Чайлани қор оқартириб қўйган эди. Болага ёмон бўлади. Шунинг учун Касказик таваккал бир иш қилмоқчи бўлди болани ва онасини чайлага, иссиқ уруғ чайласига олиб кирмоқчи бўлди, бу ердаги ўчоқда

кечаси-кундузи олов ёниб туради. Утин бўлса кўп, куздан бери гамланган.

— Чайлага олиб кирсак яхши бўларди, — деди Касказик.

Э, йўқ! Талгук — меҳрибон, саҳоватли хотин.

У болаларга ёвуз кучлар ёпишиб, касал бўлишмасин учун уруғ удумига риоя қилди. У ҳозир чайла остонасига бир қадам ҳам қўймайди, акс ҳолда, эрининг уруғига офат келтириши мумкин. Қоидадаги уч кун ўтиб, Талгук поклансин, ана шундан сўнг одамлар олдига, уйига қайтиб киради.

— Ҳар қалай, чайлада яхшироқ эди, — буюрган сҳангда такрорлади Касказик.

Тўғри, қаттиқ бўрон бўлган вақтларда айрим кўзи ёриган аёллар чайлага кириб кетишган. Покланмаган бу аёлларга энг пойгак жойни ёки ёндаги катнинг бир чеккасини ажратиб беришган. Жинлар урф-одатларга риоя қилмаганларни ёқтирмайди, шунинг учун ундай уруғларда болалар тез-тез касалланади, нобуд бўлади.

Туғишдан азоб чеккан аёл бирдан бақириб юборди:

— Нарӣ бор!

Касказик нари кетди. Лекин хашак ва шохлар олиб келиб чайлани иситди. Тўнгак, арча шохлари ва қордан тўсиқ қурди: тирқишлардан шамол кирмаса бўлди. Тўшаш учун буғи териси ва иссиқ кийим олиб келди. Ўғли ва хотинлар энди совқотмасликларига ишонч ҳосил қилгач, овқат тайёрлашга тушди. Тонг ёриша бошлагандагина Талгук ва Псулк иссиқ овқат еб, чой ичишди. Талгук эса қайта-қайта чой қўйиб беришларини сўрарди.

Касказик мижджа қоқмай чайла олдидаги гулханга қараб, ичкаридаги оловга ўтин қалар, бўшанган аёлга боқарди. Шу кунларда шамол, қор бўрони тинмасди. Касказик шамолга илтижо қилар, ўзига мойил қилиш учун ялинар, бироқ шамол парвойи фалак эди. Ке-во оқсоқолни шамолни отиш<sup>1</sup> ниятида эди, иш ва ташвишлар билан бўлиб вақт ўтиб кетди, учинчи кун келганда ҳафа бўлиб, жаҳли чиққан Касказик шамолга қараб тупурди:

<sup>1</sup> Илгарилари нивхлар узоқ давом этган кучли бўрон вақтида «шамолни отиш»ни одат қилганлар — шамолга қарши ўқ-ёй отганлар, шу билан гўё шамолни «ўлдиришган» ва бирдан ҳаво яхши бўлиб қолган.

— Майли, қўлингдан келганини қилавер, энди қўрқиб бўпман. Тфу!

Псулк олдиндан олиб келиб қўйилган тошни оловга тикди. Чайла остонасида эҳтиёт шарт қирқиб қўйилган тол новдасини Псулк кўндалангига тилиб пўстидан осонгина ажратди. Пичоқ билан пайраҳалар қириб тушира бошлади. Юпқа, силлиқ, юмшоқ пайраҳалар буралиб тушарди. Ниҳоят бир ёстиққа етарли пайраҳа тайёр бўлди. Псулк гулхандаги қизиқ тошни олиб пайраҳага қўйди, тошнинг устига эса яна пайраҳалар ташлади-да, Талгук ўшанга ўтришини буюрди. Шамол учириб келган аччиқ тутунни сезган Ке-во манзилгоҳининг оқсоқоли бўшанган аёл дудлантирила бошланганини тушунди.

...Жуда қалтис лаҳза келди. Касказик унга яхши тайёрланганди. Мис қозонни пойгакка қуйиб, ичига чақмоқ тош солди. Катта куракни чайлага олиб келиб, ёнбошдаги катга қўйди. Энди энг муҳими — ёвуз жинларни даф этиш. Улар ҳойнаҳой кўзга кўринмай, чайла остонаси ва ичкарида гўдакнинг жонини олиш учун пойлаб туради. Касказик жинларни чалғитиши керак. Бунинг йўлини ҳам пухта ўйлаб қўйди: учта тол новдасини ёриб, тиргакларни бир-биридан ажратгач, новдаларнинг учларини қорга тикди; бирини эшик ёнига, иккинчисини биринчисидан бир қадам нарига, учинчисини янаям узоқроққа тикди. Энди болани олиб келиш керак. Псулк чақалоқнинг янги қуён тери пўстини устидан яхши пиширилган кичкина ит териси ўради. Терини аввал оловда иситди. Болани қандай сақлаб қола олганини фақат Псулккина билади. Қорнини оловга тутганча чақалоқни қучоқлаб нафаси билан уни иситарди. Совуқда кўзи кетиб қолмасин учун кетма-кет қайноқ чой ҳам ичиб турди...

— Х'ана!<sup>1</sup>— бақирди Касказик.

Псулк тугунни тез тирқишга тикди. Отаси уни нариги томондан олиб, тиргакни уриб юборганди, новда эгилди. Шу тарзда жиннинг йўли тўсилди, у ўлжаси кетидан тушган йиртқичдек чақалоқни пойлаб юрган бўлиши керак. Болани иккинчи ва учинчи тирқишдан ҳам ўтказишди, тиргакларни уриб юборишди. Ўғлини

---

<sup>1</sup> Х'ана — тахминан «қани» (бошлайлик, вақти бўлди), деган маънони аңглатади. (Тарж.)

қўлига олган Касказик остонадан ўтиб, тери пўстинларни ечди, чақалоқнинг оёқларини қозон баравабар осилтирди. Демак, чақалоқни тош ва унинг руҳи — олов эҳтиёт қилади. Энди гўдак сувда ҳам фалокатлардан сақланади — чўкиб кетмайди, оёғи ерга теккудек бўлса қозоннинг ичида тош бор. Чайлага кириб қолган жинларни чалғитиш учун Касказик ўғлини ётқизиб, устидан чўп-ҳас ва майин хашак сочди. Мана, кўриб қўйинг, жинлар! Кўзингизни каттароқ очиб қаранглар! Бу чақалоқ эмас, чақалоқни шундай ифлос жойга ётқизиб қўйишадими? Бу бола эмас, хас-чўп-ку! Бу ерда ҳақиқатан ҳам чақалоқ йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун Касказик куракни кат тагига тиқди. Йўқол, жинлар. Чайладан йўқол, бу ерда нима бор сенларга?

Касказик катга чиқиб олиб, девор ёнидаги тўшакни буклаб, ғўлаларни суриб қўйди-да, очилган ердан ўғлини тортиб олди.

Талгук бўлса қўлида бола йўқлигини кўришсин учун чайлага кейинроқ бир ўзи кирди.

Ниҳоят жинларни бутунлай алдаш учун чақалоқни Икилак-Ёмон деб аташди. Ёмон ҳеч кимга керакмас, қаёқдан кўз тегсин унга?

Касказик жинларни осон чалғитди. Ўғли чақалоқлигида хиёл бетобланди холос, ҳеч қачон қаттиқ касал бўлмади. Ҳатто азайимхон ҳам бирор марта чақирилмади.

Мана энди Икилак йигитча!

## XVI боб

Иккинчи кун кечқурун Ке-во одамлари бир неча тайга манзилгоҳлари ёнидан ўтиб, Чачфми деган бир ерга сузиб келдилар. Бу ерда тик қирғоқ қояларини булоқ сувлари бўлиб ташлаганди. Қалин арча ўрмони катта жойни эгаллаган бўлиб, тепалик ичкарисига кириб кетган. Тимининг нариги қирғоғи, аксинча, паст, қуюқ туман билан қопланган.

Биронта нивх уруғи бу жойда муқим турганга ўхшамасди. Баъзи йиллардагина кимлардир қишда келиб қундуз овлаган, балиқ ва ҳайвонларга яқинроқ бўлиш учун яна ўз кўрфазига қайтиб кетган. Баъзида тайга буғучилари қабиласи— ороклар тайга бўйлаб сарсон бўлаверганлари учун бу жойни топиб олиб, буғу боқишган, кейин улар ҳам бошқа жойга кетиб қолишганди.



Касказик Чачфмидан Тими юқорисигача салкам бир кун сузиш кераклигини биларди. Бу ерда бирон кишини учратиб, Охота денгизи соҳиллари одамлари ҳақида сўраб-суриштирилса яхши бўларди. Шунинг учун муюлишдан ўтиб, қайин пўстлоғи билан ўралган учли иккита чодирни кўрганида қувониб кетди. «Ороклар»,— хаёлидан ўтказди енгил тортиб Касказик. Гарчи чол Нгаксвонглар уруғи билан ярашиш учун кетаётган бўлса ҳам ҳоли ерда улардан биронтасини учратиб қолишдан чўчиётган эди.

Икилак ва Наукун ҳеч қачон ўз манзилгоҳидан бунчалик узоқлашиб кетишмаган ва биринчи марта ороклар жойини кўришлари эди. Иккилакка олисдан ҳатто бу ер одамлар яшайдиган жой эмас, кандафитлар қўраси бўлиб кўринди. Соҳилдаги шағал устида олапар дайдиб юрарди, у ниҳоятда баҳайбат, нивхларнинг чанага қўшадиган итини эслатарди. Бегона итни аввал нарт кўпаклари кўриб вовуллашди. Сарғиш ит ҳам жавобан қаттиқ хуриди.

Чодрадан хотинлар ва маймоқ чол чиқишди. Чол кирғоққа тушиб, келганлар билан орокча саломлашди:

— Сароде, сароде!

Кейин эски танишини кўргач, хурсанд қиёфада нивхчалаб:

— Ия, сенмисан?— деди. Икки таниш қучоқлашиб кетганини кўрган Икилак ҳайратга тушди. Чол Касказикнинг кифтига қоқди.

— Анча бўлди кўришмаганимизга! Роса узоқ яшайпмиз-да! Уғилларингми булар? Катта бўлиб кетишибди-ку! Охирги марта анави катта ўғлинг атай-чечай қилаётган вақтда кўришган эдик. Мени эслайсанми?— сўради у Наукундан.

Наукун бошини сарак-сарак қилди.

— Қара-я, қанча вақт учрашмабмиз!

— Хўш, ўзинг-чи, Лука, қаёқларга кетиб қолдинг?— қизиқди Касказик.

— Бормаган ерим қолмади. Кўпроқ энг шимолда, Миф-тёнгр<sup>1</sup>да яшадим. Яхши жойлар, ягель ва ҳайвон кўп. Аммо энди у жойларда ерни титкилашмоқда, ерни қон-қақшатишяпти, ягель қирилмоқда. Бокира яйловларни эса келгинди эвенклар, ёқутлар эгаллашди... Уларнинг ўз ерлари каммикин?..

<sup>1</sup> М и ф т ё н г р — Ер боши, Шмидт ярим ороли, Сахалин шимолий чеккасининг қадимий номи.

«Келгинди-ку, ерли деб ҳисоблайди-я ўзини», — гаши келди Касказикнинг.

Икилак Орокни Лука Афанасьев деб аташларини отасидан билиб олгач, ажабланди. Орокларни яқин вақтлардан буён рус поплари ўз эътиқодига ўтқазиб, русча исмлар билан аташа бошлаганини отаси ўғлига тушунтириб берди. Аммо аксари орокларнинг русча исмлари билан бирга ўз исмлари ҳам бор. Лука Афанасьевни одатда Нгиндалай ёки Нгинда — Ит деб атайдилар. Сабаби, у кўп ит боқиб келган. Итлардан биронтаси кексайиб ўлса ёки айиқ ёриб ташласа, янгисини олиб боқарди. Итлар тайгаликларга ёрдамлашиб келган: буғуларни айиқ ва росомаҳадан қўриқлаган. Касказик Нгиндалай-Лука ўзини орок деб аташини ҳам тушунтириб берди. Лекин ўзи орок эмас, эвенк, қуруқликдан келган. Орок уруғи билан чатишиб кетган, шунинг учун ўзини орок ҳисоблайди.

Чой устида Нгиндалай:

— Сен мутлақо танҳо яшайсан. Мутлақо. Тайгага биқиниб олиб, ҳеч кимнинг олдига бормаёсан, олдинга ҳам ҳеч кимни чақирмайсан, — дея раҳми келибми, койиган бўлибми бошини тебратди.

Унинг сўзлари кекса Кевонгнинг ғамига ғам қўшди, худди ярасига туз сепилгандай бўлди. Касказикни тайгада қолиб кетишга нима мажбур қилганлигини Нгиндалай-Лука биларди-ку. Камбағални калака қилиши нимаси.

— Ҳалиям ўша ерда ётибсанми? — ачиниб сўради Нгиндалай.

Касказик тасдиқ маъносида бош қимирлатиб қўйди.

— Энди қаёққа кетяпсан? Совчиликка бўлса керак-а, совғалар кўтариб олибсан?

— Йўқ, совчиликка эмас.

Касказик хўрсинди. Нгиндалай яна камгап нивхнинг жаҳлини қистатганини тушунди. Шундан сўнг у учрашув бошидаёқ айтай-айтай деб турган гапидан оғиз очди.

— Нгакс-во ҳозир катта манзилгоҳга айланган. У ерга руслар ҳам келиб қўшилишди.

— Қанақа руслар? Николаевскдан қатнайдиغان савдогарлар эмасми?

— Йўқ, улар эмас. Ўзимиздан савдогар чиқиб қолди. Тимоша Пупок. Эшитувмидинг?

— Йўқ, эшитмаганман. Нгакс-во манзилгоҳи катталашганига анча бўлдими?..

— Тимоша дўкон қургандан буён. Ун етти ань бўлди-ёв.

— Йўқ, эшитмовдим...

Касказик бу янгиликка қандай муносабатда бўлишини билмай, ўйлаиб қолди...

— Нгаксвонглар уруғи одамларичи... Улар индамай тураверишдими? Ахир уларнинг манзилгоҳларини бошқалар эгаллабди-ку?

— Пупок рухсат беришларини сўраб ўтиргани йўқ. Жой унга ёқди: тинч бухта, катта дарёнинг бошланиш ери. Атрофда яна ўша нивхлар, Нгаксвонглар бўлса... Улар энди қолмади ҳисоб.

— «Қолмади» деганинг нимаси?

— Қолмади-да. Уруғ йўқолиб кетди.

— Нега бундай бўлди?

Овчилар билан машҳур Нгаксвонглар уруғи йўқ бўлиб кетишига Касказик ишонмасди.

— Тўғриси айтяпсанми? Балки, бошқа уруғ ҳақида гапираётгандирсан?

— Бор гапни айтяпман, тўғриси.

Буғучининг кўзлари маъюс эди. Гапнинг мазмунидан ҳам ҳазилнинг ўрни эмасди. Бу хабар Касказикни шунчалик таажжублантирган эдики, гапиришга ҳоли келмасди. Гапга оғиз жуфтласа ҳам инграшга ўхшаш овоз чиқарди.

Ўғиллар ва буғучи Касказикка ҳайрон бўлиб тикилишди. Наукун отасини нимага бунчалик ҳаяжонланаётганига тушунолмасди. Кевонгларнинг душманлари йўқ бўлиб кетишганига қувониш керак эмасми? Отаси бўлса шундай деди:

— Биз нодон эдик. Ўйлаб ўтирмай, жанжал чиқдими, найза ишлатаверганмиз. Аямай қон тўкаверганмиз, худди инсон қони денгиз сувидек. Шундан сўнг Курнг ҳаммамизни: бизни ҳам, уларни ҳам жазолади.

Лука хириллаб, аста деди:

— Улар қарилик, касалликдан, жангда қирилиб битмаганлар... Йўқ...

— Музликлар орасида, баҳорги ов вақти ҳалоқ бўлиб кетишдими?

— Йўқ, овда эмас. Савдогарлар пайдо бўлганда Нгакс-во одамлари кенг қайиқлар ясашди. Йирик нерпалар олиб кетиш учун эмас, улар ов қилмай қўйиш-

ганди. Ичига кўпроқ буюм ортиш учун катта қайиқлар ясашди. Савдогарларга киракашлик қилиш билан кун кечирешарди.

— Нерпа овламай қўйишганмиди? — Касказик қаттиқ ҳайратга тушди. Бу қанақаси, киракашлик билан ҳам кун кечириб бўларканми?

— Улар ҳозир йўқ-ку, энди, — деди бамайлихотир Лука, — довул бўлган. Кучли довул. Одамлар кўрфазга чиқишдан бош тортишди, Тимоша эса мажбур қилди. Яхши ҳақ тўлайман деб ваъда қилгандан сўнг улар чиқишди. Иккита қайиқда чиқишди. Савдогар ҳатто укасига ҳам раҳм қилмади. Ана ўшанда ҳалок бўлишди.

Бутун уруғ ҳалок бўлдими?

— Ҳаммаси. Чамаси, ҳаммаси эди, — Нгиндалай-Лука пешонасини тириштириб, эслай бошлади. — Чамаси... Шошма. Ньолгун уларнинг уруғидан эмасми? — У Касказик томон ўтирилди.

Икилак бир сесканиб тушди, у шу номни иккинчи марта эшитиши эди. Биринчи марта Ланьгукдан Қарга арчаси ёнида эшитганди.

— Билмадим, — елкасини қисди Касказик, — Мен Нгаксвонгларнинг ҳамма кексаларини билардим. Ёшларини эслай олмайман.

— Ньолгун Нгаксвонглардан, — деди Лука. — Энди эсладим: улар Нгаксвонглардан, — қатъий такрорлади у.

— Фақат бир киши қолибди-да? — суҳбатга қўшилди Наукун.

— Бир киши.

— Унда ярашишга боришнинг нима ҳожати бор, ярашадиган одамларнинг ўзи йўқ экан-ку? — деди Наукун. У дарров вазиятни тушунди: «Қалин буюмларидан менга бериши учун ҳам қолар экан-да».

— Тилингни тий! — ўшқирди Касказик. — Нокас! Бир киши одам эмасми сенга? Бир киши ҳаёт экан, унинг уруғи ҳам яшайди!

Ташқаридан буғу қўнғироқларининг овози эшитилди.

— Менинг ўғилларим. Буғуларни олиб келишди, — Лука ўрнидан турди. — Биз ҳам Нгакс-вога бормоқчимиз. Тимоша буюмлар олиб келишни ваъда қилган эди. Сен дарёдан боравер, мен эса тепаликлардан ўтиб, тўғри кесиб чиқаман. Сен бир оз кечроқ, атиги ярим кунча кейин борасан.

Денгиз соҳилида яшовчи нивхлар кўриб юрган икки елканли шхуна оқ кўпикли сувлар орасидан худди чағалакдек тез ўтиб, кўрфазга кирди-да, Тланги-ла<sup>1</sup> кучидан усталик билан фойдаланиб, оқимга қарши аста сузиб кетди. Ялангоёқ ва шошқалоқ болакайлар манзилгоҳдан анча олисдаги кўрфаз ёнига югуриб бориб, оппоқ кемани кутиб олишди... Улар қичқаришар, қўлларини силкиб сакрашарди. «Қувонишади. Ёввойи бўлгандан кейин шу-да. Тимоша уларнинг сўнгги терисини ҳам шилиб олади, улар бўлса қувонишади», — аччиғланарди ёш ёқут.

Худди бармоққа ўхшаш узун ва қумли камбар қуруқлик кўрфазни денгиз тўлқинидан ҳимоя қилиб турарди. Сув сатҳи жимирлаб, майда мавжлар ўйноқлар, юзаки қарагандагина кўрфаз бўм-бўшдек туюларди. Чочуна тикилиб туриб, сув сатҳида қандайдир қора ҳалқаларни пайқайди. Аввалига уларни куюк дарахт бўлақлари деб ўйлади. Аммо ҳалқачалар гоҳ чўкиб, гоҳ қалқиб чиқаркан, оқим бўйлаб эмас, оқимга қарши ҳаракатланарди. «Нерпалар!» — хаёлидан ўтказди Чочуна. Уларни Чочуна Амурни денгиз билан туташадиган ерида кўрганди. Денгиз ёқутни чайқайвериш тинкасини қуритган, икки кун у ҳеч нарсани кўрмаган ҳам, эшитмаган ҳам эди. Бутун ичак-човоққача ағдар-тўнтар қиладиган лаънати бу чайқалиш русларга таъсир қилмаганига ҳайрон бўларди.

Нерпалар кўрфазда кўп экан. Қора бошли оқ нерпалар ўтиб бораётган кемага қизиқиб қарарди-да, яқингинага сузиб келар ва шўнғиб яна нарироқдан ёки иккинчи бортдан чиқиб қоларди. Катта оппоқ чағалаклар фарватер узра чарх уриб сельд, корюшка ёки бошқа майда балиқларни кузатарди.

Чопқир болакайлар шхунадан олдин манзилгоҳга хабар келтиришди; кемада Пупокдан ташкари яна бир одам борлигини, нивхларга қараб қўл силтаётганлигини айтишди, «Нанай ёки амурлик нивхни ёрдамчи қилиб олишгандир», — деб ўйлашди Нгакс-вода.

Чочуна эса бу орада Ёқутистондан шунчалик узоқдаги ер соҳилларини кўздан кечирарди. Қумли қу-

<sup>1</sup> Т л а н г и - л а — «буғу шамоли», жанубий-шарқий денгиз шамоли, одатда кучли, совуқ бўлади.

руқлик пастак қумтепаликлардан иборат эди, бу тепаликлар ёнида пастак буталар ўсарди. Узун ва текис қуруқлик бошланиш жойида дўнгликлар билан ажралган, дўнгликлар дарахтзор тепаликларга тутшиб кетган эди. Тепаликлар кўрфазни бошқа томондан ўраб турарди. Унинг ичкарасида кенг пасттекислик кўзга чалинар, у бир неча жойидан тиниқ сув билан бўлинган, юқорида — дарёнинг бошланиш жойи бўлса керак — оқиш сайёҳонлик кўринарди. Уйлар ғалати — ёғочдан ишланганга ҳам, поялардан ясалганга ҳам ўхшамасди. Кўриниши тўрт бурчак, мўрилари, томи ҳам йўқдек. Дераза кўзлари майда, қўл аранг сигади, ойна солилмаган. Уйлардан пастроқдаги сув бўйида илгаклар. Улар жуда кўп. Илгакларда тилимланган балиқлар осиглиқ: улар шунчалик кўпки, орқадаги манзилгоҳни тўсиб қўйган уйлар ҳам илгаклар орасидан аранг кўриниб қоларди.

Ҳар қайси уйни ўнг ёки чап томонида тери чодирларга ўхшаш нарсалар турибди. «Эвенклар бўлишса-я?» — хурсанд бўлиб кетди Чочуна.

Кўндаланг поя-тўсинларга боғланган баҳайбат итлар занжирни узгудек бўляпти. «Ит инлари бўлиши керак».

Нотаниш жой... Нотаниш элат. Бу одамлар билан қандай қилиб тил топишиш мумкин?

Алоҳида тўдалашиб кутиб олаётганлар орасида мўйна кийган одамлар турарди. Чочуна тўда орқасида шохдор буғуларнинг бошини кўриши билан худди олисга кетиб қолган қариндошларини кўргандай қувониб кетди. Эвенклармикин? Ёқутлармикин?

Нивх уйларидан сал четда пастак, кенг ҳовли ёғочдан ишланган иккита уй турарди. «Руслар ҳамма жойда руслигича қолади: уйлари ҳаммавақт мустаҳкам, хўжалиги бадавлат бўлади», — ҳурмат юзасиданми, қўм-санибми хаёлидан ўтказди ёқут.

Бақбақалоқ, ёноқлари қизил ва кулиб турган уч рус аёл олдинга ўтишди-да, кўйлаклари барини баланд кўтарганча йўғон, оппоқ оёқларини кўрсатиб сувга тушишди. Баҳайбат итлари билан бирга очиқ чеҳрали нивхлар, буғучилар, дўнгликлар ва буталари бор қўтлик соҳил, қалин қора булутли паст осмон — буларнинг ҳаммаси шу он бир зумда кўздан йўқолди. Аёлларнинг ўртаб юборгудек оппоқ сонларидан бошқа нарса кўринмасди кўзга.

— Тимошкажон, жонгинам!— деган эркаловчи аёл овози эшитилди. Чочуна тебраниб кетди, нимадир уни четга итаргандек бўлди.

— Чайқаб қийнабди-да,— раҳми келди Тимоша ва қўшиб қўйди:— Денгиз— сенга Ёқутистон эмас.

...Чочунани ажаблантириб Тимоша ҳамма юкни шхунада қолдирди. Осмонга бир қараб, шамолни аниқлади. Лангарни қирғоққа чиқариб қўйди. Кемачани шамол қумли дўнгликлар ёқасига олиб келиб ташлаган катта тол илдизлари ўртасига боғлади. Шундай бўлса ҳам Чочуна сўради:

— Юкларни бўшатиб қўйсак бўлармиди?

— Нега? Бугун дам оламиз. Эртага бўшатамиз, — Тимоша шундай бир оҳангда гапирдики, бундан қирғоқда бегоналарнинг нарсасига тегишмайди, деган маъно англашилди.

— Кетдик,— чақирди Тимоша,— аёллар кутиб қолишди.

Чочуна иккиланиб турарди. Тимоша бу жойларнинг тартибини яхши билиб олган. Шунча нарсани қаровсиз ташлаб кетяптими, демак, ҳеч ким тегмайди. Шундай бўлса ҳам у бир лаҳза иккиланиб қолди.

Тимоша елкасига чамаси совға-саломли оғир чипта қопни орқалади.

— Хўш, нима қилиб турибсан?— Тимоша ёнига ўгирилди.

— Сенинг олдинга кираман,— шошилмай ваъда қилди Чочуна.— Одамлар билан танишиб, кейин бораман.

— Ихтиёринг. Билганингни қил,— Тимоша шундай деди-ю, катта этик билан сув кечган қўйи соҳилда хурсандчиликдан қийқиришаётган аёллар томонга йўналди.

## XVIII боб

Бироқ Чочуна Тимошанинг олдига бормади. Йўлда азоблангани ва ҳозир вақти эмас, бу ваҳшийлар ҳамма нарсани тортиб кетади, деб чўчигани учун буғули одамлар қирғоқда ёққан гулхан ёнида қолди. Гулхан ёқилиб, одамлар унинг олдида айланишганидан кейин қоврилган гўшт ҳиди ҳаммаёқни тутиб кетди.

Олов ёнига чўл нивхлари яқинлаша бошлашди, улар

соҳилда пайдо бўлиб қолган, кўриниши ўзларига ўхшаш одам ким эканлигини билмоқчи эдилар. Нивхлар тортинмай ёқутни томоша қилишарди. Чочуна уларнинг тик, очиқ кўнгилли нигоҳидан бир оз ўнғайсизланди. «Худди ғалати ҳайвонни биринчи кўришаётгандай. Ёввойилар!» Нивхлар бўлса, келган одамнинг юзига обдан тикилиб, ўзларига сира ўхшамаслигини аниқлашди. Кўзлари йирик, русларникига қараганда хиёл қисик, бурни катта, нивхларникига ўхшамайди, Юзи ҳам оппоқроқ. Фақат сочи уларникига ўхшаш қора, текис. Йўқ, нивхлар Чочунанинг юзида одатдаги мулоҳимлик сезишмади.

Охири улар ўзларининг ғалати уйларига тарқалиб кетишди. Ҳаммасининг иши бор: эртага Тимоша буюмларни тарқатади...

Буғули одамлар ороклар экан. Чочуна бундай кичкина элатлар ҳақида эшитган эди, уларнинг тили гольдчага яқин ва тунгусчага оҳангдошроқ. Ороклар ёш, гавдали нивхнинг уйи яқинида гулхан ёқишди. Қалин йўғон сочли бу нивх ярмигача тупроқ тўлдирилган ёғоч уйидан бир-икки марта чиқиб, орокларга нивхча гапирди, чамаси, уйига таклиф этди. Ороклар нимадир жавоб қилишганди, нивх пастак очиқ эшикдан қоронғига кириб кетди.

Ёш нивхнинг кулбаси бошқаларнинг уйидан ажралиб турарди. Бошқаларнинг уйлари катта, йўғон поялардан қурилган, деворлари нишаб, чордоғи йўқ, лой билан сувалган шифтида тутун тирқиши бор. Дераза ўрнида тирқишлар. Ёш нивхнинг кулбаси эса русларникига ўхшаш ёғочдан қурилган, фақат ихчам, жажжи деразалари бор, худди тайга овчиларининг қишлик жойига ўхшайди.

Чочуна тунгусчани биларди, шунинг учун катта орокдан сўради:

— Сен қайси уруғдансан?

Лука-Нгиндалай ҳайрон бўлиб, калта соқолини тутамлаб қўйди.

— Ёқутман дедим-ку!

— Биз тунгуслар билан бир қишлоқда яшаганмиз. Хўш, қайси уруғидансан?

— Узун оёқ Буғу уруғиданман.

— Сенинг уруғинг қаерда яшайди?

Нгиндалай чимирилиб ёқутга қаради, гўё бу келгинди билан гаплашиб ўтириш ўринлими, деб мулоҳа-



за қилаётгандай эди. Қоврилган гўштли сихни қўлида айлантириб, орокча нималар деди. Ёш ороклар ингичка пичоқларни қинидан олиб, гулхан олдига сурилишди.

Чочуна шхунага чиқиб, спирт шишасини олди. Ичкичк шишасини кўрган ороклар жонланиб қолишди...

Қуриган оқиндиқ яхши ўтин. Гулхан бир текис ёнар, алангаланмай кўп иссиқлик берарди. Ичиб олган Лука-Нгиндалай олис Ёқутистондан келган одамга ўзи ҳақида гапириб берди.

— Лука — орок эмас. У шилкилик эвенк. Ёшлигидан қандайдир гилли<sup>1</sup>ларнинг ери ҳақидаги гаплар қулоғига чалинган, у ер узоқ шарқда, денгизнинг ўртасида деб эшитган. У жой одам оёғи тегмаган тайга билан қопланган, ўрмонларда қундузлар қадамингда учрайди. Қўшни жойлардаги бир неча довюрак йигитлар ўша ерга бориб келишган. Узоқ вақт қайтиб келишмаган. Уларнинг вақтини ов эмас, йўл олган. Йўл олис, ҳавфли. Уларни манзилгоҳда икки қиш кутишган. Сўнг улар қайтишган. Қопларини тўлдириб қундуз олиб келишган.

Отаси барвақт ўлиб кетган, болаларга йигирмата буғудан иборат пода ва христиан эътиқодини қолдириб кетди. Ҳозир ўша эътиқоддан фақат исмлару эски темир хочлар қолган.

Отаси ўлгандан кейин узоқ йиллар ўтди. Катта ўғилларнинг сочига оқ тушди, юриш-туришлари аввалгидек эмас, қадам олишлари суст, уларнинг болалари эса буғуларни боқишга ёрдамлашадиган бўлиб қолишди. Ака-укалар ўз жойларидан қўзғалмай, ўша ерда яшаб, ўз подаларини боқиб, кейинги йилларда камайиб кетган мўйна ҳайвонни ов қилиб юраверишса бўларди. Аммо янги дин билан бирга Шилкага темир йўл ҳам келди. У тайгани ва тепаликларни ажратиб қўйди, ҳайвонларни ҳайдаб юборди. Қиш кунларининг бирида эса буғулар йўлдан ўтаётган вақтда поезд поданинг ярмидан кўпини босиб кетди. Ана ўшанда ака-укалар гилли ерларига кетишга қарор қилдилар. Хотин ва болалари, сингил ва укалари баҳорда овдан сўнг қайтинглар дейишган

---

<sup>1</sup> Г и л л и — ороклар ва нанайлар нивхларни шундай аташган.

эди. Ёз охирига келиб, икки ака олтига салт буғуларда жасур йигитлар изидан олис йўлга чиқдилар.

...Кузда улар пастқам йўллардан юриб, кўп жойларни айландилар ва юздан ортиқ қундуз овладилар. Бу яёв юрган овчилар— нивхларга нисбатан анча кўп эди. Тайгага қор тушиб оқарган вақтда эвенклар нивх овчиларига илашдилар, уларда дарёлардан бирининг бошларида саройча бор эди. Тайгага қоронғи тушган, аммо кун иссиқ эди. Эвенклар яна бир нарсага ажабланишди: нивхлар бегоналарни уларнинг ов жойларига келиб, ов қилаётганлигига қаршилик қилмасдилар. Аксинча, чақирилмаган меҳмонларнинг ови бароридан келиши учун қўлларидан келганча ёрдам берар эдилар. Қундузлар келадиган жойларни кўрсатишди. Ўзларининг нерпа қопланган кенг чанғиларини беришди. Уларнинг ҳар бир ютуғидан хурсанд бўлишди. Бу нивхлар галати одамлар-да.

Февралда нивхлар қишки ов мавсумини тугатиб, туюқларни дарахтларга кўтариб қўйишди. Жарлик билан Ке-во манзилгоҳига тушиб келишди. Эвенклар улар кетидан чанғиларда қайтишди. Чанғиларни бўрон бўлган кунлари, иш йўқ пайтда ясаб олишган эди. Эвенклар буғуларни эргаштириб келишди. Ака-ука мамнун эди. Икки юз ўн еттита терига эга бўлишганди. Ҳамюртлари орасида уларнинг иши ўнгидан келаётган эди. Улар тезда ҳамюртлари ҳузурига қайтиб боришга ошиқардилар.

Кевонглар уруғининг хушфеъл одамлари ҳузурда меҳмон бўлиб, ўзларига нарталар қуриб олишди ва қундузларнинг бир қисмини рус савдогарларига сотиш учун Нгакс-вога келишди.

Кечқурун, савдодан кейин манзилгоҳ аҳолисидан аллаким буғу пойгасини кўришни хоҳлаб қолди. Ширакайф Лука ва унинг укасига бу илтимос ёқиб тушди. Бошқаларни қўяверинг-ку, эвенклар, буғу одамлари, буғу минишни биладилар. Ака-ука эгарланмаган буғуларда мусобақалашишарди, бундай чавандозларга эгарнинг ҳожати йўқ! Эгарни чолларга ва ўргамчик чавандозларга чиқарган. Эвенклар қийқириб, буғуларни ҳайдаб кетишди. Манзилгоҳ жонланиб, қий-чувга тўлди. Ҳар томондан ҳайратланиш овозлари, поя ва қозиқларга боғланган нарт итларининг қаттиқ вовиллаши эшитиларди. Лука анчадан буён буғуда бунчалик чиройли юрмаган эди. Оёқлари билан буғунинг кўкра-

гига қаттиқ ниқтайди, гавдаси букчайган, доха<sup>1</sup>си эса бургут қанотига ўхшаб кифтида силкинарди.

Эвенклар дарёда бир томонга юришди, буғуларни қайтаришди. Манзилгоҳга қайтишди. Итларнинг хуриши яна авжга чиқди. Шу пайт кимнингдир қора ити ечилиб, буғуга ташланди ва ...Лука аранг қор уюмидан чиқиб олди. Ён-верига қаради. Буғу қаёққа кетди? Буғу манзилгоҳдан анча олислаб кетибди. Кетидан изма-из баҳайбат ит ҳам қувлаб боряпти, унга бир неча ит қўшилди. Лука таёқни ола кучи борича югурди, лекин ета олармиди. У тобора орқада қолаётган эди. Ёнидан укаси ўтиб кетди. Аммо устига чавандоз миниб олган буғу итни қувиб етолмасди. Олдинда, анча олисда итлар буғунини қувиб бораётганини укаси ҳам кўрди.

Лука оролда туриб қолди. Укасини бир ўзи мўйна солинган қопларни Николаевскка олиб кетди — у ерда мўйна қимматроқ юрарди. У бир жуфт буғу харид қилиб, Лукани олиб кетишга келишини маслаҳатлашишганди. Лекин кунлар кетидан ойлар ўтса ҳам укаси келмади. Дарёда муз ёрилиб, кўча бошлади ҳамки, укасидан дарак йўқ эди. «Эҳтимол, Шилкага кетгандир. Кузда қайтади», — ўйлади Лука. Аммо ёз ўтди, куз ўтди, қиш келди. Оролда қуруқликдан келган бошқа эвенклар пайдо бўлишди, бироқ укаси ҳамон дом-дараксиз эди. Лука келган ҳамма одамлардан суриштирарди. Эвенкми, нивхми, русми ким бўлмасин, ҳаммасидан укаси тўғрисида сўрарди. Белгиларини тасвирлаб берар, аммо бирон хотиржам қиладиган жавоб эшитмасди. Шу бўйи Лука нивхларнинг ерида қолиб кетди. Нивхлар эса ўз одатларини муқаддас сақлашар, меҳмон бўлиб турган бегона қабила одамини боқишарди. У эса манзилгоҳ ҳаётида қўлидан келганча қатнашиб, ўтин ёрар, овга борар, балиқ тутарди.

Кунлардан бир кун Лука бултурги чангини тузатиб ўтирар, офтобли, сокин, ёқимли, тетиклантирадиган совуқроқ кун эди. Шу пайт болаликдан қадрдон бўлиб қолган, унутилаёзган товуш келгандай бўлди. Овоз такрорланди. Бу гал аниқроқ эшитилди. Лука қотиб қолди, яна ўша овозни эшитди: «Бол-бол-бол...» «Наҳотки буғулар бўйнига осилган қўнғироқлар овози бўлса?» — эвенк бошини кўтарди. Манзилгоҳдан четлаб

---

<sup>1</sup> Д о х а — авра-астари мўйна пўстини.

(итларнинг жиғига тегмаслик учун) буғулар тўдаси ўтди. Олдинда юнгли пўстин кийган чавандоз борар, учли мўйна қалпоғи бор— худди эвенкнинг ўзи эди. Лука ҳар хил хаёлларга борди. Балки, укаси шилкаликларни ҳароб бўлиб қолган жойини ташлаб, оролга кўчиб келишларига кўндирдимикин? Лука чангини қўйди-да, ҳаяжондан энтика-энтика тиззасигача тупроққа ботган куйи югуриб кетди. У кўп югурди... Пода эса, қадамини тезлатмай аста узоқлашиб борарди. «Э-э, э-э-э!» бақирарди Лука қалпоғини силкиб. Пода орқасидан бораётган чўпон буғуларни тўхтатди-да, ҳайрон бўла бошлади. Бу одам нимага чақиряпти ўзи? Балки эси жойидамасдир? Лука эса югуришда давом этаркан, чўпон буғуларни қамчилаб, пода кетидан елиб кетса-я, деб чўчирди. Унда... Лука «унда» нима бўлишини билмасди. Фақат бир нарсани: қандай бўлмасин, чўпонга етиб олиб, ундан суриштириши кераклигини англади.

Лука етиб олди ҳам. У шартта чўпоннинг тизгинига ёпишди.

— Қанақа одамсизлар ўзи?— нафаси бўғзига тикилиб сўради Лука. Ёш чўпон ҳеч нарсага тушунмай бош қимирлатди. Шунда Лука русчалаб сўради:— Сеники Амур келадими бу ёққа?— ва қўлини ишора қилиб, аввал олисни, кейин оёғи остини кўрсатди.

Чўпоннинг ҳадиксираши ариди.

— Сеники... эвенк? Ороchon?— сўради у.

— Эвенк,— жавоб қайтарди Лука.— Меники эвенк, меники эвенк.

— Сеники қандай келиб қолди бу ёққа?— ажабланди чўпон.

— Меники... меники...— Лука сўз қидирар, аммо русчалаб тушунтириб беролмасдан қийналарди. Чўпон ҳам буни сезиб:

— Сеники— эвенк. Жжуда якши,— деди.

Кейин қўли билан манзилгоҳни кўрсатди.

— Уша ёққа бор. Меники тезда у ёққа боради.

Шундан сўнг чўпон оёғи билан буғунинг биқинига ниқтаб, узоқлашиб қолган пода орқасидан елиб кетди. Лука эса ҳайрон бўлиб, чўпон унинг олдидан нега кетиб қолганлигига тушунмасди. Ахир у гаплашмоқчи бўлди... Хўш, нимани гаплашмоқчи бўлдийкин? Нимани? Лука ўгирилиб, аста орқасига қайта бошлади, у беихтиёр келган изини қайта босиб кетарди.

Яна чангини қўлга олган Лука ўқтин-ўқтин калла-

сини кўтариб, буғу подасининг изига қараб қўярди. Шу пайт рўпарада икки чавандоз кўринди.

— Бў ўшалар эди,— Лука ёш ороклар ўтирган томонга қараб, бошини силкиди.

Эвенк трубкага майда тамакини тўлдиргач, бош бармоғи билан босиб қўйиб тутатди.

— Бу ўшалар, менинг халоскорим ва менинг болаларим эди.

Чочуна ажабланиб қараб қўйди.

— Ҳа, ҳа, менинг болаларим,— тасдиқларди Лука.— Аввал улар мени ўз уруғларига олишди, қариндошларидек боқишди, кийинтиришди. Уларнинг нимжон отаси ўлганда мен йигитчаларнинг отаси бўлиб қолдим, уларнинг тили ва динини қабул қилдим... Энди улар мени ўз одами, орок деб ҳисоблайдилар.

«Буни қара-я, бало экансан! Қашшоқ, бошпанасиз одам эдинг, энди, кап-катта орокларга ота-ю, подасига эга бўлиб қолсанг-а. Тайёр турган экан-ку, ота ҳам!»

Лука шошилмай, аста гапида давом этди.

— Шилкада менинг орок болаларимнинг оғалари — эвенклар бор. Уларнинг тоғаси, яъни менинг акам уйга ҳар қалай омад билан қайтди. Менинг болаларимга ҳам кўп қундуз олиб келди. Болалар шундан сўнг очлик ва касалликни унутишди. Бироқ ўғилларимнинг амакиси негадир анчадан бери қайтиб келмаяпти. Агар энди келмаса, Шилкага бораман. Шу ерлик ўғилларим билан бораман. Уларнинг акаси ва опа-сингилларини олиб келаман.

Чочуна таажжубда эди. Икки қўллаб бергани шу бўлса керак-да.

Гулхан секин сўниб борарди. Тиқ этган шамол йўқлигидан кул кўкиш тусга кира-кира чўғни қоплаётган эди.

...Чочуна шартта бошини кўтарди. Атрофда одамлар гимирашар, улар юкни кўтариб келиб, гулхан ёнида ётган ёқут яқинига қўйишаётган эди.

Тимоша энг шимариб, қандайдир нивх билан трюмдан тойларни танлаб олиб, палубада турганларга узатарди. Улар ўз навбатида юкни манзилгоҳ аҳолисига орқалатиб юборишаётган эди.

Чочуна ҳайрон бўлиб қолди: унинг арзимас юкларининг ҳаммаси шхунадан туширилиб, уйиб қўйилибди. Аввалига ёқут ҳаммаси жойидамикин, деб бир тек-

шириб кўрмоқчи бўлди, лекин сир бой бермасликка ҳаракат қилиб, ўзи ҳам ёрдамлаша бошлади.

Юкларни тушириб бўлишгач, Тимоша ўз дўкончасини тахтадан ясалган кичкина бостирмасини очди. Чочуна шундай қилишни кечаёқ мўлжаллаб қўйган эди. Хиёл ақли жойида одам буюмларни бундай омонат жойда сақлашни ҳеч қачон хаёлига ҳам келтирмасди. Тартиб шунақа экан-да!

Аввалига ўртада ароқ айланди. Кейин одамлар кайфи ошиб, эзма бўлиб қолишган вақтда Тимоша савдони бошлади. Нивхларда кетадан бошқа арзигулик ҳеч вақо йўқ эди, кетларни улар аввалги қарзларини узиш учун тўлашарди, шунинг учун Тимоша уларнинг номларини қарзлар ёзилган китобга киритиб улгурарди холос. Фақат Лука ва унинг ўғилларидагина мўйна, озроқ қундуз бор экан. Эҳтиёткор тайгаликлар баҳорги савдо вақтида уларни олиб қолишга, кейин тамаки, чой ва унга алишишни мўлжаллаб қўйишган эди. Лекин Тимоша бу ерда ёқутни бутунлай ҳайратда қолдирди: у молларни кайфи тарақ буғучилардан уч, тўрт марта арзонга олаверди. Маст-алас тайгаликлар тутилажак мўйна учун ароқ, озиқ-овқатлар ва палатка учун бўз сўрашди. Тимоша сира кўнмасди. «Гиляк— тушовланган халқ, манави дайдиларни эса кейин тайгадан топиб бўлмайди»,— тушунтирарди у Чочунага.

## XIX боб

Дарёнинг илиқ ва денгизнинг совуқ суви қўшиладиган жой—дарёнинг қуйилиш ери беқарор туман билан қопланганди. Кевонглар қайиғи бу ердан чиқиб олиши ҳамоно, Касказик оқ кемани кўриб қолди. Кема манзилгоҳнинг қора кўланкасида яққол кўзга ташланарди. Бунақа катта кемани Касказик ҳеч қачон кўрмаган. Кеманинг борти баланд, узунлиги олти эшкакли қайиқнинг бўйидан икки марта узун эди.

Нгакс-во манзилгоҳи жуда катталашиб кетди. Аввал унда саккизта ке-раф— ёзлик уй-жойлар бўлса, ҳозир уларнинг сони йигирмадан ортиб қолган эди. Улар мустаҳкам қурилган, дарахт пўстлоғи ва тупроқ билан қўрғалган, чамаси қишда ҳам одам яшарди бу уйларда. Демак, бу ерликларнинг ҳаммаси ҳам қишда кўрфазга рўпара «қуруқлик»даги қирғоққа кетиб қолмай-

ди. У қирғоқда қалин ўрмон ичида ота-боболари давридаёқ иссиқ чайлалар қурилган.

Кевонглар қирғоққа яқинлашиб қолишган эди. Касказик фақат битта нарсани — бу катта манзилгоҳда Нгаксвогларнинг уруғи ке-рафини қандай топишни ўйлаб келаётганди.

Нгакс-во аҳолиси Тими томондан яқинлашиб келаётган қайиқларни пайқаганига анча бўлди. Улар қирғоққа чиқиб, соҳилдаги тепаликларга тизилишди ва олдиларига келаётган одамлар кимлар бўлдийкин, деб ўзларича мулоҳаза қилишди. Қайиқлар яқинлашиб қолгач, Нгакс-во аҳолиси сувга туша бошлади. Аммо меҳмонларни кутиб олишолмади. Улар Пупок Ньолгуннинг кулбасига югуриб кириб кетганини кўриб қолишди. Одамлар аввалига сўкиниш ва додлаш овози эшитишди. Кейин кесакига лахтак тери билан бирлаштириб қўйилган пастак эшик итарилиб, икки киши — Тимоша Пупок ва Ньолгун бир-бирларига ёпишганча уйдан чиқа ағанашганини кўришди. Ньолгун дарғазаб дудуқланиб: «Сен менга бўш бочкани бердинг, ўша бочкангни олавер. Ун учун эса мен қундуз бердим», — дерди.

Тутоқиб кетган Тимоша қўлига тушиб қолган таёқни бир айлантириб нивхни урди. Ньолгун бақувват, гавдали бўлгани учун чидаб тураверди. Охири сабри тугагач, Тимошанинг башарасига тупурди. Пупок таёқ ушлаган қўлини тушириб, бир лаҳза ағрайиб қолди: тупуришга қандай журъат этдийкин? Кейин нивхнинг орқасидан қувламоқчи бўлди, лекин у анча жойга кетиб қолган, кўрфазнинг тўлқин йўл солиб қўйган заранг соҳилидан узоқлашиб борарди.

Тимоша уйга югургилаб кирди-да, у ердан бир боғлам қундузларни олиб чиқди. Савдогар ўзини ҳеч босолмасди. У гугурт чақиб, уйга ўт қўйиб юборди. Пўстлог билан қўрғалган кулба бир пастда ўт бўлиб, лов-лов ёна бошлади. Аланга очилиб қолган тўсинларга илашар, бечора нивхнинг уйдан чиқиб кетмоқчидек тўлганарди. Тилогочлардан тикланган деворлар олов авжланишига йўл қўймай, кўмирга айланиб борар ва қўрқувдан серрайиб қолган оломон ёнига қуларди. Фақат Тимошанинг синглиси Ольгагина ёниб бўлаётган кулба атрофида югуриб бақирарди:

— Одамлар! Одамлар! Нега қараб турибсизлар ахир?! — Кейин у битта чалани олди-да, сочлари тўз-

тиган ҳолда Пупокнинг отаси уйи томонга чопди. Тимошанинг хотини— барваста жувон Дуня унинг қўлидан чалани тортиб олаётиб бармоқларини куйдирди ва оғриқдан пешонасини тириштириб қичқирди:

— Вой тентак-е, ўз уйига ўт қўймоқчи-я!

## XX боб

Қанча гапиришса ҳам Чочуна Тимошанинг ҳузурига бормади. «Гилякларга ўхшаш қийиқ кўз, шунинг учун уларга раҳми келади», — дея хулоса чиқарган Пупок дўконни ёпиб, кулбасига кириб кетди.

У кетгандан сўнг индамай турган нивх ва ороклар бир оз жонланишди. Лекин улар Ньолгуннинг кул тепага айланган уйига қараб-қараб қўйишарди-да, кўзлари яна қўрқувдан чақнаб кетарди.

Ньолгун кун бўйи тиззасини қучоқлаганча бошини қуйи солиб, қоп-қора чалалар ёнида ўтирди. Манзилгоҳ аҳолисининг юраги ачишар, аммо ҳеч қанақа ёрдам беролмасди. Фақат кулбани қайта тиклагунча уйларига киритиб туришларигина мумкин эди.

Кечқурун Чочуна Ньолгуннинг олдига келди. У ғамга чўмган одамни базўр гапиртирди. Баҳордаёқ Тимоша очикқан нивхларга ачимсиқ унни кейинчалик балиқ тутиб беришлари шарти билан насиёга тарқатиб чиққан эди. Ньолгун ўшанда бир чипта халта унга иккита зўр қундуз берган эди. Қолган мўйнани ўзига олиб қолганди— уйланмоқчи эди. Ёз бошида Тимоша манзилгоҳларга бочкалар олиб бориб берди, балиқни фақат менга тайёрлайсизлар, деб ҳаммага тайинлади. Иванов деган бошқа савдогар ёзда Пупокнинг шимолроқдаги «ерлари»да ов қиларди. Тимошанинг Николаевскка кетганлигини билиб, Жанубга тезгина бориб келди. Шунда совға олиш учун пул керак бўлган Ньолгун Ивановга қоринларни ва иккита узун пояга илиб қотирилган кеталарни сотган эди.

— Энди ҳаммаси барбод бўлди, — куйинарди Ньолгун. Чочуна ҳам гилякка ачинаётган бўлди. Аммо шу заҳоти ачинишни бас қилиб, мулойим овозда сўради:

— Нима «барбод бўлди?»

Ньолгун нивхларга хос очик қўнгиллигиданми, бу бегона одамдан ҳимоя топмоқчи бўлганиданми, ўз мусибати ҳақида батафсил гапириб берди.

Нивхлар бошқа уруғлардан хотин олишади. Ньол-



гуннинг онаси улкан Тими дарёси қирғоғидаги А-во манзилгоҳидан. У ерда, яхши овчи Хиркуннинг уйида Ланьгук вояга етмоқда. Кейинги йилларда Ньолгун ҳар қишда А-вога бориб, совғалар: аёлларга рангли мато, эркакларга тўр учун баққувват иплар, тамаки, чой ва ароқ олиб борарди. Авонглар совғаларни олиб қолишарди. Уруғ оқсоқоли Эмрайн индамай чой ичар, индамай чекар, индамай ўз хаёлига бериларди.

Ўтган қиш Ньолгун ови бароридан келиб, кўп нарсалар олиб борганидан сўнг, Эмрайн шундай деди: «Қиз ота-онасининг манзилгоҳидан кетадиган бўлгунча ярим қиш, баҳор, ёз ва яна ярим қиш бор». Ньолгун унинг сўзларини ваъда деб тушунди. Ишонди. Шундан буён фақат қалин йиғиш билан овора. Сўнгги қишга келганда ҳатто мўйналаргача тайёр қилиб қўйувди-ки... Энди нима қилиш керак, бу ёғи нима бўлади? Етишай деб турганда Ланьгукни бошқалар олиб кетишяпти...

— Парво қилма,— деди Чочуна кўзига тикилиб туриб.— Ёшинг нечада?

— Билмайман,— Кейин ўйлаб кетди.— Мен ҳов анави юрган боладек, ҳалок бўлган амакимнинг ўғли қатори эдим.— Ньолгун йиртиқ кийимли болакайни қўли билан кўрсатди. У катталардан уялиб турар, айиққа ўхшаш баҳайбат нарт ити билан ўйнаётган бўлиб, қизиқсинаётганга ўхшабми, очиққаниданми, зимдан қараб-қараб қўярди.— Ўша куз довул қирғоққа наҳанг улоқтирди. Нивхлар денгиз маъбуди Тол-изинг раҳм қилиб, бизга ва итларимизга емиш берди, деб қувонишди. Бир ёз ўтгандан кейин кекса Эмрайн уруғида Ланьгук деган қиз туғилганлигини эшитдим. Учинчи баҳорда у қаттиқ бетоб бўлиб қолди— бутун баданига қизилча тошиб кетди. Тўрт қиш ўтгандан сўнг, баҳорда отам ва унинг акалари Тимошанинг укаси билан бирга Пупокнинг юкини ташиётганда сувда ғарқ бўлишди.

Яна икки ёз ўтди. Довулли куз келди. Даҳшатли тўлқин кўп нивхларнинг тўрини йиртиб юборди. Қишда ҳам очарчилик бўлди. Довул қутурганда мен дарёнинг юқорисига кетиб қолдим, у ерда омадим келди, қуритилган балиқ тайёрладим. Тўғри, тузланган балиқ тарашадек қаттиқ, аммо оч қолганда у ҳам овқат. Кучим бор эди. Тузоқ қўя олардим. Ўша қиш Тимоша тўнини тескари кийиб олди. Очиққан одамлар унинг ачимсиқ унига ўнта, баъзан ўн иккитадан қундуз беришди. Мен кутиб турдим. Ҳеч кимда қундуз қолмаган-

дан кейин ўзимникини кўрсатдим. Тимошанинг кўзлари ўйнаб, шодланганидан сакраб кетди. Мен нархини айтдим. Яхши савдо қилдим. Ўшандан кейин Ланьгукни кўриш учун Авонглар уруғига келдим. У балоғатга етиб қолган эди. Жуда чиройли. Уларга камида икки ойга етадиган ун, гуруч, қанд, чой ва тамаки қолдирдим.

Ўша вақтдан буён ҳар қиш А-во манзилгоҳига бораман. Утган қиш тўртинчи марта бўлдим.

Ньолгун қиёфасини ўзгартирмай секин гапирар, у ё бу воқеани эслаш учун баъзан тўхтаб қоларди, шунда текис пешонасига иккита-учта билинар-билинемас чизиқлар тушарди. Гапини тамомлагач, у суҳбатдошидан сўради.

Чурқ этмай ўтирган Чочуна ўзига келгандай бўлди. Бу гияякларнинг ҳисобини қараю! Ғалати ҳисоб қилишаркан. Энди Чочуна Ньолгун тўғрисида ҳамма нарса-ни билиб олганди. Ҳушёр йигит экан. Узоққа боради. Пупоклар эса оч бўридан ҳам баттар.

— Ёшим нечада деб сўраяпман? — такрорлади Ньолгун.

— Шунчалик узоқ гапирдингки, ҳисобдан адашиб кетдим.

— Ана кўрдингми?— деди Ньолгун гердайиб. — Сен ҳисобдан адашиб кетганингнинг сабаби мен кўп гапирганимдан. Шунинг учун кўп гапирдимки, ёшим анчага бориб қолган.

— Уттизларга бориб қолгандирсан?

— Билмадим,— деди Нивх. Кейин жаҳли чиқди.— Нега тахминан гапирасан, аниқ ҳисобласа бўлади-ку! Ҳисоблашни биласанми ўзинг? Билсанг, бармоқларинг билан сана, мен айтиб тураман. Демак, бундай, наҳанг улоқтирилганда мен ҳув анави, кучук билан ўйнамай қўйиб, кул титаётган бола ёшида эдим, кейинги ёзда Ланьгук туғилди, учинчи баҳорда Ланьгук оғир бетоб бўлиб қолди; тўрт қиш ўтгач, баҳорда менинг уруғим ҳалок бўлди; ўша ёзда ўғил туғилди. Яна икки ёз ўтди, қиш келганда очарчилик бошланди, ўша қиш мен Ланьгукни кўргани бордим. Ўшандан буён ҳар қишда А-вога бораман. Утган қишда тўртинчи марта боришим эди. Ҳисоблаб бўлдингми? Қанча чиқди?

— Боланинг ёшини қўшмаганда... ўн олти ёки ўн беш...-- деди тусмоллаб ёқут.

— Бола нечага кирган?

— У етти ёшда.

— Менинг ёшим қанча экан? — тоқати тоқ бўлиб сўради Ньолгун.

— Сен... сен... йигирма уч ёшдасан.

— Ўзинг-чи?

— Йигирмадаман.

— Ана кўрдингми? — шодланарди нивх. — Сендан каттаман! — Ньолгун маъноли қараб турарди.

Бу Чочунага ёқмасди. «Ўзи ким бўлибди-ю, тагин қарашини-чи!» — дерди ичида энсаси қотиб. Лекин бу гал ҳам Чочуна ўзини тутди ва шундай деди:

— Ҳафа бўлма, оғайни, одам бўлиб кетасан. Уйинг ёнган бўлса, бошқаси қурилади. Қалин ҳам топасан.... Кўп қалин топасан... Сени ҳурмат қиладиган бўлишади. Қўрқишади ҳам.

Ньолгунга ёқутнинг сўзлаши ёқарди. У кўзига хушомадгўёна тикилиб туриб, ундан эшитган гапларига унчалик ишонқирамай сўради:

— Рост гапиряпсанми?

«Ишонтирдим. Бундан кейин ишонаверади!» — ёқутнинг кўзларида учқун чақнади. Нивх сесканиб кетди, Чочуна босиб қўйгандай бўлиб мулойимлик билан деди:

— Сенга ёрдам бераман. Сени бой қиламан. Сени энди ҳеч ким чертолмайди ҳам. Сендан қўрқадиган бўлишади.

Чочуна ғилофдан ярақлаб турган қопқ-ора милтиқни олиб, Ньолгунга узатди.

— Ол! Бу қурол сени зўр қилади.

Ньолгун ёқутнинг оёқларини ўпиш учун тиз чўкди. «Бундан кейин ҳаммавақт шундай бўлади!» — деди қатъий оҳангда пичирлаб ёқут.

Ньолгун туриб, милтиқни маҳкам ушлади, ўзини ҳаммадан кучли одамга айлантриб қўядиган бебаҳо тортиқни қаерга қўйишни билмай шошиб қолди. У милтиқни қўлтиқлаб, тирсаги билан маҳкам қисиб аланглади. Яқинда турган нивхлар ва ороқлар нима бўлаётганини жимгина кузатишарди. Улар кўзи олдида катта бахтсизлик тугаб бораётган Нгаксвонглар уруғи авлоди учун кутилмаган бахтга айланаётган эди.

Шу пайтда Чочуна гоҳ яқинлашиб, гоҳ катталар орқасига яшириниб турган болаларни чақирди.

— Бу ёққа келинглар. Бу ёққа, — чақирарди Чочуна. Аммо болалар бегона тилга тушунишмасди. Ньол-

гуннинг ёшини аниқлашда ёрдами теккан болакай ҳаммадан яқинда турарди. Ньолгун унга ўз тилида деди:

— Милгун, бу ёққа кел. Мана бу катта бошлиқнинг олдига кел. У яхши одам, нивхларга раҳм қилади.

Бола нима қилишини билмай турар, қўрқув ва уялганлигини яширишга уриниб, пишиллаб нафас оларди. Чочуна қопдан муштумдан катта қандни олганди, у югургилаб олдига келди. Йиртиқ иштони почалари исқирт оёқларига тегиб халопларди. Бола оппоқ ноёб ширинликни худди бошқалар олиб қўядигандек шоша тортиб олди. Чочуна атрофида юрган болаларни чақириб, ҳаммасига бир бўлакдан қанд берди. Ширакайф юрган ороқлар унга болаларга хос ғалати илтижо билан қараб туришганини сизди. Ёқут ижирғаниб, лабларини қимтиганча тескари қараб олди.

Чочуна бу ёғига нима қилиш кераклигини ўйлаб қолди. У иш бошлаш пайти келганлигини биларди.

Чочуна ўгирилиб қараб, буғу одамлари интиқ туришганини кўрди.

Луканинг бўйнидаги ёқаси очиқ кулранг кир кўйлак тагида ингичка ип кўриниб турарди. Кеча ҳам Чочуна буни кўрган эди-ю, эътибор қилмаганди. Ип бўйнидан айланиб, кўкрагида туташган ёғ ва тердан қорайиб кетган эди.

Чочуна секин қўлини олиб бориб, иккита бармоғи билан ипни аста тортиб кўрди. Кўйлак ичидан жажжи темир хоч чиқди.

— Хоч. Хоч. Мен Лука Афанасьевман. Лука,— маънодор гапирарди Нгиндалай. Эвенк ёқут билан имошора қилиб гаплашарди. Бу «Мен ҳақиқий эвенк бўлсам ҳам исмим эвенкча эмас. Биз эвенклар чўқинтирилганмиз. Биз ҳам улуг рус подшосининг фарзандларимиз» — деган маънони билдирарди.

Чочуна тайга кўчманчиларининг кичик уруғи бошлиғининг кўримсиз, нимжон гавдасига қараб туриб деди:

— Ҳамма одамлар оға-ини, биродар!

— Биродар! Биродар!— бир оғиздан тасдиқлашди ороқлар.

— Бери келинглар, биродарлар!

Ёқут қуёшда ярақлаётган чиройли шишаларни қопдан олди.

— Ҳамманглар келинглари! Ҳамманглар!— Чочуна қўлларини очиб, худди бутун манзилгоҳни қучгудек бўларди.

Аввал сипо нивх чоллари ва қадрни биладиган овчи эркаклар келишди. Йигитлар иззат талаб бўлиб нарироқда туришарди.

Нивхларнинг сипогарчилиги бир қултумдан ичгунча давом этди. Кейин чоллар йигитларга пастак столча, идишда қирқилган балиқ, қиздирилган нерпа ёғи, тузланган балиқ қоринларини олиб келишни буюришди. Аёллар пайдо бўлишиб, тансиқ овқатлар— хом нерпа жигари, хом кета калласи, қайнатма нерпа гўштини олиб келишди. Столларнинг ўртасидаги чинни товоқчаларда намоқоб турар, нивхлар балиқ калласи кемирчакларини ва қони томиб турган жигар бўлакларини намақоблаб ейишарди.

Ёввойи саримсоқли, майда тўғралган жигар яхши газак. У ароқ билан зўр кетади. Чочуна буни дарров тушуниб қолди.

Газакдан кейин йирик тўғралган қайнатма гўштни йирик суяклар билан тортилди. Нивхлар кесилган сулаймон балиқни бир чимдимдан олиб, қиздирилган ялтироқ нерпа ёғига булғалагач, калласини олиб ташлашарди-да, оғизга тиқишарди.

— Ҳамма одамлар бир-бирига биродар!— таъкидларди тантанавор Чочуна.— Сиз — гияклар, ороклар-сиз. Мен— ёқутман. Аммо биз оға-инимиз, чунки биз ҳаммамиз инсонлармиз! Бирга яшашимиз, бир-биримизга ёрдам беришимиз керак.

Нивхлар эзма ёқутнинг гапини ҳар хил хаёлга бориб тинглашарди. «Ҳамма одамлар биродар»лиги тўғри. Нивх бошқа одамларни у нивхми, орокми, эвенк ёки русми қабул қилаверади. Қорнини тўйғизади, уйига олиб кириб иситади. У одам нивхнинг уйида йўлини топиб кетгунча яшайверади. Яхшиликни писанд қилиб гапиравериш шарт эмас. Одамлар ғайри-табиий нарсалар тўғрисида сўзлайдилар. Яхшилик — нивх учун оддий воқеа, уларни ўраб турган табиат ва унинг шамоли, ёмғири, қорларига ўхшаш оддий нарса. Ёқут худди бир ғайри-табиий нарсани топгандай гапирарди. Ғалати экан бу одам. Лекин шунчалик сахийлик қилпти, яхши одам бўлиши керак.

Қоронғи туша бошлади. Чочуна Аянов тортиқларини ўтиришда қатнашган ҳамма одамларга улашди, ҳар

бирига ярим думалоқ чой ва бир чимдимдан тамаки берди.

Одамлар тарқалаётган ҳам эдики, ширакайф Ньюлгуннинг қўшиғи эшитилиб, ҳамма тўхтади! У қум устига чўккалаб ўтириб кўзларини юмганча тебранарди:

И-и-и! И-и-и!

И-и-и! И-и-и!

Ўзимиз танибмизки, нивхлар, бу ер бизники.

И-и-и! И-и-и!

И-и-и! И-и-и!

Курнг саховатидан баҳраманд бизнинг жойлар:

Бизнинг дарёларимиз балиқларга жуда бой.

Бизнинг ўрмонимизда ҳайвонлар мўл донмо.

И-и-и! И-и-и!

И-и-и! И-и-и!

Ҳайвон овлаб яшар эдик,

Яшар эдик балиқ тутиб. 5

Ёвуз одам кўчиб келди орамизга,

Кеча, кундуз фақат ўйлар ўзини

Бойиб кетишликни ўйлайди фақат.

И-и-и! И-и-и!

И-и-и! И-и-и!

Очкўзлик ўз кўзин кўр қилиб қўйди,

Ўўқотди одамлик қиёфасини.

И-и-и! И-и-и!

И-и-и! И-и-и!

Унинг ўз санами, маъбудлари бор,

Лекин оҳимизни Курнг эшитди.

Бахтимизга юборди олис юртдан ёқутни,

Бадавлат ва меҳрибон ёқутни юборди.

И-и-и! И-и-и!

И-и-и! И-и-и!

## XXI боб

Баланд бўйли озгин одам кўрфазнинг қумли соҳили бўйлаб бир текис қадам ташлаб борарди. Анчадан бери соқоли қирилмаган, бўйни ингичка, ориқ эди. Сочи тўзғиган исқирт бошида оч ранг ғижим шляпа бор эди. Топограф кўп йиллардан бери ана шу шляпасидан айрилмайди,

— Тўқсон етти... Тўқсон саккиз... Тўқсон тўққиз...

Ҳар юз қадамни дафтарига белгилаб қўяди. Ҳар юз қадам-юз қадамдан сўнг катак-катак планшетида синиқ чизиқ — кўрфаз соҳили чўзилиб борарди.

Тими этакларида нефть конлари борлигини аниқлашди. Бироқ нефть конлари қидирув ишларига киришишдан олдин жойнинг планини олиш зарур эди. Таниқли топограф соҳилнинг нефтли полосаси йўллари билан белгилаш топширигини олди. У Громовикни ўзига ёрдамчи ва йўл бошловчи қилиб олди.

Ўнлаб юз қадам... юзлаб юз қадам... минглаб юз қадам... Ҳар бир қадам эса етмиш олти сантиметрга тенг. Ундан бир сантиметр ортиқ ҳам эмас, кам ҳам. Топографнинг қадами йиллаб машқ қилиб, текширилган аниқ ўлчов.

— Қирқ беш... қирқ олти... қирқ етти...

— Семён Семёнович! — эшитилди қувноқ овоз.

...Эллик тўрт... эллик беш... эллик олти...

— Тимоша етиб келди! Ҳув ана, шхуна қирғоққа қисилиб турибди.

Олтмиш бир... олтмиш икки... олтмиш уч...

Топограф кар бўлиб қолгандай эди. Қулогига бақирсанг ҳам у барибир қадамлаб ўлчашдан тўхтамасди.

Охирги қадамни ўлчаб, дафтарга белги қўйганидан сўнггина Семён Семёнович нафасини ростлаб, шляпаси билан пешонасидаги терни артди.

Кун унчалик иссиқ бўлмаса-да, терлаб кетган эди.

— Индинга пешинда Нганс-вога етиб борамиз, ўша ерда кўрфазни тамомлаймиз. У ердан яна давом этамиз, — деди қандайдир шубҳаларга чек қўйгандай Семён Семёнович ва ёрдамчисига ҳорғинлик билан бир қараб қўйди. — У ердан яна давом этамиз, Коля, — такрорлади у. — Жанубга қараб юриш керак.

— Бу ердан Крузенштерн, Бошняк... ўтишган.

— Уларни текшириб кўриш фойдадан ҳоли эмас. Крузенштернда тахмин кўп. Бошняк бўлса, бутунлай яёв кезиб чиққан, қайиқларда ҳам юрган. Аммо у кўпроқ гилякларга ишонган.

Йўқ, топографлар жанубга қараб юришмади. Улар ённинг эртасига Нгакс-вога келишди, юз берган воқеани эшитиб, қаттиқ ҳаяжонланган Семён Семёнович нивхларни йиғди-да, улар номидан губернаторга шикоят ёзди.

— Қоғозни қоралайсанми? — истеҳзо билан кулиб қўйди Тимоша. Шундай деди-ю, ўзи жавоб қил-

ди:— Ёзавер! Саводинг бор экан, ёзавер, сенинг хатингни губернаторга қаргадан бошқа нарса олиб бормаса керак-а? Ха-ха-ха-ха-ха-ха-а-а...

Тимоша камдан кам кулар, доим қовоғи солиқ, ташвишли юрарди. Ҳозир эса уни шу топограф кулдирди. Гиляк ҳеч қачон, ҳеч вақтда бирон одамдан шикоят қилмаган! Урсалар ҳам у индамай тураверарди. Таласалар ҳам у индамайди, тил-забони йўқ ҳайвондай индамай тураверади. Ҳайвондан фарқи— гавдасини кўтариб юради холос.

— Ха-ха-ха-ха-а-а,— ёзишинг менга таъсир қилди.

— Кул, кулиб қол, босқинчи!— шартта унинг гапини бўлди Семён Семёнович.— Сени ҳам тергайдиганлар топилиб қолади.— Топограф бақириб юборди.

— Куламан-да,— бирдан жиддийлашиб жавоб қайтарди Тимоша.— Менинг дўконимга келмаганингни кўраман. Ёки Гилякка ўхшаб хом камбала билан кун кечираверасанми?

Семён Семёнович гиляклар уларнинг жанжаллашаётганини диққат билан кузатаётганлари, гиляклар иккаловига ҳам эҳтиёткорлик билан ишончсиз муносабатда бўлишни биларди. Европаликлар бу ерга фақат талаш учун келишгандан сўнг бошқача муносабатда бўлишлари мумкинми? Ҳозир шундай бир сўз топиш керакки, уларнинг ҳаммаси бир хил эмаслигини гиляк тушуниб олсин.

Семён Семёнович тескари қаради, кўкрагининг чап ёғи санчиб турарди,— чўнтагига қўл солган бўлиб, камзули тагидан ишқалай бошлади.

— Босқинчи, сени ҳам тергайдиганлар топилади!— Шундай деди-ю, манзилгоҳ аҳолисига томон ўгирилди:— Орангизда ким русча тушунади?

— Меники кам-кам гапиради,— шоша-пиша бақириб жавоб берди Ньолгун худди унга эътибор бермасликларидан чўчигандай.

— Уники ҳам гапиради,— кимдир Чочунани бармоғи билан туртиб кўрсатди. У бўлаётган воқеани қизиқиб кузатаётган эди.

— Сиз русча гаплашасизми?— Семён Семёнович олифта кийинган бу одамни эндигина пайқвди. У хром этик, русча тикилган белбоғли кўйлак, бошига чапани шапка кийиб олган эди.

— Мен бошқа ёқдан келганман, ёқутман. Уларнинг тилини билмайман,— тушунтирди Чочуна.



— Ундай бўлса, сўзларимни таржима қилиб беринг,— деди Семён Семёнович Ньолгунга қараб.— Қабиладошларингизга тушунтирингки, дўкондор Тимоша Пупок подшо кўрсатмаларини қўпол равишда бузмақда, бу иши яхшилик келтирмайди. Кўрсатмаларда сиз гилякларга кета, сулаймонбалиқларни овлашда ҳеч ким тўсқинлик қилмаслиги, мана бунга ўхшаганлар — у бошини Тимоша томонга қараб силкитди,— сизнинг балиқ овлайдиган жойларингизга тегмаслиги керак, деб ёзилган. Пупок бўлса сизларнинг энг яхши жойларингизни тортиб олди. Бу ерда, мана бу қоғозда,— Семён Семёнович қора, шамолдан ёрилган бармоғи билан кўрсатди,— мен ҳаммасини ёздим.

Ҳамманинг кўз ўнгида мўъжиза юз бераётган эди. Нивхларнинг пайқаш қийин бўлган, бепарқ чехралари бирдан жонланиб, сўниқ кўзлари порлади. Нивхлар қоғозга энгашиб, унинг қудратли кучига ишонмоқчи бўлишарди, бу қоғоз ёвузларни жиловлаб, уларга балиқ овлайдиган жойларни, тўқ ҳаётларини қайтариб беришга қодирдек эди.

Бу тун Касказик учун оғир бўлди...

К'итък — каторгаликлар, ёвузлар... Пупок — савдогар, у ҳам ёвуз! Лекин мана бу — Семён Семёнович... Юзлари ўхшаш, қони бир, аммо тамомила бошқа одам. Ҳеч ким бечора Ньолгунни ҳимоя қилмади, аммо бу рус кишиси ёнига тушди. Фақат Ньолгуннигина эмас, балки ҳамма нивхларни ҳимоя қилди. Кевонглар оқсоқолининг ҳорғин миясида кечаси билан жуда кўп ҳар хил мураккаб фикрлар гужғон ўйнади...

...Чочуна Аяновнинг моллари ортилган карвон Нгакс-во манзилгоҳидан жўнаб кетди. У оролдаги зулмат тайгага қараб йўл олди.

...Карвон кетиб борарди. Бу ола-говурда қуёш қизитган уй деворига суянган ҳолда тек қотиб қолган Тимошанинг синглиси Ольга турганини ҳеч ким пайқаманган эди. Карвон орқасидан кўзлар маъюс тикилиб турар, нозик лаблар савол берганча ним очилиб қолганди.

Ольга нивхлар манзилгоҳида туғилди. Тенгдошлари билан ўйнади, улар билан ялангоёқ денгиз соҳилларида югурди, ўрмонда мевалар терди.

Отаси ҳаммавақт бирон нарса билан машғул бўларди. У ва акалари муҳтожлик сезмасин деб отаси қанча машаққатлар чекканини Ольга энди тушунапти.

Ольга кечки шафақни севарди, бу вақтда манзилгоҳнинг у чеккасидан бу чеккасигача аравага қўшила-диган итларнинг ҳазин ҳуриши эшитиларди. Бу ҳуриш-да қандайдир тушуниш қийин ғамгинлик бор эди. Бу ғамгинликнинг чеки йўқдек эди. Ҳовлида ит хуриши-ни эшитгач, отаси ғазабнок бўлиб аланглар, муштини қисиб, кимнидир урмоқчи бўлар, юзини бужмайтириб, «Каторгаликлар» деб қўярди. Кейин мункайганча хо-нага шошиб кирар ва ҳеч ким билан сўзлашмай, ҳеч кимни олдига йўлатмай, бир бурчақда узоқ вақт ўти-рарди. «Севарди» деган сўз жоиз бўлмаса керак. Оль-га шунчаки бу манзилгоҳдан ташқаридаги бошқача ҳаётни тасаввур қилмасди. Отаси ўлгандан сўнг Оль-га ўзининг акаси Иванникида яшади.

Тиришқоқлиги билан Федосьяни хурсанд этиб, кун бўйи уйдаги юмушларни бажарарди. Юмушлар би-лан бўлса ҳам йил сайин, кун сайин қалби ғам-ғус-сага тўлиб борарди. У уйқуси, иштаҳасини йўқотган, арзимас нарсаларга ҳам асабийлашар эди. «Эр керак унга. Эр», — тегажоғлик қиларди шундай пайтларда Тимоша ва кейинги сафар Николаевскка борганда «му-носиби»ни топишга ваъда қиларди. Аммо бундай «кейинги сафар»лардан қанчаси ўтган бўлса ҳам «эр»-дан ҳамон дарак йўқ эди.

Шунинг учун манзилгоҳ аҳолиси шхунани кутиб олишга чиққанда Ольга энг аввал палубадаги одам-ларни санаб чиқди. Уч киши... У аста қийқириб, ел-касига рўмолини ташлади-да, қирғоққа югургилади ва мўштоқ кутаётганини қаршилаш учун Дуня ҳамда Федосья билан бирга сувга тушди.

Бироқ Тимоша ва Иван ҳар галгидек сингилларини қучоқладилар-у, учинчи одамни таништирмадилар. У одам эса қизнинг ёнидан ўтиб, ороқлар томон кет-ди. «Вақти йўқ, тўғри». Беҳуда кутганлигидан азоб-ланган Ольга эртаси куни Иванни ҳовлида тўхтатди:

— Ким у?

— Қайси? — тушунмади Иван.

— Сизлар билан келган-чи?

— Билмайман. Гилякларнинг меҳмони шекилли.

...Карвон кетиб борарди. Карвон тайгага бораётган эди.

— И-и-и! И-и-и! И-и-и!

Чочуна буғуни тўхтатиб, ким ашула айтаётган экан, деб қаради. Луканинг катта ўғли Кешка ва Го-

ша Чинков—Луканинг куёви ва батраги ҳамда унинг ўғиллари изма-из қетишар, ҳар бири ўз хаёллари билан банд эканлиги кўриниб турарди. Ньолгун карвоннинг орқасида борарди. Эгарда тебраниб, бошини сарак-сарак қилиб ашула айтаётган ўша эди. «Қанақа одамлар ўзи бу гиляклар?— ажабланарди ёқут.— Унинг уйига яқиндагина ўт қўйиб юборишди, у бўлса қайғусини ҳам унутиб, ашула айтяпти?»

Тайгада айиқ, сувсар ва бошқа ҳар хил ҳайвонлар мўл. Ньолгун шунга қувонади. Карвон устидан қарғалар, тўрғайлар ва бошқа қушлар учиб ўтди. Ньолгун улар билан сўзлашди.

Карвон қаршисидан тепаликлар бағрини ёриб, шошиб, тошлар устида думалаб оқаётган ирмоқлар чиқарди.

## XXII боб

Касказик уларни кутишга чиққан Нгакс-во аҳолиси худди тўлқин қайтгандай бирдан шувиллаб, қирғоқдан орқага қайтганини кўрди. Шу заҳоти аллакимнинг кулбаси ёна бошлади. Касказик эҳтиётлик билан манзилгоҳдан чиқиб, четдан туриб воқеаларни кузатишга киришди. Наукун ва Икилак ёнғинни кўргани чопиб кетишди ва ҳайрон бўлиб, ажабланган ҳолда қайтиб келишди. Манзилгоҳда ҳеч ким савдогарга қаршилиқ кўрсатишга журъат этмаганлиги уларни ажаблантирган эди. «Булар бизни қачон шунчалик қўрқитиб қўйишди?— ўйларди Касказик,— наҳотки ҳеч ким ёвузни тўхтата олмаса?»

Касказик ёшликда ҳам денгиз соҳили одамлари билан онда-сонда учрашар, танишлари кам эди, шунинг учун ҳозир бошини анчадан буён банд этиб юрган ўйлар хаёлидан нари кетмас, бу ўйларни ошкора айтиш гуноҳ эди: Кевонгларнинг қадимий аждодига томир бўлмиш Касказик Нгаксвонглар орасидаги тенгқурлари ўлиб кетиб, қадимги қонли жангни одамларга айтиб бера оладиган ҳеч ким қолмаганлигини хоҳларди. Касказик ўз уруғи ёлғизликда яшай олмаслигини аниқ биларди. Қадимий уруғ болалари уларнинг катта ва бой ерлари одамлари билан алоқа қилмай яшаши мумкин эмас. Кевонглар дарахти яна гуркираб ўсши керак! Афсуски, кекса кевонгни Касказикнинг ўзидан ҳам анча қари бўлган бувалари олдига олиб

кетишди. Чол гавдали, суяклари йўгон, қутб бойқушига ўхшаш хумкалла, қисиқ кўзлари ёшланиб турарди. У атрофда нималар бўлаётганини кўрмаётган, эшитмаётгандай, тарки дунё қилган одамга ўхшаб тақир қумда чўккалаб ўтирарди. Ёнида ёниб бўлган гулхан кукуни кўриняпти.

— Аткичх! Аткичх!<sup>1</sup>— деб чақирарди уни одамлар.

Чол индамасди.

Кимдир унинг қўлини тутди — бироқ чол лом-лим демай ўтираверди. Шунда унинг енгидан тортишганди, чол бирдан бошини даст кўтарди.

— Ҳа-а-а!

— Бобой, ҳой бобой, сизнинг олдингига одам келди!

— Нима?— Бобой кафтини қулоғига яқинлаштириб диққат билан эшитди, ҳатто қомати ҳам ростланди.

— Олдингизга одам келди.

— Қанақа одам?

— Кевонглар уруғининг оқсоқоли ўғиллари билан келибди.

— Нима, нима?

— Кевонг, ўғиллари билан.

— Қанақа Кевонг?

— Биз бундай уруғни билмаймиз. У одам Нгакс-вонглар уруғининг оқсоқоли билан учрашгани келдим, деяпти.

Касказик кимга дуч келаётганини энди тушунди. Орган — соҳилдаги энг қадимги одам, кекса Нгакс-вонг. Касказик бўлса, у аллақачон ўлиб кетган, деб ўйлаганди...

— Кевонг... Кевонг...— чол ниманидир эслаб ўйлади ва бирдан чўчиб деди:

— Бундай уруғ ҳали ҳам бор эканми?— сўнгра шартта ўгирилиб қичқирди:— Милгун! Милгун! Қаёқдасан, ўғлим?

Қаердандир бир болакай пайдо бўлиб, унинг олди-га югургилаб келди.

Орган уни иккала қўли билан ушлади-да, силтаб ёнига ўтқазди, бағрига тортди:

<sup>1</sup> А т к и ч х — бобо дегани, чолларни ҳурмат қилиб шундай чақирардилар.

— Уғлим! Уғилгинам!

Кекса нивхнинг овози ичига тушиб кетди. Одамлар бўғиқ инграш, чолнинг аламли бўзлаганини эшитдилар.

Атрофдагилар ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қарашарди. Бир неча ёш аёл ўксиб-ўксиб силкинаётган оппоқ бош устига энгашдилар:

— Аتك<sup>1</sup>, уйга кетайлик.

Энди Касказикка ҳаммаси аён бўлди: Нгаксвонглар уруғи ҳам тугаш арафасида экан. Улар ҳам уч киши қолибди: чол — Орган, Ньолгун ва болакай Милгун. Аммо уларнинг она томондан қариндошлари кўп; Милгунни бағрига оладиганлар бор. Агар боланинг қанча акаси бўлганда ҳам уларнинг ҳаммасига қайлиқ етар экан, қаранг, шунча аёл чолни «атк» деб чақиряпти.

— Мол харид қилиб уйга қайтамиз,— деди Наукун. Касказик катта ўғлида бу фикр нима сабабдан пайдо бўлганлигини биларди. У мункиллаб қолган Орган ва кичкина Милгунни ҳисобга қўшмасди. Ньолгун эса уруғ оқсоқоли ва жиянини ташлаб кетган опалари ва холалари қарамоғида қолдирган эди. Шунинг учун Наукун бу ерда ҳеч ким Кевонглар тўғрисида билмайди, ҳеч ким ўтмишни эслай олмайди, деб ўйлади. Нима қилиш керак? Мўйналарнинг бир қисмини қалин учун ташлаб кетиш, қолганларига мол олиш керак! Бу билан Наукун укасидан кўра ўзи ҳақида кўпроқ жон куйдирарди; чунки энди у мол ғамлаши керак. Моли кўп бўлса, келин топиш осон.

— Ҳароми!— қарамасдан шивирлади Касказик. Сўнг буюрди:— Бўл, Милгун, қайси чайлада эканлигини билиб кел.

Эртасига Нгакс-во манзилгоҳини янги бир ҳодиса ажаблантирди; ўзини Кевонглар деб атаган аллақандай одамлар анқов бир болага, Нгаксвонглар уруғи наслига кўз кўриб-қулоқ эшитмаган совға: сувсар мўйнаси, қуритилган балиқ, буғу териси ва янги гайиқ, чанага қўшиладиган итлар, эркаклар кийимини бериб кетишибди. Беришаётганда Кевонглар оқсоқоли Касказик шундай дебди: «Улғайиб, зўр овчи бўлиб етиш! Уруғлар ва қабилалар ўртасида ҳаминша тинчлик бўлсин. Одамларга доим хайрли ишлар ёр бўл»

<sup>1</sup> А т к — хотин томондан тоға, онага ака.

син. Сенинг уруғингда хунрезлар эмас, тарбиячи одамлар етишсин!»

Шундан кейин Нгакс-во аҳолиси ўз соҳилларидан икки қайиқ узоқлашиб кетганини кўришди. Эски бўм-бўш қайиқда Кевонглар, иккинчи, янгида—рус топографлари кетишганди. Биринчи қайиқни тилоғочдан эринмай силлиқлаб ясалган узун эшкаклар тутган қўллари бақувват Наукун ва Икилак бошқаришарди. Трубка тишлаган Касказик кеманинг қуйруқ томонида ўтирар, у эшкакчиларни эпчиллик билан тўғрилаб, олдиндаги эшкакни зўр куч билан силтарди. Топографлар ўзларининг ғаройиб ишларини Тими водийсида, Кевонглар ва бошқа нивх уруғлари яшайдиган жойларда давом эттиришларини одамлар билишган эди. Улар иккинчи қайиқдаги одамлар нивхлар номидан рус кишиси Семён Семёнович ёзган қоғозини олиб кетишаётганини ҳам билишарди. Манзилгоҳнинг ҳамма аҳолиси ва меҳмонлар ғалати ёки оддийгина имзо чекишган эди. Баъзилар кимнингдир маслаҳати билан ёзувдан бир оз пастроққа ёғ суртиқли бармоқларини босишди.

Дарёга чиқишгач, қарши оқим кучайиб, эшкакларни ходалар билан алмаштириш лозим бўлганида Касказик руслар эшкакларни яхши ишлата олмаётганликларини пайқаб, икинчи қайиққа ўтиб олди.

### XXIII боб

Лука ниқтамаса ҳам буғу сўқмоқни билиб, тез одимлар, тўғри пастликка тушишда эса ела бошларди. Лукани хаёл суришдан ҳеч нарса: бахтсиз гияланинг ҳиргойиси ҳам, ёқутнинг ҳаяжонли қийқирини ҳам (ирмоқлардан кечаётганда «Вой-бў, балиқларнинг кўплигини!» ёки рябиназар ёнидан ўтаётганда «Меваларини, қанча мевалар-а!» дейишлари) чалғита олмасди. Ёқут қишда бирга ов қилишни илтимос қилди холос. Баҳорда эса уйга қайтиб боради. «Уч юзта сувсар тутсам бўлди — уйга қайтаман» деб айтди. Нечун унга ёрдам қилмасин? Биров илтимос қилдим, ёрдамлашиш керак. Лукага ҳам одамлар ёрдам беришган, нобуд бўлиб кетишига қўйишмаган-ку. Бугун у кичкина бўлса ҳам бир пода эгаси экан, бунинг учун яхши одамлардан миннатдор бўлиш керак. Бу одам ҳам текинхўрлик қилмайди-ку. Ўзи бой, унинг юкини

саккизта буғу олиб кетмоқда. Саҳий ҳам: қанча тамаки, қанд ва чойни бекордан бекорга одамларга бўлашиб берди, ҳаммани ароқ билан сийлади. Ньолгун билан менга милтиқ совға қилди. Ўзига ов қилаверсин, яхши одам экан.

Ньолгун эса куйлаб борарди. Кайфияти яхши. У тақдирдан миннатдор, бахтсизлик унинг учун бахтга айланди. Зўр милтиғи бор—соҳилда яшовчи биронта нивх энди у билан баҳслаша олмайди. Совуқ тушганда эса Ньолгун манзилгоҳга ёввойи буғиларнинг гўштини олиб боради. Чоллар ва болаларни тўйдиради. Ньолгун ўз отаси ва унинг акаларини унутмаганлигини одамлар кўрадилар. Улар соҳилдаги энг яхши эшкакчилар бўлишган эди. Уларнинг шуҳрати ҳалок бўлганларидан кейин узоқ вақтгача сўнмаган, ҳаддан ташқари катта ва кўп эшкакли қайиқни эса олиб чиқиб, сувга чўкканларнинг қабри ёнига қўйишган—бир неча йил мобайнида қанча юкларни ташиб берган бу қайиқ нариги соҳилда уларга асқотади. Тўғри, қайиқнинг қўйруқ томони ишдан чиққан. Дафн қилиб, халқ уй-уйига тарқалганда кекса Орган бирдан қутургандай уни болта билан чопган. Ньолгун бунга ўз кўзи билан кўрган, аммо оқсоқолни бундай газабланишига нима сабаб бўлганлигини тушунмаган.

Уша катта фалокатдан сўнг ҳамқишлоқлари Ньолгунни нерпа ёки балиқ овига камдан-кам олиб боришган: Нгаксвонглар уруғида ёғочдан ясалган ов қайиғи ҳам, ов анжомлари ҳам йўқ эди. Қуроли бўлмаган одамдан қандай овчи чиқарди?

Тимоша ҳадеб Ньолгунни олдига чақирар, уй хўжалигида ёрдамлашишни илтимос қиларди. Ёзги овдан бўшаган Ньолгун унинг илтимосини бажонудил бажарар, чунки дўкондор нивхлар учун нотаниш рус овқати — ёпилган нон, бўтқа, бир чақмоқ қанд солинган кўк чой билан меҳмон қиларди. Баъзан эса икки-уч трубкага етадиган тамаки ҳам бериб юборарди.

Ньолгун Орган бобо набирам овчи эмас, деган қайғули хаёлни бир лаҳза бўлса ҳам унутсин, деб олган нарсаларининг ҳаммасини берарди. Ўткир тамакини бир тортгач, жаҳлдор одам мулойим ва хушфёъл бўлиб қоларди...

Кейин эса трубка тез-тез тўлиб турсин учун Ньолгун ўзи дўкондорга ўтин ёриш, хашак ўришда ёрдам-

лашишда тайёр эканлигини айтарди. Тимоша ғалати катта ҳайвонлар — сигирларни боқарди.

Ҳамюртлари Ньолгун зўр рус кишисига оғайни экан, деб шивир-шивир қилиб юришганини ҳам биларди. Бу гапдан ўзи хурсанд бўлиб кетарди. Суҳбат чоғида Ньолгун нуқул: «Менинг дўстим рус сардоғари Тимоша...» — деб айтарди.

Ёз келишини зориқиб кутган Ньолгун тайгага кетди. Қундуз овлади — бунинг учун қайиқ ҳам, мураккаб анжомлар ҳам керак эмасди. Тузоқ, тоқат ва оёқ бўлса бас, Ньолгуннинг оёқлари эса чарчаш нималигини билмасди.

...Тимоша ҳайвон-да. Ҳайвондан ҳам баттар. Менинг қундузларимни у қаердан билиб қолди? Мен уларни узоқ вақт, кам-кам, яширин тўплаган эдим. У эса олиб қўйди. Ҳаммасини йиғиштириб олди, ваҳолонки ундан қарзим йўқ эди. Бунинг устига, уйимни ёқиб юборди. Нивхларники ичида энг бинойи уй эди. Тўғри, совуқ бўларди — тирқишлари кўп эди. Аммо русларнинг уйига ўхшарди. Тимошанинг қанча ишларини қилиб бердим: ўтин, хашак тайёрладим... Ҳатто сигирлари тайгада йўқолиб қолганида топиб бердим! Ўзинг топиб кўр-чи, адашиб кетиб кейин ўзингни қидиришга тўғри келарди... Ҳайвонсан. Тимоша. Ҳайвондан баттарсан. Энди Ньолгун рус билан дўстлашишининг кераги йўқ. Энди Ньолгуннинг ўзи зўр одам. Унинг милтиғи бор, худди Тимошаникига ўхшаш, ҳатто ундан ҳам яхши. Ёқут яхши одам экан. Яхши одам. Милтиқни текинга берди-я! Бунақа қуролга эга бўлиш учун мен икки ё бўлмаса уч қиш ов қилишимга тўғри келарди. У эса текинга берди. Яхши сдам...

...Лука кутаётган эди. Ҳамма етиб келганда, бўлинган жойнинг нариги томонидаги қияликни таёқ билан кўрсатди. Чочуна қувонганидан эгардан учиб кетишига оз қолди: бутазорда катта айиқ ўтлаб юрарди. Унинг кенг яғринидаги қора жун ҳатто шу ердан ҳам ялтираб кўринарди. Яхши, семиз айиқ. Биринчи кўришдаёқ — буғуни югуртириб, айиқнинг олдига яқин бориш ва бошига қараб ўқ узиш истаги туғилди. Чочуна ҳатто буғунинг биқинига ниқташ учун товонини кўтарди ҳам, аммо Лука унинг енгидан ушлаб ғолди. Ҳеч нарса демаса ҳам кўзлари: «Шошилма. Бундай қилиш керак эмас», — деб турарди. Чочунага



эвенкнинг нигоҳи ёқмади — бу нигоҳда ўзига ишонч, манманлик сезилаётганди.

Ньолгун милтиқни ғилофидан олиб, ўқлади. Лука имо-ишора билан Чочунани тез бўлишга ундарди. У айтганини қилди, аммо шундан кейин ҳеч кимнинг маслаҳатига муҳтож эмаслигини билдирди. Луканинг қўлига ит тасмасини ташлади-да, шамолнинг йўналишини аниқлаб, сойдан ўтиш учун ўша томонга тушиб келди. Ньолгун изма-из борарди. Овчилар сойдан сакраб ўтишди ва жарликнинг ўт қоплаган нам ёнбағрида айланиб юришди. Ньолгун биринчи отган ўқи, ҳаётидаги биринчи ўқ узиши ўлжа келтиришини жуда жуда истарди. Шунинг учун айиқ малина еб юриб, тўғрига келганда Ньолгун милтиқни кўтарди. Милтиқнинг стволи узун, жуда оғир эди. Ньолгун қўндоқни елкага мўкам қисиш кераклигини ҳали билмасди. Чочуна ҳам тўхтаб қолди. Ньолгун рақибидан олдин тепкини босди. У қия ерда бўшашибгина турарди, бунинг устига қисиб ушланмаган қўндоқ тепиб юборди.

Чочуна беихтиёр ўтириб қолди — ўқ ҳавода визиллаганди, айиқ сапчиб тушди. Ўқ пастга кетган эди. Айиқ ўзига келмасданоқ Чочуна яна ўқ узди: айиқ орқасига тўнтарилиб, сирғанчиқ қиядан думалаб кетди.

— Зўр овчи экан! — қойил қолди Лука Чочунага қараб.

## XXIV боб

Отаси Икилакнинг сабр-тоқатини синаётгандай ҳамон индамасди, ҳеч нарса йўлга тушиш вақти бўлганлигидан дарак бермасди. Кузги ёмғирлар ёғиб ўтди. Кечикиб қолган кеталар Пила-Тайхурдан чиқиб олиб, кўтарилган сувда шағалли саёз жойлардан ўтиб, куздагидек сокинлашган қирғоқларда питирлашиб кетарди. Ота чурқ этмай, остига ошланган буғу териси ва латта-путталар тўшаганча уззукун ўз ўриндигида ётарди. Тугаётган трубкадан сизувчи тутун ўриндиқ ва сахтиён шифтдаги поялар ўртасида туриб қоларди. Тамаки оз қолган, шунинг учун Касказик уни майдалаб эзилган нага билан аралаштирган эди. Кучси: бўлса ҳам ҳар қалай чекиш мумкин эди. Кевонглар камдан-кам ҳоллардагина тамакининг ўзини чекишар, аксари нага ёки нордон гиёҳ омухта қилгучийдилар.

Тамаки камайган сари трубкага бадбўй ва кучсиз омукта кўпроқ қўшиларди.

Кўкат буткул сўлиб, қорамтир тупроққа шалвираб тушган йиғиштирилмаган қип-қизил бруснигникда шабнам маржонлари ялтираган тонг кезлари чол уйқудан кўз очарди. Кейин кун бўйи саватчаларни тузатар, Касказикнинг саватчалари ингичка, пишиқ тол новдаларидан тўқилган, уларга кўп нарса солиб кетса бўларди.

Она саватчаларга анчагина қуритилган шўр балиқ жойлаб, икки бўлак чой ҳам солди. Яқинда Нгакс-вога қилинган сафардан ортиб қолгани шулар эди. Ҳар ким яна биттадан ит териси ва кийилган бўлса ҳам эски буғу тери пўстин олди.

Эркаклар сафар анжомларини йиғиштириб турганда Талгук чой тайёрлади, қабила омборидан кеча ҳозирлаб қўйилган емишларни олиб келди, балиқ кесиб қўйди.

Чой ичиш кўпга чўзилмади. Касказик кекирди-да, тўйганлиги ва энди йўлга тушиш мумкинлигини билдириб, чаққон ўрнидан турди, Икилак ўз тўрвасига маньчжур жез чойнагини боғлаб қўйди, қўлига калта найзани олди, шундан сўнг Кевонглар уруғидаги ҳамма — уч эркак ярми тупроқ чайладан чиқиб кетишди.

— Тўхта, — чақирди Талгук. Унинг овози майинлигидан эркаклар она кенжа ўғлига мурожаат этаётганини тушунишди.

Икилак тўхтаб, орқасига қаради, туришидан ҳозир шошилаётганлиги сезиларди. Талгук унинг олдига келиб, қўлини узатди — қафтида силлиққина нозик тувоқлар бор эди.

Икилак йўл-йўлакай тузоқларни кўриб кетди. Қилдан ясалган. Бу тузоқларни онаси қанча қилдан ясаганини ҳисоблаб бўлмасди. Ун-ўн икки толадан бўлса керак. Лекин бу ўзи ниманинг қили, узун, қора-ку? Тўғри, оқлари ҳам учраб қолади. Бу нима? Сочга оқ тушибдимми?

Икилак отаси билан акаси билан бир оз орқароқда борарди. Елкасини тўрвачалар босиб турар, оёқлари эса енгил одимларди. Дили ҳам равшан эди. Ич-ичидан суюнаётганини билдирмаслик учун Икилак шивирлаб: «Қачон ясаб улгурди экан? Бунга вақти ҳам бўлмаган эди-ку», — деб қўйди.

Манзилгоҳдан чиқишлари билан бир гала қарқур

осмонга кўтарилди. Баҳайбат қушлар кенг қанотларини оғир силкита-силкита бўйинларини чўзганча нари елиб кетди.

Ёнгин ҳам, инсон қадами ҳам тегмаган асрий тилоғоч яққол кўриниб турарди. Унинг одатдаги танасига яқин зич шоҳлари йўқ эди. Қайин ёки шумтол аҳён-аҳёндагина учраб қоларди. Улар худди кўриб, мўлжал қилиб бориш учун экилгандай эди. Икилак фақат ўзининг нафас олишию товони остида шитирлаётган лишайникларнинг овозинигина эшитарди.

Тилоғочзорда юриш онсон. Кўкатлар ҳам, ботқоқлик ҳам халақит бермайди — уларни бундай ўрмонда учратмайсан. Лишайник чимига тегиб кетсанг, доим йирик қумга дуч келасан.

Муздек ариқлар тинмай оқадиган жарликлардагина қайин аралаш йўғон арчалар виқор билан тепага кўтарилиб боради. Арчалар гердаганича бор. Сичқонлару читтаклар, қундузлару, оқсувсарлар, сувсарлару, чил қушлар — ҳаммаси арчазорни яхши кўради. Сувсар булоқлар ичида майда балиқ тутиб ейди; сичқон мева ва ёнғоқ, сувсарлардан қолган емишлар билан кун кўради, чилга мева, керак, қундуз сичқон ва чилларни тутиб, мевалардан тотинади. Ирмоқлар ва арчазорлари бор жарликлар яхши-да. Жуда яхши.

Қарағайзорларда ҳам мевалар кўп. Қизилиштонлар бундай ўрмонларни яхши кўради. Қундуз ҳам қарағайзорларда айланади.

Овчилар ўрмонга боришар экан, ҳар бирининг ўз ташвиши бўлади. Икилак бир нарсани ўйларди: ҳозир уларнинг ўрмон ва жарликларида қундуз кўпмикан? Курнг ёрлақаб, уларнинг тузоғига ҳам қимматбаҳо ҳайвонни илинтирармикан?

— Келдик, — деди бирдан Касказик.

Икилак ҳақиқатан йўл тугаганига ишонч ҳосил қилиш учун атрофга қаради. Улар тез оқар булоқлар бўлиниб кетадиган, жарликнинг иккала ёнбағрида арчалар зич жойлашган ерда туришарди. Икилак қачон, қаерда ўрмондан чиқишганини сезмай ҳам қолди. Агар унга орқангга қайтиб бор, дейишса йўл тополмай, адашиб қолиши турган гап эди.

Жарлик нотаниш, арчазор катта. Айрилишларда ўрмон тепалиқ ён бағриларига қараб кўтариларди. Пастда, булоқ суви аста оқадиган сойликда бутазорлар ястаниб ётибди.

— Бу ерга мен Икилак эмаклаб юрадиган вақтда келган эдим. Кейин бўлмаганман.

Демак, шунча вақтдан бери ҳеч ким келмаган бўлса, бой ерлар экан-да?

«Қуёш ҳали ботмаёқ биз етиб келибмиз. Унча узоқ эмас экан», — қувонди Наукун.

— Одамлар бу жойни Кевонглар уруғининг Арчазори деб аташади.

Сўнг Касказик ирмоқ узра кўтарилиб турган чоққина тақир бурунни кўрсатди.

— Қаранглар, ҳув анави пояларни, бизнинг кулбалардан қолгани шулар холос.

Икилак бир вақтлар кулбага устун бўлган, ҳозир эса чириб, шамол ва қор таъсирида моғорлаб кетган пояларни кўздан кечирди.

Ака-ука бу қирғоқдан у қирғоққача ёнбошлаган, қуриган бўлса ҳам ҳали мустаҳкам арча устидан юриб, сойдан ўтиб олишди. Касказик ўртада тўхтаб, сув келаётган томонга, кейин пастга бир қаради: кўп жойни ағдарилган дарахт ва шохлар қоплаган эди. «Сувсарлар ўтиб юриши учун тайёр кўприklar».

Кучсиз шамол совуқ бужмайтирган баргларни юлиб туширар, бу барглар ёздагидай бир-бир тўкилиш ўрнига, шартга шохлар остига шўнғир, азим дарахтлар соясидаги сўлиб қолган, кўкиш, юмшоқ шох устига аста шилдираб тушарди.

Қор ёғиш арафаси. Шунинг учунми, Икилак ҳозирча ўрмонда пайпасланиб, сўқмоқни қидираётган кўзи ожиз одамга ўхшаб бўшашиб турарди, Қор қоплаган бўлса бошқа гап, у дарҳол сезарди. Бир қарашдаёқ бу ердан қандай ҳайвон қачон, қаёққа ўтганини айтарди.

Икилак яхши овчими, йўқми, бир нарса дейиш қийин. Болалигидаёқ тўр парчасидан омборда каламушлар учун тузоқ ясарди. Бунда сабр-тоқат талаб қилинар, баҳайбат ва айёр каламушлар тўр парчаси тузоқ эканлигини сезиб қолиб, уни аста четлаб ўтарди. Шундан сўнг Икилак ўлжани секин сиқадиган ёғоч қопқонни ўйлаб топди. Бир нечтасини тайёрлаб, каламушлар инининг оғзига қўйди. Касказик ўша пайтда эринмай келиб, ўғлининг кашфиётидан завқланган эди. «Ўзинг ўйлаб топдингми? — деб сўраганди гарчи уларнинг кимсасиз манзилгоҳида болага ўргатадиган бирорта одам йўқлигини билса ҳам. — Бундай қопқон билан каламушларнигина эмас, оқсичқон ва олмахонларни

ҳам илинтирса бўлади. Яхши қопқон». Эртаси куни эса Икилак камондан отадиган бўлди. Чайла олдида анчадан бери қуриган рябина танаси ётарди, у эҳтимол обкаш яшаш учун кесиб келинган бўлса керак.

Касказик узоққа отиладиган қилиб енгил, учли ўқ-ёй дастаси йўнди. Улжага зарар етказмай уриб йиқитсин учун учи тўмтоқ қилинганди. Бола энг аввал гилларни, кейин бурундиқларни отди. Уларнинг ёнгинасига яқинлашиш мумкин эди. Пат қадоқли ўқлар нишонга яхши етиб борар, кучсиз шамолда мўлжалдан четга кетмасди.

Наукун укасини калака қила бошлади. Уқнинг нима кераги бор, бурунларни ёғоч билан урса ҳам бўлади-ку. Келгуси баҳорда Наукун ингичка, узун шумурт топиб олди, уни яхшилаб пўстини шилди ва баланд қайинга боғлаб қўйиб, узоқ вақт, бир ойдан ортиқроқ шамолда қурутди. Бу вақт ичида Икилак деярли ҳамма ўқни ишлатиб бўлди. Шунинг учун Наукун укасидан ўлжа чўчитувчи сифатида фойдаланди: ҳайвон буталар орасига яширинса, Икилак уни акаси томон қувлайди, акаси эса енгил поя билан чаққон ҳайвонни беҳато уради.

Кўп ўтмай дастёрлик қилиш Икилакнинг жонига тегди. Аммо отасига айтишга журъат этолмади: отаси доим бирон иш билан банд бўлиб юрарди. Бунинг устига, Икилак энди ёш бола эмас, ўз маҳоратини ҳам синаб кўриши керак. Отасига ўхшаб тилоғочдан силлиқ камон ўқи яшаш қўлидан келмайди. Лекин дарё ёқаларида қизил толлар ўсиб ётибди. Уларнинг текис, ингичка шохларидан ўқ яшаш мумкин. Икилак шундай қилди ҳам. Узун, кўзсиз текис шохларни кесди. Отаси камон ўқи қандай тайёрланишини ўргатган. Аввал ёғочни қайноқ сувга тиқиб олади, кейин учига оғир тош боғлаб, пояга осиб қўяди, шунда шох таранг тортилган камон ипига ўхшаб тўғри бўлади.

Икилак новдаларни тайёрлаб, учларини йўниб қўйди, аммо қандай пат боғлашни билмасди. Отаси яна ёрдам қилди: қарғанинг йирик патлари бургутникидан қолишмайди.

Наукун калака қиларди: «Қарға бурундиқ эмас, унинг қаноти бор, ҳайдасанг-ҳайдамасанг, барибир менинг таёғим тагига келиб қолмайди». Шундан сўнг Икилак каламушларни тутгандагига ўхшаш тузоқ ясади. Бироқ сезгир қушлар хатар пайқаб, ҳеч қандай ту-

зоққа яқин келишмади. «Ўқ билан ураман»,—қатъий қарорга келди бола. Аммо пат қадалмаган камон ўқлари четга қийшайиб кетар ёки қарғаларнинг ёнидан ўтарди. «Хуркитиб юборяпман шекилли»,—аччиқланди Наукун. «Ўтган йилги ўқларни ҳаммасини тамомлаб бўлдингми?»—сўради отаси. «Синганлари бор. Икки-учтача қолган».—«Олиб кел»,—отаси ўзи қаргани мўлжалга олди. Биринчи отишдаёқ аниқ нишонга урди. Ўқ қарганинг қорнини тешиб ўтди.

Ёз охирларида Икилак камон отишни шундай ўрганиб кетдики, бурундиқ у ёқда турсин, олмахонни ҳам осонгина уриб қулатадиган бўлди. Бир куни баҳайбат қора қарқурни отиб келди. Она қувончининг чеки йўқ. У нуқул болам нон топиб келадиган бўлиб қолди, дея фахрланарди.

Икилак одатда манзилгоҳ атрофидаги ўрмонда ов қилар, олисга боришнинг ҳожати йўқ эди. Ҳар доим биринчи қор ёққанда албатта ўлжа билан келарди: излар ёрдамида ўлжанинг ўзи ёки овқатланадиган жойини топиб олиш мумкин эди...

Кузда кун қисқа бўлади, Икилак эса ёш бўлгани учун гулханнинг ҳам гамини қилиб қўйиши керак. Зиммасидаги бу иш аввалига аччиғини келтириб юрди. Лекин ноилож. Ўт ҳам ғамлаши, саройга хас-хашак ҳам ташиб келтириши керак эди.

Икки кундан кейин отаси ҳам, Наукун ҳам ўлжа билан қайтишди. Отаси йирик қундуз, акаси эса иккита қора чил отиб келишди. Ушанда Икилак ичида: «Барибир мен ўтин ғамлашим керак, қанча кўп ўтин қилсам, кунларим шунча беҳуда ўтмаган бўлади»,—деб қўйди.

Унга тезроқ қимматбаҳо ҳайвон овлаш иштиёқи кечалари уйқу бермасди. Отасига эса Икилакнинг тева-варак-атрофда ўтин ғамлаб юриши барибирдек эди.

Эҳтимол отаси Икилак улар кетгандан сўнг тузоқ қўйиб, чой қайнатиш учун олдинроқ қайтиб келса керак, деб ўйлаётгандир.

Ҳа, худди шундай. Отаси ўғли тайга қонунини бузгани учун Курнг тузоқ ёнига ўлжа яқинлаштирамапти, деган фикрда эди.

— Мен ҳали тузоқ қўйганим йўқ.

— Ҳм!— ажабланди отаси,— қачон қўймоқчисан ўзи?

— Билмадим, ҳали қор ёққани йўқ-ку.

— Ҳм! Қачон қор ёғишини пойлаб ўтирибсанми?

— Ҳа,— Икилак бошини қуйи солди.

— Мен ўйлабман-ки... Қаерда туғилгансан ўзи? Тайгадами?

Уруғ оқсоқоли ўғлининг қор тушмай ов қилолмаётганлигидан ҳайрон эди.

Кечаси Икилак туш кўрди. Шинам кийинган ёшгина бир қиз сойнинг нариги қирғоғида туриб унга гап қотарди. Қизнинг овози худди Талгукниккига ўхшаш. «Қўрқма, ўзингни синаб кўр. Тузоқларинг яхши, омадинг бароридан келади».

Эрталабки чойдан сўнг отаси «Кетдик!» деди. Наукун бу гап менга тегишли, деб ўйлаб хурсанд бўлди.

— Сен эмас, Икилакка айтяпман.

Наукун аччиғланиб, зимдан отасига қараб қўйди.

— Сен ҳам.

Шу пайтгача ота ўғиллари ҳамма нарсанинг урдасидан чиқади деб ўйларди. Тайгада туғилган одам гўдаклигиданоқ ота-боболарининг ҳунарини ҳам ўрганиб боради. Чол ўзининг Икилакдек вақтини эслаб кетди. Эслади-ю, бундай вақтда ҳамма нарсани билардим, деб қўйди ичида, Катталардан ҳеч ким унга бирон нарсани ўргатганми? Касказикнинг ўзи катталар нима қилишаётганига қараб улардан қолишмасликка ҳаракат қиларди. Кейин тайганинг ўзи ўргатди. Тузоқларга чап берувчи қундуз овчи қандай иш тутишини ўргатарди. Касказикнинг болалари ҳам ўзлари ҳаммасини билишлари керак эди. Лекин, афсуски, билишмас экан. Нега қор ёғмасдан олдин ов қилишни билишмас экан? Кейин сўнгги йилларда қуритилган балиқ тайёрлаб бўлибоқ, узоқ сафарларга отланишини ҳам эслади. Иккита қўшиладиган ит олиб, тепаликлар орқали олис манзилгоҳларга ўғиллари учун қайлиқ ахтаришга кетарди. Узоқ вақт юрарди. Йўлга ғамлаган овқатларининг ҳаммасини еб тугатарди. Кийим ва пойафзалини тамомларди. Қундузларни кийим-бош билан овқатга айирбошлагач яна йўлини давом эттирарди. Давондан давонга, кўрфаздан кўрфазга, манзилгоҳдан манзилгоҳга, уруғдан уруғга борарди. Яхши одамларга дуч келарди. Улар уни чой ва тамаки билан сийлашар, уруғ ривоятларидан айтиб беришар, ўрин солиб бериб, қисматига ҳамдардлик қилишар, бироқ қизларини беришмасди. Олис сафарлар чоғида

Касказик шум хабар тез тарқалишига амин бўлди. Кевонглар уруғи йўқолиб бораётганини энг олис жойларда ҳам билишарди.

Касказик уйига қалин қор ёққанда, ғам-ғуссага ботиб, ҳорғин ҳолда қайтарди. У ҳеч ким юрмаган тоғлардан ўтиб, тайга оралаб келарди. Бандаси чоққина манзилгоҳини қандай топиб келиши яратганнинг ўзигагина аён.

Ўз ҳолига ташлаб қўйилган ўғиллар Касказик йўқ вақтларда тайга удумларини кўнгилларига келганча бажаришга ҳаракат қилардилар...

Касказик ўғилларини сой устига ағдарилиб ётган бадбуруш шумурт олдига бошлаб келди.

— Қаранглар!

Ака-укалар ажабланиб, дарахтга қарашди. Тўнғич ўғил ҳеч нарса пайқамай, бошқа ёққа аланглади. Тен-так барибир тентак-да! Касказик толесизлиги, олисларга беҳуда сафар қилгани, ёвуз одамлар таҳқирини эшитганини эслаб, бир хил бўлиб кетди. Беҳуда сарфлаган вақтига ачинди. Мана энди. Ўғиллари кап-катта бўлиб қолган бўлсалар ҳам тайгада болаларча иш тутиб юришибди.

— Эси йўқ! Аҳмоқ!

Йиғлаб юборай деган Касказик алаמידан чиқиш учун катта ўғлини қулочкашлаб бир туширди.

Анча вақтгача ўзига келмай юрди. У бунақа аҳволга биринчи марта тушиши эди. Аччиғланарди, кейин дарров жаҳли тарқагучийди.

Ҳозир бўлса тўнғич ўғлига надоматли тикилиб турибди. Ўғиллари ҳам отасига қанчалик оғирлигини кўриб туришарди. Икилак шумуртнинг пўсти шилинган илдизини оёғининг учи билан тепиб, бўғиқ шитирлаган шарпа эшитди.

Ниҳоят Касказик ўзига келди. Лекин ҳамон пишиллаб тез-тез нафас оларди.

— Яқинроқ келларинг! — деди чол ҳирқироқ овозда.

Ўғиллар бақрайганча келиб туришди.

— Сувсар тайганинг ҳамма ерида топилади. Лекин унинг ўлжа излайдиган, ухлайдиган жойлари бор. Сойда ҳам битта жойдан ўтади. Мана шу дарахт ёнидан. Юқорироқни ва манави ерни қаранг. Кўряпсизларми, пўсти шилинган. Бу сувсарнинг иши. Битта сувсар ўтган.



Ана шунда Икилак тайга сирларидан бирини тушунди. Демак, ҳайвон ўзининг сўқмоғидан қишдагина эмас, ёзда ҳам ўтар экан. Лекин ёзда изини илғаш мушкул. Игнабарглилар билан қуриган дарахт кукунлари, синиб тушган шохлар сувсарнинг изини ёпиб юборади. Ёзда ҳам қишдагидек унинг изини кўра билиши учун ниҳоятда синчков бўлиш, тайгани яхши билиш керак.

Икилак бўлса ҳайвон ўз изидан фақат қишда юради, тайёр сўқмоқдан юришга қараганда қорни босиб бориш қийинроқ бўлгани учун юради, деб ўйларди. У яна сўқмоқ устидан бошқа ҳайвонлар ҳам ўтган, шунинг учун излар босилиб кетган деб ҳисобларди. Албатта, ҳар қандай ҳайвон бошқасининг изидан фойдаланиши мумкин. Бироқ ҳар бир жойнинг ўз хўжайини бор. У из очдими, ундан ўзи юради. Бошқаларни қувиб юборади.

Ота сувсарнинг ёзги изини кўрсатди.

Демак, қалин қор ёққан бўлмаса ҳам ҳайвоннинг сўқмоқдаги изини топиб олса бўларкан. Икилакнинг кўзи очилгандай бўлди, энди у қорсиз, излар кўринмаётган тақир ер ҳам овчига ёрдам қилиши мумкинлигини тушунди.

— Тузоқларни қўйинглар. Лекин емиш ҳам қўйилсин, — отаси кетмоқчи бўлди-ю, лекин ўйлаб қолди. — Қани, олиб келинглар, — имлади у.

Икилак бу гап кимга айтилаётганлигини тушунди. Отаси нима талаб қилаётганини ҳам билди. У юкларини қўйишган жойга физиллаб бориб, қайин пўстлогига ўроғлик мевали яхна, қуритилган саран доналари, озоқ қоқи балиқ, бир чимдим тамаки ва бир парча тош чой олиб келди.

Касказик уларнинг ҳаммасини олди-да, кафтини тепалик томонга ўгириб, арвоҳ Изига илтижо қилди.

— Биз сенинг ҳузурингга келдик. Бой ерларнинг сахий эгаси ҳузурига. Сенга кўпроқ ҳадя ҳам этардиг-у, аммо камбағалмиз. Яхшироқ тўйғизардиг-у, лекин ҳеч нарсамиз йўқ. Бандаи бечоралармиз. Ол, қабул эт. Боримизни баҳам кўряпмиз. Ҳаммият қил би бечораларга. Куф!

Касказик олиб келган нарсасини бута тагига ташлаб, орқасига ўгирилди ва индамай чайла олдига келди.

Наукун қинғир-қийшиқ шумурт эгаси — қундузни тутишга ҳаракат қилмоқчилигини айтди.

Икилак ўтин ёрди, сув олиб келди ва у ҳам ҳайвон ўтадиган жойларни қидиришга кетди. У ўша шумуртнинг нарийёғидан дарёга чиқди. Шу ерда аввал ғалати товуш эшитди, кимдир шохларни урарди. Кейин буталар узра типпа-тик, ингичка қайин поя оқиб келаётганини кўриб қолди. Ия, Наукун-ку! У оддийгина овлаш усулини ҳеч кимга билдирмай, яшириб келарди. Отаси ва укасига калака бўлмаслик учун пояни ўрмонда яшириб қўйган эди.

Икилак нағматакни четлаб ўтди. Наукун четдан кулгили бўлиб кўринарди. Букчайиб олиб худди қарқурга ўхшаб силжирди. Хиёл букилган қўлида ушлаб кетаётган найзаси гавдасига монанд тебранарди. Наукун ювош, чўчиш нималигини билмайдиган қора чил қушларини қувиб борарди. Улар одатдаги чил қушлардан каттароқ бўлиб, зимистон ўрмон ичида, якка ёки жуфт-жуфт бўлиб яшарди. Ўзининг ҳурматини билган нивх бу тангри паррандаларга тегмайди. Бу қушлар ночор етим-есирларга ўхшаб лақма бўлади, одамни кўрдими, бўйинини чўзиб, у қандай яхшилик олиб келганлигини билмоқчи бўлади.

Наукун эса жон ҳолатда нафасини ютиб турарди. У жуда қаттиқ силтаганиданми, ёнгинадаги ўлжа ҳаяжонланиб кетганиданми, поя қушнинг думига тегиб ўтди, қуш эса узоқроқ кетиш ўрнига кейинги дарахтга учиб ўтиб, тепароққа қўнди, синган думини силкитиб, яна овчига ўгирилиб қаради. Наукун бирдан ирғиб турмоқчи эди, тойиб кетиб зарб билан йиқилди. Қарсиллаган товуш эшитилди. «Бош суяги ёрилиб кетдимми-а?» — Икилакнинг эти жимирлашди. Бироқ акаси сакраб туриб, чўрт иккига бўлинган найзани олди. Наукун турган жойида типирчиларди. Поянинг осилиб қолган ярмини жаҳл билан суғуриб олгач, четга улоқтириб юборди. Кейин дарахтнинг ёнига келди, қуш баландда қўниб ўтиргани учун бўйи етмади. Наукун барибир чорасини топди. Поя бўлагини қуш қўнган лихта дарахтига тирагач, силлиқ дарахтга тирмашиб чиқа бошлади. Биринчи шохгача кўтарилиб, уни иккэла қўли билан маҳкам ушлаб осилди. Лаънати шох қар-

силлаб синиб, Наукун пастга қулади. У ерда думалаб борар, оғриқ ва ночорлигидан йнғларди.

Икилак ёрдам қилиш учун югуриб бормоқчи бўлди-ю, тўхтаб қолди: ўтиб кетар деб ўйлади. Секин қайтди-да, дарахтлар панасида ўз йўли билан кетди.

Кейинги сойгача борди, сой тубида кичкина жилға оқарди. Қирғоқлар зах бўлса ҳам ботқоқ эмас эди. Шағал орасидан яккам-дуккам кўкат ўсиб чиққан эди. Қайин ва зирк дарахти, рябина ва сал юқорироқда арча ва пихта ўсган — яхши ўрмонзор эди. Икилак қаттиқ шатир-шутур овозини эшитгач, ўрмонга назар солди. У бехосдан полапон қарқурларини босиб олишига оз қолган экан. Қушлар сой соҳилида ва тошлоқда овқатланиб юрган эди. Тошлоқ ер сойни худди Ланьгукнинг соч ўримлари каби икки оқимга бўлиб юборган эди. Бу кичкинагина оролчадан пастда ирмоқлар яна қўшилиб кетарди.

Чўчиб кетган баҳайбат қушлар яқин дарахтларга аранг етиб олиб шоҳларга қўнгач, яқинлашаётган мавжудоддан эҳтиёт бўлиш керакми, ё эътибор қилмаса ҳам бўладими, дегандай тепадан мўлтираб термуларди. Икилак қарқурларни ўз ҳолига қўйиб, сувсар ўтадиган жойларни излашга кетди. Сой устига ағдарилган дарахтлар кўп, лекин улар орасида у қидираётгани оз бўлиб, сувсар ўтадигани пўстлоғидан кўриниб турарди. Биринчиси шундоқ тошлоқ оролча олдидаги энгашган ольха дарахти, иккинчиси қайин эди.

Икилак тузоқларни аяб ҳар бир дарахтга учтадан қўйди. Кейин қарқур тутиш чакана эмаслигини, бунинг устига олиб келган овқати атиги беш-олти кунга етишини ҳисобга олди. Тузоқларни тошлоқ оролчага қўйиб, тошларга чирмашган таёқчаларга боғлади. Тошлоқ музлаб қолгани учун анча овора бўлишга тўғри келди. Қарқур оролчанинг ҳамаёғида айланиб юради, майда тошларни чўқийди, шунинг учун тузоққа илиниб қолиши керак.

Йигитча кун ботаётганда чайлага қайтди. Гулхан тугаб борар, чўғи милтирарди, холос. Шамол олисдан димлама балиқ ҳиди олиб келяпти. Ёнидаги сихларда эса гўшт бор. Демак, отаси ва Наукун овқатланишибди.

— Хўш, нима учратдинг? — сўради акаси.

У арча шоҳлари уйими ёнидаги тўнкада виқор билан ўтирарди. Икилак жавоб беришдан олдин: «Шунча чангал нимага керак экан?...» — дея ўйлади.

— Ҳеч нарса,— Икилак кулгисини аранг тўхтатди. Чунки кўзи олдидан чил қушларни овлагани ўтганди.

Отаси чайланнинг орқасида ниманидир тузатарди. Икилак айланиб ўтди. Касказик қопқон қураётган эди. «Айиқми? Буғуми? Қандай қилиб тутдийкин? Ахир фақат пичоғ-у, тузоғи бор эди холос-ку?»

Икилак чангал уйими олдига келиб, шохларни кўтариб кўрди: дарҳақиқат гўшт, тўқ қизил буғу гўшти. Ана териси ҳам ётибди, ерга ёзиб қўйишибди, унинг устига гўшт уйилиб солинган.

Наукун уни худди ўзи овлагандай ўтирарди.

— Нима қилиб ўтирибсан?— отасининг овозидан норозилик оҳанги сезилди.

Шундан сўнг Наукун тилоғочларнинг пўстини шила бошлади, улар билан қопқоннинг устини ёпиш керак эди.

Икилак буғу кабобдан бутун бир сихини маза қилиб еди, балиқ калласини ҳам. Кейин отасининг олдига келиб, нима иш қилай, деб сўради.

— Тўсинларни ташиб кел.

Осмонда катта юлдузлар порлай бошлаганида қопқон тайёр бўлди. Кўк тамоми юлдузлар билан қопланганда эса гўштни майдалаб бўлишди.

Алламаҳалда ётишди. Икилак ўртада сиқилиб ётарди. У чайлада ағдарилиш тўғри келмаслигини, бу билан бошқаларга халақит бериш мумкинлигини биларди. Аммо Икилакнинг уйқуси келмаётганлигининг сабаби жой тор бўлганлигидан эмасди, кеча ҳам, ўтган куни ҳам шундай жойда ётганди. Уни битта савол қийнарди: отаси буғуни қандай овладийкин? Бўғиб ёки таёқ билан уриб сулайтирдимикин? Буғу ниҳоятда сезгир, жарнинг нариги ёғида сичқон шитирлаганини ҳам эшитади. Унинг кўзлари ўткирликда бургутниқидан ҳам қолишмайди. Буғу шундай тез чопадикки, уни қувиб етиб бўлмайди.

— Дада,— секин чақирди Икилак.

— Уйқуга халақит беришни кўрсатиб қўяман сенга,— дўқ қилди Наукун.

— Дада,— яна чақирди Икилак.

— Жим!— ўшқириб берди Наукун ва укасининг биқинига бир мушт туширди, яна урмоқчи эди, шу пайт отасининг овози эшитилиб қолди.

— Нима дейсан, ўғлим?— сўради секин Касказик.

— Буғуни қандай ушладингиз, ўра қазибми?

— Қазизишга вақт борми, нимада ҳам қазирдим? —  
Овозидан савол чолни қизиқтирб қолгани сезиларди. —  
Биласанми, айиқ буғуларни қандай ушлайди?

— У айиқ-да, — жавоб қайтарди Икилак.

— Йўқ, сен айиқ буғуларни қандай тутишини ай-  
тиб бер-чи.

— Буғу хашакларни титаётганда айиқ пойлаб ту-  
ради. Соқчилик қилаётган бошқа буғунинг кўзига кў-  
ринмаслик учун писиб келади.

— Мен ҳам пойлаб турдим. Буғу ўзи билан ўзи  
овора бўлиб турганида мен ҳам соқчи буғу кўриб қол-  
маслиги йўлини қилдим.

— Сиз айиқ эмассиз-ку.

— Лекин худди айиқдай ҳийла ишлатдим. Буғу  
тумшугини хашакдан кўтаришини пойладим. Бош кў-  
тарган заҳоти пичоғим биқнига санчилди.

## XXVI боб

Икилак нонушта қилишаётиб чайлада чил қушлар  
йўқлигини сезиб қолди. «Тутолмасди-да, бечора», —  
акасига раҳми келди унинг.

Йигитча қопқонга қаради, яхшиямки вақтида  
Курни тўйғазигани, у эвазига ўлжа юборибди. Энди  
яна битта буғу бўлса, бемалол баҳоргача етиб олишади.

Икилак Наукун ов қилган жой ёнидан ўтиб кетаёт-  
ганда бир оёғи осмонга қилиб осиб қўйилган чил қуш-  
ни кўриб қолди. Демак, тузоқда илинтирмоқчи бўлиб-  
ди-да.

Сой устига ёнбошлаган иккинчи дарахт олдида ҳам  
чил қуш осилиб ётарди. Учинчисида ҳам. «Ҳамма па-  
лопон қушларни нобуд қилибди-ку. Чил қушлар бусиз  
ҳам оз эди. Овчимиш тагин. — Икилак аччиғланди. —  
Қарқурларни тутса-ку, улар манзилгоҳ ёнидаги қарға-  
лардек ўрмонда тўлиб ётибди, асл қушларни овлашни  
билмай, чил қушлар кетида юради».

Наукун олдинда борар, худди сувсарларни орқалаб  
кетаётгандек, виқор билан укасига қараб қўярди.  
«Аввал ушлагин, кейин мақтан. Қўлингдан келгани  
чил қушлар-ку! Тфу!» — Кейин у ўйлаб қолди: «Агар  
Курни раҳм қилса, тузоғинга сувсар юборади. Унда  
хўракнинг нима кераги бор?»

Отасининг мўлжали оддийгина: буғуларни ўраб олиш, шамолдан фойдаланиб жуда эҳтиёткорлик билан яқинлашиш. Найза билан аниқ урар даражада ма-софагача ким биринчи бўлиб келса, бошқаларни ку-тиб ўтирмай ҳамла қилиш керак. Буғу тўдаси чўчиб, ўзини ҳар ёққа уради. Шунда яна омад келиб қоли-ши мумкин.

Учовларида найза бор. Лекин фақат отадаги яхши найза. Ўғиллар эса ов пичоқларини узун шумурт дас-таларига маҳкам боғлаб қўйишди.

Ота кенг жарликка чиқди. Бу ерда яқинда унга бу-ғу учраган эди. Чўчиган пода бу жойни ташлаб кет-ган, аммо Касказик буғулар қаёққа кетганлигини из-ларидан билиб олди. Ҳақиқатан ҳам биринчи муюлиш-дан сўнг кенг қоронғилик кўринди, у ерда пода ўтлаб юрарди, Икилак дарров чамалаб кўрди, минг нафарга яқин. Қоронғилик чеккасидаги ўрмонда яна шохлар кўринарди.

Подани ўраб олиш қийин: уч киши уддасидан чи-қолмайди. Касказик шамол эсмаётган томондан ўрмон-га кириб, якка-якка қоронғиликка яқинлашиш, сўнгра буғуларнинг аксарини қуршаб олиш лозим, деган қа-рорга келди.

Ўртадаги одам уларни ҳуркитиши керак, шунда буғулар қочади-да, дарахтлар панасига яшириниб тепа-лик сари интилади. Йўл-йўлакай чеккада писиб ётган овчиларга дуч келади, ана шунда эпчиллик қилинса бас.

Касказик тўнғич ўғлини ўнг томонга, ўртанчасини чап томонга юбориб, ўзи жойида қолди. «Фақат жуда эҳтиёт бўлинглар», — огоҳлантирди сўнгиги бор у.

Чол пайт пойлаб турди ва қоронғилик томонга дадил юра бошлади.

Биринчи буғуни у дарҳол кўрди. Ёш урғочи буғу экан. У чоққина сайҳонликда турар, шоҳи билан қор-ни аста титкиларди.

Нарироқда яна урғочи буғу билан учта эркак буғу ўтларди. Улар семиз, катта эди. Лекин буғуларга яқинлашиб бўлмайди, дарҳол пайқаб қолишлари мум-кин!

Касказик дарахтзорни диққат билан кўздан кечир-ди. Ёлғиз буғу қулай ҳолда ётарди: боши қоронғилик томонга қараган, кўзи юмуққа ўхшарди. Бунинг устига у четда эди, орқасидаги бир оз чеккароқда иккита

урғочи буғу ўтлаб юрарди. Демак, ўзини хотиржам сезяпти.

Яқиндаги буғуни четлаб ўтиш керак. Сайхонлик пастак буталар билан қопланган эди. Касказик нима қилиш кераклигини хаёлидан ўтказиб қўйди. Саррин шамол ҳидни орқага, сал четга олиб кетарди. Касказик буғудан бир неча қадам нарида буталар орасига яширинди. Буғу сезмади ҳам.

Олдинда ағанаган дарахт бор. Узоқ вақт, чидам билан бориш керак...

Науқун дарахтга суянганча кўзини узмай қараб турди. Катта, энг йирик, баҳайбат шохли буғу ҳам ўрмон томонга тикиларди. Бир неча марта аста шитирлаган овоз унга шубҳалидек туйилди. Бу нима бўлиши мумкин?

Науқун билдирмай чекинсамикан? Аммо буғу жудаям баҳайбат, бунақасини овчи ҳали учратмаган эди.

Қимирламай туравериш керак, шунда ғафлатда қолдириш мумкин. Науқун шундай қилди ҳам — қимир этмай узоқ вақт турди. Буғу орқа туюғи билан ёлдор бўйинини қашиб қўйди.

Паналаш мумкин бўлган йўғон тилоғочга бор-йўғи икки қадам бор. Шу пайт буғу бир қараб, одамга кўзи тушиб қолди: йўқ, у шохларни қарсиллаганини ҳам, шитирлаган овозни ҳам эшитмади — ҳеч нарса бўлгани йўқ эди. Унинг катта подага узоқ йиллар серкалик қилиб, уларни қўриқлаб келиши эшитилмайдиган нарсаларни ҳам эшитишга, кўз илғамайдиган нарсаларни ҳам кўришга ўргатган эди. Буғулар йўлбошчиси сезгир тумшугини хушбўй гиёҳга энгаштиришдан олдин ноқулай аҳволда базўр одимлаётган одамни сезиб қолди.

Буғу дарҳол қочиб кетмади. Подага назар ташлади. ҳаммаси турганлигига ишонч ҳосил қилгач, шошилмай нари йўналди. Кўп йиллар мобайнида шерикларини юзлаб марта оёққа турғазиб, юзлаб марта хавфдан нари, халос этган...

... Касказик ағдарилиб ётган иккала дарахтдан ўнғай биринчисининг устидан, иккинчисининг остидан судралиб ўтди. Буғу қимирлай ётарди. Энди найза отса бўларди. Аммо узун найза керак. Яхшиси, янаям яқинроқ боргани маъқул. Ахир ҳеч ким халақит бермаяпти, ҳеч ким шоширмаяпти-ку.

Касказикка шундай туйилдими, ёки чиндан ҳамми,

олисдан бўғиқ ўкириш овози келгандай бўлди. Наҳотки?

Яна бир лаҳзадан кейин найза учи етса бўладиган жойда ётган буғу ғойиб бўлди қолди. Бир зумда. Фақат ерни титратган тапир-тупургина эшитилди. Шу пайт кекса овчи кўзига оппоқ, қўнғир, кулранг ва олабула буғулар елиб ўтаётгани кўринди... Тамом, Расво бўлди...

Буғулар ўтаверди, ўтаверди, ўтаверди. Ана, буғулар сарвари ҳам ўтди. У подани қоронғиликдан хатарни аниқлаш ва англаш осон бўлсин учун сайҳонликка олиб чиқди. У пода олдида эмас, олдинда бошқа, олабула буғу борар, бу буғу ҳам забардаст, бақувват эди. Пода сарвари эса нарироқда борар, тўхтаб орқада қолаётганларни кутиб турарди.

Касказик ҳали ҳам найза отса бўлар, орқада қолган буғулар жуда яқиндан ўтиб кетаётган эди. Лекин у сеҳрлангандай, сарвар буғуга тикилганча турарди. Чол пода йўлбошчисининг баҳайбат гавдаси, кучли оёқлари, бақувват шохларидан завқланаётган эмасди. Кекса, тажрибакор овчи ғалати бир вазиятда донг қотиб тураб ва шивирларди: «Аввалги сафар мен ғолиб чиқдим. Бу сафар сен мени доғда қолдирдинг. Бугун сен енгиб чиқдинг! Мени ва ўғилларимни енгдинг. Қойил! Баракалла! Бугун сен ютдинг!..»

Буғу болалари ва урғочилари ўртага тушди, сарвар буғу эса четга чиқди. Ботқоқ тугаб, тайга бошланадиган жойда йўлбошчи буғу подани бошқарди. Касказик энди у подани узоққа олиб кетишини биларди. Довондан ҳам олиб ўтиб кетади. Одам оёғи етмайдиган жойга олиб боради...

Икилак бугун ҳам ўлжа билан қайтамыз, деб ишонарди. У буғулар қандай талатупга тушганини кўрган эди. Улар хуркитилса шунақа бўлади. Лекин йигитни буғуларнинг ҳозир асло саросимасиз юриши ажаблантирди. Улар қандайдир қудратли қўл етаклагандай қоронғиликка етгач, тепаликлар томонга интилишди... Отаси ўз буғусини албатта ушлаши керак...

«Подани мен чўчитиб юбордим шекилли, — ўйлади Наукун. — Серкасининг олдидан чиқишим керак эди! Нега ўзимнинг айтганимни қилмадим; бу лаънати буғулар сарварини қолдириб, бошқасини топмоқчи эдим-ку. Сергакланганди, уни барибир ушлай олмасдим. Бошқача йўл тутишим керак эди».



Ака-ука деярли бир вақтда оталарининг олдига етиб келишди. Икилак уни ағдарилиб ётган дарахт устида хўмрайиб ўтирганини кўрди. «Жаҳли чиқибди. Битта мен айбдор эмасман, учаловимиз ов қилдикку,— ўзини оқлади Наукун.— Индамай ўтирибди. Олдига борсам, койийди. У шунақа, доим айбни менга тўнқаради».

Қадам товушини эшитган Касказик бошини кўтарганиди, сийрак оқ сочлари елкасига сирғалиб тушди. У хўрсиниб шундай деди:

— Бу қоронғи манзилгоҳни эсдан чиқарманглар. Мевалар, гиёҳга бой экан. Атрофдаги ўрмонларда ва қуруқ дўнгликлар ўртасида қўзиқоринлар мўл. Атрофдаги бари дарахтлар пахмоқ мох билан қопланган. Буғу бу қоронғиликни яхши кўради. Ёзда ҳам, қишда ҳам шу ерда ўтлайди. Бу манзилни тақир этгачгина кетади. Гиёҳ униши билан яна қайтиб келади. Буғу манзилгоҳи деб аташади бу жойни. Ёдингларда бўлсин!

Овчилар чайлага ўз сўқмоқлари билан қайтиб келишди. Касказик иккита қора, яхши туллаган сувсар олиб келди. Наукун омадлироқ экан, учта овлабди. «Қачон тутила қопти; эрталаб тузоқлар бўш, чилқушларгина тушган эди-ку»,— ҳайрон бўларди Икилак. У қандай қилса, тузоғига сувсар илинишини ўйларди.

Икилак қарқур олиб келди, қуш оёғидан тузоққа илинган эди. Қарқур семизгина, гўшти ҳаммага етади. Лекин сувсарни қандай тутса бўларкин?

Эртасига отаси ҳам, Наукун ҳам яна биттадан сувсар тутиб келишди. Икилакнинг тузоғи ечилиб кетган эди.

— Дада, сиз қандай қилиб тутасиз: хўрак қўйибми? — сўради Икилак.

— Йўқ, — жавоб қайтарди Касказик. — Ўтиш жойларида. Изга қараб ҳам тутаман.

«Қор ёғмаса ҳам у изни ажратиб олган»,— хўрсинди Икилак.— Кейин отасига шундай деди:

— Наукун хўрақларни осиб чиққан.

Кекса овчи Икилак кутаётган гап билан жавоб қилди:

— Курнг ўзи қўлламаса, ўлжа илинмайди.

Икилак жарликка қайтиб бориб, биринчи учраган ичи пўк тўнғакка атаганини: саран тугунаги ва балиқ ташлади:

— Олдинги гал сизларни дурустроқ тўйдирмадик, хафа бўлманглар. Бугун мен сизларни яхшилаб боқаман. Мана, олинг. Мени кечиринглар.

## XXVII боб

Қор ёққунча Икилак фақат битта сувсар тутди. Биринчи қор ёққанда йигитча бирдан назр қолдирган чирик тўнка олдида сувсар айланиб юрганини кўриб қолди. «Уни арвоҳ юборган. Садақам эвазига. Яна олиб келаман». Аммо шўр балиқ тугаган, Икилакка сойда фақат уруғ ташлаган балиқ учради, холос. Балиқни у ўша тўнканинг олдига қўйди.

Қор ёққандан кейин Икилак яккачўплардан иккита сувсарни олди. Изга қараб бу ҳайвонлар қаёққа келиб, қаёққа борганлигини аниқлагач, чирик тўнка ёнига борди, ҳақиқатан ҳам атрофдаги қор топталган, титкилаб ташланган эди.

Тошлоқ орол ҳам Икилакка ўлжа ҳадя этди. Аммо тузоққа илинган қарқурнинг калласи йўқ эди, сувсар узиб кетган бўлиши керак. Икилак қушга тегмади сувсар ёқтирибдими, охиригача еяверсин. Йўқ, йўқ, Икилак қушга тегмайди. У фақат ёнига тузоқ қўяди, холос.

Касказик мамнун, чунки мавсум муваффақиятли бошланганди. Қор ҳали тўпиққа чиқмаган бўлса ҳам уч киши бир бўлиб ўн саккизта сувсар тутишганди. Иккала ўғли ҳам дуруст ов қилишяпти. Тузоқларни қўйишни ўрганишди. Совуқ кунлар бошланиб, қалин қор тушган, тайгадан кетиш вақти бўлганди. Бу ерга уччаловидан биронтаси қайтиб келишади. Чанғида албатта. Тепаликдан тўғри кесиб чиқса, олис эмас, бир кун ичида бемалол келиб кетса бўлади. Лекин бу ерда кимки ов қилиб турадиган бўлса, жойни яхши билиб олиши керак.

Касказик кичик ўғли бошқача тузоқ қўяётганига эътибор қилди. Ота назр қўйиладиган жойдаги сувсарларга тегмади. У жой муқаддас. Икилак бўлса айни муқаддас жойларда ов қилияпти. Бу гуноҳ. Лекин Икилакнинг тузоқларига ўлжа тушаётгани, Курнгундан ғазабда эмаслигини билдиради. Эҳтимол Икилак ёш бўлганлиги учун ғазабланмаётгандир Курнг. Ёшларнинг ҳаммаси ҳам тайга қонунларини билади, деб

бўлмайди. Кекса овчи эса кечирилмасди албатта. Ики-лакнинг сўқмоғида йигирмата тузоқ бор экан. Бугун битта сувсар олишди.

Наукуннинг сўқмоғи узунроқ, иккита жардан ўтиши керак. У отаси ўргатгандек ўтиш жойларида тутуди, лекин у ҳам мана шу муқаддас жойларга кириб қолибди. Касказик хўмрайди. Агар улар овда эмас, бошқа жойда бўлганларида удумни бузиш қанақа эканлигини кўрсатиб қўярди. Бу ерда эса уришиш гуноҳ — инс-жинслар эшитиб қолиб, тескари қараб кетиши мумкин. Лекин босиқлиқ билан айтса ҳам бўлади. Шу пайт унинг эътиборини қор босган шохлар орасидаги аллақандай шитирлаш овози тортди. Наукун олдинга ўтди-да, шохларга ташлангач, қаттиқ бақириб юборди. Бахайбат қора сувсар унинг қўлида типирчилади. Ҳайвоннинг кўзлари ёнар, қозиқ тишлари ўткир, оппоқ тишлари ўртасида эса қон кўринарди. Йигит қаттиқ оғриқдан нима қилишини билмай қолди, қўлини қаттиқ силтаб тортганди, тузоқ узилиб кетди. Сувсар қутилганини сезиб, букчайганча олисга сакради. Наукун оғриқни ҳам унутиб, унинг орқасидан югурди, лекин етолмади, сувсар аллақачон узоқлаб кетганди.

Касказик норози бўлди:

— Очкўзлик ақлдан эмас. Қўл билан ушлаб бўлармиди? Таёқ билан босиб туриб ушлаш керак эди.

Наукун ярадор қўлини эҳтиётлаб, турган жойида айланар, оғриқданми, пушаймон бўлаётганиданми вой-войларди.

— Учир! — бақириб берди Касказик. — Узинг айбдорсан.

Наукун вой-войлашини давом эттираверди.

— Бўлди-да! Яхшиси, қонни сўриб ташла, бўлмаса қўлдан айрилсан. Очкўзлик ақлдан эмас, — такрорлади Касказик, лекин шу пайт ўйлаб қолди: «Наукун ҳам бир ўзи учун эмас, бутун уругини ўйлаб ҳаракат қиляпти-ю». Кекса Кевонгнинг омадсиз ўғлига раҳми келди. Лекин яна бир лаҳзадан сўнг, ички бир нидо шундай деди: «У омадсиз эмас, сувсарлар унинг тузоғига ўзи келиб илиняпти!»

— Қонни сўриб ташла, — секин такрорлади Касказик.

— Оғрияпти, — ингради Наукун.

— Айтгани қилсанг-чи! — буйруқ оҳангида деди отаси.

Наукун йўл-йўлакай тупуриб борар, қорда қизил доғлар ҳосил бўларди.

Кейинги жарликда қорамтир, чоғроқ сувсарни олишди. Касказик ўғиллари тузоқларни қўйиш керак бўлган жойдан бошқа ерга қўйганликларини бир оз вақт унутди.

— Энди қон оқмаяпти, — деди қувонибми, шикоят қилибми тўнғич ўғли.

— Энди қор бос, — маслаҳат берди чол — Манзилгоҳга қайтиб борганимизда отқулоқ босасан. Онанг анча-мунчасини қуритиб қўйган.

Уйга кетишаётиб, йўлда ака-ука ўрталарида ким арчазорда ов қилиши керак, деган масалада тортишув чиқиб қолди. У жой иккаловига ҳам жуда ёқиб қолганди.

— Сенинг чанғиларинг йўқ, — деди Наукун.

— Бекор айтибсан. Чанғиларим бор, фақат биттаси синган. Лекин уни тузатиб оламан, — деди қатъий Икилак.

— Тузатгунингча қор тузоқларни кўмиб юборди. Уларни ҳар куни тўғрилаб туриш керак. Тузатганинда ҳам барибир чанғи чидаш бермайди. Кўряпсанми, тепаликлар қанақанги тик.

Бу жиддий гап эди. Шунинг учун Касказик тортишувга барҳам берди:

— Жанжаллашиб нима қиласизлар? Тузоқларни ким текшириб келишининг аҳамияти йўқ. Ҳамма сувсарлар қалинга кетади. Наукун бориб келаверсин.

Наукунинг негадир иши юришмасди. У жаҳл қилар, отасидан маслаҳат сўрарди. Инс-жинсларни аччиғлантирадиган ҳеч нарса қилмадим, дерди.

Икилак ва Касказик манзилгоҳ яқинида ов қилишарди. Уларнинг ови арчазордагидек мўл бўлмаса ҳам, ҳар қалай ўнгидан келаётган эди.

Ов ойи тугаб, совуқ ой<sup>1</sup> бошланди. Наукун эса уйга ҳали ҳеч нарса олиб келмаганди. Шунинг учун Касказик:

— Беҳуда тентираяпсан! Бизга ўхшаб манзилгоҳ атрофида ов қил, — деди.

---

<sup>1</sup> О в о й и — ноябрь. С о в у қ о й — декабрь.

Наукун анча фурсатдан кейин жавоб қайтарди:

— Индинга яна бир бориб желей. Агар ҳеч нарса чиқмаса, кейин бормай қўя қоламан.

Лекин у иккита сувсар олиб келди.

### XXVIII боб

Чачфми — қулай жой. Тимининг бу ердаги иккала қирғоғида кенг қоронғи ўрмон, ўтлоқлар бор, арчазорлар атрофида ҳам паҳмоқ мохлар мўл.

Буғучига халақит берадиган бирдан бир нарса — росомахалар. Қонхўр йиртқичлар доим подаларга хавф солиб туради. Лука тузоқ қўяди, бироқ айёр ҳайвонлар унга сира илинмайди. Росомахалар мўйна овида халақит беради. Шунинг учун Чочуна биринчи галда йиртқичларни йўқ қилишни ўйлади, кейин ҳамма бир бўлиб сувсар тутиш билан шуғулланади. Лука рози бўлди, энди қулай фурсатни кутиб туришарди. Бу фурсат кўп ўтмай кела қолди. Изғирин шамол эсиб турган тонг пайти қизил юзлари бўртиб чиққан ўспирин — Кириск югургилаб келиб, росомахалар буғуни гажиб кетганини маълум қилди. Чочуна, Ньолгун ва Лука милтиқларни ола, салт буғуларга миниб, боланинг кетидан шошилишди.

Тепаликнинг узун сердарахт қиялигидан ўтиб, қор босган сайхонлик ерга чиқишди. Шу ерда Кириск буғуни тўхтатди. Тайгачилар энди ўзлари ўрмоннинг нариги чеккасида иккита қора нуқта, ёнида қўнғир дўнгликни пайқашди. Росомахалар нажирдан сўнг ўлжани қарғалардан қўриқлаб туришарди.

Овчилар сайхонликни ўраб олишга шошилишди. Лука қалпоғини силкитиши билан ҳалқани қисиб кела бошлашди. Шохларни шамол тегиб қарсиллатиши яхши бўлди, йиртқичлар хавфни кечроқ пайқаб қолишди. Ҳовлиққан Чочуна ҳаммадан олдин ўқ узди. Қаттиқ яраланган ҳайвон ағдарилгач, бошини кўтариб ўшқирди. Чочуна яна милтиқни қўлга олди, бироқ Лука қичқириб, уни тўхтатиб қолди.

Иккинчи йиртқич қурилган сийрак дарахтлар панасида писиб, чангалзорга кириб кетаётган эди. Ньолгун шоша милтиқни ўқлади. Росомаха юришини тезлатди, унинг панжалари орасидан қор сачрарди. Ньолгун яна ўқ узди. Йиртқич кескин бурилиб, типирчилай бошлади, шу пайт қўлида қуроли йўқ бола

Кириск эпчиллик билан арқонни отди. Пишиқ сирт-моқ ҳайвонга етиб борди. Росомаха титраб, қаттиқ силтанганди, болани қорга ағдариб юборди. Қутурган йиртқич орқасига ўгирилиб, унинг устига бостириб кела бошлади.

Ньолгун кучи борича бақирганча осмонга ўқ узиб, ўша ёққа югурди. Мана шу хавфли дамда бола ўзини ҳаммадан кўра хотиржам тутди. У арқонни қўйиб юбормади. Росомаха сакрай-сакрай яқинлашиб келарди.

Чаққон ўрнидан турган Кириск йиртқич икки сакрашли ерга келганда дарахтнинг орқасига тисланди. Кейин қордан чиқиб турган йўғон шохни ола энди қўрқинчли жойи қолмаган йиртқични урди.

Чочуна хайратланиб бош чайқади.

Энди сувсар овлашга ҳеч нарса халақит бермасди.

Лука-Нгиндалай ва унинг болалари куз давомида анчагина сувсар овлаб, унинг кўп қисмини Чочунага беришди, ўзларига ҳам олиб қолишди. Энди бугучи олис Шилкага, ҳамюртлари олдига боради. Шундай қарорга келишди: аввал Лука Чочуна билан бирга Николаевскка кириб ўтади. Чочуна ярмаркадан орқасига қайтади, Лука эса ёш ороқлар билан бирга Амур бўйлаб то Шилкадаги тайга эвенклари қишлоғигача боради.

## XXIX боб

Одатда тонг отиши билан қарғалар гала бўлиб, қиров босган яшил арчазордан учиб кетарди. Бу ерда қушлар қалин шохлар орасида бекиниб, узун тунни совқотиб ўтказди.

Арчазор тик жарликлар бўйлаб кўтарилиб боради, ўтиб бўлмайдиган тайгага айланади.

Жарлик ёқасидаги қора танали заранг қайин ўрмонзориди кичкина, нурсиз Ке-во манзилгоҳини дарҳол пайқаш қийин. Уни қор босиб қолган. Фақат баланд-баланд қор уюмлари-ю, қуруқ тилоғоч ўтинларидан кўтарилаётган заиф дуд йўловчида исиниб олиш умиди туғдиради.

Қарғалар сершоҳ арча тепасига қўнган, бу арча худди ён арчаларга жаҳл қилиб, арчазорни тарк этгану, ўрмонзорда, харсанглар орасидаги манзилгоҳнинг орқагинасида қарор топгандай. Мазкур дарахт шохла-

рида юзлаб қарғалар паноҳ топиши мумкин. Эргалаб овқатланишга учиб кетиш олдидан ёки кечқурун ух-лашдан олдин қарғалар арчазорга ҳамма ўрмонлардан учиб келгач, унинг учида зич ўтиради, мудраб аста қағиллайди. Кейин келишиб қўйгандек, баравар осмонга кўтарилади-да, булут каби кўк юзини тўсиб қўяди. Ер сатҳи қоронғилашади.

Уруғда шундай ривоят бор: Тими соҳилидаги ба-ланд жарлик бўйида Ке-во манзилгоҳи пайдо бўлган куни қарғалар арчани севиб қолган. Эҳтимол узоқ ўтмишда Нерест дарёси соҳилига келиб қолган одам-лар ҳозирги ном билан аталмагандир. Аммо кўп йил-лар ўтди, одамлар ўзларининг аввалги номларини уну-тиб, Кевонглар — Юқори қишлоқ аҳолиси деб атала бошладилар.

Бугун қарғалар учиб кетишга шошилмас, яндоқ дарахтнинг учига ёпишиб олишганди. Бу дарахт барг-ларини қарғалар қачонлардир тўкиб юборганди. Ман-зилгоҳ аҳолиси нима қилмоқчи эканлигини фол очмоқ-чи бўлгандай қағилларди қарғалар.

Бу кеча Икилакнинг сира уйқуси келмади. Ҳаде-май А-во манзилгоҳига — Қуйи қишлоққа боражаги унга тинчлик бермаётганлигини сездирмасликка ҳара-кат қиларди. Албатта, у сафарни бетоқат кутарди. Куз-ни кутди, қиш келишини кутди. Ёз бўлишини кутди ва яна кузни кутди. Кутарди-ю, лекин тоқатсизлигини сира билдирмасди. Фақат нодон ўсмирларгина ҳис-туйғуларини тиёлмай қолишади. Ҳатто озгина қувонч-га ҳам осмонга сакрашгани-сакрашган. У эса эркак! Икилак энди емиш топиб кела олади. Шунинг учун ўзини қўлга ола билиши керак. Бундай бўлишга ота-си ўргатди. Тайга шунга ўргатган. Ун олти бўронли қиш ва ўн олти серёмғир ва қурғоқчил, мевалар ва балиқ мўл бўлган ёз ўргатган эди унга.

У ухламасди. Йўқ, ҳаяжонланганлиги учун эмас. Милки<sup>1</sup>лар кечаси билан фитна қилишди. Улар Икн-лакнинг уйқусини қочириб юборишди.

Уларнинг билганлари одамга зарар етказиш. Гоҳ кечаси ўрмонда бақирришади, одамнинг ўтакасини ёри-шади. Кейин якка-ёлғиз, қўрқувда қолган унинг усти-дан кулишади. Ёки куз кезлари дарё музлаб қолганда

---

<sup>1</sup> М и л к и — ёвуз руҳлар, алвастилар.

одамни муз юпқа жойга йўллашади. Муздек сувда шалаббо бўлиш, ҳатто чўкиб кетиш ҳам мумкин.

Бу кеча ҳам лаънати алвастилар Икилакнинг уйқу-сини харом қилишди. Яхшиямки, у кечаси билан тўлганиб чиққанини ҳеч ким кўрмади. Чайлада, сал нари акаси ухларди. Кечаси билан пишиллаб милкиларни чақирди. Икилакка ҳасад қилади-да. Отасига ҳам жаҳл қилади. Ланьгук Наукуннинг хотини бўлиши керак эди, чунки — у катта. Бироқ отасининг гапи билан у укасига хотин бўляпти.

Қиш кечаси узун. Бу кеча эса, айниқса. Икилак у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилар, таймен тери юмшоқ шим замшага ўхшаб гижимланиб кетди. У ҳозир қуруқлиги учун юмшоқ. Сув тегиб кейин қуриса, тилоғоч пўстлоғига ўхшаб қолади. Кейин уни гижимлаш керак. Узоқ вақт овора бўлиб гижимлайсан. Шимни ерга қўйсанг, таёққа ўхшаб тик туради.

Икилак чап ёнбошига ўгирилиб, шифтдаги мўрконга қаради. Ётишдан олдин уни ўзи ёпиб қўйган эди. Маҳкам ёпмаган бўлса керак. Икилак тирқиш орқали осмон анча ёришганини, худди суяқ чой туси олганини кўрди.

«Яна бир оз ётай», — у эски ит тери дохасини иягига тортди. Бувасидан қолган доха. Уни анчадан бери ҳеч ким киймайди, сийқаси чиқиб кетган. Икилак ҳеч қачон кўрпаси бўлганлигини эслолмайди, доим дохами ёки шунга ўшаш нарса ёпиниб ётади.

Чайла одатда ярим кечагача иссиқ бўлади. Эрталабга яқин совиб қолади. Лекин балиқ тери чопонда доха ёпиниб, оёқни бекитганча гужанак бўлиб олинса, эрталабгача совқотмай ётиш мумкин. Фақат бундай ётиш чарчатади. Урин буғу терисидан бўлиб, у тақир ёғоч пайраҳалар устига солинганлиги учун ғадир-будир, ботади, бўғинлар чолларнинг қўлига ўхшаб оғрийди. Икилак кўп йиллик ўрнига ўрганиб кетган, ёнбоши унчалик оғримайди.

Майда юлдузлар сўнди, фақат йириклари кўринади, холос. «Яна бир оз ётай», — деди ўзича Икилак.

Шу пайт қалин ёдига тушиб кетди. Узоқ вақт, икки қиш бу қалинни йиғишди. Отаси ов қилди. Икилак ов қилди. Наукун ҳам ов қилди. Аммо у отасидан хафа, сувсарларнинг бир қисмини яшириб қўяпти. Икилак буни биларди-ю, лекин индамасди. Наукун, укам эркак эмас, бошқалар унинг учун ишлашини пойлаб ётади,



деб айтади ҳам ҳали. Ваҳолонки, одат бутун урур қалин йиғишни тақозо этади. Чунки уларга келин тушади-да. У кимнинг хотини бўлишининг аҳамияти йўқ. Муҳими — бола туғиб беради, наслни кўпайтиради.

Кўп қалин йиғишди, сувсарлар катта тугун бўлди, ҳар бири қирқта теридан учта тугун, ўн иккита тулки, саккизта сувсар териси бўлади. Икилак ўзи балиқ тери кийим кийиб юрса ҳамки, ҳамма ўлжани қалинга қўшиб қўйди.

У кеча кечқурун отаси оғир тугунни омборга олиб ўтганини эслади. Омборни улар тилоғоч шохларидан ясаб, қозиқ оёққа кўтариб қўйишди, чунки итлар чиқолмайди. Устига пўстлоқ ёпилган эди. Урмон ҳайвони кирмаслиги учун росомахага пўстлоқ тўсиқ бўлмайди.

Икилак дохани суриб, шартта ўрнидан турди, бада-ни тез совқотмаслиги учун ит тери чопонини елкасига ташлади, қоронғида нерпа тери торбазни пайпаслаб топди, мўйнали пайпоқни кийди.

Уҳаси уйни айланиб ўтаётиб, бир нарсага қоқилиб кетганда ҳам Наукун уйғонмаган эди. Икилак энгашиб, паст столчага қўлини чўзди. Ака-ука кечқурунги чойдан кейин столни йиғиштиришмаган эди.

Икилак ингичка тор йўлакдан юриб кўча эшикни итарди. Кесакига кўк тери тасма билан боғланган эшик секин очилиб, одам чиққач, яна ёпилиб қолди. Икилак муздек ҳаво симириб уйқусини қочирди.

Майда юлдузлар кўринмасди. Яккам-дуккам йирик юлдузлар худди тонг шафағида ёнгандек милтиллаб нур сочарди. Агар диққат билан қулоқ солинса, борлиқ секин-аста уйқудан уйғонаётганлигини эшитиш мумкин. Бу пайтда юлдузлар қандайдир ғалати товуш чиқаради, бу товуш одамларни аллалагандай бўлади...

Шу кеча Талгук ҳам ухламади. Эркакларнинг эртага қиладиган сафари уни кенжа ўғлидан ҳам кўпроқ ҳаяжонлантирди. У ҳам у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилар, эрига бехосдан тегиб кетмасликка ҳаракат қиларди. Барибир тегиб кетди. Касказик кўзини очди-ю, қимирламади. Фақат сўради:

— Тонг отиб қолдими?

— Йўқ, ҳали бор,— шивирлади Талгук эрининг бўйнига суйкалиб.

— Нима, ухламадингми?

— Йўқ.

— Нега уйқунг келмаяпти? Совуқми?

— Йўқ, совуқ эмас.

— Ундай бўлса ухла,— Касказик шундай деди-ю, орқасига ўгирилиб олди.

Буғу териси иссиқни анча вақт сақлаб туради. Фақат нафас олаётганда бурнингга муздек шамол тегади. Талгук уйқусизлиги сабабини тушунтириб ўтирмаслик учун сўради.

— Болаларимиз нега алоҳида яшашлари керак? Иккита уйнинг нима кераги бор? Нега иккита қозон осилиши керак?

Касказик шунча йил бирга яшаган хотини кечаси бундай кўнгил ёзишини сира кутмаганлиги учун ажабланиб бутун гавдаси билан сесканиб кетди.

— Гапиришдан олдин ўйлаб кўрсанг бўларди.— Мулойим жавоб қайтарди Касказик. Ёнида ётган хотиндан ўтаётган ҳарорат унинг жангари характерини юмшатган эди.— Ўзинг биласан, атиги битта чайлали манзилгоҳ манзилгоҳми? Аввал бизнинг манзилгоҳ худди қуш уясига ўхшарди. Шовқин-сурон, кулги, итлар вовиллаши. Энди иккита чайла бўлса ҳам манзилгоҳимиз ўзимизники бўлади. Уруғ манзилгоҳи.

Талгук ўзи бошлаган гап қандай тугашини биларди. Лекин мамнун эди, чунки мақсадига эришган, эри бу суҳбатга қўшилиб, Талгук уни нега уйқуси келмаётганлигини билмоқчи бўлганлигидан чалғитганди.

— Ухла,— Касказик эрталабгача қимир этмай ётди...

Ота-оналар чайласи чеккада қорайиб турарди. Баҳайбат қарғалар арчаси мовий осмон билан тутшиб кетган, шохлари катта юлдузларга тегиб тургандай туюлгани учун улкан қўнғироққа ўхшарди. Йўлаксиз чайлага ўхшаш катта уяда ётган итлар қор гичирлашини эшитиб сергақланди, бироқ келаётган одам бегонамаслигини пайқаб яна мудрай бошлади.

Икилак омбор атрофида айланиб юрди. Ҳамма нарса кўнгилдагидайлигига ишонч ҳосил қилгач, яна чайлага қайтди. Наукун бемалол ҳуррак отиб ётарди. «Ҳадемай тонг отади. Ёруғликдан қўрқувчи милкилар кетиб бўлган. Яна бир оз ётай»,— Икилак ечинмай, доха тагига кирди.

Боши ёстиқ ўрнидаги латта-путтага текканида қардандир майин жаранглаган овоз келди. Бу овоз тит-

рар, борган сари кучайиб борарди, бу осмон: ухла, ухла, деб аллалаётгандек эди.

— Хоҳ, бу ҳали ҳам ухлаб ётибди-ку!

Икилак акаси нега бунчалик норози эканлигига аввалига тушунмади, бошини базўр кўтарди. Наукун елкасига буғу дохасини ташлаганча ўз ўрнида ўтирарди. Йўгон ёғли сочи ёнига осилиб тушган эди. Наукун чилимни лаззатланиб сўрди, хуморини ёзиб, аста ингичка тутун қайтарди. Шифтдаги тирқишдан ёришган тонг нури мўраларди.

Акасининг ўтириши тоқатсизланаётганини кўрса-тиб турарди. Икилак акаси нима қилмоқчи эканлигини биларди. «Ўзи олов ёқса бўлади-ку. Энди жаҳл билан ҳеч нарса қилмайди». Икилак иссиқ ўринни ташлаб кетишини истамади. Лекин туриш керак.

У дик этиб турди. Пичоқни топиб, пайраҳа ёқди, қайин бўлакларидан тараша қилиб ўчоққа қуруқ ўтин қўйди. Кейин чақмоқ тоши олиб келди. Тошни иккинчи марта урганида яхши учқун чиқди. Учқун замбуруғ бўлагига тушиб, уни тутатай деди. Икилак тутаетган жойни пуфлади. Олов кучайиб, тирноғдек чўққа айланди. Икилак пуфлашда давом этди, кейин чўғни ўчоққа, пайраҳалар остига қўйди. Чуқур нафас олиб яна кучлироқ пуфлади. Чўғ атрофга учқун сачратди, қуруқ пайраҳа аланга ола бошлади. Икилак эса аланга катта тарашаларга ўтмагунча пуфлайверди. Олов ёниб кетди. Икилак қаддини ростлаб, оғир бўлиб қолган боши айланаётганини сезди. Бунчалик узоқ пуфлаш керак эмас, — деб хаёлидан ўтқазаркан, эшик томон йўналди.

Наукун эса ҳамон ўша аҳволда ўтирарди.

Отаси буюмларни омбордан чайлага ташиётган эди. Онаси итларни олиб чиқиш билан овора. Улар вовилаб боғичини узиб юборай дерди. Боғланмаган урғочи ит кўппакларни ғашига тегиб ириллар, уларга халақит бериб ёнида кетарди.

Она ёйилган узун сочларини йиғиштириб-йиғиштириб қўярди. Шу туфайли калласи катта, гавдаси кичик кўринар, балоғатга етмаган қизларга ўхшарди. Итлар қўлдан чиқиб кетгудек силтанар, она уларга бақириб, боғични қозиққа боғламоқчи бўларди. Энгашганда ҳар сафар камзули очилиб кетарди. У тизимчани апил-тапил боғлар, бироқ энгашиши билан яна камзули ечилиб кетарди. «Нега ундай, тасмаси калтами? Ёки йир-

тиқми?» — Икилак онаси камзулини боғлашга беҳуда уринаётганини кузатиб турарди. Камзули унинг устида қопга ўхшаб ҳалпилларди. Икки йил олдин, сариқ материалдан янги тикилган вақтда лойиқ эди.

— Нартани оламиз,— деди отаси ўғлига қарамай.

Нартани нишаб девордан аста кўтариб туширишди.

— Арқонни олиб кел.

Икилак омборда думалоқ қилиб ўралган арқонни топди, бу арқонга сербар тери тасмалардан ясалган жиловлар жуфт-жуфт қилиб боғланган эди. Каюрлар одатда арқондан ясалган жиловларни ишлатишади. Лекин бугунги сафар бошқача, шунинг учун уруғ бошлиғи теридан тўқилганини олиб келишни буюрди.

Она еттита нарт кўппакларини олиб чиқиб, кейин дастурхон ёзишга кетди. Наукун тайёргарлик кўришда қатнашмади. Онаси дастурхонга қуритилган балиқ, нерпа ёғи ва қайин замбуруғи — чагадан тайёрланган қуюқ қайнатмани тортганда Наукун ота-оналар чайласига кетганди. Чой Ке-во аҳолиси учун анчадан буён тансиқ нарса эди.

Нонуштадан сўнг баданига иссиқ югурган одамлар чайладан чиқиб, аввалига совуқни ҳам сезишмади.

Касказик тўсинга боғланган жиловнинг учини тортди. Талгук ялинган оҳангда:

— Урғочи итни қўшиб қўй,— деди.

Касказик шартта ўгирилди:

— Фақат сендан чиқади бундай фикр. Фақат сендан эшитиш мумкин бунақа гапни.

— Урғочи ит бақувват. Йўл бўлса олис, қор ҳали қалин ёққанича йўқ, йўл оғир,— бўш келмади Талгук.

— Учир! — газаби қўзиган Касказик хотинини ҳайдамоқчи бўлиб, қўлига дуч келиб қолган оғир найзани кўтарди. Узини ҳурматини билган қайси каюр урғочи итни аравага қўшади? Айниқса, бунақа сафарда. Урғочи ит эса бу орада ғингшиб, боғичдан чиққудек бўларди. Одатда уни боғлашмасди. Ит манзилгоҳ атрофида у-бу тамадди қилиб юргувчийди. Ахир эрталаб боғлаб қўй, оёқ остида ўралашмасин, деганди-я.

Чол жаврар, чап қўлидаги жилов эса беихтиёр бўшаб бораётганди. Итлар бараварига шартта олдинга интилди. Мувозанатини тутиб қололмаган Касказик ёнбошига йиқилди. У жаҳл аралаш сўкинди-да, темир учли найза дастаси устига ётди. Олдинда тик қиялик

бўлиб, улов тўхтатилмас, муз тепаликка урилиб парчаланар ёки орқадаги итларни босиб кетиши мумкин эди.

Икилак ўгирилиб қаради: қор босган пастак чайла олдида Талгук турар, Наукун бўлса кузатишга ҳам чиқмаган эди.

Нарта энди дарё ёқасига тушган ҳам эди, ёнгинадан урғочи ит ўтиб қолди. У узун думини ликиллайтиб олдинда югурарди. Кўппаклар етиб олиш учун тезлашишди, нарта қияликларда сакрай бошлади.

— Ҳаҳ, лаънати итлар! Музга урилиб пачақларнинг чиқади-ку! Мунча ошиқасанлар?— бақирарди Икилак.— Ҳолдан тоясанлар, ахир, бунақала!

Қарғалар бараварига арчадан кўтарилиб нартага етиб олди ва анча вақтгача унинг тепасида қора булут янглиқ кузатиб борди.

### XXX боб

Қортепалар йўл берсин сенга чекиниб,  
Юмшоқ қорлар бўлсин қаттиқ поёндоз.  
Йўлда оёқларинг чаққон бўлсин, деб,  
Сенга атаб мукки тикаман.

Энг пишиқ қатим-ла чокин тикаман,  
Энг мунис сўзларни пинҳон тутмайман.  
Йўлда оёқларинг чаққон бўлсин, деб,  
Сенга атаб мукки тикаман.

Олис йўлда дучор у бўлмасин деб ғам,  
Қадимий нақшлар жойлайман бу дам.  
Йўлда оёқларинг чаққон бўлсин деб,  
Сенга атаб мукки тикаман.

— Яхши ашула!— деди завқланган Музлук Ланьгук куйлашни тугатгач.— Ҳамма ашулаларинг таъсири.

Ланьгук янғасининг самимий мақтовидан уялиб, янаям жадал иш тикишга берилди.

Саккиз кун бўлдики, Ланьгук отаси ва акаларидан яширинча торбаз тикади. Эркакларнинг буғу панжа торбази. Музлук мўйна танлашда ёрдамчи. Тўқ жигарангларини ажратиб олишди. Оппоқлаб силлиқлашди.

Қандай гул солишни уч кишилашиб маслаҳатла-

шишди — онаси ҳам ёрдамлашди. Тепасига катта нақш туширишди, пастроғига дона-дона қилиб оқ ва қора камуслар тикишди. Яқинда чиройли йигит, эпчил, омадли овчи Икилак келиши керак...

...Авайлаб тикдим аждодлар каштасини...

Қадимий нивх нақши сени ҳар хил балолардан асрасин...

Дарёдаги қор кафтдай текис. Фақат у-бу ерда қотиб қолган қировлар дўппайиб кўринади. Қор ёпиш-қоқ. Чана салга ағдарилиши мумкин. Юк оғир, нар-та силкиниб, ғадир-будирликда сакраб-сакраб илгарилайди.

Тўртинчими, бешинчими муюлишда Касказик олдиндан билгандек чана юриши секинлашди. Кўппакларнинг биқини лорсиллаб, пўкилар, тиллари ҳўл латтага ўхшаб шалвираб тушган. Урғочи ит думини ликиллатиб, атрофдан кетмас, бошқа итларнинг ғашига тегарди.

— Ҳайт,— койинди Касказик,— шошмай тур, сеними!

У тормоз берди. Кўппаклар шу заҳоти тўхтаб, ховур чиқаётган оғизларини қорга тикди.

Касказик урғочи итни чақирриш учун қўлини узатди-ю, шу заҳоти нима деб чақирришини билолмай, ҳайрон бўлиб қолди. Тўртинчи қиш у итга ҳеч ким от қўйишни ўйламаган эди. Чунки у хўжаликда керак бўлмаган эди. Фақат бўлажак юккаш итлар туғиб беришни биларди холос.

Урғочи ит Касказикнинг ниятини тушунди. У нарироққа қочиб кетди-да, кейин бир қараб қўйди. Касказик узатган қўлида балиқ суягини ушлаб турарди. Алдаяпти. Ит тумшугини ялаб, думини ликиллатди, хавотирда яқинлашди. Аста, эҳтиёт бўлиб, қўлга бўйнини чўзди.

Касказик эса эркалаб чақирди.

— Мана сенга балиқ. Мазали балиқ. Ма, ол, е.

Қўл узоқлашди. Димоққа иштаҳани қитиқловчи ҳид урилди. Оғзида сўлак пайдо бўлган ит кичик бир қадам ташлади. Яна бир қадам ташлади. Оёқлари титраяпти. Боши узра иккинчи қўлнинг ёзилган бармоқларини кўрди. Кўзи алағ-жалағ. Балиқ суягини бир сапчиб олди-да, кўз очиб юмгунча бўлмаёқ қирғоқ томонга ўқдек отилиб, буталар орасига яширинди. Буни қизиқиб кузатаётган нарта итлари букчайганича ур-

гочи итнинг кетидан югургилашди, бироқ жиловларини чигаллаштиришди, холос.

— Ҳаҳ, каллаварамлар! — чол аламда ҳеч қандай айби йўқ кўппакларни тешкилади.

Икилак ичида отасининг ишига кулиб қўйди.

Касказик кўппакларни қаттиқ нари суриб, жиловларни тўғрилагач, бақирди:

— Та-та!

Чана юриб кетди. Кўппаклар ўгирилиб, қирғоқ томонга, буталар орасида емиш ғажийётган урғочи итга қараб-қараб қўя бошлади. Бир неча муюлишдан сўнг чана яна секинлади, жон ҳолатда бўйинтуруққа суянган кўппаклар базўр нафас оларди. Каюрнинг раҳми келди:

— Порш!

Кўппаклар тагин қорга ётди.

Касказик ўгирилиб қаради.

— У мендан қўрқяпти. Сен уриниб кўр.

Икилак нартадан сакраб тушиб, яна йўлга тушишни пойлаб, бир чеккада ўтирган урғочи итнинг ёнига борди. Йигитни кўрган ит қорга чўзала тушди-да, қулоқларини итоаткорона осилтириб иршайди. Икилак ёлидан чангаллаганди, йигит билан ёнма-ён одимлашга тушди. Касказик итга пишиқ жилов эмас, балки оддий бўйинча боғлади-да, уни жазо сифатида серка итга тиркаб қўйди:

— Энди қочсанг сийлаш йўқ. Қўлга тушдинг-ку, Ҳозир жонингни киритиб қўяман. Ҳеч бир азайимхон билмаган қийноқларни солайки бошингга.

Касказик олдинда кетаётган урғочи итни кўрган кўппаклар унга етиб олиш учун нартани кучлироқ тортишини яхши биларди.

Чол кўндалангига оёқ ташлаб ўтириб найзани олди. Итлар сесканиб, юришни тезлатди. Урғочи ит чанани бор кучи билан тортарди. Қор ичидаги чана қумга ботиб қолгандай оғирлашган, қор қалин жойларда урғочи ит зўриқишдан ўтириб қолар, орқа оёқлари майишиб титрарди.

Каюр анча вақтгача дам олмади. Итлар секинлашди, лекин чол бақириб найза силкитганди, улар чанани илдам торта бошлади. Бунақа оғир ишга ўрганмаган урғочи ит бошқалардан олдин халлослар, оёгини аранг кўтариб босарди.

Албатта, ҳар бир тушунган каюр урғочи итни чана-

га қўшмайди. Умуман, ҳаммасига Талгук айбдор. Атайлаб чиқариб юборди. Ҳа, нодон кампир миясини еб қўйибди. Энди истасанг-истамасанг чанага қўшиш керак. Яхшики, бегоналар кўрмаяпти.

Касказик хотинини койир, лекин қалбидан бошқа бир нидо келарди: эрига, ўғлига оғир сафарда ёрдам бермоқчи бўлиб хотини мана шу яхшиликни қилдику.

Кун кеч бўлиб, охирги муюлишдан сўнг А-во манзилгоҳи кўринганда чол нартани тўхтатди-да, урғочи итни қўйиб юборди. Ит сеvingанидан акиллаганча узун думини ликиллата-ликиллата яна чананинг олдида югура кетди. Толиққан, аранг оёқ кўтариб босаётган кўппакларга жон кирди, жиловлар таранглашиб, нарта жадал ела бошлади.

### XXXI боб

Кичкина А-во манзилгоҳи меҳмонларни шу ерлик итларнинг худди қутургандек қаттиқ вовиллаши билан кутиб олди. Лекин итлар ғазабли вовилламасди. Улар аксинча, қизиқиш ва хуришга ниҳоят сабаб топилганлигидан қувонаётгани сезилиб турарди. Бу ёқларга сдам камдан кам келарди. Ҳар ерга тарқалиб кетган ўз ҳамюртларини кўриш учун қийин сафарга чиққан каюр бу пастқам тайга қишлоғида хориган итларига дам бериш ва А-во аҳолиси билан уруғ тилгурлари — ривоятлар ва афсоналар айтишув учун тўхтаб ўтади, холос.

Катта чайладан букчайган чол чиқди. Бу Авонглар уруғи оқсоқоли Эмрайн эди. У четлари сариқ гулдор ҳаворанг мато чопон кийган эди. Сийрак оқ сочлари ингичка ўрилган. Чол келгиндиларга тикилиб қаради. Кетма-кет унинг икки ўғли — Хиркун ва Лидяйн чиқишди. Иккалови елкаларига гулдор чопон ташлаб олишган эди.

Уларнинг орқасидан икки ёш аёл ўтди. Бирини жуда ҳам ёш эди. Ланьгук. У Икилак билан кўз уриштириб қизариб кетди, худди юзига мўндидан брусника ширасини сепиб юборишгандек бўлди. Қиз чайлага югургилаб кирганида, орқасидаги сочлари қанот каби силкинди. Ланьгукдан кейин секин бошқа аёл ҳам қайрилиб, кўздан ғойиб бўлди. Бу Хиркуннинг хотини Музлук эди. «Ҳаммалари ота-она чайласида йиғили-



шибдими, демак, чой ичиб ўтиришган экан-да»,—  
ўйлади Икилак.

Эмрайн бақирганди, итлар ҳурмай қўйди. Баъзиларигина урғочи итни кўриб ирилларди. Боғланмаган кўппаклар бир-бирини туртиб, урғочи итга суйканишарди. «Ҳа, ярамас! Безбет! Дарров етиб кела қолдингми?»— ичида койирди уни Касказик, бу ёқдагиларга эса ўзини оқлагандай бўлиб:

— Нартага эргашди. Ҳайдаб юборсам ҳам бўлмади. Бутун йўл бўйи халақит бериб келди,— деди.

Эмрайн, оқсоқланиб яқинроқ келди.

— Йўл қалай? Оғир бўлган бўлса керак-а?

Лидяйн секин Хиркундан сўради:

— Ланьгукни олиб кетгани келишмадимикин?

— Қаёқдан билай, ҳали гаплашганимиз йўқ-ку. Доим шошилсан. Бор, хотинларни чақириб кел, юкларни тушириб, итларга овқат беришга ёрдамлашишин.

Лидяйн зимдан ўпкали қараб қўйиб итоат этди. У эшикни очишга улгурмаёқ ичкаридан Псулк, Музлук ва Эмрайннинг укаси Кутан, уруғ азайимхони чиқиб келишди.

Икилак баданини иситиш учун елкаларини қимирлатар, қўлларини силкирди. Шамол йўқ бўлса ҳам совуқ бадан-бадандан ўтиб кетган эди. «Яна бир оз кутай, бармоқларга иссиқ ўтсин, кейин итларни бўшатаман». Лекин у бу иш билан шуғулланмади. Эмрайннинг хотини япасқи юз Псулк ва у билан бирга Хиркуннинг барваста хотини Музлук келиб қолишди.

— Во-о-й,— кулди Псулк кенжа Кевонгни кўриб.— Кап-катта, чиройли йигитча бўлиб қолибди-ку.

Псулк катта-катта ва дадил қадам ташлаб, чана ёнига келди. Олдинига хотинларни ётсираб кутиб олган нарта итлари эпчил қўлларга итоат этиб жим бўлди.

Кечқурун, чойдан сўнг одат бўйича айтишув бошланди. Меҳмонлар ўз тилгурларини айтиб беришлари керак. Йиғилганлар обдан чекиб бўлишгач, Касказик қисқа ҳикоя айтиб берди.

Уч овчи — куёвлар уруғига мансуб имхи ва қайнота уруғи одамлари — икки ахмалк тайгага тузоқ қўйгани боришибди. Имхи камбағал, уйланмаган экан. У қалин учун сувсар тутиши керак эди. Ахмалклар эса бой оиладан бўлиб, уларда эркак овчилар кўп

ёкан. Имхи агар ови ўнгидан келса, ахмалкларнинг синглисига уйланарди.

Овчилар тепаликка чиқиб, чайла қуришди, тузоқлар қўйишди. Имхи — ўттизта, кенжа ахмалк — элликта, катта ахмалк — уч юзта тузоқ қўйишди.

Бир кун ўтди, икки кун ўтди. Овчилар тузоқларни текшириб кўргани келишди. Биронта тузоққа ов илинмаган эди.

Овчилар Пал-изнга назр: тамаки, сарана илдизлари олиб келишди. Катта ахмалк деди: «Олижаноб инс-жинс, менга раҳм қил, қара, қанча тузоқ қўйиб қийналиб кетдим».

Эртасига эрталаб овчилар тузоқларни текширишга боришди. Жарлик ва тепаликдан юра-юра бир жойга боришганда, чиройли қизни кўриб қолишди. У «Кить, кить, кить!» деб чақирарди. Қиз тепалик ёқалаб борар ва: «Кить, кить, кить!» — деярди нуқул. Шунда ҳамма жарлик ва тепаликлардан сувсарлар чиқиб, гўзал қизни ўраб олибди-да, у билан бирга бораверибди. Қиз эса сувсарларга нимадир ташлар, сувсарлар уни илиб оларди.

Овчилар ағрайиб қолишди. Улар ўрмон гўзали Тайхнад<sup>1</sup>нинг қизи тепалик ёнбағрида сувсарлар билан кетаётганини кўриб туришарди. Тайхнаднинг қизи тепалик ёнига келди-да, кўздан ғойиб бўлди қолди.

Шундан сўнг яна бир неча кунгача тузоққа сувсар илинмади. Овчилар тепалик ва жарликларда айланиб, тузоқларнинг жойини ўзгартиришди, бироқ барибир ўлжадан дарак бўлмади.

Кечқурун улар омадсизликларни ўйлаб ўтиришганда, тепаликдан кимдир чайла томон тушиб келди. Овчилар бошларини кўтариб, улар томонга мўйсафид чол келаётганини кўришди. Чол ётоққа кириб ўтирди. «Ух-ух-ух, — нафасини ростлади у, — омадингиз келмай, қийналаётганингизни кўриб турибман. Раҳим келяпти, шунча уринсанглар ҳам тузоққа ўлжа тушмаяпти».

Овчилар ҳузурларига тангри Тайхнаднинг ўзи келганини англашди.

Чол деди: «Эртадан бошлаб сувсар тузоғингларга келади. Сизлар ўлжа тутинглар, мен эса териларини шилиб қуритавераман». Овчилар қандай миннатдорчи-

<sup>1</sup> Тайхананд — ер юзида тирик мавжудотни яратувчи.

лик изҳор этишни билишмасди. Улар меҳмонни тўйдириб, ётқизишди. Имхи ўйлади: «Лоақал тузоғимга йигирмата сувсар юборсанг. майлийди. Қалинга етармиди балки». Имхи шуни ўйлаб, шу хаёл билан ухлаб қолди.

Кенжа ахмалк хаёлидан ўтказди: «Мен йигирма бешта сувсар тутсам майлийди. Шунда ота-онам мени овчи деб ҳисоблашарди». Кенжа ахмалк шу фикрни ўйлаб, шу хаёл билан ухлаб қолди.

Тўнғич ахмалк эса ўйларди: «Тайхнаднинг ўзи ҳузуримга келибдими, бошимга бахт қуши қўнгани шу». Ахмалк шундай хаёл билан ухлаб қолди.

Эрталаб овчилар барвақт уйғониб, тузоқларни текширишга боришди. Буни қарангки, ҳар қайси тузоққа биттадан сувсар илинганди.

Имхи: «Тузоқларни йиғиштириб олиш керак. Агар шундай илинаверса, териларни шилишга улгуролмай-миз»,— деб ўйлади. Кенжа ахмалк ҳам шундай хаёлга борди.

Тўнғич ахмалк эса: «Сувсар шундай тутилиб турса, жон кошки! Мен кўп тузоқ қўйганман!»— деб ўйлади. Ахмалк ўз тузоқларини яна қайтадан қўйди. Қопдаги ўлжаларни эса, бир неча кун давомида чайлага ташиди.

У сувсарларни элтиб қўйгунча, ҳамма тузоқларга янги ўлжа тушарди.

Чол ўшанда шундай деди: «Бунчалик кўп тутиш керак эмас, мен терисини шилишга улгуролмаяпман. Улар бузилиб қоляпти».

Ахмалк ҳеч нарса демади. Тузоқларни ҳам олиб қўймади. Сувсарлар шунчалик кўп йиғилдики, уларни сақлайдиган жой қолмади.

Чол яна шундай деди: «Бунчалик кўп муқаддас ҳайвонларни тутиш керак эмас, улар бузилиб қолади».

Ахмалк: «Чол менинг ов қилишимга фақат ҳалақит беряпти»,— деб ўйлади. Тайхнад пихтани йиғиб, гулхан ёқини хуш кўрмаслигини у биларди. Пихта ёнганда шундай чирсиллайдики, бошни оғритиб юборади.

Ахмалк билдирмай пихтани кесиб келиб, яширинча гулханга ташлади. Гулхан аланга олиб, чирсиллади. «Чарс-чурс!» қилиб ёнарди олов. «Ҳай-ҳай-ҳай!»— дея чўчиб кетарди Тайхнад. Кейин чол индамай, қалпоғини кийиб, чайладан чиқиб кетди.

Эртасига эрталаб овчилар шовқин овозини эшитишди, худди ўрмонда шамол эсаётгандай эди. Шу пайт овчилар тепаликда ўрмон қизи кетаётганлигини кўриб қолишди. «Қиз «Кить-кить-кить» деб чақириб борарди. Яна ҳамма жарлик ва қияликлардан сувсарлар чиқиб, гўзал қизни ўраб олди ва у билан бирга кетишди. Қиз эса ҳамон «Кить, кить, кить» деб чақирарди. Шунда катта ахмалк омборларида сақлаётган сувсарлар тирилиб, қизнинг олдига чопиб кетаётганини кўриб қолди.

Тўнғич ахмалк бошини чангаллаганча: «Сувсарлар! Сувсарлар! Менинг сувсарларим!» — дея бақириб чопарди.

Ахмалк узоқ югурди. Лекин қаёққа ҳам борарди? Қиз ҳар қадам ташлаганида бирор тепалик ошарди. Сувсарлар галаси ҳам ёнида.

Овчи сувсарлар орқасидан югурди. Имхи ва кенжа ахмалк жарлик ва даралар узра: «Сувсарлар! Сувсарлар! Менинг сувсарларим!» — деган овозни анча вақтгача эшитиб туришди.

Улар манзилгоҳга қайтиб келишди. Имхи ота — ахмалкка қалин бериб, хотинни олиб кетибди. Шундан сўнг тайгадаги мазкур воқеа ривоятга айланиб кетди.

Касказик ҳикоясини тугатар-тугатмас, Музлукнинг овози эшитилди.

— Шундай бўлиши керак эди, битта очофат камайибди.

Икилак отасидан бу ривоятни биринчи марта эшитиши. Бошқа, ҳар хилларини отаси илгари айтиб берган, аммо бу камбағал имхи ва очкўз ахмалк ҳақидаги ривоятни Икилак биринчи марта эшитди. Икилак отасининг ҳикоясини эшитар экан, ўша номсиз йигитга ҳаваси кела бошлади.

Эмрайн ривоятга жавобан ҳеч нарса демади. У кекса Кевонгнинг мақсадини тушунди, Касказик ўғлим, сенга айтаман, келиним, сен тингла, қабилида усталик билан очкўзликни қоралаганди...

### XXXII боб

Бир кеча ўтди. Кевонгларнинг янги куни бошланди, эҳтимол бу кичкина уруғ учун энг муҳим кундир. Лекин бу нимаси?

Касказик у билан А-во одамлари ўртасида қандайдир совуқлик пайдо бўлганлигини сезаётганди.

Нима бўлди ўзи, нега бирдан ҳаммаси бундай ўзгариб кетди?

Авонглар билан Кевонглар азалдан қондош уруғлардир. Авонглар— келин томон, Кевонглар— куёв томон. Азалдан А-во аёллари Кевонглар уруғига узатилиб келади. Тўғри, узоқ ўтмиш (бу ҳақда уруғ ривоятларида айtilган) А-во уруғининг баъзи аёллари денгизнинг туманли соҳилидаги Нгаксвонглар уруғига узатилган ҳоллар ҳам бўлган. Лекин камдан-кам. Кевонглар уруғининг ҳаммаси хотинли бўлган вақтдагина (иккинчи хотин олишга ҳамма ҳам журъат этолмасди. Иккинчи хотин ортиқча нонхўр ҳисобланган) шундай ҳол юз берган. Хотинлар етарли бўлгани ривоятларда айtilган. Шунинг учун ҳам аъзолари камайиб кетган уруғнинг бугунги оқсоқоли Касказик «Хўп замонлар бўлган эди...»— дея маъюс ўйлагучийди.

Эҳ, бу ярамас ўғрилар — туманли Нгаксво одамлари! Оташ суви ўйлаб чиқарганга лаънат! Марҳум Сучок бобони ва унинг укаларини ақлдан оздирган ҳам мана шу оташ сув эди! Акс ҳолда, улар лафзларидан қайтишмасди. Нгакс-во одамлари қони тўкилган ўша пайтларга лаънатлар бўлсин. Ўша бир пайтлар Касказик укаси ўлдирилганини кўриб қолиб, тутақиб кетган ва қочиб бораётган қийшиқ юзлига аямай найза санчганди. Ўша кунга лаънатлар бўлсин: қонли интиқом бошлаб берди у кун. Нгаксво одамлари Кевонглар ҳам талофат кўрганини билишмаган эди. Денгизга қайтиб келиб, улар хунрезлик қилишди — ўша ерлик Кевонгларни қийратишди. Бу одамлар уруғ можаросидан кўп анъ муқаддам кетиб қолишган эди. Кеволарни мислсиз адолатсизлик ғазаблантириб юборди. Улар Нгакс-волардан бир одамни ўлдиришган эди, рақиблар эса уч одамнинг ёстигини қуритишибди! Курнг уларни жазоламагани таажжуб! Кевонглар ақллилик қилиб, ғазабдан тушишди. Қонга қон тарзида иш тутишса ўзларига жабр бўлар, бутун уруғ йўқ бўлиб кетарди. Касказик ўшанда вақти келиб ўч оламан, дея онт ичиб қўйган эди. Худога илтижо қилиб ўғиллари кўп бўлишини сўраганди. Улар Нгакс-во одамларидан ўч олади. Бироқ худо Кевонгга шафқат қилмади. Ўша кекса азайимхон ҳақ экан. Ҳозирда у марҳум. Ўшанда

Кевонглар одам қонини тўкиб, оғир гуноҳга ботишди, деган эди...

Курнг Кевонглар ўз ожизлигини сезишган, деб уларни шунчалик камайтириб юборган бўлса ажаб эмас.

Эндиликда Касказикнинг хаёли қонли ўч олишда эмасди. Унинг ўғиллари билан уруғ тугаса— Касказик айбдор бўлади. Ер яшайверади. Гиёҳлар ўсаверади. Юлдузлар ҳам, ҳайвонлар ҳам мавжудлигича қолаверади. Кевонглар уруғи эса ном-нишонсиз йўқолиб кетади. Худди шу фикр Касказикка тинчлик бермасди. У қаерда бўлмасин, овдами, балиқ тутишга борганидами, хотини билан иссиқ чайлада ухлаб ётгандами — ҳарвақт шу хаёл уни таъқиб этиб юарди.

Ланьгук албатта Наукунга хотин бўлиши керак эди. Одат бўйича аввал катта ўғилларни ўйлантиришди. Бироқ Касказикнинг хоҳиш-иродаси билан Ланьгук Наукунинг укасига хотин бўлади. Касказик бу қарорга Икилакни кўпроқ яхши кўргани учун келгани йўқ. Унинг ўз режалари бор эди.

Ўшанда Касказик ўғилларимга иккита эмас, учта хотин топа оламан, деб умид қилган эди. Ланьгук ҳеч ёққа кетмайди, у туғилмасидан Кевонглар уруғига атаб қўйилган. Наукун Икилақдан етти ань катта. Касказик ҳозирча куч-қувватга тўла экан, манзилгоҳларни айланиб чиқади, ота-боболарининг қадами етмаган энг чекка манзилгоҳларга ҳам боради, иккита хотинни, унчалик ёш, унчалик чиройли бўлмаса ҳам, букур бўлса ҳам иккита хотинни албатта топади. Икилак ва Ланьгук катта бўлишгунча Наукун иккала хотиндан бир неча ўғил кўради! Бир неча ўғил! Шу тарзда Кевонглар шажараси янги томир отади!

Мана шу сабабли, ўн икки ань муқаддам Касказик А-вога кенжа ўғлини олиб келган эди. Ўшанда болаларнинг оёғини очиб, гиёҳ билан боғлаб қўйишган. Икилак ва Ланьгук шу тарзда рамзий боғланишганди. Бу маросимдан кейин Ланьгук умуман Кевонглар уруғига мансуб эмас, Икилакники бўлиб қолган эди.

Касказик ўз режасини қатъият билан амалга оширишга ҳаракат қиларди. Кузги сафарлардан қайтиб келгандан сўнг у чайлада бир оз ушланиб қолди. Яна хотини ва болаларини ташлади-да, итларни чанага қўшиб, манзилгоҳма-манзилгоҳ сари йўл олди, қор музлагач, қайтиб келди.

Узоқ чўзилган, фойдасиз сафарлардан қийналган

чол хотинининг саволчан нигоҳига гуноҳкорлардай қараш билан жавоб қайтарди. Шундай дамларда бу ўзбилармон одам ночор бўлиб қоларди. Талгук ҳеч нарсани сўрамасди, фақат эрига раҳми келиб, нивх хотинлари сингари кечириб кетаверарди.

Касказик олис сафарларга борганда бошқа уруғлар ҳам йўқ бўлиб кетиш арафасидалигини тушунди. Айрим манзилгоҳларда фалон уруғда бир неча ань аввал йигирмата одам бор эди, энди атиги олти кишигина қолди, дейишарди. Писмадон уруғда бор-йўғи уч киши қолган. Касказик, нивхлар қирилиб кетяпти, деган фикрдан ваҳимага тушарди.

Қушлар об-ҳаво ўзгаришини олдиндан билгандай, нивхлар ҳам фалокатни сезиб қолишди ва ўзларича эҳтиёт чораларини кўришди. Биронтасида қиз туғилиб қолса, шу заҳоти гиёҳ боғлаш маросимини ўтказишар, айримлар эса иккита, учтадан хотинга уйланишарди. Лекин бу йирик уруғларнинггина қўлидан келар, бадавлат уруғларгина кўп қалин беришга қодир эдилар.

Касказикнинг кичкина уруғдан эканлигини билишгач, ночор ва қашшоқ имхи кимга ҳам керак, қабилда у билан гаплашишни ҳам хоҳлашмасди.

Давр кекса-Кевонг режаларини ана шу йўсинда пучга чиқараверди. Касказик тўрт ань аввал, Ланьгук фарзанд кўриш ёшига етганлигини билгач, хотинига балиқ овлайдиган олис жойга кетмоқчилигини айтдида, А-во манзилгоҳи томон йўл олди. Қариялар ўртасида суҳбат бўлди. Касказик ўша суҳбатни ҳануз сўзсўзигача эслайди. (У илтижо билан): «Нгафкка, гиёҳ маросимини ўзим қилганман, уни ўзим бузаман. Қизингни менга бер: у Наукунга хотин бўлади». Эмрайн (сергакланиб): «Уруғ маросими бузилсин деб қаерда айтилган?» У (овози пасайиб, қаттиқ туриб): «Менинг бахтсиз уруғим тезроқ мустаҳкамланиб олсин учун шундай қилиш керак». Эмрайн (чўчинқираб, талвасада): «Курнг дарғазаб бўлиши мумкин». У (ҳамон ўша илтижо билан): «Курнг уруғимни аямади. Не-не фалокатлар ёғилмади! Энди раҳм қилса ҳам бўларди». Эмрайн (авалгидек чўчиса ҳам аммо қатъий): «Йўқ! Мен Курнгнинг ғазабига учрашни истамайман! Энди менинг уруғим бошига ҳам сенинг қисматинг тушини хоҳлаяпсан».

Касказик кайфиятсиз қайтиб келди. Уйдагилар тўрга балиқ илинмаган бўлса керак, деб ўйлашди. Ма-

на энди тўнғич ўгли ҳаётлигига қарамай, Ланьгук кенжа ўглига узил-кесил хотин бўлмоқчи.

... Касказик тахлоглиқ кўрпа устида орқага суяниб, ўриннинг четида энгашган кўйи ўтирарди. Ўгли ҳам худди шундай ҳолатда чордона қурди. Чол тамаки келтириб беришларини кутарди. Эмрайн узатган тамаки халтачасини унинг кенжа ўгли Лидяйн меҳмоннинг тиззасига қўйди. Мезбонлар меҳмонни махтал этаётганлари Касказикка ёқмасди. Меҳмондўстлик қоидаси бўйича овқатланиб бўлган ҳамоно тамаки халтачаси меҳмонларнинг олдига қўйилгучийди. Касказик камзулига қўлини тиқиб, қўлтиғи тагидан трупкани пайпаслаб топди-да, уни тамаки барги билан тўлдирди. Тамаки халтачани эса ўглига узатди. Икилак ҳам трубкани тўлдириб, ўчоқ олдига келгач, чўғланган бутоқчани отасига узатди. «Бу қанақаси? — тутоқарди Касказик. — Имхи уруғи одамлари билан наҳотки шундай муносабатда бўлишса! Нима бўлди ўзи?»

Ўчоқ олдидаги аёллар индамай кийим ямаб ўтиришарди. Аёлларнинг майда-чуйда юмушларига кундузи вақт етишмасди. Эркаклар аста чекишарди. Уларнинг бўртиқ ёноқ суяклариди аланга шуъласи жилваланарди. Сукунат чўзилган сайин диққатбозлик ортаётгани сезиларди.

Ҳафсаласи пир Икилак тамомила отасига ишониб, ўқтин-ўқтин унга савол назари билан қараб қўярди. Вужудидан хушбўй гиёҳ атри уфураётган Ланьгук тескари ўтирар, бежирим бошчасини қуйи эгган кўйи камзули баридаги гулларни кўздан кечирганча бели баравар қалин сочларининг учини химараркан, болаларча бурнини тортиб-тортиб қўярди. У оиланинг энг кичик аъзоси бўлгани учун ҳеч нарсанинг ташвишини қилмасди...

Икилак Ланьгукка қараркан, уларнинг Қарға арчаси ёнидаги учрашувлари бутун тафсилоти билан кўз ўнгида гавдаланди.

Бу полапон, бу полапон  
Тақдирга тан бериб кутар,  
Бу полапон, бу полапон  
Титратди қанотчасин.  
Ёвуз шамол чайқар иним,  
Ваҳма солар қора тун.  
Мен қўрқинчли инс-жинсларнинг



Эшитаман овозин.

Ерга қулаб тушган қушча  
Сас чиқармай хас-чўп ичра  
Қанотларин йиғади.  
Тақдирига тан бериб кутар,  
Устида човут ёзилиб —  
Қанотидан, қанотидан  
Кетарин патлар учиб.  
Қани кўкка ирғитар зот  
Темир қанот қушчани?

Бу қўшиқ қачон пайдо бўлганини наҳотки унутган бўлсанг, сулув қиз? Утган куз илиқ келди, қуёш чарақлаб турди. Табиат йил фаслларини адаштириб қўйгандек, куз пайти баҳор нафаси эсди. Ҳаво тупроқ исига тўйиниб, кўкатлар кўкламона бўй таратди. Қушлар кўкда, буталару ўт-ўланлар орасида мириқиб, беғам-бегашвиш чирқилларди. Қушлар ўлкамизга ҳадемай совуқ тушиши, бу ерлардан кетиш учун галага қўшилиб учишни ўйламасди. Тонгги ўргимчак ипаклари халинчаги қуёшда жилваланарди.

Ўша йил балиқ мўл йил бўлди. Тими ёқалаб юрсанг ҳар қайси бурунда ошиқич ўрнатилган илгакларга дуч келардинг. Янгигина, оппоқ бу илгакларнинг икки ёнига тилимланган қизил балиқлар маржондек осиб ташланган эди. Дунёда илгакларга осикли қизил балиқлардан гўзалроқ нарса бўлмаса керак! Қуритилган қизил балиқ қуёш нури эмиб, ўзи ҳам бамисоли қуёшнинг бир бўлагига айланар, аёзли кунлари бундай балиқни еган одамнинг ҳам қорни тўяр, ҳам бадани исирди. Нивхларнинг мўл қуёш нури эмган балиғи бўлса бас, улар касал бўлишдан ҳам, бошқа хатарлардан ҳам чўчишмасди...

Ушанда сиз А-во одамлари ҳам, биз Ке-волар ҳам омборларимизни яхши қуритилган хушбўй балиқ билан лиммо-лим тўлдириб олган эдик. Кейин сизлар бизнинг ҳузуримизга қайиқда келдинглар. Эркаклар Пила-Тайхурда осетралар овлаш учун, сен эса мева тергани келгандинг. Ўша кузак Пила-Тайхурда мева роса мўл-кўл бўлган, атрофдаги ҳамма тепаликлар қора, қирмизи, донатор тайга меваси билан қопланган эди.

Кечқурун биз Пила-Тайхурдан йирик, менинг бўйимга бир яримта келадиган этдор осетра тортиб олдик,

манзилгоҳда турган ҳамма одамлар пичоғини олиб чиқишиб роса тўйишди. Сен олдимга келиб, менга саватча тўла мева узатдинг. Кейин кўзларимга термулдинг. Юрагим алланечук уриб кетди. Сен эса тескари ўғрилиб, менга яна бир қараб қўйғач, секин манзилгоҳдан Қарға арчаси томон кетдинг. Беихтиёр изингдан эргашдим. Сен мени нозик қўлларинг билан қучоқлаб, оғушинга тортгандинг, курагимгача қирсиллаб кетди. Мен эса тўнкадай туравердим. Сен кўзларимга тикилар, мен эса бузоқчадай нима қилишни билмай қимтиниб турардим. Сенинг кўзларинг илтижо билан боқарди. Бўйин ва яноқларинг ёнарди. Мен лабларинг майин чўччайганини сездим. Сочларингми, ўргимчак ипаги-ми ажратиб бўлмасди. Уша кузда борлиқ ўргимчак ипагига тўлиб кетган эди. Сени ўпишим керак эди, мен эса сочларингга дудоқ босибман, холос. Сен: «Қулоқ сол,» — дея пинжимга қаттиқ суйкалдинг. Мен нимага қулоқ солишни тушунмабман. Сен кафтимдан тутиб кўксинга босдинг ва «Мана, эшитиб кўр», — дединг. Кафтим юрагингнинг тез-тез, қаттиқ уришини сездим. Сен эса секин ва ғамгин куйладинг:

Бу полапон, бу полапон  
Титратди қанотчасин.

Илтижо билан менга қарадинг. Бир лаҳзадан сўнг аччиғланаётганингни пайқадим.

Ерга қулаб тушган қушча —  
Сас чиқармай хас-чўп ичра  
Қанотларин йиғади.  
Тақдирга тан бериб кутар,  
Устида човут ёзилиб,  
Қанотидан, қанотидан  
Кетарин патлар учиб.

Сен аста куйлардинг. Сўзларинг шундай таъсирли, жозибали эдики, уларни жон қулоғим билан тингладим. Кейин бу қўшиқда қандай маъно бор ўзи, деган фикр миямга урилди. Кўзларингга қарадим. Нигоҳинг илтижолли ва маънос боқарди.

Қани кўкка ирғитар зот  
Темир қанот қушчани?

Бу билан нима деган эдинг?

Шартта бурилиб, манзилгоҳга чопиб кетдинг. Мен эса қолавердим.

Эртасига эрталаб сизлар катта балиқни олиб кетдинглар. Кечаси Пила-Тайхур яна бир осетра инъом этган эди...

Ланьгук, Ланьгук... Қарға арчаси олдидаги ўша боқишларинг қани? Нима бўлди?

— Ҳў! Ҳў!

Чол йўталди. Бир нарса демоқчими? Чайла ним қоронғи. Ҳўдаги олов иланг-биланг ўйноқлайди.

— Ҳў! Ҳў! — чол яна бир йўталди-да, елкасини кескин силкитиб қўйди. Атрофдагилар суҳбат ҳали давом этажagini англадилар. Икки қария ўз фикрларини тушунтириб беришлари керак.

Касказик доно! Кўп нарса қандай гап бошлашига боғлиқ.

— Хў-ш-ш! — деди Касказик чўзиб. Эриган қор суви ўзига йўл излагандек Касказик ҳам ахмалк қалбига йўл ахтарарди.

— Хў-ш-ш! — Инсон эсини танибдики, икки яхши қўшни — икки қадимий уруғ: Авонглар ва Кевонглар яшаб келади.

Ирмоқ ўзига йўл топди шекилли. Касказик нафас ростлади. Кекса Кевонгнинг овози бир маромда эшитиларди:

— Хў-ш-ш!

— Хў-ш-ш!

И-и-и!

И-и-и!

Одат қилгандан буён қуёш кўкка чиқишни,  
Ер юзида майсалар ўсиб чиққандан буён,  
Ўнгулар бўйлаб пайдо бўлганидан ўрмонлар  
Тайханд дарёсига лосослар юборгандан —  
Яшайди икки уруғ, икки қадим қабила.  
Яшайди икки уруғ, икки қадим қабила  
Жон киритиб ўзи-ла водийлар, ўнгуларга,  
Тайгага жон киритиб, иши ва сўзи билан,  
Ўзи билан яшнатиб, безаб буюк заминни  
Яшайди икки уруғ, икки қадим қабила.

Касказик хиёл тетиклашгач, Авонглар оқсоқолига мурожаат этди:

Илоҳий руҳ — Куранг иродаси билан ул  
 Аждодларинг уруғи ахмалк уруғи бўлди.  
 Иссиқ ёз кунларида барқ урган водий каби  
 Гоят қудратли эди, гуллаб-яшнаган эди.  
 Илоҳий руҳ — Курнг иродаси билан ул  
 Аждодларим уруғи имхаларга айланди.  
 Жонажон ҳамсоямиз ахмалаклар эса доим  
 Бизнинг уруғимизга берар эди қизларин.  
 Олис мазгиллардан ҳам хотин олардик, аммо,  
 Энг яхши хотинлардир қуйи мазгил қизлари.  
 Бизнинг Кевонг уруғи кучга тўлди, кўпайди,  
 Ва айланди шохи мўл ҳам қудратли дарахтга.  
 Биз қудратли, енгилмас бўлиб қолардик доим,  
 Аммо биздан юз берди карами кенг маъбудлар.  
 Узинг кўриб турибсан, шарт эмас ўсмир кўзи,  
 Икки шох қолди фақат шундай улкан дарахтдан.  
 Озуқасиз бу шохлар қуриб қолади бир кун,  
 Дарахтни эса кемирар қуртлар.

Ҳамма билган ҳукмдор, мағрур Касказик ҳозир  
 ўзгариб кетган, мункайиб, боши ҳам бўлган, кўзлари  
 юмуқ, овози аянчли ва бўғиқ эди.

Юрак ўз йўлини унутмас асло,  
 Қуёшга интилар майсалар мудом.  
 Унгуларни қоплаб туради ўрмон,  
 Аммо қолмас фақат Кевонг уруғи.

Атроф дилтанг жимжит, Ланьгук аста кўз ёшлари-  
 ни аргарди. Эмрайннинг хотини Псулк жаҳл билан  
 игнани тортиб, ип узилар, уни қайта игнадан ўтказиш  
 қийнарди.

Эмрайн сийрак соқолини асабий тортқилаб, ярим  
 юмиқ кўзларини пирпиратган кўйи ўчоқ олдида мун-  
 кайганча жим ўтирарди. Сал нарироқдаги катларда  
 ака-укалар чўзилишганди: Хиркун хаёлга чўмган,  
 қовоғи солиқ, Лидяйн отасига илжайиб қараб қўярди.

Ланьгук хўрсинди. Яна жимлик, дилтанг сукунат  
 чўкди.

Эмрайн оловга ўтин ташлади, яна жимлик. Ниҳоят  
 у худди оғир юкни улоқтиргандай қаддини рост-  
 лади.

— Дабдурустан кириб келдинглар. Кўнгилдаги-  
 дек кутиб ҳам ололмадик. Ланьгукни эса ўзингиз кў-

риб турибсиз, ундан хотин чиқмайди: йиғлагани йиғлаган. Жуда ҳам ёш ҳали.

— Сабр қиламиз,— деди Лидяйн гапга яқун ясагандай.

«Ҳа, ит эмган,— койинди ичида Касказик.— Жудаям сурбет бўлиб кетибсан. Узимнинг ўғлим бўлганинда бировнинг ишига аралашиб нималигини кўрсатиб қўярдим сенга». Кейин кекса Кевонг хаёлидан: Агар учинчи ўғил кўрганимда, Курнгдан бениҳоя миннатдор бўлардим. Лоақал манави тўнкага ўхшаса ҳам майлийди»,— деган нохуш фикр кечди.

— Икилак эр бўла олармиди? У қандай гўшт топиб келишни ҳам билмайди-ку.

«Яна ўша лаънати. У-ў-ў... Уғлим бўлмаганингга шукур қил...»

— Унинг хотини эртасигаёқ очдан ўлиши мумкин.

— Учир овозингни!— деди ғазабини босолмай Хиркун.

У оилада иккинчи шахс. Укасига ўшқирishi мумкин.

— Эркаклигини исботласин,— деди зарда билан Лидяйн.— Исботласин.

### XXXIII боб

Қани, исботласин... Сатҳи текис оппоқ қорнинг у ер-бу ерида қуришқоқ поялар чиқиб турарди. Ер бағирлаб эсаётган кучсиз шамол пояларни шитир-шитир силкитарди.

Икилак қандай юришни биларди. Бутун ўн ети қиш ва ўн саккиз ёз умрини тайгада яшаб ўтказган. Қаҳратон қиш, жазирама саратон пайтлари ҳам тайгада юрган. Ёмғир қуйиб, зич арча остидан пана топиш иложи йўқ кезлари, гупиллаб қор ёғаётган пайтлар ҳам тайга кезган. Икилак тайгани биларди. Қиш боши, ҳали дўнг ва ўйдим ерларни қалин қор қопламаган пайти тайгада юришдан машаққатлироқ нарса йўқлигини аллақачон тушуниб етган: пиёда бўлсанг, оёгинг қаваради, чангида эса юпқа қор пардаси остидаги кўзга кўринмас ўнқир-чўнқирларга қоқилиб жароҳатланишинг мумкин.

Икилакка қолса, у ўзини қийнаб ўтирмасди. Лекин илож қанча — ахмалклар шуни хоҳлашди. Ўзлари эса

орқада келишяпти. Уларга осон, ҳосил бўлган издан юришмоқда.

Қорга тиқилиб қолмаслик учун оёқни баланд-баланд кўтариб ташлаш керак. Лекин бу хилда узоқ юриб бўлмайди, холдан тоясан. Шунинг учун Икилак дўнгликлардан юришга қарор қилди. Дўнгликларни қуруқшоқ ўтлардан пайқаш мумкин. Ўтга оёқ босанг, ости дўнглик бўлади.

Икилак бир тутамгина ҳажмда қаққайиб турган қурушоқ кўкат устига мўлжаллаб қадам ташлади, кейин иккинчи кўкат сари одим отди. Аммо оёғи кўкат ўртасига тушмай, сирғалиб қаттиқ зирқиради. Икилак оғриқ сезмаган каби тишларини қисган кўйи керик оёқларини баланд кўтариб ташлай-ташлай йўлида давом этаверди.

— Оёқдан ажралишимизни хоҳлаяпсанми? — қичқиришди орқадан.

Бу Лидяйннинг овози эди. Иккилак ўзини эшитмаганга солди. Дунёда Лидяйдан беъмани йигит бўлмаса керак. У ҳеч қачон бировга яхшилик қилмайди. Шунанга одамлар ҳам бўларкан-да!

Мана энди Лидяйн дўнгликларда бораётиб аҳмоқона гап қилди. Икилак жавоб қайтармади. Унинг хаёли тезроқ мана шу расво ёлғиз тепаликдан ўтиб олиш билангина банд. Балиқ тери дағал шими тиззагача нам. Оёқлари музлаб қоляпти.

Учинчи бўлиб Хиркун келарди. У ўзининг қадрига етадиган катта одамларга ўхшаб Икилак осон йўлдан бошлаб бормаётганлигига ҳам, секин юраётганларига ҳам норозилик билдирмасди.

Лидяйн чилим найини сўра-сўра сўлак ютиб одимламоқда. Трубка аллақачон бўшаб қолганига қарамай Лидяйн уни тўлдиришни ўйламас, чунки тамаки тежаш керак бўлиб, буғу тери халтачадаги шаполоқ-шапалоқ маньчжур тамакисини пайпаслаб қўярди. Халтача тўла, шунинг учун кўнгли хотиржам.

Икилакнинг кўкраги ости сиқилиб, жағлари тортишди, қаттиқ чеккиси келиб кетди. Бироқ халтаси бўш. Қурумсоқ ахмалклар сафарга чиқиши олдидан унга тамаки ҳам беришмади. Сафар олдидан тамаки бермаслик — йўлдан ҳориб келган меҳмон олдига чой қўймасликдай гап. Бу одамгарчиликдан эмас. Яна камон ҳам беришмади. Энди фақат найзагагина ишонишга тўғри келади. Агар ахмалклар яхши одамлар бўлиш-

ганда уни тепаликка бунақа вақтда юборишмасди. Хатарли ишда синаб кўришмасди. Йўқ, Икилак қўрқмайди. Лекин борди-ю, тўсатдан...

Икилак, Наукун, отаси — ҳаммалари биргаликда қаттиқ ҳаракат қилишди. Икки қиш сувсар овлашди, қалин йиғишди. Совуқда оч-наҳор қолганларига қарамай, қалин йиғишди. Совуқда оч-наҳор қолганларига қарамай, овни тўхтатишмади. Тўғри, Наукун ўлжаларнинг бир қисмини яшириб қўярди.

Кейинги вақтларда акаси жаҳлдор юрибди. Тўғриям-да, хотинсиз қолади-ю, қувонсинми? Икилакнинг унга раҳми келади, лекин нима ҳам қила олсин!

— Э-й!

Бу яна Лидяйннинг овози. Қанақа одам ўзи у — тайгада кетаётганда бақириб бўларканми? Тайгада бақир-чақирсиз, аста гаплашилади. Тайга ҳайвонлар, инс-жинслар макони. Бақир-чақир қимматга тушиши мумкин...

— Ҳой! Кармисан нима бало?

Хўш, унга нима деб жавоб қилиш керак? Агар Ланьгук бўлмаганида, тумшуғига туширарди.

— Қайтиш вақти бўлди,— деган босиқ овоз эшитилди. Бу Хиркун эди.

Маълум бўлишича, тепаликдан ўтишган экан. Икилак тўхтади. У ҳаллослар, пешона терини артарди.

Хиркун бош ирғади-да, қаёққа бориш кераклигини кўрсатиб, ўзи олдинга ўтди.

Ҳозир бўлса, Икилак тепаликка йўл бериш учун бораётгани йўқ, Кевонглар ўғлони емиш дардида кетмаяпти — омборларда емишлари кўп. Ёзда Касказик ҳам, Наукун ҳам, Икилак ҳам, Талгук ҳам қаттиқ ишлашди. Икилак ҳозир ахмалклар топшириғини бажариш учун кетяпти. Айтинг-айтинг, тайга ва ов маъбуди Пал-Изнь марҳамат қилсин-да. Ғор эгаси Кевонгга раҳм қилиб, зора у боргунча жойида турса. Ғор иссиққина, бемалол ухлайвер...

Буталар юзга урилади, шимга чирмашади, эски буғу тери кийимларни юлқийди. Икилак чарчади. Иккала ахмалк ҳам ҳолдан тойишди. Лидяйн бўлса-ку, аранг судралиб келяпти. Икилак буталар ва тилоғочнинг узун шохларини четлаб ўтишга ҳаракат қилади. Чунки шохга тегиб кетсанг, бошингга шувиллаб қор тўкилиши, бўйнингга кириб эриши мумкин. Унда ки-

йим ҳўл бўлиб оғирлашади. Худо кўрсатмасин, учли шохга урилиб кетсанг, кийимим дадала бўлди, дея-вер.

Икилак газабланиб, ахмалкларни ичидагина лан-натларди, овоз чиқариб айтиш мумкин эмас буни. Чунки, русмга кўра уруғнинг барча аъзолари ҳурматланиши керак, уруғнинг энг ахмоқ одами мана шу Лидяйн. Бировга бехосдан'яхшилиқ қилиб қўйса, алам билан тун бўйи ухламай чиқади. Синаб кўриш фикрини ҳам ўша айтган. Отаси гапни дўндирди. Мўйсафид Эмрайн чуқур ўйга толди. Ишнинг пачавасини чиқарган Лидяйн бўлди. Эҳтимол авонглар оқсоқоли қизини Кевонглар уруғига беришга кўниши ҳам мумкин эди. Ҳа, турган гап. Бироқ орага Лидяйн суқулиб, ҳамма ишнинг расвосини чиқарди.

— Бу ношуд хотинини балиқ қилтаноғи билан боқади-ёв ҳойнаҳой! Чайласига айиқ яқинлашса ё ўзи ёки айиқ ўлса ўладики, лекин у ичкарида писиб ўтира-веради...

Шармандалиқ! Нақадар шармандалиқ! Ҳатто Ланьгук ҳам гарчи русм акаларига қарашни ман этса-да, Лидяйнга хўмрайиб қўйди. Лидяйн ёш имхини синаб кўришни талаб қилди. Одатда қалин берилса бас эди. Ахмалкларнинг сафсата сотаётганларига сабаб қизларининг нархини ошириш... Бироқ Кевонглар дурустгина қалин олиб келишган... Эмрайн? «Ланьгук бошқа уруққа кетиши билан осмон узилиб ерга тушмайди» — деди.

Нега кекса Авонг мужмал қилди? «Бошқа уруғ» демасдан, Кевонглар уруғи деявериши керак эди дангал.

Эмрайн бош ирғади:

Чақир.

Тагдор, сирли жаранглади бу сўз. Бош ирғаш ҳам мулойим, ҳурматангиз чиқди. Йўналиши номаълум осмонга қараб бош ирғалганди. Уруғ оқсоқоли Лидяйнга эмас, ёш жиҳатдан кичикроқ Хиркунга мурожаат қилди.

Хиркун шошилмай катдан тушгач, елкасига ит тери пўстинини ташлаган қўйи пастак эшикни итарди. Учоққа гўр-гўр муздек ҳаво урилди.

Эмрайн ҳеч кимга қарамай эски, саҳтиён тамаки халтасини бир чеккага қўйди. Музлук шартта ўрнидан сакраб туриб, халтачани олди-да, уни меҳмонларга



бир-бир тутиб чиқди. Касказик ҳам, Икилак ҳам труб-каларини майда тамаки билан тўлдиришди.

Икилакнинг юзи бўзариб кетди. Меҳмонларга келин хизмат қилиши керак-ку. Куёв келган, қиз унга оёқ-қўли чаққонлигини кўрсатиши керак эмасми? Ланьгук бўлса бурчакда парвойи фалак ўтирибди.

«Бу Авонглар негадир чўзишяпти», — ўйлаб ўйига етолмасди Кевонг.

Хиркун азайимхонга бориб келгунча, уй эгалари ҳам, меҳмонлар ҳам чурқ этмай ўтиришди.

Мана, қор ғарчиллаб, эшик оҳиста очилди-да, ичкарига қақшаткич совуқ билан бирга ўрта ёшлардаги қалпоқсиз, узун соч, давангидай Кутан кириб келди.

Унинг кўзлари эҳтиёткор, саволомуз боқарди. Утган куни кечаси у чайласига тез кетиб қолган эди. Ҳозир бўлса акаси нега чақирганини тушунмай тарадудланыпти.

Эмрайн имо билан ҳурматли меҳмонлар учун ажратилган манзилга бориш кераклигини кўрсатди. Азайимхон четланиб бориб, печка ёнига ўтирди. Хиркун яна отасининг ёнидан жой олди.

Эмрайн ҳеч кимга қарамай, тамаки халтачали қўлини узатди. Музлук яна чаққонлик билан халтачани азайимхонга тутди. Кутан трубкани шошилмай тўлдиргач, ўт олдирди.

Псулк дастурхондаги қотирилган балиқни кесди. Музлук эса сувли катта мис идишни олиб келиб, ўчоқнинг бир чеккасига қўйди-да, бозиллаб турган чўғларни идиш томон сурди. Келган одам кимлигидан қатъий назар, олдин унинг қорнини тўйгазиш керак, русм шунақа.

Азайимхон қаттиқ очиққан эди. Чамаси у бир ўзи яшар, ҳар доим бировларникида овқатланиб кун кўрарди.

У гуё муҳим бир иш бажараётгандай ёлғиз ўзи даҳага кириб кетди. Кейин катта чинни пиёлани тўлдириб тўрт марта чой ичди. Бу пиёлани Эмрайннинг ота-боболари қандайдир маньчжур савдогаридан олган эдилар. Ниҳоят нафсини қондирган азайимхон пишиллаганча дастурхон ёнидан турди. Музлик шу заҳоти тамаки халтачани тутди. Қаттиқ ҳиқичоқ тутган азайимхон ердан қандайдир чўп олиб, уни бошмолдоғи тирноғи билан бўлаклагач, тиш кавлашга киришди. Сўнгра кат четига ёнбошлаб чекди, тамаки

таъсирида роҳатланиб кўзларини қисди. Ниҳоят у нега чақириб келинганини тушунди. Эмрайни гап бошлади:

— Инс-жинслар билан гаплашишни биласан, бизга ёрдам бер. Кузда катта ўғлим яхшигина иморат қуриб битказганди. Бироқ иморатнинг хосияти бўлмади. Қани, айт буюрармикин иморати ўғлимга?

Чақирилиш сабабини билган азайимхон дарҳол ўзгариб, сергакланди. Кейин мужмал жавоб қайтарди:

— Эй, муҳтарам уруғнинг доно ва олижаноб томири! Менга, мен орқали инс-жинсларга мурожаат қилишингга нима мажбур этганини билардим. Эртага саҳарлаб ҳузуримга инс-жинслар келади. Ушалардан сўрайман илтимосингни.

Шундан сўнг у қалпоғини олди-да, еб тугатмаган балиқ қолдиқларини қоқиштириб тўплагач, камзули чўнтагига соларкан, пишиллаган кўйи томоқ қира-қира ташқарига йўналди. Эмрайн азайимхонни кузатиб қўйди...

...Хиркун секингина:

— Энди мен йўл бошлаيمان,— деди.

Икилак уни олдинга ўтказди.

...Овчилар кўздан ғойиб бўлишгач, Ланьгук янгигина чиройли эркаклар торбазини олиб, унинг муздек ялтироқ мўйнасига юзини сурди, қадимий безагига қаради. Шу пайт нақш жонлангандай, ярим одам, ярим ҳайвон қиёфасига айлангандай туюлди. Кейин қиз шивирлади: «Уни ўз паноҳингда асра. Доимо омадини бер!»

Катта-катта булут парчалари қўёш юзини тўсган, борлиқ нурсиз, хира парда билан чулғанганди. Тайга баттар қоронғилашди. Хурпайган асрий тилоғочлар нохуш сукут сақлаб турибди. Табиат ҳатто мана шу баҳайбат дарахтларни ҳам итоатгўй қилиб қўйган. Теваракка ғайри-табиий, дилтанг сукунат чўккан. Шитир этган товуш ҳам, учиб кетаётган қушларнинг чирқиллаши ҳам эшитилмайди. Фақат овчиларнинг нафас олаётгани-ю, юраклари гурс-гурс қаттиқ уриши сезилади, холос.

Хиркун қор босган бутани айланиб ўтиб тўхтади. Бўронда қийшайиб қолган баҳайбат тилоғочга узоқ тикилиб турди. Дарахт тепалик ёнида кўкка бўй чўзган эди. Бақувват илдизлари тепаликнинг тик ёнбағрини тилкалаб, майда шағал-тошларини очиб қўйган

эди. Йўгон, узун илдизларнинг у ер-бу ери шилиниб, захарланганди. Қандайдир бақувват ҳайвоннинг кир-дикори бўлса керак бу.

Хиркун бош силкиди. Икилак билан Лидяйн изма-из сергак келишарди. Хиркун уларга ҳеч нарса дема-ди. Тайгалик ўзи англаб олиши керак. Икилак кўз илгамас қандайдир белгига қараб кавлаб ташланган қор тагида чуқур борлигини топди. Қор тагидан чиқа-риб ташланган меваларни ҳам кўриб қолди.

Хиркун овчиларни нарироққа олиб борди, бу масо-фадан чўчимай гапираверса бўлади. Икилак билан Лидяйнга топшириқ берди. Икилак ёғоч билан уриб, ғор оғзини бузиши ва бир силтаб йиртқични уйғотиши керак. Йиртқич ғазабнок отилиб чиқса овчилар бара-вар: Икилак рўпарадан кўкрагига, Лидяйн эса ўнг-дан биқинига найза санчиши керак. Хиркуннинг ўзи эҳтиёт шарт орқада туради. У ёрдам бериши керак бўлиб қолганлигига ишонч ҳосил қилгандагина ара-лашади.

Икилак бақувват силлиқ шумуртни топиб, пичоқ билан аста кесди, шохчаларидан тозалади. Ёғочни ўнг қўлида, найзани чап қўлида ушлаганча бир-бир ғорга яқинлаша бошлади, унинг кетидан найза ушлаган Лидяйн эргашди.

Ғорга яқинлашган сари юрак қаттиқ урарди. Кийим ҳам торлик қилиб қолгандай, эркин нафас олишга халақит берарди. Мана, бир неча қадамгина қолди ғор-гача. Одимлар секинлашди. Пешонадан тер чиқиб кет-ди. Тер йириклашиб қошга, ундан кўзга тушади, ачиштиради. Ғорни ҳам, дарахтларни ҳам кўриб бўл-майди. Икилак бошини эгиб, найзани қўймаган ҳолда кўзидаги терни артди. Ачишиш тўхтади шекилли.

Ғор оғзига етишди. Қор босибди. Лекин бу қор бошқача. Йирикроқ, ғовак. Қор орасидан юқорига аста буғ кўтариляпти. Яхшилаб қаралса, уни кўриш мум-кин. Ҳозир йиртқич ухлаб ётибди. У одамлар келганини билади албатта. Икилакка раҳм қилади. Йўқса, вақтли уйғонмасмиди? Чиқиб кетса, овчилар уни умуман топишолмас, уйланиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Ҳозир эса йиртқич ухлаб ётибди, Икилакка синовдан ўтишига имкон беряпти.

Лидяйн ўнгдан келди. Икилак унинг кўзи ғалати чақнаб кетганини кўрди. «Қўрқяптимикиан?» Унинг ўзи ҳам сесканиб кетди.

У бир қараб, ҳамма шай бўлиб турганига ишонч ҳосил қилгач, зарб билан таёқни ғор оғзига урди. Таёқ-тупроқни тешиб ичкарига ўтиб кетади, деб ўйлаганди. Бироқ таёқ илдизга теккани учун қўлини зириллатиб юборди. Ўйлаб ўтиришнинг вақти эмас, Икилак яна бир таёқ урди. Таёқнинг учи қандайдир юмшоқ, жонли нарсага теккани аниқ эди. «Оғридимми? Аччиғланма. Мен буни истамагандим. Сени уйғотмоқчийдим холос. Жаҳлинг чиқмасин». Шу пайт таёқ жон киргандай силкинди. Тепалик ҳам ларзага келди. Ифодалаш қийин қаттиқ ўкириш эшитган Икилак ўтириб қолди, сочи тиккайиб, оёқлари титраётганини сизди... Кўз олдидан палахса-палахса тупроқ, қор ўтди, ўнг томонда эса нимадир чеккага интиларди. Икилак қорнинг ғичирлашини эшитмаган бўлса ҳам Лидяйн қочаётганини англади. Шу пайт ғордан ўкирганча йиртқич отилиб чиқди...

Отаси Иккилакка рўпарангда олдинги оёқларини кўтариб типпа-тик турган айиқни маҳв этиш осон бўлади, деб ўргатган эди. Нақ кўкрагига зарба бериш керак айиқнинг. Йиртқич икки оёқда тиккаймаёқ шартта устинга сакраса-чи?...

Ҳаммаси бир лаҳзада бажарилди. Ўлим хавфи айримларни тумтарақай қочирса, бошқаларни шай туришга мажбур этади. Икилак фавқулодда чаққонлик билан найзани шай тутганди, айиқ тўппа-тўғри келиб унинг тиғига урилди. Икилак ёнламаси йиқилиб, найзани юқори ва пастга қаттиқ силтади, айиқ овчи оша тумшуғи билан қорга қулади. Йиртқич кўтарилмасданок Икилак бир сакраб унинг устига миниб олди, кейин қулоғини махкам чангаллаб, тиззалари орасидаги бошини қорга босди. Ҳаво етишмай, нафас йўлига қор тиқилган айиқ жон ҳолатда бўғилиб йўтала бошлади. Тетиклашган йигит йиртқичнинг бошини қўйиб юбормай босиб тураверди. Бу орада етиб келган Хиркун шартта айиқ бўйнига сиртмоқ ташлади. Сўнги бор қаттиқ силтанган йиртқичнинг узил-кесил жони узилганди.

Айиқ устига миниб олган Икилакни кўрган Хиркун ҳайратга тушди. Кейин.

— Қойил, омадли экансан! — дегач, трубкага тамаки тўлдиришга киришди. Унинг қўллари қаттиқ титрар, тамаки ҳадеганда сочилиб кетаётган эди. Ниҳоят у чўзилиб турубкани Икилакка узатди.

Шундан кейингина Икилак Лидяйнни эслади, у дарахтлар орасида қаёққа боришини билмай турарди.

Лидяйн нима юз берганини ҳали ҳам тушунганича йўқ эди. У рўпарасидаги уч қадамча масофада нимадир тиккайгани ва баҳайбат йиртқич ташланаётганини кўрди. Қон тўла ғазабнок кўзлар, ўткир, йўғон-йўғон сариқ тишлар, кўпикли оғиз-у, ўкириш...

Лидяйн кейинги тепаликка етиб олгандагина ўзига келди. Нима бўлди ўзи? Ахир уларни айиқ қуваётган эди-ку! Орқароқда қолдимикин? Зап тез чопаман-да ўзиям! Бир оз кутай-чи. Йиртқич тепаликка чиқа бошлайди, менга бўлса юқорида найза ростлаб туришим қулай. Хўш, қаерда қолди ўзи айиқ? Қочиб кетдимикин? Ё Икилак ўлдирдимми? Ўлдиролдимикин у? Аксинча, йиртқич Икилакнинг бошини мажақлаган бўлса керак-ов. Хиркун-чи? Уни ҳам эзиб ташламаганмикин айиқ? Ёки ҳар қалай...

Лидяйн ўзини зўрлаб, гор оғзига қайтиб келди.

Хиркун билан Икилак ағдарилган дарахт устида ўтириб, индамай трубка чекишар, уни навбатма-навбат бир-бирларига узатишарди. Оёқлари остида айиқ ётибди.

Лидяйн уялганидан ўзини қаёққа қўйишини билмай қолди.

— Бу ёққа кел, — чақирди уни Хиркун. — «Шунинг ўрнига урганлари ёки боплаб сўкишгани яхши эди», — ҳасрат билан хаёлидан ўтказди Лидяйн.

### XXXIV боб

Айиқни учта пичоқда терисини шилишди. Лидяйн индамайгина йиртқичнинг орқа оёғи билан машғул бўларкан, айбини меҳнат билан ювишга ҳаракат қиларди.

Айиқни бир неча катта нимталарга бўлишди. Сержун бошини эса муқаддас шумурт қириндилари билан ўрашгач, омонат қурилган тўшамага олиб келишди. Кейин ҳар ким ўз иши билан шуғулланди: катта бўлгани учун Хиркунга юк ташиш учун сават тўқиш топширилди. Обрўси бўйича иккинчи ўринда турувчи Лидяйн арча шохларидан тунги ётоқ-чайла ясашга тушди. Иккилак, имхи ўтин терадиган бўлди.

Қоронғилик қуюқлашгани учун тайга худди чет сатҳи нотекис ясси девор каби қорайиб кўринарди. Фақат яқинроқдаги бир-икки дарахтгина бамисоли қора

фонга сирачланган тўқ мовут парчасидай қаққайган, ораларидан йирик юлдузлар милт-милт мўралай бошлаганди.

Кечки овқат олдидан ҳар бир овчи қўлига тамаки, балиқ гўшти олиб горга, у орқали эса бу жойларнинг эгаси бўлмиш инс-жинслар ва Пал-Изнгга алоҳида-алоҳида мурожаат этишди. Ов бароридан келгани учун миннатдорчилик билдирилди. Пал-Изнг жуда олижаноб. У айиқни ташқарига чиқишга мажбур этди, натижада Икилак унинг юрагига бемалол найза санчди. Кейин гулхан атрофида иштаҳа билан ҳил-ҳил пишган гўшт танаввул этишди, пуф-пуфлаб узоқ чой ичишди. Чагадан дамланган чой ҳориганда тез қувватга киритади. Шунинг учун тайгаликлар қайин попилдиригидан дамланган бу чойни яхши кўришади.

Икилак қош қорайгунча яна иккита қуруқ тилоғоч кесиб қўйган эди. Кейин ўтин осон ёнсин учун болта билан уларни майдалади. Натижада сўниб қолаётган гулхан ёнидаги чайлага яқинроқ жойда бошқа, катта гулхан гуруллади. Бундай гулхан кечаси билан бир текис ёниб, иситиб туради.

Овчилар чалаларни тортиб олиб, қайноқ кул устига арча шохларини ташлашди — иссиққина ўрин ҳам тайёр бўлди. Кул тафти ўтган шохлар юмшаб, ўткир смола ҳиди таралди. Икилакнинг боши зич смола ҳавосидан тош босгандай оғирлашди. Ётгилари келарди, бироқ нивхлар қачон тилгур — қадимий ривоят ва афсоналар айтмасдан ухлашган?

Уч овчидан биронтаси бошлаши керак ривоятни. Икилак шундай деди:

— Авонг одамлари қадимий тилгурларни ёдда тутиб келишади. Йил сайин тайгадаги дарахтлар кўпайиб боргандек, вақт ўтиши билан Авонгларнинг тилгури кўпаймоқда... Сизларнинг имхингиз ўз тилгурини айтиб берардию, лекин у гапга чечан эмас.

Бу гаплардан сўнг ахмалклардан бири ўз тилгурини бошлаши керак.

— Хонь! — илтимос қилди Икилак.

Жимжитлик чўкди. Фақат гулханнинг чирсиллашигина эшитиларди. Лидяйн аччиғланди: «Тасодиф билан омади келиб қолибди-ю, энди ривоят айтиб, эркалашимизни талаб қилади».

Трубкани қўлидан қўймаган Хиркун уни охириги марта сўрди-да, кукунини товонига уриб қоққач, яна

тамаки жойларкан, гулхан ёнига ўтирди. Кейин бошини тебрата-тебрата қўлини тиззасига қўйган кўйи бўғиқ овозда ривоят бошлаб юборди:

— Катта манзилгоҳда отасиз, қариндош-уруғларсиз бир йигит онаси билан яшарди. У оғир кун кечирарди.

Қўшнилари билан балиқ овига борар, унга эшкак эшишни топширишарди. Кўп балиқ тутишса ҳам унга фақат битта-иккитасинигина беришарди. Қўшнилари кўпдан-кўп балиқ қуритганлари учун уларни сақлашга жой топишолмасди. Йигитчанинг эса биронта ҳам балиғи бўлмасди...

Тепаликда укки бўғиқ сайради. Кечасидаги товуш ўткир бўлади. Хиёл акс-садо ҳам ўқдай елади.

Хиркун тутун тортишдан олдин трубкани сўрган кўйи тин олар, гўё шу қисқа вақт ҳам у янги жумла тузишига етадигандай эди.

Етим йигитча қўшнилари билан тайгага борди. Уларнинг ўзи ов қилишарди, етимчага эса ўтин ёриш, гулханга қараб туриш, чой қайнатишни буюришарди. Ташландиқ итга ўхшаб боқишарди: уринган балиқ гўшти-ю, бир қултум чой беришарди, холос.

Манзилгоҳда йигит оғир ҳаёт кечирди, тайгада эса ундан бешбаттар эди.

Етимча буёғига нима қилиш кераклигини билмай, боши қотиб турганди, унга тайга ва ов маъбуди Тайхнаднинг олижаноб қизи учраб қолди. У бечора йигитга раҳми келиб, иккита тузоқ берди.

Бу тузоқларга жуда ноёб, ниҳоятда қимматбаҳо ҳайвонлар илинди. У кўп ҳайвон тутиб ўтирмади— ҳайвонлар қимматбаҳо бўлгани учун ози ҳам етарди.

Йигитча катта шаҳарга бориб, бозорга кирди. Уни энг бой одамнинг олдига олиб келишди. Мўйналарга кўзи тушган бой ўзини қўярга жой тополмай қолди. Энг қимматбаҳосига сўраган нарсанинг бераман, деди. Бойнинг соҳибжамол қизи бор эди. Йигитча шундай деди: «Биз овчилар сиз савдогарларга ўхшаб гапимизнинг устидан чиқамиз. Хоҳлаганингни ол, менга эса қизингни хотинликка бер».

Бой бунақа таклифни кутмаганди. Лекин ноилож эди, рози бўлди. Бой катта қайиқни жиҳозлаб берди, сўнг бизнинг йигитча гўзал хотинни уйга олиб кетди. Улар узоқ ва яхши умр гузаронлик қилишган, кўп болалари бўлган дейишади...

Тилгур Икилакка ёқди. У номаълум етимчага омад тилар, унинг кўп томонларини ўзига ўхшатарди. Эҳтимол, икковига ҳам ҳаёт сўқмоғига кириш бир хилда оғирдир? Тилгурдаги йигитчани тайга ва ов маъбудининг ўзи бахтли қилган. Бунақа бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди, дейишади...

Бироқ Икилак ҳам ўзини бахтли ҳис қилаётган эди. Омадини ҳам худо бергани йўқ — ўз меҳнати билан қўлга киритди. «Эртага манзилгоҳга айиқ калласи билан терисини олиб бораман. Байрамдан кейин Ланьгукни олиб кетаман. Тилгурдагидек ажойиб бўлмаса-да, бу ҳам бахт-ку...»

Смолали иссиқ одамларни элитди. Кўп ўтмай, улар бир-бир уйқуга кетишди.

### XXXV боб

Лидяйн бошқаларга қараганда ўзи айиқнинг кўпроқ қисмини, олд оёғи ва терисини орқалаб олди. Айиқ териси катта, оғир бўлади. Дарахт илдизидан тўқилган тасма елкага қаттиқ ботар, худди шилиб юбораётгандай эди. Ерга теккудек энгашиб олган Лидяйн акасининг кетидан борарди. Хиркун билан Икилак ундан юкининг бир қисмини беришни сўрашган эди, бироқ Лидяйн хўмрайганча индамай кетаверди. Унга яна айиқнинг қолган ярмини ортишса ҳам ҳеч нарса демайдиган кўринарди.

Хиркун ўжар ва тажанг Лидяйн қўрқоқлиги учун энди ўзини азоблаётганлигини биларди.

Лаънати тепаликдан оёқлари қавариб ўтиб олган овчилар энди оғриқни ҳам, чарчоқни ҳам билмай йўлда давом этишарди. Тепаликка чиқишаётганда кўзларига тутун кўринди. Уларни кимдир кутиб турарди. Ҳар ҳолда Эмрайн бўлмаса керак. Наҳотки, Касказик бўлса? Узоқ ўйлашларига тўғри келмади. Дарахтларнинг орқасидан баногоҳ Наукун чиқиб қолди. У юриш осон бўлсин учун чанага баҳайбат ит қўшиб олганди.

Наукун ҳолдан тойган йигитларга тикилиб қаради, қўлларини қанотсимон силкиб, орқасига ўгирилди-да, итга: «Та!» — деб бақирди.

У йигитларни эрта тонгданоқ кутаётганди. Ўлжасиз бўлишганда улар билан бирга қайтарди. Энди эса хуш хабарни барвақтроқ етказиши, токи манзилгоҳда уларни кутиб олишга улгуришлари керак эди.

Давон тепасига кўтарилганда Хиркун юкни ташлаб,



нафас ростлаш учун ўтирди. Бундан ташқари Наукунга хабар етказишга фурсат бериш ҳам керак эди.

Кенжа Авонг Икилакни синаб кўриш кераклигини айтиб, Эмрайн ўғлининг фикрини қувватлаганда Касказик афсусланган эди: «Одамлар нималарни ўйлаб топишмайди! Уларга шунча қалин ҳам озлик қилиб, кўнгиллари айиқ гўшти истаб қолибди».

Овчилар эндигина кетишганда Касказик Эмраинга юзланди:

— Нгафкка, йиртқич ухлаганига ишончинг комилми?

— Ғорни тўнгич ўғлим кўрган эди. Кузда. Кейин қор ёққандан сўнг текшириб келди. Айиқ ғорга кирганлиги аломатлари бор.

— Уф-ф, — хўрсинди Касказик.

Икилак уддасидан чиқишини кўнгли сезаётганди. Ишқилиб ғор бўмбўш бўлмасин-да. Шунинг учун Касказик:

— Наукунни олиб келаман, — деб қарор қилган эди.

Эмрайн таажжубда оппоқ қошларини чимириб қўйди:

— Бир оз кутганимиз маъқулмиди? Борди-ю, ундай бўлмаса-чи?

Бироқ Касказик ўжарлик билан яна такрорлади:

— Тўнгич ўғлимни олиб келишга бораман. Бугуноқ.

— У ҳолда менинг учта итимни ҳам қўшиб ол.

Касказик эртаси кун қоронғи тушмаёқ хотини билан тўнгич ўғлини олиб қайтиб келди. Қалин ҳам келтирди. Чой ичиб бўлмаёқ у болта олиб қуруқ дарахт танлашга кетди. Дарахтни кесиб, икки қулоч ходачасини чайлага келтирди. Кейин ёғоч учига айиқни боши тасвирини ўйди, ингичка иккинчи учини тўқмоқ қилиб йўнди. Шу билан музыка болғаси— тятид-сххар тайёр бўлди.

Чопар қувончли хабар олиб келаётганда тятид-сххарни қорга қия тиқилган икки нафар кичкина арчага осиб қўядилар. Арча шохлари олиб ташланган бўлиб, фақат энг учида жиға нусха шохи қолади.

Овчилар манзилгоҳга яқинлашиб қолишганди.

Улар сўқмоқда кўринар-кўринмас тятид овози янгради. Қишқи энг яхши мурсакларини кийган аёллар тятидсххарни баравар урган кўйи тантановар оҳанг

чиқаришарди. Энг ҳурматли жойда Кевонглар уругининг онаси Талгук турарди. У дуо ўқиётгандай шивирлаб, алланималар дер ва шу заҳоти ёғочларнинг гоҳ бирини, гоҳ иккинчисини, гоҳо иккаловини баравар урарди. Манзилгоҳга шўх ва шодон овоз тараларди.

Нивхлар русми шундай: аёллар ов бароридан келганини билишса ҳам, бироқ у ҳақда гўё энди эшитгандай тутишарди ўзларини.

Қар-ға о-та  
Қўнди ар-ча учига.  
Нау кийган. 9  
Сакрар дик-дик.  
«Қор-қор», — дей-ди,  
«Қағ-қағ», — дейди.

Маълумки, қарға узоқ яшайди. У кўпни кўрган, кўп нарса билади. Узоқ умр кўриб ақлли бўлиб кетган. Уни бекорга қушлар отахони дейишмайди. Ана қаранглар, кекса қарға учиб келиб арча учига қўнди. У шохдан-шоҳга бетоқат сакрапти. Қаргани нима бевозта қилияптикин? Эшитяпсизми: «Қағ-қағ!» — деяпти. Бу хушхабар бўлиши керак.

Аммо қандай хабар экан? Ўзингиз қаранг-а, бир қаранг: у муқаддас пайраҳалар — науларга ўралган! Омаддан дарак бу. Омад! Заранг ёғочлардан ҳам шодон, тантанавор овоз келяпти:

Қар-ға о-та  
Қўн-ди ар-ча у-чи-га...

Касказик нау йўнишга тушди. Кейин Наукун билан ниҳол арчалар кесиб келади — улар бугун кўп керак бўлади.

Манзилгоҳ аҳолиси тятид овозини эшитиб, Эмрайн чайласи томон оқиб кела бошлади. Авонглар билан қариндош бўлмаган одамлар — тирнивгунлар деб аталади. Улар фақат тамоша қилишлари мумкин, меҳмон ҳисоблансалар-да, бироқ уларга ҳурмат бажо келтирилмайди. Лекин тантана вақтида уларни ҳам четда қолдирмайдилар.

...Ўрта ёшлардаги одам ўтинлар устига келиб ўтирди. Бошида тулки тери эски қулоқчин, оёғида буғу тери торбаз. Сариқ ит тери пўстин кийган. Азайимхон Кутан қўйнидан трубка халтачани чиқариб чекди.

Овчилар сўнги кучини йиғиб, тетиклашиб, виқор билан бирин-кегин манзилгоҳга киришди. Юкларини қордаги арча шохлари устига ташлаб, қотиб қолган гарданларини аранг кўтаришди.

Сариқ ит тери пўстини кийган одам аста ўрнидан турди. Ҳамма байрам дабдабаси билан бўлиб, чеккадаги чайла ёнидан итлар қўшилган чана кетиб қолганини ҳеч ким пайқамади ҳам. Гутан Нгакс-вога чана ел-дирганди...

Овчилар хурсандчилик қилиш ҳолида эмаслар ҳали. Бўғин-бўғинларигача зирқираяпти. Оғриқ яна анча кун давом этса керак. Шундай бўлса ҳам Икилак аёллар ажиб куй чалишаётганига эътибор берди. Бундай қараб, онаси рақс тушаётганини ҳам кўрди. Аёл бир текис хиром этар, қўллари шамол тебратган қуш қанотларидек ҳаракатланарди.

Қорга қия қадалган ёш арчаларга боғланган тятид-сххар тебраниб овоз чиқарарди.

Энг чеккада Ланьгук турибди. У уялар, лекин ҳамма билан биргалашиб астойдил куй чаларди.

Чаққон Музлук Хиркуннинг чайласидаги чўгда қотирилган балиқни кесиб қўйиб, чой қайнатарди. У аввал овчиларга бир пиёладан эритилган нерпа ёғи қуйиб берди. Нерпа ёғидан яхши дармон дориси йўқ. Икилак хонтахтада рус унидан ёпилган нон бурдаларини кўрди: «Бу йил ҳали савдогарлар келишганича йўқ. Ўтган йилги қолдиқ ундан ёпилган бўлса керак».

Аёллар вақтинча қўлларидаги заранг ёғочларни қўйиб, ишлашга тушишди. Биринчи галда маъбудлар таоми— мос тайёрлаш керак. Бунинг учун таймень териси зарур бўлади. Шунинг учун аёллар бир қучоқ ўткир хидли, оппоқ таймень балиғини олиб келишди.

Псулк терини гўштдан тез шилдиб олди, илиқ сувда чайди, тангаларини қирди. Таймень терисини тайёрлаш анча машаққатли. Аёлларга қўшни кампирлар ёрдамга келишди. Улар сутдай оппоқ теридан бир талайини тайёрлашди. Кейин қайнатиб, кекса усталар ясаган чиройли, гулдор ёғоч тоғораларга солишди. Псулк ўша усталарнинг кўплари ҳозир ҳаёт бўлишмаса ҳам ҳар бир тоғарани кимлар ясаганини эслайди.

Иккита катта тоғора тўла бўтқа тайёр бўлди. Псулк унинг устига тузланган гиёҳ, хискир меваларини сепди. Эритилган нерпа ёғи билан аралаштирди. Кейин аёл-

лар бўтқани куракча билан аралаштириб, текислашгач, совуққа қўйишди. Нивхлар ҳар хил: тайга маъбудди, дарё, денгиз маъбудларига инъом олиб келиш керак бўлган вақтда мос таоми тайёрлайдилар.

Қош қорайиб қолгани учун кексалар тантанани эртага қолдиришга қарор қилишди. Эмрайн чайласида бахшиларни эшитиш учун меҳмонлар тўпланишди. Хиркун ўз чайласида қолди, Лидяйн эса Икилакни бир ўзи турадиган кичкина чайлага олиб кетди. Эмрайннинг олдида одамлар номсиз қаҳрамон саккиз қават осмондан тўққизинчисига, етти денгиздан ўтиб, саккизинчисига ғаройиб сафар қилганини берилиб эшитётганларида кенжа Авонг чайласининг деворлари қаттиқ хурракдан ларзага келарди.

### XXXVI боб

Куз ва қиш мобайнида чопқир буғулар ёқутни бутун тайга бўйлаб айлантиришди. Чочуна нивх ва ороқларнинг ишонувчанлиги, соддаликлари, уларнинг арзимас нарсага ҳам миннатдорчилик билдираверишларидан усталик билан фойдаланди. У ё бу манзилгоҳдаги оғир аҳволдан хабардор Ньолгунни ун ёки крупа, нерпа ёғи ёки буғу гўшти бўлашиб келишга юборарди. Ёқут сахий, олижаноб чиқиб қолди. Миннатдор нивхлар кейин унга юз ҳисса қилиб сувсар ва тулки мўйнаси бериб қайтаришарди. Чочуна озроқ буғулар ҳам сотиб ола бошлади, қиш ўрталарига келганда подага эга бўлди. Бу подадан Николаевск ярмаркасига боришга қарвон тузса бўларди.

Ҳамма манзилгоҳлардан одамлар келиб туришига ўрганиб қолган Тимоша ўзи тайгага бормас, у ерда нималар юз бераётганини билмасди ҳам. Чочуна эса Нгакс-вода камдам-кам пайдо бўлар, ҳеч нарсадан беҳабар савдогарни хотиржам қилиб, лақиллатиб юрарди.

Ёқут ярмаркадан қайтганда, қишдагина Тимоша ўз қарамоғидаги жойларга қанақа одамни олиб келганини тушуниб қолди!

Чочуна эса бошидаёқ эртами-кечми улардан кимдир бу ердан жўнаб қолиши кераклигини англаган эди. Тимоша осонликча йўл бермайди. Тимоша Ньолгуннинг уйини ёндириб юбориб, бутун манзилгоҳни ўзига қарши қўзғаганда Чочуна ҳатто хурсанд бўлган эди. Яна тагин Тимоша устидан шикоят ҳам ёзилди. Ўша

топограф қайсар ва адолатли одам, губернаторгача бориши тайин. Бироқ бошлиқлар негадир индашмаяпти. Тўғри, ҳозир уларнинг Тимоша билан ҳам, гияяклар билан ҳам шуғулланишга имкони йўқ— германлар билан уруш кетяпти. Бу ерда японлар тўғрисида ҳам гап бўляпти— ғимирлаб қолишганга ўхшайди улар.

Чочуна вақт топиб, Ньолгун билан гаплашди. Ньолгун бир неча кундан бери дили сиёҳ бўлиб юрарди. Авонглар, Кевонглар ҳали рад жавоби беришмаганини Чочуна билган эди.

— Ланьгукни сен оласан,— болалардек юпатиб хотиржам қиларди Чочуна.

— Унашиб қўйилган бўлса қандай оламан?

— Ташвишланма, барибир сеники бўлади,— ишонтирди Чочуна.— Мен ёрдам бераман. Баҳорда, овдан сўнг тўйни ўтказамиз.

Ньолгун Чочунани худо ўрнида кўриб, астойдил ишонарди. Ёқут ҳар доим сўзининг устидан чиқиб келган. Шунинг учун Ньолгун ҳозир Ланьгукни қандай олиш мумкин бўларкин, деб суриштириб ўтиришни эп билмади. Гарчи нивхларда муқаддас одатни бузишмаса ҳам... Чочуна айтдими...

— Тимошанинг олдига борамиз,— деб қолди тўсатдан Чочуна

— Ўзинг боравер. Унга куёвсан-ку,— деди ўшшайиб Ньолгун.

— Бирга борамиз.

— У уйимни ёндириб юборди-ю, ёлтоқланиб борайми ҳузурига? Йўқ!

— Менинг дўстимсан ахир. Мен эса, ўзинг айтяпсан, унга куёвман.

— Минг лаънат қайноғанга.

— Се-к-и-н!— Чочуна атрофга қаради.— Биров эшитмасин. Лаънат бўлса лаънат-да. Бироқ ҳозирча битимга келиш керак. Албатта!

Чочуна янги бир ишга тортаётганлигини Ньолгун шундагина англади.

Эшик очилиб, остонада Гутан пайдо бўлганда ҳам Тимоша ёзғириб турарди.

— Ольга, мана сенга яна битта куёв бола!

Ольга қиқирлаб кулиб юборди, кифтлари қаттиқ силкиниб, бўлиқ сийналари гулдор кофтасини кўпчирди. Чочуна кириб келган одамга хўмрайиб тикилгач, саломлашмасдан:

— Бу ёққа ўтир, куёв бола,— деди.

Гутан столнинг бир чеккасига ўтирди. Тимоша ароқ қуйди.

— Қани, олдик!— ҳамма бараварига стаканларни кўтарди.

— Навагага бало борми? Оқ балиқ келтир!— буюрди Чочуна.

Ньолгун пешайвондан сакраб тушиб, бир неча ялтироқ оқ балиқ олиб келди. Тез, осонгина тозалади. Тозаланган балиққа ҳаммаёқдан қўл чўзилди.

Тимоша ва Ньолгун ярашганликларини билиб Нгакс-во одамлари ҳайрон бўлишди. Пупок қандай рози қилдийкин, деб ўйлашарди. Ёки Чочуна ўтган можарони унутишга кўндирдимикан?

— Мана шу балиққа ситта олайлик!— яна ичишни таклиф қилди Тимоша тулойдим бўлиб қолганини кўрсатишга ҳаракат қилиб. У ўхшовсиз кўз қисар, Чочунани тирсаги билан шўх-шўх туртиб қўярди.

Тимоша ароқ қуйиб чиқаётганда Чочуна Ньолгундан иккинчи оқ балиқни олиб, ўзи майдалай бошлади. Қўпол, тартибсиз кесилган бўлакларни ҳаммага кўрсатиб Ольганинг олдидаги столга қўйди. Ольга эса уялиб, юпқа, нозик қулоқлари қизариб кетди, секин шивирлаб: «раҳмат»,— деди. У шаҳло кўзларини ергатикканди, узун қора киприклари пириллади. Ҳурипайкар қиз-да!

— Нега анқайиб қолдинг?— Чочунанинг кенг яғринига туртди Тимоша.— Нима, менинг синглим олмамиди? Уйлан. Бўлмаса, биринчи сўраган одамга узатиб юбораман.

— Олиб кетаман, тайгага олиб кетаман. Тайганинг маликаси бўлади!— жиддий жавоб қайтарди Чочуна, кўзи эса гулдор кофта остидаги оппоқ сийналардан узилмасди.

— Олавер. Қизганармидим?— очиқ кўнгиллик билан рози бўлди Тимоша.— Қани, яна биттадан уриштирайлик.

Дастурхондаги балиқ тўғрамлари дарров тугади. Ньолгун майдалаб аранг етказиб бериб турарди.

Дуня ошхонага йўналди-да, бир дақиқадан сўнг гўшт тўлдирилган товоқ билан келди. Уни дастурхоннинг ўртасига қўяркан, пичоқда бир бўлак балиқ илиб Чочунага узатаркан:

— Олинг, олинг, ош бўлсин,— деди.

Гутан қовурғани олди. Қовурға буғуникига ўхшамас, йўғон, катта эди. Ҳиди ҳам аллақандай гиёҳникига ўхшайди. Чайнаб кўрди. Гўштда шира йўқ, толали эди.

— Ҳа, оғайни, бошқачами?— сўради Тимоша.

— Чакки эмас!

Гўшт ҳақиқатда «чакки эмас»ди. Еса бўларди. Азайимхон иккинчи қовурғани ҳам чўзилиб олди.

— Бу мол гўшти, буғуникига ўхшамайди албатта,— Тимоша Чочунага қараб қўйди-да, шу заҳотиёқ гапни улаб кетди:— Тагин ўртоқ эмаш. Мени хафа қиляпсан. Юрганинг юрган, лекин доим четлаб кетасан. Ўзинг буғу гўшти еявериб, бўкиб қолай деяпсан. Мени эса хафа қиляпсан.

— Сен бойсан. Ҳамма нарсанг бор.

— Қанақасига бой бўлай!? Оленька, ўзинг айт, қанақасига бойман!— сўради Тимоша синглисидан. Кейин хўрсиниб қўйди:— Охирги сигирни ҳам сўйдим.

Чочуна иштаҳа билан тозалаётган устихонни товоққа қўйиб:

— Ҳаммаси ёлғон,— деди.

— Ишонмайди-я!

— Ишонмайман!

— Оленька, сингилгинам,— илтижо қилди Тимоша.

Кайфи ошиб қолган Ольга ҳиринглаб кулиб юборди.

— Олинг, ош бўлсин,— очиқ кўнгилли ва меҳмоннавозлик билан айланиб-ўргиларди уй бекаси.

Тимоша Чочунани қучоқлар, сўлагини оқизиб, лабидан ўпарди. «Руслар аёлларга ўхшаб лабдан ўпишадилар»,— ўзича хаёлидан ўтказди Гутан. Ўтирганлардан ҳеч ким — на уй эгаси, на меҳмонлар ҳузурларига бу одам нима учун келганлиги билан қизиқмаганлигига азайимхон ажабланарди.

— Сени бой деса бўлади,— деди Тимоша.

— Меними? Атиги юзта буғум бор.

— Нима, камми бу?

— Мингта бўлади!— мақтанди кайфи ошган Чочуна.

— Бас!— илиб кетди Тимоша.— Қанча сувсар овлаб қўйдинг?

— Қанча овлаган бўлсам, ҳаммаси сеники.— Чочуна қаппайган қопни кўрсатди. Тимоша сира ишонмасди.

Ҳеч кимга оғиз очирмаётган Тимоша ёқимли овози билан чўзиб ашлуа айтишга тушди:

Хайр эн-ди, Одес-та  
Яхши ўтди каран-тин.  
Мени жўнатмоқ-да-лар  
Кутар мени Са-ха-лин.

Аёллар жўр бўлишди. Бу уйда қўшиқни севишлари, уни яхши айта олишлари кўриниб турарди. Чочуна тинглар, у ҳам завқланарди. Бу ғалати қўшиқнинг сўзларидан эмас, балки овозлар бир текис ширали чиқаётганлигидан, кутилмаган самимиятдан завқланарди, ана шу самимият бирдан тошбағир юракни юмшатди. Чочуна йиғлаб юборди, шу пайт Тимоша чўзиб қўшиқ айта бошлади.

Қандай қўрқмас, баҳодир,  
Жасур эди бул-бул-ча.

Кўз ёшлари орасидан туман ортида кўрингандай аввалига хира, сўнг қалқиб, борган сари равшанлашиб Софья Андреевна намоён бўларди. Лекин шуниси қизиқки, ҳозир Чочунанинг юраги сўзсиз мафтункор, бироқ тушунарсиз ва кўздан йироқ Софья Андреевнанинг ўзи билан учрашганидагидек ҳаяжонли дукулламасди. Сал-пал, билинар-билинемас ҳаяжон бор эди, холос. Ҳаяжон ҳам эмас, ўтмишдаги қандайдир ёқимли нарсани қўмсаш эди. У туйғу ҳозир ҳаяжонлантиролмасди — чунки у бир вақтлар бўлган эди...

Энди мен, шу бул-бул-ча,  
Утирибман қа-фас-да...

Тимоша қўшиққа бутун вужуди билан берилган, ўзи ҳам ғамгин, ёнидагиларнинг ҳам кўнглини бузарди. Чочуна ҳам ҳозир бутунлай бошқа кайфиятда эди. У ёшлиги билан, назарида ҳозирги беъмани, ўткинчи ёшлиги билан баҳслашарди. Ундан нафратланар, ўзини қудратли, бой бўлиб қолган ҳисобларди. Шу қиш давомида тайгалик ҳамма нивхлар ва ороклар унга тобе бўлиб қолишига ишонарди. Тимошанинг хаёлидан эса бошқа фикр кечарди албатта. У ҳам куёвлик, ҳам тайга мўйнасини текин йиғиб берадиган ходимлик бўлиб олмоқчи... Умид қилаверсин. Ҳозир муҳими



дўкандорнинг бепарвороқ бўлиши, у ҳали ҳам кучли. Ёзда бўлса... Қишда — буғу карвонлари, ёзда — оппоқ қайиқ! Ха-ха-ха!.. Қаттиқ акс-садо янгради: а-а-а-а! Тепаликлар ва қуёш, дарёлар ва булутлар, буғулар ва одамлар, айиқлар ва итлар — ҳаммаси остин устун бўлиб гир айлана бошлади. Ха-ха-ха! А-а-а-аа! А-а-ааа!

Батя нима бўлибди? Чочунага таъзим қилиш учун Бутин ҳам гўрдан чиқиб келади!

Ха-ха-ха... Ха-а-а! А-а-ааа!

Яна Софья Андреевна ғира-шира кўринди. Кўзлари катта. Киприклари узун, камондек. Тегсанг, баданинга санчилиб, зирапчадек қалбингда қолади...

Чочуна бирдан Ольганинг дўмбоқ оёқларини қучоқлади-да, ажралиб қоладигандек жон ҳолатда ўртанаркан:

— Мана, мана менинг Софья Андреевнам, — деди. Сўнгги жумла аста, энтикиб талаффуз этилди.

Ҳамма: ҳа энди, маст одам-да, қабелида ялт этиб бир-бирига қараб кўйди.

— Қанақасига Софья Андреевна бўлсин! Бу Ольга-ку! Ольга! — куларди Дуня.

Ярим кечада икки гавда қучоқлашганча Тимошанинг уйидан гандираклаб чиққач, чана итларини безовта қилган кўйи ён кулбага кирди. Ольга Чочунани ўз уйига олиб кириб кетган эди...

Нгакс-во одамлари азайимхон уларникига нега келганини тонг маҳалигина билишди.

Эшик қаттиқ тақиллаб, Ольга уйғониб кетганди, ташқари ҳали қоронғи эди. Чочуна хуррак отиб ётарди. Ольга апил-тапил ёқутни туртди. Чочуна уйқусираб нима гаплигига тушунмасди.

Ташқаридан Ньолгуннинг ҳовлиққан овози эшитилди:

— Ҳей, тур! Тезроқ, тезроқ тур!

Ньолгун А-во сафарига яхши тайёрланиб, Николаевскда шойи, мовут, кумуш сирга, билакузуклар ва яна бошқа ноёб буюмлар харид қилди — Чочуна савдодан тушган пуллардан берган эди. Бадастир ҳозирлик кўрган Ньолгун Николаевскдан кейин тўғри А-вога бормоқчи эди, бироқ Чочуна овда ушланиб қолганди. Мана энди хабар келгач, Ньолгун дарҳол йўлга отланди.

Қуёш тепаликлар узра кўтарилмасданоқ буғу қўшилган аравалардан олтитаси эшик олдида турарди.

Ҳар бир нартада яна иккита қўшимча буғу боғланган эди.

— Қочаяпсан-а, итвачча! Қиз билан бирга ётиб, энди қочиб қолишингни қара!— аёлларга хос овозда чийиллади Тимоша.

— Бу қанақаси! Никоҳланмасдан ҳам шунақа бўладими?— дерди йиғламсираб Дуня.

— Йўлга тушиш керак. Ёрдамга муҳтож бўлиб турибди бир одам. Эртага қайтиб келаман. Биз ҳаммасини келишиб қўйганмиз,— хотиржам ва қатъий жавоб қайтарди Чочуна.

— Бермайман! Ольгани бермайман!— ўдағайлади Тимоша.

Чочуна имо қилганди, Ньолгун уч ёшли семиз буғуни ечиб, кираверишдаги зинапоя ёнига олиб келди. Ингичка ов пичоғини қиндан чиқарди.

Дуня эса ёзғирарди:

— Имонсизлик! Никоҳланмасдан бу қанақаси ахир?

— Учир овозингни!— ўшқириб берди Тимоша.— Биз ўзимиз дунёга қандай келганмиз? Отамиз ким бўлган эди— назоратчи-да! Ит олдига сўнгак ташлагандек сургун қилинганларнинг қўйнига аёл солиб қўйишгану биз пайдо бўлганмиз. Никоҳланмаган эмиш-а,— калака қилди хотинини.

Ййдоғ буғу хуркович бўлгани учун Чочуна эҳтиёткорлик билан аста яқинлашди. Ньолгун юганчадан ушлаб турарди. Чочуна буғунинг бўйнига қўлини олиб бориб, титраётган бошини силагач, томоғидаги чуқурчасини тошиб ўша ерга ингичка пичоқни тиради. Кейин уни шартта қаттиқ босди. Буғу ерга ағдарилиб, ингичка оёқларини типирчилатди.

— Баракалла! Қойил-е! — ҳайратланди Тимоша.

Буғу тез нимталанди. Тимоша дарҳол гўштнинг сархил жойларини—тўши, тили, юрагини олиб хотинига узатди. Ўзи эса катта шиша олиб келиб, лиммо-лим кружкани ҳаммага узатаверди. Ҳар ким таъбига яраша симириб, устидан иссиқ жигар еб қўярди. Ольгага навбат келди. У кружкага лабини текказиб қўйди холос. Аммо юмшоқ селли жигарни иштаҳа билан еди.

Тимоша меҳмонларни жўнатгач, фақат ўзи тушунадиган ашулани хиргойи қилганча елкасига буғуни

ортган кўйи инқиллай-синқиллай катта сарой томон йўл олди.

Унинг пухта ўйлаб қўйган режаси бор эди. Чочуна дайди, уйсиз одам. Ольга у билан тепаликма-тепалик санғиб юрмайди-ку. Нгакс-вода, Тимошанинг уйида яшайди. У ёқутнинг қанотини қайириб, тобе қилиб олади. Бундан зўр дастёр тополмайди. Тайга кеза-кеза мўйна йиғиб келаверади...

Ольга учли туёқлар топтаб ташлаган майдон ёнида ювошгина тек қараб турарди. У узоқлашиб бораётган овчиларнинг орқасидан боқса ҳам, лекин уларни кўрмасди...

### XXXVII боб

...Ялангоёқ бир болакай югургилаб кетяпти. Ғалати қушчага эргашарди у. Энди тутилган қуш дам ўтмаёқ шартта қутулиб кетарди болакай қўлидан,

Бола қушчанинг орқасидан югуришини қўймасди. Қуш эса пат-пат учиб, сира тутқич бермас, кетма-кет сайрарди. Ланьгукнинг қўшиғига жўр бўларди гўё.

Бу полапон, бу полапон  
Титратди қанотларин.

Болакай эндигина қушчани тутганди, у тагин қутулиб чиқишга муваффақ бўлди, яна қуёш нурига гарқ буталар узра, тилоғочларнинг қизғиш таналари оралаб кепалакдай майин парвоз этди. Тагин Ланьгукнинг қўшиғи эшитилди:

Ерга қулаб тушган қушча,  
Сас чиқармай хас-чўп ичра  
Қанотларин йиғади.  
Тақдирга тан бериб кутар —  
Устида панжа ёзилар,  
Қанотидан, қанотидан..

Қўй, қушча бундай куйлама. Бу қўшиқнинг нима кераги бор сенга?

Қушча учарди. Индамасди. У энди Ланьгукнинг қўшиғига жўр бўлмасди. Бироқ болакай бир лаҳзагина тўхтаб, яна қушчанинг орқасидан чопарди.

Бутун аъзойи бадани қақшаб оғрирди. Қанийди тўхтаб қолса оғриқ. Икилак аста уйғона бошлади. Се-

кин кўзларини очди. Уйғондию, бутун вужудида оғриқ сезди. Бу оғриқ қаёқдан келди, нега оғрияпти?

Кейин бўғиқ, паст овозлар эшитила бошлади. Дамбадам кучуклар вовиллаши эшитилади. Қаерда ётибди ўзи? Қушча-чи? Қушчани қувиб юрган бола қани? Нега бундай совуқ? Қуёш чиқиб турганди, ўт ўланлар бор эди-ку. Совуқ. Икилак ниҳоят тушунди: ҳеч қандай қушча келгани йўқ! Қуёш ҳам, кўкатлар ҳам, бола ҳам йўқ эди!

У аранг туриб ўтирди. У ён-бу ён қаради. Лидяйн йўқ эди. Икилак уялди. У, куёвбола ғайратини кўрсатиш керак. Икилак ҳақиқий эркак эканлигини одамлар билиб қўйишсин, у манзилгоҳма-манзилгоҳ юриб, ўтин қарз олмайди, унинг хотини ва болалари кўчманчи бўлмайди, болалари қўшнилариликка кириб юрмайди, тўқ одамларнинг кўзига суқатойлик билан қарамайди.

Авонглар албатта одамлар бор жойга, ишлагани кетишган! Уни уйғотишмабди. Нега? Раҳм қилишганими? Ахир у ҳам бошқалардан ортиқча чарчамаган-ку?

Кейин, нега ундай туш кўрдийкин?

Кўп хаёл суриб ўтиришга вақт йўқ, тезроқ одамларнинг олдига бориш керак. Пўстинни елкасига ташлаб чайладан отилиб чиқди. Мўл-кўл нур сочаётган қуёш остидаги қорга чиқди. Аммо қор бирдан қорайиб қолди. Икилак ялтироқ нурга ўрганиш учун анча вақтгача кўзини қисиб кутиб турди. Одамлар манзилгоҳда куйманиб юришар, ҳар ким ўз иши билан овора эди. Баъзилар ўрмондан шумурт қўлтиглаб келарди. Бошқалар қорни шиббалаб базм учун жой ҳозирлашарди. Қолганлар қуруқ ходаларни оқсоқолнинг чайласига ташишарди. Базм жойига олиб борадиган сўқмоқ ёқасида отаси ва Наукун ўтиришибди. Улар учи узун осилиб турган гултож шаклидаги муқаддас шумурт пайраҳаларини йиғишган эди. Арча танасининг пўстлоғи шилинган, шунинг учун у оппоқ баданга ўхшаб кетарди. Кейин арчалар соқчи-вакилларга айланади, айиқни қудратли Курннга қурбонлик қилишда кўмаклашади, Курннга одамларнинг илтимосларини етказди.

Илтимослар эса анчагина: қиш овни бароридан келтирсин, уруғда ҳеч ким касал бўлмасин, ўлмасин, манзилгоҳда болаларнинг товушлари кўпроқ эшитил-

син... Энг баланд арчани оқсоқолнинг чайласи ёнига қўйишди. Осмонга кўтарилган дарахт учи ва бўяб қўйилган шилдироқ нау учлари базм бошлаганидан ҳаммаёққа хабар берарди. Қадимий Авонг уруғи аъзолари бугун йўлга чиққан ҳамма одамларни, манзилгоҳга меҳмон бўлиб келганларнинг барини, Авонгларга ишда ёрдам бериш учун келганларнинг ҳаммасини чорлар эди!

Чиройли ялтироқ камзуллар кийиб олган аёллар қўлларида таёқ ушлаганча виқор билан туришарди. Ёғоч айиқнинг бурнига брусника шираси қуйилган, унинг кўнглини шу тарзда овлашган.

Сайил жойи шиббаланиб, тўртта арча билан ажра-тиб қўйилган. Осмонга тиккайтирилган шохларда муқаддас пайраҳалар шилдирайди. Аёллар эса тятид ёнида туришибди. Бу ерда ҳам олдинда Икилакнинг онаси, энг четда Ланьгук. У таёқни зўрға кўтаради, ўйинга ҳар доим ҳам яхши қўшилиб кетолмайди. Нима бўлди унга? Нега отасининг қовоғи солиқ? Нау-кун ҳам кўзини олиб қочяпти.

Тасмага осиглиқ поя тўлқинда қолган қайиқдай тебранади. Шовқинни қандайдир, дўпир-дўпир овози бўлди-да, кучайгандан кучайиб, довул вақтида қояли соҳил олдидаги гулдурос янглиқ эшитила бошлади. Ана энди... қаранг, қаранг-а! Одамлар орасидан ажралиб чиқиб келаётган ким? Бу Музлук-ку. Авонглар уруғи аёллари ясаниб олишибди: таймень тери оқ камзуллар гулдор. Унинг тиниқ мовий туси ва тепаликлар узра мавжланувчи қизилранг кўзни қувнатади. Авонглар уруғининг аёллари сулув. Сарвқад, ёноқлари ял-ял, кўзлари хумор Музлук ҳамманинг нигоҳини тортган. Қалин, узун бир жуфт соч ўрими эрта баҳор ой тўлишганда қайинлар кумушсимон қорга кўлка ташлагандай, елкасига тушиб турибди. У гулдор нерпи торбаз кийган оёғини аста кўтариб босади, торбаз худди аёлни мавжли тўлқинлар оша элтаётганга ўхшайди.

Талгук сездирмайгина таёқчаларни қўйгач, хаёлга чўмгандай туриб қолди-да, ниҳоят бир қарорга келди! Кейин сирпана-тойина одимлаб, рақс тушаётган Музлук ёнига бориб қолди. Ушандаги рақс туша бошлаганини кўрсангиз эди Талгукнинг! Авонглар уруғи аёлларига хос эшилиш йўқ эди унинг ҳаракатларида. Ярим букилиб кўтарилган қўллар, бир меъёрдаги

жўшқинлик Талгукнинг рақсига қатъият ва босиқлик бахш этарди. Гавдасининг тебраниши мураккаб қўл ҳаракатларига жўр бўларди.

Наукун билан Икилак онасини доим иш устида кўришга ўрганиб кетишган эди: эрта тонгдан кечгача уй юмушлари адо бўлмасди. Кўз доим бирон нарсага тикилиб турса бошқа нарсани кўролмайдиган бўлиб қолади. Ҳозир эса...

Касказик хотинига қараб туриб бир дақиқа хаёли қочди. Учиб қолаёзган трубка узра сийрак тутун билангларди. Касказик шоша ҳаво тортаркан, трубкани чапиллатиб сўрди, аммо на тутун, на тамаки таъмини сезмади. Хотини эса ҳамон рақс тушарди. Ҳатто чолғувчилар ҳам кевонг аёлга мафтун бўлиб қолишганди. Касказик трубкани товонига уриб, кулни туширди-да, тулки мўйнали қалпоғини чеккасига сураркан, бошини қаттиқ қашишга киришди. Охири бир оғизгина:

— Хе...— деб қўйди холос.

### XXXVIII боб

Икилакнинг пайдо бўлиши отани хаёл оғушидан қутқарди. У ўғлига талвасали боқди.

— Ҳозир мен ҳам...— дея Икилак оғиз жуфтлаганди, аммо Касказик унинг гапини бўлди:

— Олдин уруғ чайласига кир.

Отанинг феъли бузуқ: қош-қовоғи солинган, қимтилган лабларининг чети оқаранди. Икилак ҳайрон бўлиб турган жойида қотиб қолди. Касказик буйруқ-омуз бош чайқади. Икилак тушунолмай, четдаги чайла томонга ўтиб қўшилган олтита буғуни кўрди—ҳар бир нартага иккитадан буғу қўшилган эди. Нарталар узун, четан суянчиқлари бор эди. Юклари туширилган. Нарталар ва башанг жабдуқларга қараб, эътиборли одамлар келганини пайқаш қийин эмасди. Балки айиқ сайли тўғрисида эшитишган бўлишса керак. Дарров тайгага овоза бўлибди-да.

Икилак чайла остонасида келаётганини билишсин учун кийимидаги қорни қоқа бошлади, йўталди, ўрма тасмани тортди. Эшик аста очилди. У ичкарига энгашиб кирди, йўқса, бошини кўндаланг тўсинчага уриб олиши мумкин эди. Қайнатилган гўшт ҳиди иштаҳа қитиқлади. Икилак шундагина очиққанини сезди. У эрталабки нонуштада ухлаб қолган эди. Ҳозир тушлик тамадди вақтидан ҳам ўтган эди.

Дастурхон атрофидаги мезбонлар билан меҳмонлар чап-чуп тамшанишар ва гунгур-гунгур суҳбатлашинишарди. Икилакнинг кирганини кўриб ўтирганлар жимишди. Мезбон эса саломлашиши керак. Бироқ Икилак Хиркуннинг бафуржа салом берганини пайқаб қолди. Хиркун ҳатто орингандай ҳам бўлди...

Дастурхон атрофида яна икки киши бор эди. Ма-то кийимли. Оёқларида торбаз, ёнбошларига пўстак солиб қўйилган. Кимлар бўлсайкин булар?

Меҳмонлар кириб келган йигитга тикилиб, индамай жағларини қимирлатишарди. Хиркун ниҳоят тиззалари букилиб, зўр-базўр унга яқинлашди. Икилак: «Менинг ҳам ҳаммаёғим оғрияпти, зўрға турибман»,— деб қўйди ичида.

Хиркун тили танглайига ёпишгандай аранг оғиз жуфтлади:

— Биз билан чой ич.

Демак, меҳмонлар ва мезбон ароқ ичган бўлишлари керак. Икилак илгари ҳам бу ичимликдан татиб кўрган. Одатда у бармоғини тиқиб ялаб кўрарди. Ароқ ёқмагани учун қилмасди буни. Кевода ароқни камдан-кам кўришарди.

— Ким бу?— сўради лўппигина, чиройли юзли, кўзлари ўйнаб турган йигит.

— Кенжа Кевонг,— жавоб қайтарди Хиркун.

— Ия!— сапчиб тушди йигит.

Ўтирганлар негадир гангиб қолишди. Аммо иккинчи меҳмон ҳурмат билан деди:

— Ботир йигит! Сенинг ўлжангни еяпман. Омадли экансан, бу ўлжа сенга кўп йилларгача омад келишини кўрсатиб турибди.

«Ким у: азайимхонми? Агар азайимхон бўлса, нега оддий одамларга ўхшайди? Сочлари ҳам йўқ. Борди-ю, азайимхон бўлмаса менинг келажакимни қаёқдан биларкин?»— хаёлидан ўтказди Икилак.

У бўлса сўзида давом этди:

— Сенинг ўлжангни ейяпман... Дўстларим ҳам сенинг ўлжангни ейишяпти. Менга қара, кевонглар уруғининг одами. Сен ботир ва омадлисан. Нивхлар ҳаммиша шундай одамларни ҳурмат қилиб келишган. Биз ҳам сенга ўз ҳурматимизни билдирамиз. Ҳурматимизни дилни қувонтирувчи мана шу сув билан қабул эт.— Шундан сўнг азайимхон тиниқ суюқлик тўла пиёлани узатди. Икилак пиёлани олди. У ҳеч қачон бунча ароқ-

ни ичмаган эди. Уни ичсанг, кайфиятинг кўтарилиб, жинлар билан гаплашаверасан.

Икилак ароқ таъсир қила бошлайдиган пайтни билволмоқчи бўлиб шошилмай сипқараркан, юзига қон тепди, ичи қизиб кетди. Бироқ у билдирмасликка ҳаракат қилиб, башарасини ҳам буриштиради. Фақат нафаси қайтиб кетаёзди. Томоғига тиқилиб келган нарсани аранг қайтарган кўйи лабини пиёладан узмади. Қаерда кўргандим бу одамни?

Меҳмон ароқни қуйиб чиққач, биронта унутилмадим, деган маънода ён-верига қараб қўйди. Кейин бесўнақай кафтидаги пиёлани ўчоқ ёнида куйманаётган Музлукка алоҳида эҳтиром билан узатди.

Икилакнинг кўз олдида олов тилчаси кўринди. Кейин у алангаланди. Русча солинган уй беҳисоб учқунлардан порлаб, ўт ичида қолди. Ньолгун... Ньолгун... «Қаердан, нима учун пайдо бўлди? Бизнинг Кевонга камдан-кам келади одам зоти. Бу ерда эса биз келишимиз билан, ажабо бошқалар ҳам ҳозир у нозир бўлибди, — унинг оғирлашган бошида шу хаёллар чарх урарди. — Авонгларга яқин жойда, бу ерда меҳмонлар тез-тез бўлиб туради», — кайфи тароқ Икилак ўйлаб-ўйлаб шу қарорга келди охири.

Касказик асабийлашарди. У пайраҳалардан етарлича йўнди. Уруғ чайласи эса ҳамон жим-жит, буёғи нима бўларкин? Аёллар ўз ишларини аллақачон тугатишган, энди тятид ва рақсдан сўнг дам олиб ўтиришарди. Сайлга қизиқиб келганлар ҳам, тўкин дастурхондан бирон нарса татиш илинжида келганлар ҳам тарқала бошладилар. Улар ўша чайлада анчадан буён баҳслашишмоқда. Албатта эътиборли одамлар келишган, уловлари башанг, нарталарда юклари кўп. Чамаси, қимматбаҳо моллар бўлса керак. Ваҳоланки энг асосийси айиқ сайли. Бу ерда бўлса бутун уруғ чайлага кириб кетибди. Авонглар ақлдан озганга ўхшайди. Йўқ, бу меҳмонлар албатта бекордан-бекорга келишмаган.

Мана, манзилгоҳга қоронғи ҳам туша бошлади.

Касказик қўлларини қорга қўйганди, қизиган бармоқлари шу заҳоти намланди.

«Қаттиқ ишлаган-да, қайноққина», — деб қўйди кекса Кевонг қўлларига қараб, сўнгра қаддини ростлади-да, бели зирқираб секин, ботинқирамайроқ уруғ



чайласи томон йўл олди. У бойларнинг кўзига кўри-нишни истамасди, бунинг устига бировларнинг ишига аралашини ҳам одобдан эмас. Авоъллар буғу қўшиқ-ли чаналарни кўриб, қандай севинишганини пайқа-ган чолнинг кўксига нимадир узилиб кетгандай бўлди, шу одамларни кутишаётган эканлар-да бу ерда ҳали!

Касказик эшик олдида йўталди, эшик тасмасининг яғир тугунини бир оз ушлаб туриб, кейин секин тор-тиди. Димоғига таом ҳиди урилди, маст-аласларнинг га-ла-говури эшитилди.

Касказикни дарров пайқаша қолмади. Дастурхон атрофидаги суҳбатга берилган мезбонлар ва меҳмон-лар ким кўп гапиришга баҳслашаётган эдилар. Икилак бир четда мункайиб ўтирар, унга ҳеч ким қарамасди. «Маст қилиб қўйишибди»,— хафа бўлди Касказик. Шу пайт уни кўриб қолишди. Музлук сизди биринчи бўлиб:

— Келинг,— деди у мулойимлик билан.

Шунгача қўлини пахса қилиб гап тушунтираётган Эмрайн жим бўлиб, зимдан қараб қўйди.

Кекса Кевонгнинг қорни қаттиқ ачишар, эрталаб-дан буён туз тотмаганди. Битта пиёладан сўнг боши айланиб кета бошлади. Шунинг учун ўзини овқатга уриб, балиқ билан қайнатма буғу гўшти ея бошла-ди.

Қорни анча тўйгач, ўғлига ўгирилди-да, таъна ара-лаш қаттиқ гапирди:

— Иш кўп! У бўлса бу ерда ароқ ичиб ўтирибди. Ароқ ичадиган вақтми ҳозир?

Мезбонлар ялт этиб қарашди. Чайлада ўтирганлар-нинг ҳаммаси чол ўғлига эмас, уй эгаларига танбеҳ бераётганини тушунди. Ўғлининг катта муваффақи-тини ҳурматлашмаётгани учун хафа эди чол. Овозини баландлатганини дўқ деб билишди.

«Мағрур экан-ку бу чол!»— Ньолгун мўйсафиднинг оппоқ сочлари текис ўрилган бошига, ажин босган қотма юзига ҳурмат билан қараб турди.

Чочуна Касказикни қизиқсиниб кузатарди. У ал-батта Касказикни эслаб қолмаган эди. Утган йили Нгкас-водаги учрашувлари қисқагина давом этган, ўшанда нивхларнинг ҳаммаси унга бир хилда бўлиб туюлган эди. Касказик бўлса, нимқоронғига кўзи ўр-ганиши ҳамоно ёқутни таниб, анқайиб қолди. У

Ньолгунни дарҳол эслади. Илгарилари ҳам бунақаси кўп бўлган. Айиқ сайлига хитойлар ҳам, ёқутлар ҳам, руслар ҳам қаердандир келиб қолишарди, шунинг учун бунга ажабланмаса бўлади. Аммо Ньолгун шунчаки томошага келмаган бўлса керак. Авонглар ҳам бекорга бунчалик ичиришмаса керак. Бу ёғи нима бўларкин?

— Ишлар кўп, сен эса ўтирибсан! — бу сафар мулойимроқ такрорлади Касказик.

Атрофга жимлик чўкди. Таом чайнашлар ҳам тўхтади. Фақат Музлуккина ўчоқ олдида энгашиб нимагадир уннарди.

— Игафкка, нима бўлди? — сўради кекса Кевонг Авонглар оқсоқолидан.

Сукунат яна бир оз давом этди. Эмрайн бошини қуйи солинтирганча қора ит тери пўстинда тебраниб ўтирарди. Шунинг учун бўғиқ, ғамгин қўшиқ янграганда одамлар ҳатто ажабланишмади ҳам:

Э-э-э, э-э-э, э-э, хи-хи-ҳиқ!

Э-э-э, э-э-э, э-э, хи-хи-ҳиқ!

Менга раҳм қилмай Курнг — қодир халлоқ

Узоқ умр бериб жазолаб қўйди.

Қанча-қанча жару қоядан ўтдим,

Аммо ўлиб кетмадим...

Э-э-э, э-э-э, э-э, хи-хи-ҳиқ!

Э-э-э, э-э-э, э-э, хи-хи-ҳиқ!

Ёвуз инс-жинслар, қайда юрибсиз:

Мари тўқайлари, ботқоғу кўллар —

Оёқларим менинг қайга бормади!

Бундан ўлган яхшироқ...

Э-э-э, э-э-э, э-э, хи-хи-ҳиқ!

Э-э-э, э-э-э, э-э, хи-хи-ҳиқ!

Яхшийди ўлдирса осмон ўқ ёйи,

Яхши эди сувлар ютиб юборса,

Парча-парча қилса йиртқич ҳайвонлар,

Қуртлар еб кетгани яхшийди.

Э-э-э, э-э-э, э-э, хи-хи-ҳиқ!

Софдил ва меҳрибон Кевонглар кексаси,

Жирканч виждонимнинг азобловчиси.

Қўллари бақувват, ғазабинг аёвсиз,

Ур мени, унутиб аҳмоқлигимни!

Э-э-э, э-э-э, э-э, хи-хи-ҳиқ!

Э-э-э, э-э-э, э-э, хи-хи-ҳиқ!

Нафрат билан ургин мени кучукдай.  
Ўғрини ургандай ғазаб билан ур.  
Инсон қиёфасин йўқотганман мен,  
Ур мени, ур, истасанг ўлдир!

Баногоҳ гумбирлаш, қичқириқ, жаранг-журунг,  
увиллаш эшитилди.

Кланг-кланг! Бум-бум! Кланг-кланг!  
Кланг-кланг! Бум-бум! Кланг-кланг!

Қулоқ остида бўш металл шақилдоқлар — шохлар товуши жарангларди. Тўхтовсиз давом этаётган жаранг-журунг чирмайданинг қулоқни қоматга келтирувчи гиждаба-банги остида кўмилиб кетди.

«Қачон аслаҳа анжомларини тақиб олишга улгурди ўзи?» — ўйларди Икилак жаҳли чиқиб, ғазаби ортаркан.

Сўнгги лаҳзагача бурчакдаги панада ўтирган Кутаннинг жазаваси тутиб кетди. У чайланинг ўртасига тақира-туқур сакраб, ўчоқ алангаси фониди қора ва қўрқинчли кўринган кўйи шайтон ўйинига тушаркан, бурала-бурала ўзини ҳар томонга ура бошлади.

— Кланг-кланг! — чувалчангдай эшилар.

— Кланг-кланг! — новдадай букиларди у.

— Бум-бум! — ёғоч айиқ боши узра чирманда овози тараларди.

— Кланг-бум! Кланг-бум! Кланг-бум! — Кутан сакрай-сакрай чирманда чаларди.

— Ха-ха-а-а-й! Ха-а-а-й! — бақирарди у худди даҳшатли бирон нарсадан қўрққандай. — Ха-а-ай! Ха-а-ай!

— Бум-бум-бум-бум! Бум-бум-бум-бум-бум!

Кланг-кланг-бум! Кланг-кланг-бум!

Ёвуз жинлар ҳар доим чайлага кириб олиши мумкин. Улар билдирмай, кўзга кўринмай, қопқоронғи бурчакларда пайт пойлаб ётади.

Азайимхон уларни чайладан ҳайдаб чиқарди, чунки буёғига нима қилиш кераклигини маслаҳатлашиб олиш керак, йўқса аждодлар арвоҳи билан гаплашишга халақит беришади.

— Бум-бум! Бум-бум! Кланг!

Жаранглаган қўнғироқлар тинди. Азайимхон Икилакнинг боши юқорисига диққат билан қараб, эшик томонга сакраб четлашаркан, қичқирди:

— Фийть! Фийть!

Чирманда овози авжга минди, шокилалар қаттиқ шиқирлади. Ҳочоққа яқинлашган азайимхон қўллари-ни голибона силкиб, чирмандани латта ўроғлиқ тўқмоқча билан аста, бир маромда ура бошлади. Кутан чайлани жинлардан фориг этди — энди улар зиён-заҳмат етказмайди.

Бурчакда индамай ўтирган Музлук енгил тин олди — чайлада энди ёвуз жинлар йўқ. Кутан аждодлар арвоҳи билан гаплашади. Арвоҳлар тўғри фикр ва барча яхшиликларни сақлаб туради. «Ҳозир қаёққа бошлар экан? — Касказик дилтанг кутиб турарди. — Азайимхонга яхши бўлсин. Бизга яхшилик истовчиларнинг ҳаммаси билан учрашсин. Азайимхонга ҳеч ким тўсқинлик қилиб, халақит бермасин».

Гутан бўлса ҳаммадам юқорига кўтарилаётган эди. У такка-тум ва шақира-шуқур овозлар остида кўтариларди. Кейин талвасаланиб титраши, мажолсиз қўл ҳаракатлари, ҳарсилаб тез-тез нафас олишидан одамлар унинг юқорига қаттиқ қийналиб кўтарилаётганини билишди. Икилак кифтини тутди. Йигит азайимхонга унинг машаққатли йўлида ёрдам бермоқчи эди. Бироқ Гутан қилт этмас, пояга осилиб, анграйганча бурчакка тикилиб турарди .

— Нима бу? — ташвишли шиқирлади шокилалар.

— Ким бу? — хавотрили даранглади чилдирма.

— Кимсан? Кимсан? — қичқирди Гутан ва айиққа ўхшаб сакрай-сакрай мубҳам душманга ҳамла қила бошлади.

— Кланг-кланг! Бум!

— Кланг-кланг! Бум!

Музлук азайимхоннинг йўлида ким учрадийкин, деб ташвишланди.

Кевонглар ҳам хавотирга тушишди: яна ёвуз ким бор экан? Ҳаммаси яхши кетаётган эди, фалокат юз бермасин-да ишқилиб.

«Азайимхон азайимхон билан тўқнашди», — деган фикрга келди доно Касказик. Энди азайимхонлар олишувни бўлиши тайин.

Ҳақиқатан ҳам наъра янгради.

— Талгин! Талгин! Чиринг... Тиг'о!<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Нивхларнинг энг ёмон ҳақорати. Бундан сўнг олишув бошланади.

Азайимхон оёғини букиб сакрар, чирманда чаларди. Гутан ҳамла бошлади. Икилак эса Талгин ким бўлсайкин, дея боши қота бошлади. Йигитча бу номни кўп эшитган. Калакаомуз тилга олишарди уни. Э, бўлди, бу уларнинг азайимхони-ку. Икилак энди эсини таниган пайтлар Мливога келиб қолган Кевонглар уругининг азайимхони! Талгиннинг каромати камдан-кам тўғри чиқарди одатда. У ўлгандан сўнг манзилгоҳларда бир воқеани анча вақтгача қайта-қайта эслаб юришганди: ёш, энди азайимхон бўлаётган Талгин омадли овчи билан жанжаллашиб қолади. Қаттиқ ранжиган Талгин бошлаб ўч олишга қарор қилади. Ёзу куз овчининг тайгага кетишини пойлайди. Интиқ бўлаётган ўргамчик азайимхон кечаси билан фирбларини ўқий-ўқий, охири ҳолдан тойибди, ҳатто хушсиз йиқилибди. У мағрур овчини жудаям жазолагиси келар, оёқлари остидаги муз ёрилиши, тузоқларига ҳеч нарса илинмаслигини истарди. Буни пайқаб қолган манзилгоҳ аҳолиси шум ният азайимхонни ёвузга чиқариб қўйибди. Одамлар тайгага хавотирли боқишарди. Аммо серқуёш, овга қулай кунларнинг бирида ёш овчи ҳоргин, бироқ бирор зиён-заҳматсиз оғир халтасини орқалаган кўйи тайгадан чиқиб келибди. У манзилгоҳдошларининг ташвиш-хавотирларидан беҳабар эди. «Муз тагига тушиб кетмадингми?— деб сўрашибди ундан ҳанқишлоқлари. «Йўқ,— дея жавоб қайтарибди овчи.— «Сувсар ҳам овладингми?»— «Овладим». «Касал-пасал ҳам бўлганинг йўқми?»— «Йўқ, касал бўлмадим»,— жавоб берибди овчи, бесаранжом қаршилашган манзилгоҳдошларидан ажабсиниб.

Ўшандан буён Талгин нивхлар эътиборидан қолган, айрим камбағалларгина икки-учта қуритилган балиқ бериб, дам солиб қўйишга чақирарди.

— Бум-б-м-бум-бум!

— Бум-бум-бум-бум!

Гутан эгик бошини чўзиб, қулоқ солди. Аммо Талгин чамаси Гутандан норози эди: чирманда, шокилалар садосидан ҳатто Икилакнинг тишларигача зирқираб кетди. Гутан, одамларга ёрдам бериш керак, Кевонгларнинг уйланиши шундай оқибатга олиб келяпти, деганди. Ҳозир Гутанга оғир, жудаям оғир, чунки ундан халоскорона гап кутишяпти. Талгин, эси паст Талгин бўлса чамаси, нима қилишни маслаҳат бериш

ўрнига, аксинча, Гутан тўғри йўл топишдаги оғир ишида халақит берапти унга.

— Нега йўлда тўғаноқ бўляпти бу ярамас?!

Ҳозирги дарғазаб сўзларни Касказик айтди. У ўзининг марҳум азайимхонини биларди. Касказик у ҳаёт вақтида ҳам очиқдан-очиқ хуш кўрмасди. Маҳмадана, мақтанчоқ, ғаразгўй ва умуман ҳамма ёмон одамларга сира тоқати йўқ эди. Талгин вафот этгач, дунёда битта ёмон камайди, деб хурсанд бўлганди Касказик.

— Ур уни! Ур итни!— талаб қилди Касказик.

Гутан чурқ этмай ўтирган одамлар ёнидан отилиб ўтди, чамаси, Талгин ҳужумга ташланган бўлса керак. Гутан юзини чирманда билан тўсди-да, узоққа сакраб туриб қаттиқ зарба берди. Шодиёна қичқириқ ва чилдирманинг ғолибона садоси Гутан устун келганидан дарак берарди.

— Ҳе, ит-т! Бошимизга фалокат келтирмоқчидинг, лаънати!— Касказик Талгинга нисбатан нафратини мана шундай тўкиб солди. Кекса Кевонг тирик, ақлли азайимхон илтифотини қозониш учун очиқдан-очиқ хушомад қиларди. Касказик азайимхонни барибир бошқа уруғ томонга ўтиб қолмаслигини биларди. Аммо чорасизлиги учун шундай қилишга мажбур эди. У ҳамма нарсага рози, ҳатто азайимхоннинг мақсадини ҳам сезмаётгандай тутарди ўзини.

Икилак отасининг дилидан нималар кечаётганини билмасди, аммо ўзини ғалати тутаётганини кўриб турарди. Ҳеч қачон отаси бунақа бўлмаган. Юраги сиқилиб кетди, томоғи қаттиқ бир нарса тиқилгандай бўғилди. «Бахтсиз одамлар эканмиз, бахтсизмиз. Бу ердан кета қолганимиз ёки ўлганимиз яхши эди».— Икилак кўз ёшларини аранг тутиб турарди.

Лекин бу ерда, қоронғи тушиб (гулхан ўчиб, осмонга юлдузлар чиққан эди), шокилалар, чирманда жим бўлган, япроқларнинг шилдираши-ю, чуқур нафас олишгина дам солиш давом этаётганини билдиради. Азайимхон мағлуб Талгин ёнидан узоқлашганди. Талгин одамларга ёмонлик қилмоқчи бўлган эди, албатта. Шунинг учун Гутаннинг жаҳли чиқаётганди.

Гутан бир ўзи коинот бағрида парвоз этиб, нималарнидир шивирларди. У ёрдамчи жин, маслаҳатгўй жин—тэхниги чорлаётганди. Мана шамол ҳам тинди. Сукунатда фақат шивир-шивир эшитилади.

— Киньган! Киньган! — чақирарди овози бўғилган, толиққан Гутан.

Бундай исми Икилак эшитмаган эди. Кайфи тарқаган кенжа Кевонг нима гап, дегандай отасига қараб қўйди. Бошқа пайтда бўлганда Касказик бу толеи паст анқовга жавоб қилиб ўтирмасди, у қайлиқни бой бериб қўйгандай эди. Киньгин — ўша Эмрайнинг отаси, етмиш ань бурун вафот этган. У ўғлига нима деркин? Уғли истаётган нарсани айтса керак-да. Эмрайн муғомбирлик қилипти. Аждодларнинг одатидан юз ўгирмоқчи Ньолгун билан қанча ароқ ичиб қўйди. Совғаларни ҳам қабул қилиб олгандай. Лекин у қандай қилиб одатларга қарши бораркин? У ҳолда уни ўлдириш — ҳеч нарсага ярамайдиган итни ўлдириш билан баравар...

— Нима қилиш керак? Нима қилиш керак? — сўрарди Гутан.

Чайлада жимлик чўккан эди. Ҳамма ҳуқуқни ўз ўғлига бериб қўйган марҳумнинг руҳи нима деркин?

Гутан чирмандани секин-аста чала бошлади. Шокилалар чирманда билан гаплашаётгандай енгил шилдирарди. Одамлар Киньган яхши, тўғри сўзлар айтишини тушунишди. «Улуғ ва доно Киньган, орамиздан кетдинг, яхши фикрларингни ҳам ола кетдинг. Уша фикрларингни такрорла, бугун улар Эмрайнга келсин, Гутан орқали, азайимхонимиз орқали қайтариб юбор», — илтижо қиларди ўзича Музлук. У энди ҳеч ким аждодлар одатини бузмайди ва қиз ҳақиқий куёвники бўлади, деб ишонарди.

«Мен қандай ярамас одамман, марҳум ҳақида ёмон ўйлар ўйладим. Унинг арвоҳи бунинг учун мени кечирмайди, агар муваффақиятсизликка дуч келсам, ўзим айбдор бўламан. Марҳумлар ҳақида бундай ёмон фикрга келмаслик керак, — деб ўзини ўзи койирди Касказик ва қариб қолдим, шунинг учун жаҳл қилдим», — деб ўйларди.

Музлук сўнган оловга аста ўтин қалади. Олов яна тикилиб ўтирган одамлар юзини ёритиб ёна бошлади. Гутан ақли тиниқ Авонгларнинг доно аждоди арвоҳи томон қийин йўлда роса ҳолдан тойиб, чўккалагач, бир қўли қайирилиб кетди, иккинчиси билан бошини ушлаганича ёнбошига ағдарилди.

Эмрайн чопис келиб, унинг бошини кўтарди, кейин оғзига пиёлада ароқ қўйди. Азайимхон ҳатто ютин-

мади ҳам. Эмрайн Гутаннинг буғу терили қалпоғини топиб бошига кийдириб қўйди.

— У улуғ азайимхон,— деди Ньолгун ҳамма эшитадиган қилиб.

— Узига келсин, у бизга муҳим гап етказиши керак,— деди Эмрайн.

«Сенлар итсан, итсанлар. Алдоқчилар. Муттаҳам ва алдоқчилар. Бунақангиларни нивхлар кўрмаган эди!» — Касказик Гутан яна нималар дейишини билмасди, бироқ уни алдашганини сезиб турарди. Виждонсизларча алдашди. Ғазаб, алам, нафрати қўзиб кетётган эди унинг. Нима қилиш керак? Нима қилиш керак? Касказик савол назари билан қараб турган ўғлини, ҳаммавақт ҳаракатчан, самимий ва сеvimли ўғлини кўриб, унинг покиза, ёш ҳалол кўзлари аралаш бир мушт туширди.

### XXXIX боб

...Аллақандай аянчли ориқ, сочлари тўзгиган, эски буғу тери пўстини кийиб олган одам Касказикка яқинлашмоқчи бўларди. Бу одам олдинга интиларди-ю, маймоқ оёқларини аранг кўтариб босар, қўлларини оқимга қарши сузаётгандай ҳаракатлангирарди. У кўзга кўринмас тасмага боғлаб қўйилгандай эди, бир қадам ҳам яқинлашолмасди. Қизиқ, қуёш чиқиб турган, заррача ҳам шамол эсмаётган бўлса-да, бу одам бир қадам ҳам юролмапти. Ким ўзи у? Нима қилмоқчи? Касказик қизиқиб ёнига борди. Борди-ю, ажабланиб қолди — бу аллақачон ўлиб кетган Талгин, кевонглар уруғига мансуб шум ният азайимхон эди. «Менинг олдимга келиб яхши қилдинг. Менинг хотирамни эсга олмасанг ҳам, мен ҳақимда ёмон гаплар айтсанг ҳам аччиғланмайман. Сен билан мен бир уруғ одамларимиз. Мен ҳам сенга ёрдам қиламан. Муқаддас одатларни қўй — Пал-изнг Авонгларни жазойлайди. Айиқ бизники эмас. Пал-Изнг авонгларга ғорни кўрсатди, айиқ ҳам уларники. Одатни биласан-ку, ғорни топган одам айиқнинг бош суягини сақлаб қўяди. У одам Пал-Изнг билан ҳам гаплашади. Русмларни қўй, авонглар жавоб беради...»

Касказик ҳаммадан олдин уйғонди, ҳали қоронғи эди. Олов анча пасайган, мезбонлар мастликда кечаси ўтин қалашмаган эди. Касказик кул қоплаган кў-



киш чўғ устига тилогоч гўлаларини қўйди. Чолнинг руҳи енгил тортган, худди ташвишли ўй-хаёллар бўлмагандай эди. Энди у нима қилишини биларди. Раҳмат, сенга, Талгин. Раҳмат.

Касказик чора топгандай кулимсираб қўйди-да, ухлаб ётган Эмрайнга нафрат билан тикилди, у қоронғида яшиқдан четдаги нарда пишиллаб ётарди. Ерда аввалгича ётган азайимхонга қарашни ҳам эп кўрмади ўзига... Ғорнинг ёнидаёқ Хиркун билан Лидяйн айиқнинг чарв, сон ёғлари, ўмгачини покиза кесиб олишган эди.

Айиқнинг боши, тили, тўши, жигари, томоғи, қовурғалари, юраги, этдор мушакларини алоҳида оловда қовуриш керак, удум шунақа. Касказик расм-русумларни яхши билади. Ахмалклар кейин пишган ўша аъзоларни махсус пичоқда майдалашади. Сайлнинг охирги куни, меҳмонлар иззат-икром қилинадиган куни чиройли заранг товоқда уруғ меҳмонлари — имхларга гўшт тортилади. Ана шундан кейингина энг асосий маросим — айиқ жонини тоғлар ва тайга маъбуди Пал-Изнгга олиб боришни бошлаш мумкин. Айиқ сайли нивхларнинг энг катта ва муқаддас сайлидир. Ҳеч ким бу маросимни буза олмайди. Акс ҳолда, Пал-Изнг эътиқодидан қайтганлар очлик ва касаликка дучор этиладилар, уларга айиқ юборилиб, шундай куйга солинадиларки, оёқ-қўллари ишламай қолади, басир бўладилар, йиртқич уларни тилка-пора қилади. Асрий удумни бузишга ҳеч ким журъат этолмайди. Лекин Касказик бузгани бўлсин ўша удумни! Унинг бошқа чораси ҳам йўқ. Авонгларнинг ўзлари бундан ҳам муқаддасроқ русмни бузишди — никоҳлаб қўйилган қизни бошқа одамга беришмоқчи. Касказик азалий анъанага шак келтиради ва бу билан Пал-Изнгнинг ашаддий ғазабини қўзғайди. Бироқ кевонглар уруғи гуноҳда қолмайди — улар қуда томоннинг хоҳишларини бажаришди, айиқнинг танасини олишди. Гуноҳ ҳақиқий айбдорлар уруғига тушади, чунки уларга ғорни улуғ ва қудратли Пал-Изнг кўрсатган. Пал-Изнг боплаб жазолайди уларни. Бу ҳайратангиз воқеа эртакка айланиб кетади, у кейин оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб юради — токи ҳеч ким разил бўхтонга учрама-син учун ҳамма одамларга ибрат бўлади.

Қар-га о-та!

Қар-га о-та!

Ясан-тусан аёллар манзилгоҳнинг ухлаб қолган аҳолиси билан меҳмонларни сайлгоҳга чорлашди. Заранг ва шумурт таёқлар урилиб дўпир-дўпир овозларни эшитишди. Бу овоз кучая бориб, акс-садоси манзилгоҳ узра тараларди. Қорда бир-бирларининг пинжига кириб ухлаётган итлар гингший бошлади. Арчаларнинг каллакланмаган учи зарб маромида бир-бирига урилади: ҳа, бугун сайл, айиқ сайлининг иккинчи куни. Зиёфат бўлади! Базми жамшид!

Ҳамманинг қорни тўяр!  
Келингиз, одамлар!  
Келингиз!  
Ҳамманинг қорни тўяр!

Аёллар нима қилишни билишади. Улар кечаси ухламай, гой'нинг намланган терисини гўшти ва тангачаларидан ажратишди, ярим кечагача қозонда қайнатгач, катта тоғораларга солиб, устидан музлаган гиёҳ, қайнатилган донатор саран сепишди, қиздирилган нерпа ёғини қўйиб, йўлакка совитиш учун олиб чиқиб қўйишди. Шу емишдан итларга ҳам берадилар. Итлар инъом юклари билан айиқнинг жонини тоғлар ва тайга маъбуди Пал-Изнгга олиб боради. Маълум қисмини уруғнинг қадамжосида қолдиришади, қолган ҳаммасини меҳмонлар ейиши керак. Мезбонлар эса бир бўлакдан олиб татиб кўрадилар. Кейин меҳмонлар гўшт ейишади. Гўшт эса кўп, омадли ва бахтли кенжа кевонг — Икилак баҳайбат айиқ ўлжа қилган.

Қар-ға о-та!  
Қар-ға о-та!

Аёллар миришкор. Улар ишларини бажариб қўйишди. Одамлар сайлгоҳ томон — уруғ чайласи яқинига бир-бир тўплана бошлашди. Олдин келганлар қор текислашга киришишди, кейинроқ келганлар ҳам қўшилишди бу кўнгилли ишга. Одамлар бугун ораларида энг кучли, энг эпчил, энг мерган кимлигини билиб олишади.

Уруғ аъзолари катта гулхан атрофига ўтиришди — нонушта қиладиган вақт бўлган эди.

---

<sup>1</sup> Г о й — лососсимон балиқ.

Талгук ҳамма меҳмонлар олдига тўрт энлик қалинликда парракланган гўшт қўйиб чиқди.

Уруғ чайласида эса жимжитлик, у ерда азайимхоннинг фатвосини кутишаётган эди. Касказик айтди азайимхон нима деганини. У шошилмасди. Авонгларнинг удумга риоя қилишдан бошқа иложлари йўқ: эс-ҳуши жойида одамлардан ҳеч ким ўз уруғини Пал-Изниг нафратига дучор этмайди. Гутан гапирсин — кеч-қурун у доно ота-боболар арвоҳи билан гаплашди. Фатво берсин. Муғомбирлик билан пайсалга солаверса, кекса Кевонгнинг ўзи гап бошлайди.

Нажрга келган анчагина текин томоқлар уруғ чайласидан аввал Хиркун, кейин Ньолгун ва Чочуна чиқишгач, апил-тапил таомга қўл уришди. Оёқ чигилини ёзиш учун чайладан бошқалар ҳам чиқиб келишди. Хиркун ходалар билан қўрғалган муқаддас гулхан ёнига борганида одамлар унга ҳозир меҳмон-измондан кўра ҳам таом зарурлигини тушунишди.

Ёқут ва Ньолгун жилмайишди. Ньолгун ким қайси уруғдан эканлигини айтиб турарди:

— Бу Пото-водан. Булар — у ночор кийимли чолларни кўрсатди, — Чир-водан. Сувсар кўп уларнинг жойида. Мўйна ҳам! Лекин кийим-бошлари алвидо. Тимоша у ёққа боролмайди: бунинг учун буғу керак.

У уруғ ва манзилгоҳлар номини айта-айта одамлар оралаб юра бошлади. Чочуна чақирилган ва чақирилмаган меҳмонлар билан танишиб Ньолгундан шундай дейишни илтимос қилди: барча нивх манзилгоҳлари аҳолиси билиб қўйсинки, Чочуна уларнинг ерига яхши ният билан келган, нивхларга машаққатли ҳаётида ёрдам беришни истайди. Ҳозир ўтмиш замон эмас. Ҳали ҳам балиқ терисини кийиб юрган нивхлар бор. Мовут кийим иссиқроқ, қулайроқ бўлади, чидамли ҳам. Нивхлар ҳали ҳам сувсарни тузоқда туттишади. Темир қопқон афзал, ишончлироқ. Кўплар ҳали ҳам камон ва найзалар билан ов қилишади, ундан милтиқ маъқул, нишонга аниқ тегади. Кўп манзилгоҳларда ўчоқ, темир идишлар, ниналар, болта, арра, пичоқ, тўрлар етишмайди. Тимоша битта камзулга қирқ-қирқ бешта сувсар сўраяпти. Бу жуда қиммат! Тайгалик нивхлар! Дарё нивхлари! Сиз мол олиш учун қаллоб савдогарлар олдига боришингиз керак эмас. Чочуна керакли молларни ўзи олиб келади. Буғуларда келтиради. Сувсар ва тулкиларни рус, маньжур — баттол савдогарларга бе-

ришга шошилманг. Нивхларнинг яхши дўсти фақат Чочунагина сувсарларингизни ҳақиқий баҳолайди. Кимки мўйна олиб келган бўлса имкони комил бўлсин, нивхлар сингари ёқут ҳам ҳалол, нивхлар сингари олижаноб! Яқинроқ келиб, аввал хурсанд қилувчи сувдан татиб кўринглар! Ҳеч нарсаи бўлмаганлар ҳам келаверсин, Чочуна саҳий одам, Чочуна олижаноб одам — ҳаммани меҳмон қилади!

Касказик боши қаттиқ қизиб кетганини сизди. У секин сўради:

— Нима қиялпсизлар ўзи, одамлар? Улғойим айиқ сайлини олди-сотдига айлантириб юбординглар-ку?

Чолларга ҳам, ёшларга ҳам, эркакларга ҳам, аёлларга ҳам — ҳаммага ароқ қуйиб беришарди. Кружка дам-бадам бўшар, кейин яна тўлдиришарди. Ичинг, нивх биродарлар! Ёқут ҳаммани: мўйна олиб келганларни ҳам, ови бароридан келмаганларни ҳам сийларди. Еб, ичаверинглар. Кейин нивхларнинг дўсти ўз молларини кўрсатади.

...Ньолгунни чақиришганда у банд эди. Азайимхон ваъз бошлади. У узоқ вақт ўз тэхинги<sup>1</sup> билан маслаҳатлашибди, сўнг шундай қарорга келишибди. Арвоҳлар Икилакка ҳам, Ньолгунга ҳам раҳм қилдилар: иккаловлари ожиз, ўлиб бораётган уруғлардан. Шунинг учун адолат бўлсин, уларнинг ўзлари ўзаро ҳал қилишсин. «Зар-тяр<sup>2</sup>» ёрдамида ҳал қилишсин, дебди Тэхнг.

Ньолгун ҳаммага мағрур қараб чиқди. Унинг нигоҳи Икилакда тўхтади. Икилак отаси ёнида унинг орқасига бекинмоқчи бўлган одамдай ўтирарди.

— Йўқ! Йўқ! — қичқирди Касказик. — Уғлим чарчаган, қўлини қимирлатишга ҳам ҳоли йўқ, сизлар эса уни олишувга тушурмоқчисиз. Йўқ, бунақаси кетмайди!

Эмрайн вазмин жавоб қайтарди:

— Дам солишда бор эдинг-ку ўзинг. Азайимхоннинг фатвосини ўз қулоғинг билан эшитдинг.

— Уғлимни синаб кўрдинглар! Оқлади ўзини! Биз ҳам, Эмрайн, сен билан муқаддас чнир-юпт маросимини ўтказдик. Эшитяпсанми гапларимни, Эмрайн? Бироқ Касказикка ҳеч ким қулоқ солмасди.

<sup>1</sup> Тэхинг — маслаҳат маъбуди.

<sup>2</sup> Зар-тяр — ёғоч қилич.

Туш-чи? Талгиннинг маслаҳати-чи? Бир лаҳза бурун у ўзини энга кучли деб ҳисоблаётган эди, чунки ҳар қандай аҳмоқ одам ҳам энг муқаддас удум — айиқ жонини кузатиб қўйиш удумини бузмаслигини биларди. Касказикнинг отаси замонида ҳам, Эмрайннинг отаси замонида ҳам шундай бўлган эди. Касказикнинг бувиси даврида ҳам, Эмрайннинг бувиси даврида ҳам шундай бўлган эди. Ер юзида биринчи нивх пайдо бўлган вақтдан буён шундай бўлиб келарди!

Улар бўлса нима қилишяпти? Ахир Авонглар қадимги нивхлар уруғи-ку! Уларга нима бўляпти ўзи? Шайтон кириб олибди дилларига. Дажжолнинг куни туғяпти. Уруғ оқсоқоли Эмрайн билан азайимхон Гутан Кевонглардан аёлни тортиб олишмоқчи.

Касказик бир кўнгли тўнғич ўғлини Тим дарёсининг юқорисига, Вискво қишлоғига, Висквонглар уруғига ёрдам сўраш учун юбормоқчи ҳам бўлди. Висквонглар ёрдам беради, чунки улар Кевонгларга қудақудағай. Ҳар қалай Касказикнинг қизи Инъгит Висквонгларга кўп бола туғиб берган...

Чақирса бўлди, етиб келишади. Найза, камонлар билан келишади. Балки милтиқ ҳам олиб келишар. Лекин унда қон тўкилади. Яна хунрезлик бўлади!.

## XL боб

Уруғ чайласидан четда турганлар у ерда нима бўлганлигини билишмасди. Аммо иш мана шунақасига айланиб кетаётгани тўғрисида миш-миш тарқай бошлаган эди. Кевонглар мезбонларнинг ҳамма талабларини бажаришди, уларга омад ҳам кулиб боқди. Бунинг устига, илгари чнир-юпт маросими қилиб қўйилган. Шунинг учун Ланьгук кевонгларники бўлиши хусусида шубҳага ўрин йўқ. Бироқ Эмрайн фирромлик қилди. Одамлар Эмрайн сотилганлигини тушунишган эди.

Ланьгук уруғ чайласида нималар бўлаётганига сиртидангина лоқайд эди. Унинг иши эмас. Ланьгук кевонглар манзилгоҳига ўтиши учун Икилак ҳамма ишни қилди. Онаси удум ҳеч қачон бузилган эмас, деб айтарди. Икилак жасур йигитлигини рўй-рост исбот этди. Бироқ ота-болалар Нгакс-водан келган одамга юмшоққина рад жавоби бериш учун муқаддас чайлада боядан бери ўтиришибди. Кевонглар яхши қалин беришди. Агар Ньолгун тортиқликларни қайтариб

берийглар деса, қалиннинг бир қисмини бериш мумкин. Ота шундай қилади ҳам...

Оқ-қа-йин остида,  
Оқ-қа-йин остида,  
Нав-қи-рон

булдуруқ

Епишар гоҳ кесакка,  
Гоҳ майса устида

кўринар такрор...

Ланьгук уруғ чайласидан Ньолгун қандай чиқиб келганини кўриб қолди. Унинг қўлида яхшилаб йўниланган ёғоч қилич бор эди. Ланьгук ёғоч қиличбозликни кўп кўрган. Буни айниқса Лидяйн ёқтирарди. У қўшни манзилгоҳлардан тенгқурлари меҳмонга келиб қолса ёки ўзи улар томонга бориб қолса, албатта мусобақага чақирарди. Катта манзилгоҳлардаги ҳамма ёшлар ёғоч қиличбозликка уста эдилар. Ҳамма жойда эпчиларнинг бундай мусобақасини яхши кўришади.

Ланьгук айиқ сайлидаги мусобақалар бошланган бўлса керак, деб ўйлади.

Лекин бу қанақаси? Худди шундай ёғоч қилич билан Икилак ва унинг орқасидан мўътабар қариялар ҳам чиқиб келишди. Нега уларнинг қовоғи солиқ, ўшшайиб олишган?

Ньолгун мусобақа ўтказилувчи майдонга борди. Кейин ҳаракатларига халақит қилмаслик учун тасмасини ечди, оёқларини керди, ёғоч қилични икки қўлида қоши баравар қилиб кўтарди, бу ҳужумни кутиш демак эди. Икилак қаршисига туриб ёғоч қилични секин силкиди.

У қўл-оёғи боғлаб қўйилгандай турарди. Йўқ, у олишувдан чўчимасди. Баҳайбат айиқни енгиб, энг асосий синовдан ўтгандан сўнг бундай олишувга тоқати қолмаган, устига устак қўл-оёқлари мажолсиз эди.

Касказик ҳар нарсани кутса ҳам бироқ иш бунақасига айланишини ўйламаганди. Кекса Кевонг ҳам бунчалик бўлишини хаёлига келтирмаганди... Йўқ, ҳали ҳам фурсат бор. Ҳали умид қилса бўлади... Уғли зарба бериши керак. Нгакс-волик бу йигитнинг бошига яхшилаб таёқ туширса бас. У ўша қудратли одамларнинг зурёди. Кўп йиллар бурун кевонглар улар билан

қонли жанг қилиб, ўз қадимий уруғлари ҳаётини давом эттириш ҳуқуқини олган эдилар...

Бекорчилар рақиблар атрофини ўраб олишди. Баъзилар шунчаки бақиривар, гижгижлашарди.

Икилак бор кучини тўплаб зарба берди. Таёғи синиб кетди. «Дарз кетганини беришган экан»,— деган фикр кечди хаёлидан аъзойи бадани музлаб.

Ланьгук мусобақа эмас, расмана жанг бўлаётганини ҳаммадан кейин тушунди. Унинг учун жанг бўляпти! Қиз шумурт таёғини улоқтириб, югуриб бормоқчи эди, аммо қорда тиқилиб қолди... Кейин чор-ночор бақир-чақир қилаётган оломон томонга йўналди.

Афсуски, Ланьгук оломон ёнига етиб келганида Икилак Ньолгуннинг зарбасидан чайқалиб кетиб, синиқ, учи торс айрилган таёқни ушлаган кўйи тебрана-тебрана ерга ағдарилди.

Жим бўлиб қолган манзилгоҳ узра қаттиқ чинқириқ эшитилди. Ланьгук чайлага югуриб кириб, у ердан эркакларнинг янги торбазини кўтариб чиқди-да, Кевонгларнинг нарта йўли томон отилди.

— Ха-ха-ха-ха-ха!

Лидяйн куларкан, савдойи қиёфада қўли билан синглисини кўрсатарди:

— Вой, жинни-ей! Узоққа боролмайсан!

У лахта белбоғини одатдагидай белига ўраб боғлагач, нарта ёнига югуриб бориб итларни қўшди.

Ньолгун удумга кўра мағлуб бўлган рақибининг бошини боғлади.

Томошабинлар тарқалишди. Фақат изтироб чекаётган боёқиш Касказиккина шиббаланган қор устида қўлларини юқорига чўзиб ўтирарди:

— Нима бўлди ўзи, одамлар! Қандай бедодлик бу? Нима бўлган одам-лар-га?

*На узбекском языке*

Библиотека дружбы  
Проза народов СССР

**Владимир Михайлович Санги**

**ЖЕНИТЬБА КЕВОНГОВ**

Роман

Перевод с издания издательства «Советская Россия», Москва, 1978

Редактор *Х. Эргашев*  
Серия рассоми *И. Кириакиди*  
Расомлар: *И. Кириакиди* ва *С. Латипов*  
Расмлар редактори *А. Кива*  
Техн. редактор *У. Ким*  
Корректор *Д. Муҳиддинова*

ИБ № 1808

Босмахонага берилди 18. 03. 82. Босишга рухсат этилди 15. 07. 82. Формати 84×108<sup>1/32</sup>. Босмахона қоғози № 3. Мактаб гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 10,08+0,52. вкл. Нашр л. 10,3+0,45 вкл. Тиражи 30000. Заказ № 1473. Баҳоси 1 с. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган матрицадан 2-босмахонада босилди. Янгийул, Самарқанд кўчаси, 44.